

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ,
ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ

БУХОРО ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

АЛИМОВ НАСИМЖОН ҲОШИМОВИЧ

АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ ҚУРИШ НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ

«XXI ASR MEDIYA» NMU
Тошкент – 2026

УЎК 316.3
КБК 60.56
А 50

Алимов Н.Ҳ. Адолатли жамият қуриш назарияси ва амалиёти
[Матн]: Монография / Н.Ҳ.Алимов. – Тошкент: “XXI ASR MEDIYA” NMU
2026. – 303 б.

Мазкур монография ижтимоий-иқтисодий адолат категория-сини назарий-методологик ва амалий жиҳатдан тизимли тадқиқ этишга бағишланган. Асарда адолатли жамият қуриш ғояларининг тарихи, классик ва замонавий иқтисодий назарияларда ижтимоий адолат концепцияларининг эволюцияси ҳамда уларнинг иқтисодий сиёсатга таъсири илмий таҳлил қилинган. Қайта тақсимлаш механизмлари, солиқ сиёсати, ижтимоий ҳимоя тизими, тенг иқтисодий имкониятлар ва инсон капитали ривожини таъминлаш масалалари комплекс ёритилган. Шунингдек, рақамли иқтисодиёт, сунъий интеллект ва глобал трансформациялар шароитида ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлашнинг институционал ва амалий йўналишлари асослаб берилган.

Монография илмий тадқиқотчилар, докторантлар, магистрантлар ҳамда ижтимоий-иқтисодий сиёсат соҳаси мутахассислари учун мўлжалланган.

Бухоро давлат техника университети Илмий кенгаши томонидан
нашрга тавсия этилган

Масъул муҳаррирлар:

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Ё.Абдуллаев,

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор А.В.Ваҳобов

Тақризчилар:

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Қ.Қ.Мамбетжанов,

Иқтисодиёт фанлари доктори, профессор А.Б.Низомов,

Иқтисодиёт фанлари номзоди, профессор А.Ч.Бобоев

ISBN 978-9910-09-667-9

© Алимов Н.Ҳ.
© “XXI ASR MEDIYA” NMU, 2026 й.

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Адолат қоидаларига риоя қилиш глобал дунёда ва ҳар бир мамлакатда тинчлик, барқарорлик, тараққиёт ва фаровонликка эришишнинг асосий кафолати ҳисобланади. Бугунги кунда бутун инсоният учун ҳам асосий орзу-мақсад бўлган мустақил, тинч ва фаровон ҳаёт кечириш орзу-истаги эркин ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятидагина рўёбга чиқишига шубҳа йўқ. Лекин шундай давлат ва жамиятнинг энг мақбул, реал ишлайдиган модели ва механизмларини яратиш ҳамда замон талабларидан келиб чиқиб, уларни такомиллаштириб бориш ҳамisha долзарб масала ҳисобланган.

Адолатли жамият концепцияси тарихан барча халқпарвар, тинчликпарвар ва тараққийпарвар инсонларни, айниқса, олиму фозилларни, етакчи ва фидойиларни қизиқтириб, бахтли келажакка ундаб келган.

Инсоният тарихидан муносиб ўрин эгаллаган барча до-нишманду мутафаккирларнинг ғояларида адолатли жамият чизгилари мавжуд. Адолат тарих синовларидан ўтган тинчлик ва меҳнат, эркинлик ва тенглик, бирдамлик ва бахт ҳақидаги тасаввурлар билан бирга, кишиларнинг эҳтиёжларини энг кўп ифодаладиган ғоялар қаторига киради. Адолат кенг халқ оммасини қатъий ва фаол ҳаракатга ундовчи, сафар-бар этувчи куч аслида.

Ҳозирги глобаллашган дунёдаги ижтимоий вазият ва тараққиёт даражаси адолатли жамият барпо этиш муаммо-сига эътиборни янада кучайтиради. Адолат масаласи барча даврларда жамият ва шахс муносабатларида муҳим ўрин тутган, бугунги кунда эса янада аҳамиятли ва қадрлидир. Бир сўз билан айтганда, адолат тушунчаси ҳеч қачон эскир-майди ҳам. Лекин ёруғлик ортида доимо қоронғулик яққол кўзга ташланганидек, жамият қанча ривожланса, адолат ва ҳалолликка бўлган эҳтиёж шунча ортаверади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев таъкидлаганидек: “Халқимиз азалдан юксак қадрлаб ке-ладиган, ҳамма нарсадан устун қўядиган адолат туйғусини ҳаётимизда янада кенг қарор топтиришни биз биринчи

даражали вазифамиз, деб ҳисоблаймиз”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёв томонидан таклиф этилган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ҳамда Янги Ўзбекистонни қуриш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш концепциясининг асосида ҳам инсон қадрини улуғлаш, халқнинг эркин ва фаровон ҳаётини таъминлаш ва пировард натижада адолатли жамиятни яратиш ғояси турибди. Зеро, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мақсади – аҳолининг барча қатламларига муносиб ҳаёт даражасини ва турмуш шароитларини яратиб бериш, ижтимоий ҳимоя ва бандликни таъминлаш, даромадлар барқарор ўсишига эришиш, жамиятнинг маданий даражаси, бағрикенглик ва меҳрибонлик фазилатларини янада мустаҳкамлашдан иборат” дир.²

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида³ ҳамда “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида⁴ инсон қадрини юксалтириш ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш орқали халқпарвар давлат барпо этиш; адолатли ижтимоий сиёсат юритиш, инсон капиталини ривожлантириш; ҳар бир инсонга ўз салоҳиятини рўёбга чиқариш учун муносиб шароитлар яратиш; мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги таъминланишини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш; миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш; барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлаш; миллий манфаатлардан келиб чиққан ҳолда умумбашарий муаммоларга ёндашиш; “хавфсиз ва тинчликпарвар давлат” таъминлигига асосланган сиёсатни изчил давом эт-

¹ Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисидаги нутқ. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – Б. 10.

² Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. “O‘ZBEKISTON” Тошкент – 2023. 258-бет.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони // - www.lex.uz.

тириш масалалари асосий устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Шунингдек, янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидан бошлаб эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатимиз, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулият алоҳида қайд этилди. Конституциямизнинг 14-моддасида: “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади” деб белгилаб қўйилди.⁵

Дунёнинг барча мамлакатларида қашшоқликни бартараф этишга, сайёрамизнинг фаровонлиги ва ҳимоясини яхшилашга қаратилган ҳужжат ҳисобланадиган Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадларидан бири ҳам “Тинчлик, адолат ва самарали бошқарув” деб белгиланиши⁶ ҳамда барқарор ривожланиш мақсадлари йўлида тинчликсевар ва очиқ жамиятлар барпо этилишига кўмаклашиш, барча учун одил судлов имкониятларидан фойдаланишни таъминлаш ва барча даражаларда самарали, ҳисобдор ва кенг иштирокка асосланган муассасаларни ташкил этиш вазифалари⁷ қабул қилиниши ушбу мавзунинг глобал аҳамиятга эга эканлигидан дарак беради.

Ҳаётнинг мезони, яшаш қоидаси ва тараққиётга ундовчи куч ҳисобланмиш тушунча – ижтимоий адолат борасида бозор иқтисодиётининг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, улар узоқ вақтлар мобайнида умумжаҳон тажрибасида синалиб, такомиллашиб умуминсоний, умумиқтисодий қадрият сифатида шаклланиб келмоқда. Айниқса, дунёнинг етакчи мамлакатлари “Тўртинчи саноат инқилоби”, “Ақлли иқтисодиёт”, “Инновацион иқтисодиёт”га ўтаётган ва

⁵ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O‘ZBEKISTON”, Тошкент – 2023. 9-бет.

⁶ Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 2015 йилнинг сентябрида Барқарор ривожланиш бўйича ўтказилган саммитида қабул қилинган 70-сон резолюцияси: 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадлари.

⁷ Ўзбекистон Республикасида Миллий барқарор ривожланиш мақсадлари. nsdg.stat.uz веб-сайти.

“сунъий интеллект” ривожланаётган ҳозирги даврда ушбу қадрият ҳам трансформациялашув жараёнидадир.

Шундай қадриятни Янги Ўзбекистондаги тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, демографик, табиий иқлим, экологик ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда ривожлантириш ҳамда ижтимоий адолатнинг объектив ва субъектив томонларини чуқур таҳлил қилиб уни рўёбга чиқариш йўллари иқтисодий жиҳатдан асослаб кўрсатиш долзарб вазифадир. Шунингдек, айтиш пайтда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ҳар томонлама илмий асосларни талаб қилувчи бир қатор мураккаб назарий ва амалий вазифаларни илгари сурмоқда. Шулар қаторида, ишлаб чиқариш, меҳнат, тақсимот ва айирбошлаш соҳасидаги муаммолар (яъни, иш билан самарали бандлик ва ишсизлик муаммоси, меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ҳамда аҳолининг минимал даромадларини таъминлаш муаммолари ва шу кабилар) ҳамда уларни ижтимоий-иқтисодий адолат қоидаларига мувофиқ тарзда ҳал қилинишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижтимоий-иқтисодий адолатнинг мезонларини ҳамда уларнинг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ қилиш давр тақозоси ҳисобланади. Юқоридаги муаммолар тадқиқот мавзуси ва долзарблигини белгилаб берди.

Муаммонинг ўрганилганлик ва ишланганлик даражаси. Ижтимоий-иқтисодий адолат муаммоларини, хусусан ишлаб чиқариш – меҳнат, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнидаги (соҳасидаги) адолат муаммоларини иқтисодий категория сифатида ҳамда иқтисодий адолат назариясининг самарадорлик ва фаровонлик назариялари билан ўзаро боғлиқлигини, иқтисодий адолатнинг самарадорлик ва фаровонликни оширишдаги ролини назарий ва амалий жиҳатдан ўрганишга бевосита бағишланган алоҳида илмий ишлар қилинмаган. Лекин иқтисодчи олимлар бу муаммо билан шуғулланмаган, деб айтиш қийин. Энг аввало, шуни таъкидлаш лозимки, ижтимоий-иқтисодий адолат ғоялари қадимги дунё

мутафаккирлари Пифагор, Конфуций⁸, Афлотун⁹, Арасту¹⁰, Цицерон¹¹ таълимотларида ҳам алоҳида ўринга эга.¹² Мусулмон оламининг илмий бойлиги манбалари ҳисобланган Қуръони карим¹³ ва Ҳадисларда¹⁴, Абу Наср Форобий¹⁵, Абу Али ибн Сино¹⁶, Абу Райҳон Беруний¹⁷, Низомулмулк¹⁸, Юсуф Хос Ҳожиб¹⁹, Ибн Халдун²⁰, Амир Темур²¹, Мирзо Улуғбек²², Алишер Навоий²³, Заҳириддин

⁸ Конфуций. Философия жизни. “Просвещение”. М., 2016, - 304 с.

⁹ Афлотун. Давлат: насрий дoston / Таржимон Урфон Отажон. Масъул муҳаррир Шомухиддин Мансуров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2024. – 505 бет.; Афлотун. “Қонунлар”. “Янги аср авлоди”, 2008. – 450 бет.

¹⁰ Арасту. Ахлоқи кабир. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2024 йил. 155-бет.

¹¹ Цицерон. Нотиклик санъати / Таржимон Урфон Отажон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2024 йил. – 528 б.

¹² Всемирная история экономической мысли. /в 6-томах/ Том 1. - Москва “Мысль”, 1987.

¹³ Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009.

¹⁴ Абу Абдуллох Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий. Ҳадис (ал-жомиъ ас-сахих). Қомуслар бош таҳририяти. Тошкент, 1997 й.

¹⁵ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й.; Фозил одамлар шахри. Абу Наср Форобий: 2-нашр. -Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2012.

¹⁶ https://kitobxon.com/uz/yozuvchi/abu_ali_ibn_sino. Абу Али ибн Сино асарлари, китоблари.

¹⁷ Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

¹⁸ Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Иккинчи тўлдирилган, қайта ишланган нашри. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2010. – 239 б.

¹⁹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Билим саодати) /Абдулхамид Пардаев таълиф. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2019. 635 б.

²⁰ Абдулрахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Муқаддима (иккинчи жуз) [Матн] тарихий Абдулрахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Тошкент, “TRUST AND SUPPORT” нашриёти, 2025. – 440 б.

²¹ Темур тузуклари / Таҳрир хайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 2011 йил. – 184 б.; Amir Temur o'g'itlari: [to'plam] Tuzuvchilar: B. Axmedov, A. Aminov. – T.: Navro'z, 1992. – 236 bet.

²² https://kitobxon.com/ru/yozuvchi/mirzo_ulugbek. Мирзо Улуғбек асарлари, китоблари.

²³ Навоий, Алишер. “Садди Искандарий”: /Насрий баёни билан/. /Таҳрир хайъати А.Қаюмов ва бошқ.: Масъул муҳаррир К.Тоҳиров. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирл., 1991. - 83- б.; Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар

Муҳаммад Бобур²⁴ асарларида адолат муаммосининг иқтисодий қирралари ҳамда фаровонликни ошириш муаммолари муайян умумий даражада ёритилган. Адолат ҳақидаги илк ғояларнинг ижтимоий қадрият сифатида пайдо бўлиши қадимги мутафаккирларнинг номлари билан боғлиқ. Шунингдек, иқтисодий назариянинг классикларидан тортиб, то ҳозирги давргача бўлган вакиллари-нинг асарларида ушбу муаммони у ёки бу жиҳатдан қамраб оладиган томонлари жуда кўп. Бинобарин, юқорида кўрсатилган муаммоларни ўрганишга жаҳон иқтисодиёти ва ижтимоий фанида катта ўрин тутган машҳур олимлар – А.Смит²⁵, Д.Рикардо, Р.Оуэн, Т.Веблен, К.Маркс²⁶, Ф.Энгельс²⁷, Ж.М.Кейнс²⁸, Ж.Б.Сэй, В.Парето, А.Оукен, А.Маршалл, Ф.Эджуорт, А.Пигу²⁹, Ф.Хайек, М.Фридман³⁰, Р.Нозик, Ж.К.Гэлбрейт³¹, Х.Лоренц, Ж.Ролз³², А.Сен³³, П.Самуэльсон³⁴, К.Р.Макконнелл ва С.Л.Брю³⁵, К.Эклунд³⁶,

тўплами: 20 томлик./[Таҳрир ҳайъати: К.Яшин ва бошқ; П. Шамсиев илмий-танкидий тексти асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А. Ҳайитметов. И. Ҳақкулов; Масъул муҳаррир: Ё. Исҳоқов]. Т. 7, Ҳамса: Хайратул-аброр. – Т.: «Фан», 1991. 392 б.

²⁴ Захириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Ҳозирги ўзбек тилига таъдир қилганлар: Ваҳоб Раҳмонов, Каромат Муллаҳўжаева. – Тошкент: “O’ZBEKISTON” НМИУ, 2019. – 440 б.

²⁵ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.

²⁶ Маркс К. Капитал. – М.: Политиздат, 1983. К.Маркс. Заработная плата, цена и прибыль. Наемный труд и капитал. - Москва, Политиздат. 1990.

²⁷ Энгельс Ф. Справедливая заработная плата за справедливый рабочий день. - Маркс К., Энгельс Ф. Соч., Т.19, - 258 стр.

²⁸ Дж.М.Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. Москва, Издательство “Прогресс”, 1978.

²⁹ Пигу А. Экономическая теория благосостояния. В двух томах. Москва, «Экономика», 1984/85.

³⁰ Фридман М. Капитализм и свобода. – М.: Новое время, 2020. – 256 с.

³¹ Гэлбрейт Д. Экономические теории и цели общества. - Москва. Прогресс, 1976.

³² Ролз Дж. Теория справедливости. – М.: Новое издательство, 2020. – 536 с.

³³ Сен А. Развитие как свобода. – М.: Логос, 2017. – 416 с.

³⁴ П.Самуэльсон. Экономика. /в двух томах/. Том 1, 2. Москва МГП «Алгон» ВНИИСИ 1992.

³⁵ Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. /в двух томах/. Москва, Издательство “Республика”, 1992.

³⁶ Эклунд К. Эффективная экономика. Шведская модель. - М.: Экономика,

С.Фишер³⁷, Д.Ажемўгли ва Ж.А.Робинсон³⁸ кабилар катта ҳисса кўшганлар.³⁹

МДҲ мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий соҳа олимларидан Т.И.Заславская⁴⁰, Ю.Кашин, Т.Корягин, В.Е.Давидович⁴¹, В.Майер, Р.Ракитский, А.З.Роговин, П.А.Сорокин, В.П.Бабич, Г.Ю.Канарш⁴², А.Ҳасанов⁴³ ва бошқалар иқтисодиёт соҳасидаги адолат муаммоларига доир кўплаб илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Республикамизда эса Ё.Абдуллаев ва М.Шарифхўжаев⁴⁴, Р.В.Абдуллаев⁴⁵, Қ.Х.Абдурахмонов⁴⁶, Ҳ.П.Абулқосимов⁴⁷, Д.Қ.Ахмедов⁴⁸, Б.А.Бегалов, А.Ш.Бекмуродов⁴⁹, М.Бекмуродов, А.В.Ваҳобов⁵⁰, Э.Ф.Ғадоев, Н.Х.Жумаев,

1991. - 349 с.;

37 Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: Пер. с англ. со 2-го изд. – М.: Дело, 1997. – 864 с.

38 Daron Ajemo‘g‘li, Jeysm A. Robinson. Mamlakatlar tanazzuli sabablari: qudrat, farovonlik va kambag‘allik manbalari. Toshkent: “Asaxiy books” MChJ, “Nihol” nashriyoti, 2023. 676 bet.

39 Всемирная история экономической мысли. /в 6-томах/ том 2. - Москва. “Мысль”, 1988.

40 Заславская Т.И. Социальные ориентиры обновления: общество и человек. - М.: Политиздат, 1990. - 448 с.

41 Давидович В.Е. Социальная справедливость: идеал и принцип деятельности. – Москва: Политиздат, 1989. – 255 с.

42 Канарш Г.Ю. Социальная справедливость: философские концепции и российская ситуация: монография / Г.Ю.Канарш. М.: Изд-во Моск. Гуманит. ун-та, 2011. – 236 с.

43 Али Ҳасанов. ГЕОСИЁСАТ. Бобоҳон М.Шариф, тарж. Тошкент, “TAMADDUN” 2016. – 496 б.

44 Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. Тошкент “Ўқитувчи” 2001 й.

45 Абдуллаев Р.В., Дусанов С.М. Ислом иқтисодиётида молиявий муносабатлар. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – 95 б.

46 Қ.Абдурахмонов. Мехнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2012 йил, 388 бет.

47 Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодий ҳавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма.-Т.: Ноширлик ёғдуси, 2019. – 485 бет.

48 Иқтисодий трансформация назариялари. (Муллифлар: Д.Қ.Ахмедов, Г.Э.Захидов, Б.Д.Хаджиев, Қ.Қ.Мамбетжанов). Т.: LESSON PRESS 2019 йил. – 294 бет.

49 Bekmurodov A.Sh., G‘afurov U.V. O‘zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiyalash – Т.: Iqtisodiyot, 2008.

50 Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014.

О.К.Иминов, Т.С.Маликов, Т.Б.Матибоев⁵¹, Э.Ф.Набиев, Қ.Н.Назаров⁵², О.Олимжонов, Н.Х.Рахимова, И.Саифназаров⁵³, С.С.Сафоев⁵⁴, Р.А.Убайдуллаева, Б.Д.Хажиев⁵⁵, А.Ж.Холбеков⁵⁶, А.Ўлмасов⁵⁷, С.С.Фуломов⁵⁸, Н.Х.Ҳайдаров, Р.Р.Ҳасанов, Ш.Б.Садуллаева, С.Ҳ.Султанов, М.М.Тешабоев⁵⁹, Ш.Исроилова ва бошқа олимларнинг илмий ишларини шундай таърифлаш мумкин.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, яна шу нарса-ни таъкидлаш зарурки, ижтимоий адолатнинг иқтисодий жиҳатлари, айниқса бозор иқтисодиёти шароитида уларни рўёбга чиқариш билан боғлиқ бўлган бир қатор муаммолар ҳали етарлича тадқиқ қилинмаган ва жуда баҳсталаб, муно-заралидир.

Кўрсатилган муаммоларнинг иқтисодий назария ва ҳў-жалик амалиёти учун долзарблиги, унинг ўрганилганлиги ва ишланганлик даражаси, ўзаро мунозарали ва етарли-ча илмий-иқтисодий асосланмаган масалаларнинг кўплиги диссертация мавзусини танлаш, ишнинг мақсади ва вазифа-ларини белгилаш учун асос бўлди.

Илмий тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари.

⁵¹ А.Ж.Холбеков, Т.Б.Матибоев. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 186 б.

⁵² Назаров Қиём. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1 ва 2 жилдлар –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, “Маънавият” нашриёти, 2019.; Назаров Қ. Ўзбек фалсафаси // – Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти нашриёти, 2014. -212 б.

⁵³ Исмоил Саифназаров: Прагматизм – Янги Ўзбекистон тараққиётининг фалсафаси сифатида. / Монография. – Тошкент, “ОЛТИН ҚАЛАМ НАШРИЁТИ” 2023. – 167 б.

⁵⁴ Сафоев С.С. Марказий осийдаги геосийсат. Тошкент. 2005 йил. – 160 бет.

⁵⁵ Б.Д.Хажиев. Миллий иқтисодиётда тақсимот муносабатларини тартибга солиш институтлари ва уларнинг амал қилиш тамойиллари. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a2

⁵⁶ А.Ж.Холбеков, Т.Б.Матибоев. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 186 б.

⁵⁷ O‘lmasov A., Vaxobov A.V., Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik – Т.: Iqtisod-moliya, 2014.

⁵⁸ Фуломов С.С. Менежмент (Бошқарув санъати, назарияси ва амалиёти). Тошкент 2002 й.

⁵⁹ Тешабоев М. М. Жамиятда ижтимоий адолатни таъминлашнинг принциплал масалалари ва фалсафий-ҳуқуқий муаммолари //Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. – 2022. – Т. 2. –№. Special Issue 23. – С. 504-514.

Тадқиқотимизнинг асосий мақсади – ижтимоий адолатнинг иқтисодий қирраларини чуқур илмий таҳлил қилиш, унинг мезонлари ва асосий иқтисодий қоидаларини ҳар томонлама ўрганиб, илмий асослаш, яхлит тизимини яратиш, ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришнинг умумий йўллари ва усулларини аниқлаш ҳамда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш, иқтисодий трансформация шароитида иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш, Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси), “Рақобатбардош Ўзбекистон концепцияси” лойиҳаси бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Юқорида баён этилган асосий мақсадга эришиш учун ўзаро алоқадорликдаги бир қатор вазифаларни ҳал қилиш талаб этилади:

- бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий-иқтисодий адолатнинг мезонлари ва асосий иқтисодий қоидаларини илмий асослаб, уларни тизимлаштириш;

- ижтимоий йўналтирилган – цивилизациялашган бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш даврида ижтимоий-иқтисодий адолатнинг моҳияти ва иқтисодий мазмунини очиб бериш;

- адолат классификатори ва таснифлагичини ишлаб чиқиш;

- адолат тарозисининг миқдорий мезонларини ўлчаш усулларини илмий жиҳатдан асослаш;

- иқтисодий самарадорликнинг ижтимоий адолат билан ўзаро боғлиқлигини илмий ёритиш;

- адолатли иқтисодиёт қоидаларини илмий таҳлилий ўрганиш ва уларни услубий тизимлаштириш;

- ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг умумий йўллари ва усулларини илмий ўрганиш ва кўрсатиш;

- иқтисодиёт соҳаларидаги ижтимоий табақаланишни тадқиқ қилиш ва Ўзбекистонда уни тартибга солиш бўйича аниқ таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқиш;

- иқтисодиёт соҳаларидаги (яъни, ишлаб чиқариш - меҳнат, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол соҳасидаги) ижтимоий-иқтисодий адолат мезонларини аниқлаш ва уларни илмий ёритиш;

- кишиларнинг меҳнат қобилиятларини рўёбга чиқариш шарт- шароитларини ўрганиш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш ва меҳнатга бўлган муносабатларини яхшилаш йўлларини аниқлаш;

- иқтисодий самарадорликни ошириш ва ижтимоий-иқтисодий адолатга эришишда меҳнат шароитларининг ролини аниқлаш ва республика миқёсидаги тадқиқот натижаларига асосланиб, уларни яхшилаш механизмини ишлаб чиқиш;

- Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели(концепцияси)ни яратиш;

- Глобал адолат кодекси (концепцияси) ва рейтингини (индексини) жорий қилиш йўлларини аниқлаш;

- рақамли иқтисодиёт ва рақамли жамият шароитида сунъий интеллектдан фойдаланишда ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари ва меъёрларини белгилаш.

Илмий тадқиқотнинг услубий асослари: методологияси ва усули.

Илмий тадқиқотнинг назарий-услубий асослари сифатида Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва Қонунларидаги қоидалар, Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари, Фармонлари ва Қарорлари, Янги Ўзбекистонни қуриш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш концепцияларининг тадқиқот муаммосига оид назарий қоидалари, “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, ижтимоий адолат ҳақидаги мавжуд барча таълимотлар ва назарий қоидалар, ўзбекистонлик ва чет эллик олимларнинг илмий ишлари хизмат қилди. Шунингдек, илмий ишни ёзишда оммавий ахборот воситалари ва турли матбуот органларида эълон қилинган материаллар ҳам кўриб чиқилган ва таҳлил қилинган.

Тадқиқот иши ҳозирги давргача фалсафа ва иқтисодиёт назарияси фанларида ижтимоий-иқтисодий жараёнларни таҳлил этишда қўлланиб келинган илмий тамойилларга асосланади. Бунда адолат ва самарадорлик мезонлари ҳамда фаровонлик даражалари доимий ўзгаришда деб қаралди ва улар ўзаро боғлиқликда ўрганилди. Ишда илмий билишнинг мантикий фикрлаш, илмий абстракциялаш, тарихий ва қиёсий таҳлил, иқтисодий- статистик, индекслашти-

риш ва гуруҳлаштириш каби усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг маълумотлар асоси бўлиб 2030 йилгача БМТнинг Глобал кун тартибидаги Барқарор ривожланиш мақсадлари ҳамда 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар бўйича маълумотлар, Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодиёт ва молия, Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирликларининг, Статистика агентлигининг расмий статистик маълумотлари, ахборий материаллари, турли даврларда нашр қилинган статистик тўпламлар, монография ва рисо-лалар шаклидаги нашрларнинг амалий материаллари, оммавий ахборот воситалари орқали эълон қилинган мавзуга оид материаллар, турли социологик тадқиқотлар натижалари, муаллифнинг шахсий кузатиш ва тадқиқотлари, бирйўла ўтказилган статистик таҳлиллар натижалари хизмат қилди.

I БОБ. ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ АДОЛАТНИНГ ИЛМИЙ-НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1. Ижтимоий-иқтисодий адолат ғояларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичлари: ретроспектив ва қиёсий таҳлил.

Адолат тушунчаси инсон цивилизацияси тарихидаги энг қадимий ва энг мураккаб категориялардан бири ҳисобланади. У фақат ҳуқуқшунослик ёки фалсафий доирада эмас, балки иқтисод, сиёсат, этика ва социология соҳаларида ҳам кенг ўрганилган. Иқтисодий жараёнларда адолат тушунчасини тўғри англаш ва унинг назарий асосларини таҳлил қилиш орқали реал ҳаётда унинг татбиқ этиш имкониятларини ошириш мумкин. Адолат назарияси инсон ҳуқуқлари, ресурсларни тақсимлаш, имкониятлар тенглиги ва жамиятдаги умумий барқарорлик масалалари билан чамбарчас боғлиқдир.

Аввало, адолат фалсафий тушунча сифатида инсон тафаккурининг қадимий таркибий қисми ҳисобланади. Афлотун (Платон) ва Арасту (Аристотель) асарларида адолат тушунчаси жамиятдаги ҳар бир индивиднинг ўз ўрни ва вазифасини адо этиши билан боғланган. Афлотун ўзининг “Давлат” асарида адолатни шахснинг руҳий ҳолати билан боғлаб, ҳар бир қатлам – ҳукмдорлар, посбонлар ва хунаромандлар ўз вазифасини адолатли бажарганда, жамият барқарор ривожланишга эришишини таъкидлайди⁶⁰. Арасту эса “Никомах ахлоқи” асарида адолатни “умумий адолат” ва “хусусий адолат”га ажратиб, унинг турли ижтимоий муносабатларда қандай намоён бўлишини таҳлил қилган⁶¹.

Замонавий иқтисодий ва фалсафий адабиётларда эса адолат тушунчаси кўпроқ тақсимот муаммоси билан боғланган. Жон Ролз томонидан ишлаб чиқилган “Адолат назарияси” (Theory of Justice) бу соҳадаги энг нуфузли ва кенг тарқалган

⁶⁰ Афлотун. Давлат: насрий дoston / Таржимон Урфон Отажон. Масъул муҳаррир Шомухиддин Мансуров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2024. 45-бет.

⁶¹ Арасту. Ахлоқи кабир. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2024 йил. 155-бет.

моделлардан бири ҳисобланади. Ролз фикрига кўра, идеал жамият адолат принципларига асосланиши лозим. У “адолат – ижтимоий институтлар тузилишидаги биринчи фазилатдир” деб таъриф беради. Унинг иккита асосий принципи мавжуд: 1) ҳар бир шахс учун тенг эркинликлар; 2) иқтисодий ва ижтимоий нотенгликлар фақат энг ёмон ҳолатдаги гуруҳ манфаатларини яхшилайдиган ҳолдагина қабул қилиниши мумкин⁶².

Жон Ролз моделини танқид қилган мутафаккирлардан бири Амартия Сен бўлиб, у адолатни фақат институционал ёндошув орқали эмас, балки амалдаги натижалар ва имкониятлар билан баҳолаш лозимлигини илгари сурган. Унинг “қобилиятлар ёндошуви” (capabilities approach) иқтисодий жараёнларда инсоннинг реал имкониятларини – соғлиқ, таълим, иқтисодий фаоллик, сиёсий иштирок ва бошқаларни – марказга қўяди. Сен фикрича, адолатни таъминлаш – бу фақат баробар тақсимот эмас, балки одамларнинг ўз салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шароитларни яратиш демакдир⁶³.

Иқтисодий жараёнларда адолатни таъминлаш масаласи либерал ва консерватив иқтисодий моделларда турлича ёндошилади. Либерал иқтисодиёт тарафдорлари адолатни бозор механизмлари орқали таъминлаш мумкинлигини таъкидлайдилар. Яъни, агар бозор эркин ва рақобатбоп бўлса, ҳар ким меҳнат ва иқтидорига қараб муносиб даромад олиши мумкин. Бу қарашларда “қонунийлик” ва “тенг имкониятлар” тушунчаларига алоҳида эътибор берилади. Аммо бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан барча қатламлар учун адолатли натижаларни бермайди. Хусусан, старт нуқталаридаги фарқлар (яъни таълим, мерос, ижтимоий муҳит) иқтисодий имкониятлар тенглигини чеклаб қўяди⁶⁴.

Шунинг учун ҳам, неоклассик иқтисодчилар адолат ва иқтисодий самарадорлик ўртасидаги мувозанатни топишга ҳаракат қилганлар. Улар таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот каби соҳаларда давлатнинг аралашуви орқали жамиятдаги нотенгликни камайтириш мумкинлиги-

⁶² Ролз Дж. Теория справедливости. – М.: Новое издательство, 2020. – 536 с.

⁶³ Сен А. Развитие как свобода. – М.: Логос, 2017. – 416 с.

⁶⁴ Фридман М. Капитализм и свобода. – М.: Новое время, 2020. – 256 с.

ни таъкидлаганлар. Адолатни таъминлашда солиқ тизими муҳим аҳамиятга эга бўлиб, прогрессив солиқлар орқали бойлик қайта тақсимланиши мумкин.

Марксча иқтисодий назарияда эса адолат муаммоси капиталистик тузумнинг асосий зиддияти сифатида қаралади. Карл Маркс фикрича, меҳнат қиймати асосида яратилган қўшимча қиймат ишлаб чиқарувчи синф – пролетариат – томонидан эмас, балки капитал эгалари томонидан ўзлаштирилиши нотенглик ва адолатсизликнинг манбасидир⁶⁵. Шу сабабли, Маркснинг адолат концепцияси хусусий мулкка бўлган муносабат билан чамбарчас боғланган бўлиб, тенгликка эришиш учун ишлаб чиқариш воситаларига жамоавий эгаликни таклиф қилади.

Ислом иқтисодий таълимотида ҳам адолат марказий ўринни эгаллайди. Қуръони карим ва ҳадисларда адолат ҳар бир мусулмоннинг бурчи сифатида таърифланади. Исломда закот, садақа ва қарзларни кечириш каби иқтисодий амаллар орқали камбағаллар ва муҳтожлар манфаатлари ҳимоя қилинади. Бу ечимлар ижтимоий адолатни таъминлашнинг амалий ифодасидир. Муҳими, ислом иқтисодиётида моддий бойликнинг адолатли тақсимои инсоннинг охирадаги жавобгарлиги билан боғланади⁶⁶.

Ҳозирги кунда адолат концепциясининг постмодерн ва глобал ёндошувлари ҳам шаклланмоқда. Масалан, экологик адолат тушунчаси – табиат ресурсларининг келажак авлодлар учун сақланиши, фуқароларнинг экологик хавфлардан тенг даражада ҳимоя қилиниши ва камбағал аҳолига нисбатан юқори хавф омилларининг бартараф этилишига қаратилган⁶⁷. Демак, иқтисодий жараёнларда адолат категорияси нафақат инсонлар ўртасидаги муносабатларга, балки инсон ва табиат ўртасидаги муносабатларга ҳам тааллуқлидир.

Шунингдек, гендер адолати, ижтимоий-маданий фарқлар ва этник гуруҳлар ўртасидаги иқтисодий нотенглик масала-

⁶⁵ Маркс К., Энгельс Ф. Избранные произведения. Т.1. – М.: Политиздат, 1986. – 541 с.

⁶⁶ Сиддики М.Н. Этика и экономика в исламе. – Ташкент: ИСМИ, 2015. – 224 б.

⁶⁷ Schlosberg D. Defining Environmental Justice. – Oxford University Press, 2007. – 232 p.

лари ҳам замонавий адолат назарияларининг диққат марказида турибди. Жаҳон банки, БМТ ва Халқаро меҳнат ташкилоти каби халқаро институтлар мамлакатлардаги иқтисодий сиёсатни баҳолаётган экан, у ерда адолатнинг таъминланган ёки таъминланмаган ҳолатини асосий мезонлардан бири сифатида қабул қилишмоқда⁶⁸.

Адолат категориясининг назарий асослари ўта кенг қамровли бўлиб, у тарихий, фалсафий, иқтисодий ва ижтимоий нуқтаи назарлардан таҳлил қилиниши мумкин. Ушбу концепция жамиятдаги тенглик, имкониятлар яратилиши, ресурслар тақсимоли ва инсон қадрини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ҳолда амалда намоён бўлади. Шунинг учун ҳам иқтисодий жараёнларда адолатни таъминлаш ҳар бир давлат ва жамият учун муҳим мақсадлардан бири ҳисобланади.

Таҳлилий нуқтаи назардан, адолат тушунчаси инсоният тарихидаги энг қадимги ғоялардан бири бўлиб, у жамият тараққиётига ҳамоханг равишда ривожланиб, мустаҳкамланиб келаётган қадриятдир. Қадимги дунё вакилларидан бошлаб, то бугунги кунгача яшаб ўтган мутафаккирларнинг адолат ва адолатли жамият ҳақидаги қарашларини тарихий-хронологик ҳамда концептуал жиҳатдан қуйидагича тартиблаш ёхуд гуруҳларга ажратиш мумкин.

1. Эраимиздан олдинги мутафаккирларнинг адолат ва адолатсизлик тўғрисидаги ғоялари.

2. Эраимизнинг XX асригача бўлган мутафаккирларнинг адолат ва адолатсизлик ҳақидаги ғоялари.

3. Ҳозирги замон олиму уламолар, давлат ва жамоат арбобларининг адолат ва адолатсизлик тўғрисидаги ғоялари.

Биринчи гуруҳ мутафаккирларининг ғоялари эраимиздан олдин X асрлардан бошлаб илк асарларда учрай бошлаган. Хусусан, адолат ҳақидаги дастлабки ғоялар эраимиздан аввалги бир минг йилликнинг илк асрларида, яъни Зардуштийлик таълимотида вужудга келган.

Аждодларимизнинг бебаҳо тарихий-адолат ёдгорлиги “Авесто”да адолат масаласига алоҳида эътибор берилган. Авестонинг бош ғояси: “Эзгу ўй (фикр), эзгу сўз, эзгу амал” бирлиги адолат манбаидир. Зардуштийлик дини илгари сур-

⁶⁸ World Bank. World Development Report 2020: Trading for Development in the Age of Global Value Chains. – Washington: World Bank Publications, 2020. – 384 p.

ган ахлоқий-ижтимоий идеал кейинчалик ўрта асрлар фалсафасида ҳар қандай адолатсизлик, зулмат ва ҳуқуқсизликка қарши курашиб, ҳаққоний, инсонпарвар ва эркин ҳаёт барпо этган одил подшолар ҳақидаги қарашларда ўзининг маънавий ривожини топади. Ота-боболаримиз адолат, ҳақиқат, тинчлик ва осайишталикни теран англаганликлари учун оилада, жамоада, жамиятда адолат ўрнатиш, ўз амалий фаолиятларида адолат қоидаларига қатъий риоя қилишга ва фарзандларини ҳам шу руҳда тарбиялашга жиддий эътибор берганлар.

“Авесто”да адолат маромига етказиб мадҳ этилган. Масалан, “Тақволи чорвадор, - дейилган муқаддас манбада, - ўз туриш-турмушида одил, оқил ва ҳурматга сазовор бўлса катта подага эга бўлиши мумкин”. Тақводор инсонлар, энг аввало, иймонга суянадилар. Иймони бут одамларнинг эса кўнгли тоза, дили пок, ҳалол бўлади. Уларнинг ҳаёти, турмушида ҳамиша адолат, одиллик ҳукмрон.

Олий илоҳнинг ўзи адолатли қилиб тасвирланган. Ахура Мазда бунёд қилган илоҳлар ҳам адолатни шарафлаган, ҳақиқатни улуғлаган, ростгўйликни тарғиб этганлар. Адолатсизлик айна пайтда “Авесто”да жазоланган.

Зардуштийликнинг адолат ҳақидаги ғоялари юнон файласуфларининг адолат тўғрисидаги қарашларига ҳам таъсир кўрсатади. Бироқ юнон файласуфлари бу тушунчанинг универсаллигини эътироф этмайдилар. Шу боис, уларнинг асарларида қулликнинг мавжудлиги ҳам адолатдан, деб талқин этилади. Бу олимларнинг асарларида адолатнинг абадийлиги, адолатсизликнинг эса инсоннинг номукаммаллиги маҳсули, деб талқин этилади.⁶⁹

Қадимги юнон файласуфи ва олими Фалес (э.а. 640-546) ва Гераклит (э.а. 530-470) адолат ва адолатсизлик тушунчаларини “Худо” билан боғлайдилар. “Худо” – космик адолат тимсоли. Шу билан бирга, инсон ва коинотнинг адолати бир ва бир хилдир”. Ушбу ғоя адолатнинг дахлсизлиги табиат оламидаги гўзал тартиб билан уйғун бўлган инсон мавжудлигининг адолатли қонуни сифатида тасдиқланган. Уларнинг грек дини ва фалсафасининг мазмунини ифодаловчи

⁶⁹ Сулаймонова Ф. Зардуштийлик дини ва юнон фалсафаси. Авесто ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Т. “Фан”, 2001, 12-бет

қарашлари ҳам космик, ҳам инсоний адолат ғояси билан боғлиқ. Унинг фикрича, илоҳий унсурлар (сув, олов, ҳаво ва тупроқ) дунёда маълум нисбатда бўлиши керак, лекин ҳар бир элемент (худо) абадий ўз доирасини кенгайтиришга интилади. Адолат тушунчаси вақт ўтиши билан ўрнатилган алоҳида элементларнинг мулки чегараларидаги мувозанатни тиклаш билан боғлиқ.

Гераклитнинг фикрича, адолат – бу ўзгарувчан нарса. Унинг сўзларига кўра, “адолат” – бу “ҳамма нарсанинг ўлчови” ва “ҳамма нарса ўз ўрнида бўлиши”дир. Бу дегани, ҳар бир нарса ўзининг табиий қонунига мувофиқ бўлиши керак ва бу қонун ўзгарувчан бўлиши мумкин. Гераклитнинг адолат ҳақидаги фикрлари қуйидагича таърифланган:

Адолат – бу ўзгарувчан нарса ва у ҳар бир ҳолатга қараб ўзгариши мумкин.

Адолат – бу табиий қонунга мувофиқлик, яъни, адолат – бу ҳар бир нарсанинг ўзининг табиий қонунига мувофиқ бўлиши.

Адолат – бу ҳамма нарсанинг ўз ўрнида бўлиши ва ҳеч нарса ўз ўрнидан четга чиқмаслиги.⁷⁰

Қадимги юнон файласуфи, математик Пифагор (эраимздан аввалги 580-500 йиллар) адолат ва адолатсизлик категориясини ўлчов маъносида талқин қилади. Унинг фикрича “Адолат – бу ўзини ўзига кўпайтирадиган рақам(сон)дир”. Ўзига кўпайтирадиган сон геометрик жиҳатдан квадрат эканлигини ҳисобга олган ҳолда Пифагор адолатни квадрат шаклида ифодалаган. Пифагорнинг фикрича, адолат – бу тенг нарсага тенг нарса билан жавоб беришдир.⁷¹

Хитой файласуфи Конфуций (э.а. 551-479) адолат ва адолатсизликнинг моҳиятини инсонпарварлик тушунчаси билан боғлайди. Унинг фикрича, инсонпарварлик тамойилига амал қилиш “экэнь” маъносини англатади.

“Самимийлик ва адолат ҳар қандай фазилатнинг асосидир” дейди Конфуций. Ва бу, ўз навбатида, белгиланган маросим меъёрларига қатъий риоя қилишни назарда тута-

⁷⁰ Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-китоб – Тошкент: “Маънавият”, 2023. 105-бет

⁷¹ Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1-китоб – Тошкент: “Маънавият”, 2019. 123-бет

ди. Бу ҳолатда у (адолат тушунчаси) “бурч”ни назарда тутувчи бўйсунувчи хусусиятга эга. Унинг мавжудлиги оддий одамдан фарқ қиладиган “олижаноб эркак”нинг ажралмас хусусиятларидан биридир. Ҳукмрон қатламларнинг марказлаштирилган ҳокимиятини мустаҳкамлашга ёрдам берадиган, автократияни сақлайдиган, патриархал-қулдорлик институтларини мустаҳкамлайдиган, ижтимоий иерархияда “фарзандлик бурчи”ни ҳамда оқсоқоллар ва бошлиқларга ҳурматни мустаҳкам қонунга айлантирадиган ҳамма нарса адолатли.

Эрамиздан олдин V асрларда яшаган қадимги юнон файласуфи Сукрот (э.а. 469-399) адолат муаммоси устида ишлаган, фазилат ва донолик ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлаган, ақл, маъно, онг гўзаллигини улуғлаган ва мақсадга мувофиқлик ғоясини ҳимоя қилган. Адолат, ҳар қандай фазилат каби доноликдир. Сукрот учун адолат ахлоқий, ҳуқуқий ва сиёсий ажралмасдир. Инсон ишларида тўғри бўлган нарса геометрик тенгликка асосланади. У шахснинг ажралмас мулки сифатида ахлоқий фазилатларга алоҳида аҳамият беради. Файласуф ўз бурчи ва идеалларига, хусусан, адолат ҳақидаги ғоясига хиёнат қилишни ўлимдан ҳам ёмонроқ деб ҳисоблайди. Ва у золимликка адолатсизлик билан жавоб беришдан қайтарди.

Сукрот айтади:

- Одам адолат билан пойдор
- Зулм билан эса, хору зор.⁷²

Қадимги юнон файласуфи эрамиздан олдинги V-IV асрларда (э.а. 427-347) яшаган Афлотун (Платон) асарларида одил судловнинг сиёсий-ҳуқуқий жиҳати янада ривожлантирилди. Сукрот шогирдининг фикрича, ҳар бир шахс ва ҳар бир нарсанинг шахсиз умуминсоний қонун билан белгиладиган ўз ўрни ва вазифаси бор. У адолатни қонуннинг деярли синоними қилиб қўйган. У ўзининг “Давлат” асарида, биринчи навбатда, тўлиқ маънода қарзларни тўлаш ҳақида гапиради. Адолат шахсий фазилат эмас, балки давлат фазилатидир дейди у. Барча давлатларда амалдаги ҳокимиятга мос келадиган нарсалар адолатли ҳисобланади. Бу бар-

⁷² Назаров Қ.Н. Жаҳон фалсафаси комуси. 1-китоб – Тошкент: “Маънавият”, 2019. 132-бет

ча синфлар орасида ўз ишига садоқатдир ва уларнинг ҳар бири ўзига хос нарсани қилади. Адолат (донолик, мардлик ва эҳтиёткорлик билан бирга) идеал давлатнинг фазилатидир. Бундай тушуниш билан турли ижтимоий гуруҳларнинг тенглашиши ва яқинлашиши ҳолати бутунлай йўқолади.

Афлотун қарашларида жамият, давлат тўғрисидаги таълимот марказий ўринлардан бирини ташкил қилади. У давлат фуқароларини 3 табақага бўлган:

1-табақа – давлатни бошқариб турадиган донишманд ҳукмдорлар;

2-табақа – давлатни душмандан ҳимоя қиладиган ҳарбийлар;

3-табақа – давлатни ва юқоридаги 2 табақани моддий жиҳатдан таъминлаб турадиган деққонлар ва ҳунармандлар.

Афлотун давлат бошқарув шаклини олий ҳокимият танҳо амалга ошириладиган монархияга, тор доирадаги чекланган шахслар томонидан амалга ошириладиган аристократияга, бутун халқ ҳокимиятни бошқарадиган демократияга ажратади.

Афлотун тўртта асосий фазилатни фарқ қилади: донишмандлик, мардлик, ақл билан иш қилиш ва энг асосийси, бошқа фазилатлар ўрнини тўлдирадиган ва қўшилиб кетадиган фазилат – адолат, унинг идеал давлат тўғрисидаги орзулари асосида адолат ғояси ётади. Унингча, жамият барча аъзоларининг одил жамиятдаги қонунларга бўйсунishi ижтимоий тараққиётнинг асосий гаровидир. Қаердаки қонунлар ҳоким устидан ҳукмрон бўлса, ҳокимлар эса қонунга қул бўлса, ўша давлат гуллаб-яшнайдди. Агар давлат қонунлар устидан яроқсиз ҳокимиятни ўрнатиб қўядиган бўлса, у ҳолда қонун ҳеч қандай фойда бермайди, аксинча, давлат учун жуда катта зарар келтиради, деб таъкидлайди.

Унинг фикрича, иқтисодиёт полис(давлат)нинг гуллаб-яшнаши ёки таназзули омили ҳисобланади. Афлотун сиёсатни эмас, сиёсат ишлаб чиқаришни бошқариши керак. Жамиятни барқарор ҳолатдан чиқарадиган ҳар қандай ўзгаришларга йўл қўйилмаслиги зарур.⁷³

Эраимиздан олдин IV асрларда (384-322 йилларда) яшаган

⁷³ Афлотун. Давлат: насрий дoston / Таржимон Урфон Отажон. Масъул муҳаррир Шомухиддин Мансуров. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2024. 45-бет.

қадимги юнон файласуфи, қомусий олим Арасту (Аристотель) ўзининг “Этика” ва “Сиёсат” асарларида адолат муаммосини турли томонлардан, турли кўринишларда кўриб чиқади. Бош концепция - мутаносиблик - оқилона мувозанатни ташкил қилиш принципи (нима мутаносиб бўлса, адолатли) қонуний ва тенг (лекин тенг эмас), биргаликда олиниши керак. Арасту адолат муаммосини таҳлил қилар экан, биринчи бўлиб бу соҳага айирбошлашнинг мутаносиблиги, айирбошлаш қиймати ғоясини олдиндан билиш, пул қийматини баҳолаш ўлчови сифатида тушуниш ҳақидаги фикрларни киритди.⁷⁴

Келажақда бу ижтимоий шартнома назарияларида ўзаро хавфсизликни таъминлаш воситаси сифатида хизмат қилувчи адолат манбаи ўлароқ ўз аксини топди.

Қадимги юнон файласуфи Эпикур (э.а. 341-270 й.й.) адолат мезони деб инсон хавфсизлиги ва хотиржамлигини таъминлаш деб ҳисоблайди. Унинг энг катта самараси осойишталикдир. “Адолат, дейди у, бу зарар бермаслик ва зарар кўрмаслик тўғрисидаги маълум келишувдир”.

Эрампдан олдинги I асрларда (106-43 й.й.) яшаган Рим нотиғи, файласуфи ва ёзувчиси Цицерон “Адолат барча фазилатлар таркибидаги энг олий фазилатдир. Ҳар кимнинг хизматиға яраша бериш зарур, бу адолатлилиқнинг асосидир” дейди у. Цицероннинг фикрича, адолат нафлилиқдан айро ҳолда бўлиши мумкин эмас.

Иккинчи гуруҳ мутафаккирларининг адолат ва адолатсизлик ҳақидаги ғоялари эрампдан кейинги XX асргача бўлган даврга тўғри келади. Хусусан, ўзбек халқининг тарихий ва фалсафий қарашлари ислом ва ислом фалсафаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб келди. Халқнинг турмуш тарзи, руҳиятида, айниқса, анъанавий ахлоқий қадриятларнинг шаклланишида ҳам ислом динининг таъсири каттадир.

Исломда жамиятда адолат ўрнатилишиға ва уни халқпарвар раҳбар бошқаришиға катта эътибор берилган. Ҳадиси шарифда шундай дейилган: “Кимки умматимнинг бирор ишиға раҳбар бўлиб, сўнг уларға нисбатан адолатсизлик қилса, Аллоҳ таоло уни дўзахға юзтубан ҳолда дохил қилур”.

Ислом ҳар бир нарса яхшилиқ ва адолат юзасидан бў-

⁷⁴ Арасту. Ахлоқи кабир. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2024 йил. 195-216-бетлар.

лишини, ҳақиқатни қарор топтиришга ҳаракат қилган. Буни Қуръони каримдаги Бақара сурасининг 215-оят мисолида кўриш мумкин: “Сиздан (эй Муҳаммад) қандай эҳсон қилишни сўрайдилар. Айтинг: “Ниманики хайр-эҳсон қилсангиз, ота-она, қариндошлар, етимлар, мискинлар ва мусофирларга қилингиз! Аллоҳ ҳар қандай қилган эҳсонларингизни билиб тургувчидир”.

Мазкур оятда хайр-эҳсон улашишда адолат юзасидан ота-она биринчи ўринга қўйилган. Шунинг учун ҳам ўзбекларнинг миллий тарбиясида ота-онага бўлган ҳурмат ҳамиша олдинги ўринларда туради. Чунки ота-онага бўлган ҳурмат ўзбек оилаларининг азалий анъанаси бўлиб келган.

Нафақа қилишни адолатли тарзда шу зайдда бўлиши ҳақида Пайғамбар (с.а.в.) шундай марҳамат қилганлар:

“Садақа қилишни ўзингдан бошла, ортиб қолса аҳлингга қил, агар аҳлингдан ҳам ортиб қолса қариндошларингга қил, агар қариндошларингдан ҳам ортиб қолса улардан бошқаларга ва ҳоказо”.

Адолат тушунчаси ислом таълимотида асосий нуқталардан бирини эгаллайди. Қуръони каримда адолат сўзи 57 марта тилга олинганки, ислом фалсафасида бу тушунча юксак мақом касб этганидан далолат беради.

Ислом таълимотига кўра, Аллоҳ таолонинг Қуръони карим ва Ҳадиси шарифларида қайд этилган 99 сифатидан (номларидан) бири ал-Адл, яъни ўта адолатли, яна бири эса ал-Муқсит, яъни одил деб таърифланади. Бошқача айтганда, Аллоҳ(Ҳақ)нинг тарозиси ўта адолатлидир.

Аллоҳ – адолат ва ҳақиқат рамзи(тимсоли)дир.

Исломда адолат инсонлар учун меъёр деб қаралади, яъни бу тушунчага реал моҳият берилади. Мусулмонлар барча ишларда – ўзаро муомалада, кундалик ҳаётда, мулоқотда, фикрда, дилда ва тилда, сўзда ва ишда адолатли бўлишга даъват этадилар. Қуръони карим сураларида Аллоҳ адолат билан ҳукм қилгувчи эканлиги (Оли имрон сураси 7-оят; Юнус 47; 54; Намл 78; Сабаъ 26), тарозу – адолатни нозил қилган зот эканлиги баён этилган. Нисо сурасининг 58-оятда “Одамлар орасида адолат ила ҳукм қилинг” деб ёзилган...

Исломда адолат тушунчаси фақатгина меъёр, ўлчов би-

лан боғлиқ бўлмай, балки меҳр-мурувват, ғамхўрлик, ўзига ва ўзгаларга садоқат, бева-бечораларга хайр-эҳсон қилиш кабиларни ҳам ўз ичига қамраб олади.

Аллоҳ таоло инсонларни барча ишларида адолатли бўлишга чақирган. Қуръони каримда: “Албатта, Аллоҳ адолатга, эҳсонга, қариндошларга яхшилик қилишга амр этадир ва фаҳшу мункар ҳамда зулмкорликдан қайтарур” дейилади. (Наҳл сураси, 90-оят).

Албатта, Аллоҳ: “Адолатга амр этади”. Адолат деганда ишларни тўғри, инсоф билан олиб бориш ва одамлар орасида тенгликни жорий қилиш тушунилади. Аллоҳ буюрган адолат исломий мутлақ адолатдир. Бу адолатга кўра, ҳар бир шахс, жамоат ва ҳар бир қавмга одилонга муомалада бўлинади. Унда ҳавои нафсга, дўстлик ёки душманликка, насабга, қудачилик ёки қариндошликка, бойлик ёки камбағалликка, кучлилиқ ёки заифлиқка қараб муомала қилинмайди. Ҳамма учун ўлчов бир.

Аллоҳ таоло Моида сурасида: “Эй иймон келтирганлар! Аллоҳ учун ҳақда тулинг, адолатли гувоҳ бўлинг. Бир қавмни ёмон кўришингиз сизни уларга нисбатан адолат қилмасликка олиб бормасин. Адолат қилинг. Бу тақвога оид ишдир. Аллоҳга тақво қилинг. Албатта, Аллоҳ қилаётган аминлигидан хабардор Зотдир”, деган (8-оят).⁷⁵

Ҳар бир ишда адолат қила олмаган киши кўп адашади. Адолатсизлиги туфайли тинчлик ва хотиржамлигини йўқотади. Шу сабабли барча ишларида адолатли бўлиш, адолатли ҳукм чиқариш инсонга тинчлик ва хотиржамлик бахш этади ва инсонлар орасида меҳр-муҳаббатни мустаҳкамлайди.

Ўрта асрларда Марказий Осиё мутафаккирлари “адолат” тушунчасини ижтимоий муносабатлар соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлар билан узвий равишда боғланган ҳолда қарашади.

Хусусан, илк ўрта асрда, яқин ва ўрта Шарқда, Шарқ уйғониш даврининг буюк мутафаккири Абу Наср Фаробий (873-950) адолатли жамият учун курашган олим сифатида шундай дейди:

“Адолатлилик, аввало, шаҳар аҳолисининг ҳаммасига те-

⁷⁵ Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009.

гишли бўлган хайрли нарсаларнинг тўғри тақсимланишида ва шу тақсимланган бойликнинг тўла сақланиб қолишида ифодаланади. Бу хайрли нарсалар бойликлар, саломатлик, ҳурмат-эҳтиром, мартабалар ва шунга ўхшаш нарсалар бўлиб, булардан ҳар бир киши ўзига яраша бўлагини олиши керак. Агар булардан кўп ёки оз олиши адолатсизликдир. Агар оз тегса у одамга нисбатан адолатсизликдир, агар кўп олса халққа, яъни бошқаларга нисбатан адолатсизликдир”.⁷⁶

Форобий асарларида номусли одам адолатга, адолатли қонунга бўйсунувчи, оқилона фикрловчи бўлиши таъкидланади. Адолат мезони деганда бирор иш, ҳаракат қилиш (жамиятга), яъни, ўзидан бошқаларга ҳам фойдалими ёки зиёнми, бу иш гўзалми ё хунукми, яхшими ёки ёмонми?, - деган саволларга қандай жавоб берилиши тушунтирилади.

Абу Наср Форобий ўзининг “Фозил одамлар шаҳри” китобида адолатли жамият ҳақидаги орзулари ва қарашларини Томас Мор ва Томазо Компанеллодан беш аср аввал баён қилган эди. Унинг фикрига кўра, одамларнинг “адолатпарвар – одил” ёки “адолатсиз – золим” бўлиши ҳам жамият тарбияси ва ижтимоий муҳит таъсиридир.

Буюк табиб ва файласуф, олим ва шоир Абу Али ибн Сино (980-1037) фикрига кўра: ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожликдан холи этадилар. Бунинг учун инсонлар ўртасида ўзаро келишув зарур бўлиб, бу келишув туфайли адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади.

Ибн Сино ўз қарашларида дўстлик, саховатлилик, ҳамкорлик, софлик ҳақида фикр юритар экан, ҳукмдорларни қонунни бузмаслик, халқнинг талаб ва эҳтиёжларига қулоқ солиш, адолат нуқтаи назарида иш юритишга чақиради. У асарларида садоқат, саҳийлик, инсон иродасининг ҳар қандай макр-ҳийла устидан ғалаба қозонишини тасвирлайди. Олимнинг эътироф этишича, иккиюзламачилик, фақат ўз манфаатини кўзлаб дўстлашиш инсоннинг ёмон хислати ҳисобланади. “Адолат – охиратда нажот, дунёда саодат бошидир”, деб ёзади у.

Ибн Сино ҳақиқий ахлоқий фазилатларга ва идеал жа-

⁷⁶ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й. 154-бет

моага шу мавжуд дунёда эришиш мумкин, жамиятда инсонлар ўзаро ёрдам асосида яшашлари керак деб таъкидлайди. Жамият кишиларнинг ўзаро келишуви асосида қабул қилинадиган адолатли қонунлар ёрдамида бошқарилиши лозимлигини айтади. Жамият аъзоларининг ҳаммаси бу қонунга итоат этишлари, қонунни бузиш ва адолатсизлик жазоланиши лозим.

Ибн Сино инсон камолотининг муҳим ахлоқий жиҳатларини ҳам таҳлил этади ва ҳар бирига таъриф беради. Масалан, адолатни руҳий лаззатнинг бош мезони деб санайди. Инсон қаноат, жасурлик, донолик билан адолатга эга бўлади, ёмон иллатлардан ўзини тийиб, яхшилиқни мустаҳкамлайди, ҳақиқий руҳий лаззат олади, дейди олим.

Ибн Сино инсонни улуғлар экан, унинг ўзгаларга меҳроқибатли, бағрикенг, ғамхўр бўлмоғи, керакли вақтда саховат ва мурувват қўлини ночорларга узатиши зарурлигини уқтиради, шу билан бирга инсон жамики мавжудотлар ичида энг буюк зот эканлигини таъкидлайди, ҳатто фаришталардан ҳам софроқ ва покроқдир, деб хитоб қилади.

Хоразмлик буюк олим ва мутафаккир Абу Райҳон Беруний (973-1048) ҳаётнинг маъносини ижтимоий-фойдали ва ижодий меҳнатда кўради, кишиларнинг бир-бирларига яхшилиқ қилишлари лозимлигини таъкидлайди. Унинг таълимотига кўра, инсон қиёфаси табиат таъсирининг натижаси бўлиб, ички маънавий қиёфаси машаққатли меҳнат, саъй-ҳаракатлар натижасида тубдан ўзгариши мумкин. Ҳар бир кишининг хулқ-атвори жамият тадрижий ўзгаришларига мос тарзда ривожланиб боради. Адолат, меҳроқибат, сажийлик, фуқаро учун ғамхўрлик, зулми бартараф этиш, жамиятни ақл ва адолат билан бошқариш, унинг бош ижтимоий ғоясидир. Мутафаккир фикрича, инсон камолоти ижтимоий адолатни юзага келтиришга хизмат қилади.

Абу Райҳон Берунийнинг “Юнон файласуфлари авом халқи учун эмас, балки юқори табақалар учун усул ва қоидалар ишлаб чиққанлар”, деган фикри бошқарув соҳасидаги адолат талабини акс эттиради.⁷⁷

Умуман олганда, Шарқ мутафаккирлари ижодидаги иж-

⁷⁷ Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Ўзбекистон, 2023.

тимойй адолат ғоясининг жамиятда қарор топишида муҳим ҳисобланган омиллар: адолатлилик, инсон камолоти, саватлилик, меҳр-оқибатлилик, давлатни адолатли қонунлар асосида бошқариш кабиларга асосий эътибор қаратилган.

XI асрда ижтимоий адолат тўғрисидаги қарашлар янада кенгайиб, такомиллашиб борди.

Хусусан, Юсуф Хос Ҳожибнинг (тахм. 1020/21, Болосоғун – ?) “Қутадғу билиг” асарида адолат сўзи 71, одил сўзи эса 55 маротаба учрайди.⁷⁸ Бу эса ўша давр ҳоқонлари учун катта маънавий сабоқ, ҳокимиятни бошқаришдаги қўлланма бўлган “Қутадғу билиг” достонининг адолатпарварлик ғояларини қарор топтиришдаги қимматини, муаллифнинг эса юксак инсонпарварлик, минг йиллардан кейин ҳам аҳамиятини йўқотмайдиган ғоялар эгаси сифатидаги қадр-қимматини кўрсатиб беради.

Юсуф Хос Ҳожиб адолат ва адолатсизлик масаласини ўз даврининг қонун-қоидалари ва шарт-шароитларидан келиб чиқиб ҳал қилишга уриниб кўради.

Адолат учун бек айлаган сени,

Одил бўл, адолат узра тур қани!⁷⁹

дея хитоб қилади. Ҳокимиятнинг мазмуни ҳам, халқнинг умиди ҳам адолатдандир. Адолат элни яшнатади. Юсуф Хос Ҳожиб Кунтуғди ҳоқон тилидан айтади:

Шиорим адолат, кўнглинг бўлсин тўқ,

Шоҳ билан гадо мен учун фарқи йўқ.

Адолат бобида мезон ягона,

Демам бу дўсту ёр, бу ёт-бегона.⁸⁰

Ушбу фикрлар замирида жамият аъзоларининг ирқи, дини, ижтимоий келиб чиқиши ва миллатидан қатъи назар, барчага тенг шароитлар яратиш зарурлигига ишорат турибди.

Алломанинг фикрича, адолатсизлик давлатни барбод қиладиган энг катта куч. Ижтимоий гуруҳлар манфаати эътиборга олинмаса, улар ўртасидаги қарама-қаршилик адо-

⁷⁸ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Абдулҳамид Пардаев табибли. Т. Янги аср авлоди. 2019 й. 136-бет

⁷⁹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Абдулҳамид Пардаев табибли. Т. Янги аср авлоди. 2019 й. 145-бет

⁸⁰ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Абдулҳамид Пардаев табибли. Т. Янги аср авлоди. 2019 й. 153-бет

лат тамоийли асосида ҳал қилинмаса, бу оқибатда ижтимоий бўҳронларга сабаб бўлади. Бундай шароитда ҳукмдорнинг заволи ва мамлакатнинг парокандалиги муқаррардир. Шунинг учун ҳам Юсуф Хос Ҳожиб ташқаридаги душмандан кўра, ички сиёсатдаги адолатсизликнинг оқибатларига кўпроқ эътибор қаратди.

Юсуф Хос Ҳожибнинг давлат ва жамият қурилишидаги ижтимоий адолат концепциясида қуйидагиларга асосий эътибор қаратилган:⁸¹

- 1) Ҳокимият барқарорлигининг манбаи
- 2) Ҳукмдор ҳаловати манбаи
- 3) Адолат қилиш Худонинг буйруғи
- 4) Жамият аъзоларининг тенглиги
- 5) Адолат ҳалоллик билан уйғундир
- 6) Адолат жамият фаровонлиги манбаи
- 7) Билим ва адолат бир-бирини тақозо қилади
- 8) Номусли инсонгина адолат билан иш тутати

Юсуф Хос Ҳожибнинг замондоши XI асрда туғилиб, Кавказда яшаб, форс тилида ижод қилган улуғ аллома, шоир Носириддин Тусий ижтимоий адолатнинг учта асосий талаби борлигини ва жамият тараққиётини белгиловчи муҳим омил эканини алоҳида уқтирган эди. Хусусан:

Адолатнинг биринчи талаби:

Аҳоли таркибида турли табақаларнинг ўзаро уйғун бўлишини таъминлашдир.

Адолатнинг иккинчи талаби:

Эл-улуснинг ҳақ-ҳуқуқи тенг таъминланган ҳолда кишиларни хизматга тайинлашда шахснинг салоҳияти ва имкониятларидан келиб чиқиш.

Адолатнинг учинчи талаби:

Барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришдаги хизмати ва ҳуқуқига қараб, ҳар бир инсон ўз улушини олишга имкон яратилишидан иборат.⁸²

Марказий Осиё, Ўрта ва Яқин Шарқ мамлакатларида ўрта

⁸¹ Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Абдулҳамид Пардаев табибли. Т. Янги аср авлоди. 2019 й. 168-бет

⁸² Ватан туйғуси /А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев. – Т.: Ўзбекистон, 1996. – 396 б. 338-бет

асрларда тасаввуф оқими жуда кенг тарқалади. Бу оқим аслида VIII аср охирларида Сурия ва Ироқда феодал зулмига қарши исён сифатида вужудга келган ва кишилар орасида тенглик, ўз меҳнатидан кун кўриш ғояларини тарғиб қилган.

Марказий Осий ва Эронда айниқса XIII асрда мўғуллар зулми кучайган даврда ушбу оқим ҳаракати авж олган. Жуда кўп тасаввуф жамоалари тузилган. Кўплаб тасаввуф шайхлари шоирлар бўлиб, улар таркибига ўзбек мумтоз адабиётининг буюк намоёндаларидан бири, олим ва шоир Аҳмад Яссавий (1103-1167), Хожагон тасаввуф таълимотининг асосчиси ва назариётчиларидан бири Абдулхолиқ Гиждувоний (1103-1190), машҳур авлиё, Нақшбандия тариқатининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) шулар жумласига киради.

Хўжа Баҳоуддин Нақшбанднинг “Вуқуфи замоний”, “Вуқуфи ададий”, “Вуқуфи қалбий” тамойилларидаги мутаносиблик, ўзаро тенглик ва уйғунлик адолат даражасини белгиловчи кўрсаткичдир.

Нақшбандия тариқатининг машҳур тамойили ҳисобланмиш “Даст ба кору, дил ба ёр”нинг илмий талқини жисмоний ва руҳий мўътадиллик адолат мезонидир.

Жаҳон ижтимоий фанлари, иқтисодий тафаккур ва давлат назариясининг асосчиларидан бири бўлган Ибн Халдуннинг (1332-1406) ижтимоий қарашларида биринчи ўринда адолат принципи туради. Мутафаккир адолат ҳукм сурган ва қонунлар устувор бўлган давлатгина мустаҳкам бўлиши тўғрисидаги фикрни илгари суради. Ибн Халдун адолатни жамият ва давлат барқарорлигининг асосий шарти сифатида кўради. Унинг фикрича, адолатсизлик (зулм) иқтисодий фаолликни йўқотади ва цивилизация таназзулига олиб келади. Бу ёндашувда адолат ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг амалиётдаги қонуниятлари сифатида намоён бўлади. Ибн Халдуннинг ижтимоий-иқтисодий адолатга оид қарашлари асосан “Муқаддима” асарида чуқур ва тизимли равишда баён этилган.

Ибн Халдун учун мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш иқтисодий адолатнинг негизи ҳисобланади. Унинг таъкидлашича, меҳнат натижаларини тортиб олиш ёки ноқонуний солиқлар жорий этиш иқтисодий инқирозни келтириб чиқаради.

“Адолатсизлик фақат бировнинг мулкини ёки молини би-

рор бир сабабсиз ҳамда каффоратсиз тортиб олишда деб ҳисобламагин. Бу барчага маълумдир. Адолатсизлик бу анча умумий тушунча. Бировнинг шахсий мулкини ўзлаштирган ёки меҳнати самарасини куч билан тортиб олган ёки ундан ноқонуний тарзда бирор бир нарсани талаб қилган ёки унга мажбурий тарзда қонунда кўрсатилмаган ҳар қандай кимса, ўша инсонга адолатсизлик қилган бўлади.

Худди шундай, бировнинг мулкига тажовуз қилганлар ҳам золим, инсонни талон-тарож қилганлар ҳам золим, одамларни ўз ҳақ-ҳуқуқларини амалга оширишга монелик қилганлар ҳам золимдир”.

Ибн Халдун давлатнинг иқтисодиётга ортиқча аралашувини адолатсизлик деб баҳолайди. Давлатнинг вазифаси – қонун ва тартибни сақлаш, мулкни ҳимоя қилиш, солиқларни адолатли белгилаш.

Ибн Халдун ижтимоий табақаланишни табиий ҳол деб қабул қилади, аммо зулм ва ҳаддан ташқари бойишни қоралайди. Унингча, адолатсиз тенгсизлик жамиятни парчалайди.

Ибн Халдун адолатни дин, ахлоқ ва сиёсий бошқарувнинг уйғунлигида кўради. Адолат ахлоқий инқирозга қарши асосий тўсиқдир.⁸³

Ижтимоий адолат тушунчаси йирик давлат арбоби, кучли марказлашган давлат асосчиси Амир Темур (1336-1405) даврида давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Унинг “Куч – адолатдадир” деган ғояси ҳамда “Темур тузуклари” орқали Амир Темурнинг адолатини, шариат қонунларига таянган ҳолда одилона ҳукмронлик қилганини, қонунчиликни ҳар томонлама ривожлантириб, давлатни “адолат ва инсоф билан бошқариб, Тангрининг яратган бандаларини” ўзидан рози этганлигини кўриш мумкин. Инсоф-иймон туйғуси, диёнат мезони Амир Темур ҳаётининг мазмунини ташкил этади. Оламнинг қарийб ярмига ҳукмронлик қилган жаҳонгир эрса-да, у куч-қудрат зўрлик, зўравонликда эмас, аксинча, адолатда эканини теран англади.

“Бир кунлик адолат юз кунлик тоат-ибодатдан афзал”

⁸³ Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Муқаддима (иккинчи жуз) [Матн] тарихий Абдурахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Тошкент, “TRUST AND SUPPORT” нашриёти, 2025. 205-бет.

дейди Амир Темур. “Ҳар мамлакатда адолат эшигини очдим, зулму ситам йўлини тўсдим. Ўз эрки билан менга бўйсунган вилоят ҳокимларига ўша юрт ҳукуматини қайтариб бердим ва уларни инъому эҳсон билан қадрлаб, ўзимга мутеъ қилиб олдим, бўйсунмаганларни эса қилмишига яраша жазоладим. Одил, оқил ва уддабурон кишиларни уларга ҳоким этиб тайинладим”, “Очиқ юзлилик ва раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим”, Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади”, “Адоват эмас, адолат яхши” деб ёзади Амир Темур.

Адолат тарафдори ва халқпарвар Соҳибқирон мамлакатда жабр-зулм, фисқу фасод бўлмаслиги, осойишталик ва фаровон турмуш ўрнатилиши тарафдори бўлган. “Менинг мақсадим, - дейилади Амир Темур ўғитларида, - мамлакатда адолат ўрнатиш, тартиб ва тинчликни мустаҳкамлаш, фуқаронинг турмушини яхшилаш, юртимизда қурилишни кучайтириш, давлатимизни ривожлантиришдир”.

“Амир Темурнинг адолатли жамият барпо этиш, халқ фаровонлигини таъминлаш, ўзаро ҳамжиҳатлик, бағрикенглик, меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлашга оид ғоя ва қарашлари бугун юртимизда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий ислохотлар билан ҳамоҳанг”дир.⁸⁴

Соҳибқирон сиёсатида “Адолат тарозисининг уч палласи” деган ғоя устуворликка чиқади.

Биринчидан тарози – оғирликни, яъни жисмлар вазнини аниқлайдиган асбоб ҳисобланади. Оддий икки паллали тарози қадимги Бобилда милоддан аввалги икки ярим минг йилликда пайдо бўлган ва аста-секин такомиллашиб борган.

Иккинчидан, тарози ўлчов тарзида – ақл тарозиси билан тортмоқ, ақл билан баҳоломоқ маъносида ҳам келади. Ҳукмдорлар, ҳакамлар азал-азалдан адолат тарозибонлари саналиб келинган.

Амир Темур ўз салтанати қозиларига рамзий тарози палласини иккита эмас, учта паллали деб қарашлари зарурлигини, яъни ҳукм фатвоси учун қилмишга нисбатан жазо чо-

⁸⁴ Темур тузуқлари / Таҳрир хайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 2011 йил. 65-96- бетлар.

раси белгилашда учинчи паллада ҳамиша айбланувчи шахс ҳам назарда тутилиши лозимлигини таъкидлаган.

Тарозининг уч палласи Амир Темур давлати тўғрисида, яъни гербида ҳам ўз аксини топган.

Амир Темурнинг ҳуқуқий-сиёсий қарашлари, давлат бошқаруви тутуми ва Тузуклари хусусида юзлаб тарихчи олимлар, шоиру ёзувчилар минглаб асарлар яратган.

Амир Темур тўғрисидаги уч ҳалқа кўринишидаги рамзни машҳур сайёҳ ва элчи Г.Клавихо таърифлаб, ушбу символни унинг туғи(байроғи)да, тамғаси(муҳри)да ва забт этган тангаларида ҳам кўрганлигини қайд этган.

Давлат арбоби ва ёзувчи Владимир Череванский “Икки тўлқин” номли китобида келтиришича, донишманд Маҳмуд Шаҳобга Амир Темур бобомиз “Адолатли жазо бериш учун нима қилмоқ керак?”, деб савол берадилар.

Маҳмуд Шаҳоб: “Сизнинг қозиларингиз жиноят ва жазони ўлчайдилар. Сиз уларнинг тарозусига учинчи паллани қўшиб, аввал жиноятчини, кейин жиноятни ва ниҳоят, жазони чамалаб ўлчашни буюринг. Шунда Сизнинг ҳукмингиз адолатли бўлади”, деб жавоб берадилар. Донишманднинг жавобидан қаноат ҳосил қилган Амир Темур уни ўзига назоратчи қилиб тайинлайди.



Шундай қилиб, жазо тайинлашда жиноятчи шахс-инсоннинг кимлиги ҳам инобатга олинади, уч паллали тарози – Адолат рамзига айланади.

Инсон камолотининг фазилатларидан ҳисобланган ижти-

мой адолат тушунчаси ва адолат туйғуси буюк ўзбек шоири, мутафаккири ва давлат арбоби Алишер Навоий (1441-1501) донишмандлигининг асосини ташкил қилади.

Мир Алишер Навоий адолат ҳақида шундай деган эдилар:

Адл ила олам юзин обод қил,

Хулқ ила одам элини шод қил.

Алишер Навоий ўз асарларида ва давлат арбоби сифатидаги фаолияти давомида доимо инсонпарварликнинг буюк қадриятларини, тинчлик ва тотувликни, эзгулик ва адолатни тарғиб қилган. Алишер Навоийнинг давлат ишларидаги фаолиятида адолат ва қонуний жамиятга доир қарашлари алоҳида ажралиб турган. Илмий-бадий асарларида доимо давлатнинг ҳалол, виждонли кишилари, обрў-эътиборга лойиқ уламолар, арбоблар улуғланиб келинган. Сиёсат адолат асосига қурилгандагина давлат мустаҳкамланиши, мазлумлар ҳимоя қилинса, ёмонлар жазоланса, бу бошқаларга ибрат бўлишини таъкидлаб келганлар.

Алишер Навоий қарашларида адолат мавзуси инсоният учун қадим-қадимдан борликдаги энг асосий масала ҳисобланган. Шу боис, башарият азалдан ҳар қандай давлат ёки жамиятнинг мустаҳкам пойдевори, асоси адолатда деб тушунади ҳамда ҳуқумдори одил давлатда ва адолатли, эркин жамиятда яшаш истаги билан ҳаёт кечиради.⁸⁵

Буюк тарихчи олим, Алишер Навоийнинг замондоши Хондамир (1473-76-1534) “Мақоримул ахлоқ” асарида Алишер Навоий ҳақида:

“...адолат ва инсоф эшикларини инсоният юзига очиб қўйди”, деб ҳазрат Навоийга юқори баҳо беради. Адолатни инсоф тушунчаси билан боғлаб қараш ғояси адолат ва виждон амри билан иш тутиш туйғуси ва қобилияти, ишда кишиларга муносабатда ҳалоллик, тўғрилиқ, баробарлик, тенглик, софдиллик ва ҳақиқатгўйлик юзага келтиради, дейди аллома.

Ўзгани ўз ўрнига ва ўз ўрнига ўзгани хаёлан қўйиб кўриш ҳам инсофга киради. Тўқ очни, бой камбағални, бахтли бахтсизни, соғлом беморни ўз ўрнига қўйиб кўролса ва аксинча

⁸⁵ Навоий, Алишер. “Садди Искандарий”: /Насрий баёни билан/. /Таҳрир хайъати А.Қаюмов ва бошқ.: Масъул муҳаррир К.Тоҳиров. – Т.: Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа бирл., 1991. - 83- б.

ҳам худди шундай бўлса, олам гулистон – инсофлилар сафи кўпайиб, адолат рўёбга чиқади.

Алишер Навоийнинг “Кимки ҳақиқатни ёлғондан, тўғрини нотўғридан ажрата билса, у ўз адли билан Фарбу Шарқни ёритган бўлади” деган сатрларида мазкур иборанинг маънавий-маърифий моҳияти мужассамлашган. Тилимизда адл билан боғлиқ бир талай сўз бирикмалари ҳосил қилинган. Масалан, адл мезони деганда адолат тарозуси, яъни қонун асосида ҳақиқатни тиклаган киши, адл қонуни, адл тариқи деганда, шариат низомлари, адлу дод посбони деганда, адолат ҳимоячиси, одил подшо, ҳақгўй қози, адлу инсоф деганда, ўртада туриб, ҳақиқатни аниқлаш, тўғрилиқ, тўғри қарор қабул қилиш назарда тутилади.

Навоий ўзининг “Хамса”сида давлатчилик асослари, тараққиётга юз тутган жамият муаммолари, инсон ҳуқуқи масалаларига ҳам чуқур муносабат билдирган. “Хамса”нинг биринчи достони – “Ҳайрат ул-аброр”да жамият фаровон, ҳукумат адолатли, инсон бахтли бўлмоғи учун нималар лозим экани хусусида фикр юритиб, бахтли яшашни истаган инсон учун зарур бўлган фазилатлар баён қилинган.

Навоий бобомиз таъбири билан айтганда, адолат нафақат шоҳлар, балки оддий кишиларнинг ҳам зийнатидир. Адолатни шиор қилган шоҳга бошқа бирон бир шоҳ тенглаша олмайд.

Барчага баробар манфаатли бўлган адолат устувор бўлганида мамлакат ва унинг фуқаролари фаровонликка эришиши Навоийнинг орзуси эди. Шу боис мавлоно Навоий адолатли инсонпарварликнинг энг юқори намунаси эди.⁸⁶

Ўзбек шоири ва давлат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483-1540) адолат тушунчасини инсон эътиқоди билан чамбарчас боғлайди. Унинг “Бобурнома”, мактублари, васиятлари ва амалий давлат бошқаруви тажрибасида адолат тўғрисидаги ғоялар ўзининг амалий, ҳаётий ва иқтисодий мазмуни билан ажралиб туради. Бобур томонидан шакллантирилган адолат концепцияси нафақат унинг

⁸⁶ Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами: 20 томлик./[Таҳрир хайъати: К.Яшин ва бошқ; П. Шамсиев илмий-танкидий тексти асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А. Ҳайитметов. И. Ҳаққулов; Масъул муҳаррир: Ё. Исҳоқов]. Т. 7, Ҳамса: Ҳайратул-аброр. – Т.: «Фан», 1991. 392 б.

шахсий сиёсий фалсафасини, балки кейинчалик Бобурийлар давлатининг бир неча асрлик барқарорлигига асос бўлган бошқарув анъаналарини белгилаган. Бобур ўзининг сиёсий фаолиятида “подшоҳ учун энг муҳим инсоний фазилат – адолатли бўлиш” деб ҳисоблаган. “Бобурнома”да у бир неча бор шоҳнинг адолатсизлиги давлатни заифлаштиради, халқни ғам-ғуссага солади, исёнларни келтириб чиқаради, дея таъкидлайди. У адолатни давлат барқарорлигининг бош омили сифатида кўради. Бобурнинг давлатчилик фалсафасида адолат мафкуравий эмас, балки амалиётдаги бош мезон сифатида талқин этилади. Унинг фикрича, шоҳнинг энг асосий вазифаси – халқнинг ҳуқуқлари, турмуш даражаси ва хавфсизлигини таъминлашдир. “Бобурнома”да адолат давлатнинг куч-қудрати ва барқарорлигининг асосий шарти сифатида кўринади. Унинг сиёсий фалсафаси жаҳон тарихидаги “адолатли шоҳ” моделининг Осиёдаги мукамал намуналаридан бири сифатида баҳоланади. Бобурнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсатдаги энг муҳим тамойилларидан бири — солиқлар ва давлат ва раъият муносабатларида адолатни таъминлашдир. У солиқ тизимини ислоҳ қилар экан, қуйидаги мезонларга таянади: 1) Солиқ – адолатли ва ўлчовли бўлиши керак, аҳолининг имконидан ошиб кетмаслиги лозим; 2) Раъият эҳтиёжи давлат эҳтиёжидан устун – давлат ўзини халқ ҳисобидан эмас, халқ билан биргаликда таъминлаши керак; 3) Амалдорлар солиқ йиғишда ҳеч қандай зўравонлик ёки манфаатпарастликка йўл қўймаслиги шарт.

Бобур айрим амалдорларнинг халққа зулм қилгани учун лавозимдан четлатилиши ёки жазоланишини бир неча бор қайд этган. Унинг “молия ва раъият масаласидаги адолат” тамойили кейинчалик Бобурийларнинг замонавий солиқ тизимига ўхшаш механизмлар яратишига йўл очган.

Бобур давлат бошқарувида қонун ва тартибнинг мутлақ устуворлигини талаб қилади. “Бобурнома”да келтирилган ҳолатлардан маълум бўлишича, у қонун бузган амалдорни кечирмаган, ҳатто ўз қавмига мансуб бўлган саркардаларни ҳам жазолаган. Бу билан у ҳокимиятда шахсий манфаатларни эмас, умумдавлат манфаатларини биринчи ўринга қўйиш кераклигини кўрсатган.

Бобур адолатни фақат сиёсий ёки иқтисодий тизим до-

ирасида эмас, балки шахсий фазилат сифатида ҳам кўради. Унинг фикрича: шоҳ ўзини идора қила олмаса, давлатни ҳам тўғри бошқара олмайди; шоҳнинг адолатли бўлиши – унинг қалбидаги инсоф, таҳаммул, инсонийлик ва виждонга боғлиқ.

Бобур ҳарбий давлатни бошқарган ижрочи сифатида жамоат тартиби ва армиядаги адолатга катта эътибор берган. Унинг тамойиллари:

- ҳарбий ўлжа адолатли тақсимланиши керак;
- раъиятнинг мол-мулки ва ҳаётини ҳимоя қилиш – давлатнинг муқаддас бурчи.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг адолат ҳақидаги қарашлари нафақат сиёсий-ҳуқуқий, балки ижтимоий-иқтисодий мазмунга эга бўлиб, давлат бошқарувида қуйидаги тизимни шакллантиради:

1. Адолат – давлат барқарорлиги ва халқ фаровонлигининг асосий шarti.

2. Иқтисодий муносабатларда адолат (солиқ, мулк, раъият ҳуқуқлари).

3. Қонун устуворлиги ва амалдорлар масъулияти.

4. Шоҳнинг шахсий фазилатларида адолат.

5. Ҳарбий ва жамоат тартибида адолат.

6. Меҳнат ва қобилиятга адолатли муносабат.

Ушбу тамойиллар Бобурийлар давлатининг юзлаб йиллар давомида барқарор ва кучли бўлиб келишига асос бўлган. Шунингдек, улар ҳозирги замонавий ижтимоий-иқтисодий адолат назарияси билан уйғун бўлиб, давлат бошқарувида адолатни таъминлашнинг универсал мезонлари сифатида аҳамиятга эга.⁸⁷

Дарҳақиқат, қаттиқ ишонч, маҳкам ушланган маслак, дунёқараш ва ғоя адолатнинг рўёбга чиқишида асосий ўринни тутди. “Чин эътиқод бебаҳо ганждир” дейди, исломий илмлар соҳасидаги етук олим Имом Абу Мансур Мотурудий (870-944). Эътиқод журъатни, мардликни, фидоийликни, тўғрилиқни тақозо қилади. Эътиқодли одам, энг аввало, ёлғон гапирмайди. Ёлғон гапирмайдиган одам ўзгаларни ҳам

⁸⁷ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Ҳозирги ўзбек тилига табибли қилганлар: Ваҳоб Раҳмонов, Каромат Муллаҳўжаева. – Тошкент: “O’ZBEKISTON” НМИУ, 2019. – 440 б.

ростгўй деб билади. Лафзида турмайдиган кимсани бебурд деб ҳисоблаб, ундайлардан ҳазар қилади.

Гарб олимлари ҳам адолат тушунчасига нисбатан ўзига хос ёндошганлар. Хусусан англиз гуманист олими Фреэнсис Бэкон (1561-1626) шундай ёзади:

“Адолат одамларни бирлаштирадиган ва қонуннинг асосини яратадиган нарсадир. Унинг моҳияти ўзинг учун ис-тамаган нарсани бошқаларга қилмасликдир. Фақат адолат борлиги туфайли одам одамга худо бўлади, бўри эмас.

Гарчи адолат барча адолатсизликка чек қўя олмаса-да, ҳеч бўлмаганда у ноҳақликларга йўқ қўймасликнинг посбо-ни бўла олади”.

Франциялик математик, физик, файласуф ва ёзувчи Блез Паскаль (1623-1662) адолатнинг акси бўлмиш адолатсизлик-ка урғу бериб шундай дейди:

“Адолатсизлик қилмайдиган одам адолатпарвар эмас, балки адолатсизлик қилиши мумкин бўла туриб, ундан ўзини тийган одамгина адолатпарвардир. Зеро, кучга та-янмаган адолат ғирт ожизликдир, адолатсиз куч эса зўра-вонлик. Демак, адолатни куч билан уйғунлаштирмақ ва бу-нинг учун адолатнинг кучли, кучнинг эса адолатли бўлишига эришмоқлик зарур”.

Шотланд иқтисодчиси ва файласуфи Адам Смит (1723-1790) адолатсизлик оқибатларига урғу бериб шундай ёзади:

“Одамлар адолатни севишлари учун уларга адолатсиз-лик оқибатларини тушунтириш ва кўрсатиб туриш керак”. Оқибатини ўйламай иш тутиш кутилмаган нохушликларга олиб келиши муқаррар”.⁸⁸

Томас Гоббс (1588-1679) адолат ҳақида: “Адолат қонуний жазо талаби сифатида қурилган. Сиёсат ва ахлоқ адолат ҳақидаги фанлардир. Шу билан бирга, унинг ўзи ҳам ўзига хос табиий асосга эга. Адолат ва келишувларга риоя қилиш бизнинг ҳаётимизга зарар етказадиган ҳар қандай ишларни қилишдан қайтарадиган ақл қонидаси бўлиб, шундан келиб чиқадики, адолат табиий қонундир”.

Учинчи гуруҳ мутафаккирлари, олиму уламоларнинг ижтимоий-иқтисодий адолат тўғрисидаги ғоялари XX аср

⁸⁸ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. — М.: Эксмо, 2007. 366-бет

охирлари ва XXI асрларга тўғри келади.

Буюк аждодларнинг юқорида қайд қилинган турфа хислатлари ва ғоялари авлодлар қонида ҳамиша шиддатли жўшиши, уларни эрку адолатга даъват қилиб туриши керак.

Донолар ҳикматларига амал қилган, мустақил суверен давлатни ҳамда унинг мустаҳкам адолатли жамият пойдеворини яратиш ғояси муаллифи, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов (1938-2016) адолат машъаласини баланд кўтариб, ундан ўз халқини баҳраманд қилди.

“Бошлаган барча ислохотларимизнинг пировард мақсади битта – адолатли жамият барпо этиш. Адолатга интилиш – халқимиз маънавий-руҳий дунёсига хос энг муҳим хусусият. Адолатпарварлик ғояси бутун иқтисодий ва ижтимоий муносабатлар тизимига сингиб кетиши, ижтимоий кўмаклашув механизмида ўз аксини топиши керак”.⁸⁹

“Ватанимиз истиқлолини янада мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш, юртимиз шаън-шавкати юксалтириш, адолат, инсоф ва диёнат ҳукмрон бўлган эркин жамият, меҳнаткаш халқимизга муносиб фаровон ҳаёт қуриш бизнинг инсоний ва фуқаролик бурчимиздир”, дейди у.⁹⁰

Бошқа бир ўринда эса И.Каримов қатъий таъкидлаган эдики, “Давлат жамиятнинг кескин табақаланишига – ошиб-тошиб кетган бойлару камбағал қашшоқларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик керак”.

Бундан хулоса шуки, ҳар турли қинғир йўллар билан ҳаддан ташқари бойлик орттириб, ўзини қўярга жой тополмай, “тўқликка шўхлик” қиладиган кимсаларнинг жиловини тортиб қўйиш билан бирга, адолат юзасидан уларни қўллаб-қувватлаш, зарур бўлса, рағбатлантириб бориш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланган.

Адолатнинг яна бир муҳим талаби сифатида Биринчи Президентимиз жамият тараққиёти ва унинг сиёсий муҳитини белгилашда раҳбар кадрларни танлаш ва уларни жой-жой-

⁸⁹ Каримов И.А. “Ўзбекистон буюк келажак сари” Т. “Ўзбекистон” 1998, 399-бет.

⁹⁰ Адолат ва қудрат тимсоли. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримов Амир Темур ҳақида. Тошкентда Амир Темур ҳайкалининг очилишига бағишланган тантанада сўзланган нутқ, 1993 йил 31 август

ига қўйишга катта аҳамият беради ҳамда бу масалага ҳал қилувчи маънавий-сиёсий омил, туб ислоҳотларнинг таянчи ва бош йўналтирувчи кучи, деб қарайди.

“Халқнинг дардига бефарқ қарайдиган, ўз манфаатидан бошқа нарсани ўйламайдиган, худбин ва таъмагир раҳбарлар мамлакатимиз равнақиға, халқимиз фаровонлиғига тўсиқ бўлмоқда. Энди улар билан мурса қилиб бўлмайди. Бизга шундай раҳбарлар керакки, токи улар элим деб, юртим деб, куйиб-ёниб, ўз ҳаловатидан кечиб меҳнат қилсинлар”.

Барча бўғинларда инсофли, диёнатли, билимдон, тажрибали раҳбарлар бошчилик қилмас экан, мустақил мамлакатимизнинг обрўси, унинг манфаати учун мардлик, жонкуярлик билан ишламас экан, ишларимиз кўнгилдагидек бўлмайди.

Ислом Каримов тасаввурида Адолат тушунчаси инсоннинг жамики фазилатларини қамраб олиши билан бирга унинг жамият тараққиётида тутган ўрнини ҳам белгилаб беради. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, биз бутун мамлакат ҳаётининг барча соҳаларини ислоҳ қилиш билан халқнинг маънавияти ва руҳияти чамбарчас боғлиқ эканига гувоҳ бўлиб турибмиз.

Халқимиз учун азал-азалдан тинч ва фаровон ҳаёт мезони, барча эзгуликлар манбаи бўлиб келган, Соҳибқирон Амир Темури бобомиз “Куч – адолатда” деган ҳикматга амал қилиб, давлат бошқарувини ташкил қилиш, эл-юртнинг тинчлиги ва ободлигини таъминлашга эришган. Амир Темури даврида Адолат рамзига айланган уч паллали тарози ўлчови, яъни жазо тайинлашда инсон омилини ҳисобга олиш, адолатли қарорлар қабул қилинишини таъминлаш бугунги кунда давлат раҳбари Ш.Мирзиёев томонидан қайта-қайта кун тартибига қўйилаётган масаладир.

Уч паллали адолат тарозуси давлат раҳбарининг инсонпарварлик, жамиятда адолатни ўрнатиш ғояларига ҳамоҳангдир.

Юртимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг негизини инсонпарварлик, инсон ва фуқароларнинг ҳаёти, эркинлиги, кадр-қимматининг устуворлиги каби умуминсоний принциплар ташкил этади.

“Янги Ўзбекистоннинг янги тарихини яратаяпмиз, бунда

Сизларнинг ҳам ҳиссаларингиз жуда катта. Ҳисса нимадан иборат: адолат, адолат ва яна бир маротаба адолат!” деган масалани долзарб масала қилиб қўйди Ўзбекистон раҳбари.

Давлат бошқаруви идоралари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ва судлар фаолиятида адолат ва одиллик принцип-ларига қатъий амал қилиш шарт эканлиги Конституция ва қонунларда аниқ белгилаб қўйилган.

Адолатсизликдан жабр кўрган шахс давлат бошқаруви идораларига, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларга ва суд-га мурожаат этиш орқали бузилган ҳуқуқларини тиклаш им-кониятига эга. “Қонунларимизга асосан ҳукм қонуний, асос-ли ва адолатли бўлиши шарт”, дейди Ш.Мирзиёев.

Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан жойларда халқ қабулхоналарининг ташкил қилиниши адолатнинг қарор то-пишида муҳим ғоя бўлди.

“Халқ қабулхоналарини ташкил этишдан мақсад – жамия-тимиздаги адолат пойдеворини янада мустаҳкамлашдир. Ҳоким ва мутасадди раҳбарлар бу ерда халқ билан мулоқот қилиши, ҳар бир мурожаат ечимини топиши керак. Аҳолини қийнаётган масалаларни таҳлил қилиш орқали қонун ҳужжатларини такомиллаштириб борамиз.

Биз “Адолат – қонун устуворлигида”, деган тамойил асоси-да жамиятимизда қонунга ҳурмат, ҳуқуқбузарлик ҳолатларига мурасасизлик ҳиссини кучайтиришга қаратилган ишлари-мизни жадал давом эттирамиз. Бу борада ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилади. Бунинг учун аввало маҳалла имкониятларидан кенг фойда-ланиш, профилактика инспекторларининг иш самараси ва масъулиятини ошириш, улар учун муносиб хизмат ва тур-муш шароитини яратиб бериш чораларини кўришимиз дар-кор”, дейди Ш.Мирзиёев. “Халқни рози қилиш – бизнинг бош вазифамиз” деган ғоя шахсан Президент Ш.Мирзиёевнинг ғоясидир. Аслида бу ғоя замирида ижтимоий адолатни қарор топтиришдек улуғ мақсад мужассам. Бугунги кунда бу ғоя ҳаётда ўз тасдиғини топмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий адолат тушунчаси ва уни рўёбга чиқариш муаммолари бўйича мамлакатимизнинг таниқли олимлари ўз илмий ғояларини илгари суришган. Хусу-сан, академик М.Шарифхўжаев ва проф. Ё.Абдуллаевлар

бошқарув соҳасидаги адолат қоидаларини илмий асосланганлар.⁹¹

Давлат ва жамоат арбоби, сиёсатшунос олим С.Сафоев тақсимот муносабатларида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари ва мезонлари ҳамда уларни амалга ошириш механизмлари илмий асосланган.⁹²

Давлат ва жамоат арбоби, академик, ҳуқуқшунос олим А.Саидов томонидан ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этиш, ижтимоий адолат мезонини қарор топтириш орқали жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш механизмлари ишлаб чиқилган.⁹³

Академик Қ.Абдурахмонов томонидан инсон капиталини ривожлантириш ва меҳнат соҳасида адолат қоидалари, шунингдек, сунъий интеллект саноат инқилоби шароитида адолат мезонлари илмий асосланган.⁹⁴

Профессорлар И.Саифназаров⁹⁵ ва Қ.Назаров⁹⁶ томонидан сиёсий хатти-ҳаракатлар, ҳуқуқ ва бурч меъёрлари, ахлоқий муносабатлар, меҳнат ва тақдирланиш, жиноят ва жазо, хизмат ва уни тан олиш, кадр-қимматни эътироф этиш ва ҳоказо...ларга адолат тушунчаси орқали баҳо берилади. Хусусан, уларнинг фикрича, адолатнинг ижтимоий-фалсафий жиҳати жамият аъзоларининг хилма-хил муносабатларидаги ўзаро тенглигини назарда тутди. Ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишни билдиради. Адолатнинг ҳуқуқий томони қонунларга риоя этишни, сиёсий томони эса давлатни адолат қоидалари асосида бошқаришни, фуқаролар

⁹¹ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. Т. “Ўқитувчи” 2001 й.

⁹² Сафоев С. Марказий осийёдаги геосиёсат. Тошкент. 2005 йил. – 160 бет

⁹³ Саидов А. Жаҳон конституциялари ва ШХТга аъзо давлатларнинг конституциялари. – Т.: 2022 йил.

⁹⁴ Абдурахмонов Қ.Х. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. - Т.: “Fan va texnologiya”, 2012 йил, 388 бет.; 2014 йил ... Сунъий интеллект ва тараққиёт...

⁹⁵ Исмоил Саифназаров: Прагматизм – Янги Ўзбекистон тараққиётининг фалсафаси сифатида. / Монография. – Тошкент, “ОЛТИН ҚАЛАМ НАШРИЁТИ” 2023. – 167 б.

⁹⁶ Назаров Қ. Жаҳон фалсафаси комуси. 1 ва 2 жилдлар –Т.: “Маънавият” нашриёти, 2019.

дардини ўйлаб яшашни англатади. Ривожланган жамиятда адолат кишиларнинг демократик қонунлар асосида иш юри-тишини тақозо этади. Унда ҳар бир одам ўз меҳнати, тадбир-корлиги, ақл-заковати туфайли топган мол-мулки ҳисобига яшайди. Давлат ўз фаолиятида фуқаролар томонидан адо-лат қоидалари ва қонунларга амал қилинишини назорат қилади, жамият аъзоларининг мол-мулки дахлсизлиги ва қонун олдида тенглигини таъминлайди.

Профессорлар А.Холбеков ва Т.Матибоевларинг фикри-ча, “Ижтимоий адолат – шахснинг жамиятга етказадиган ижо-бий ҳиссалари (меҳнати, хизмати), шунингдек, салбий таъси-ри (жиноят, зарар) ва жамиятдан оладиган рағбатлантирувчи улушларнинг (иш ҳақи, мукофотлар, тақдирлаш) ҳамда таъқиқловчи-жазоловчи омилларнинг (жазолар, жарима-лар) ўзаро мувофиқлиги меъёридир. Ижтимоий адолат – жа-миятда мумкин қадар кўпроқ одамларга ривожланишнинг фундаментал манбаларини – моддий неъматлар, тиббий хизматлар, уй-жой, таълим, маданий неъматларни етказиб бериш орқали ижтимоий-сиёсий барқарорликни таъмин-ловчи демократик қадриятдир”.⁹⁷

Профессор А.Вахобов томонидан глобал адолат қоидалари тадқиқ қилинган ва уни рўёбга чиқариш меха-низмлари тизимлаштирилган.⁹⁸

Профессор О.Ҳакимов томонидан Янги Ўзбекистоннинг адолатли жамият модели (концепцияси) илмий асосланган.⁹⁹

“Адолат” сўзи минг йиллар давомида инсонга ҳамроҳ бў-либ келган. Асрлар давомида кишилар адолат учун кураш-ган, мислсиз қурбонлар берган.

Адолат ҳақида жуда чиройли гапириш мумкин. Адолат ҳақида жуда узоқ гапириш мумкин. Аммо гап чиройли ва узоқ гапиришда эмас, балки ҳаётда адолатни ўрната олишда.

Айниқса, раҳбар адолати, элу юртга етакчилик қилишдек оғир масъулиятни бўйнига олган одамнинг адолати бугунги кунда беқиёс аҳамиятга эга. Авваллари ҳам кўп бор айт-

⁹⁷ А.Ж.Холбеков, Т.Б.Матибоев. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: Янги аср авлоди, 2004. – 186 б.

⁹⁸ O‘lmasov A., Vaxobov A.V., Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik – Т.: Iqtisod-moliya, 2014.

⁹⁹ Ҳакимов О. Янги Ўзбекистоннинг адолатли жамият модели. – Тошкент. 2023 йил...

ган бир фикримни яна такрорламоқчиман: халқ очликка, йўқчиликка, ҳамма нарсага чидаши мумкин, аммо адолат-сизликка чидай олмайди¹⁰⁰.

Одил ҳукмдор, адолатли раҳбар ғояси Форобийдан тортиб, Алишер Навоийгача ва яна бошқа кўплаб мутафаккирларимизнинг улуғ маънавий идеали бўлиб келган. Шарқда қадимдан жуда машҳур бўлган “Сиёсатнома” деган асарда подшоҳ, ҳоким, амир ва беклар, қозию қуззотнинг, замонавий тил билан айтганда, раҳбарнинг бош вазифаси “қўю-қўзиларни бўрилардан муҳофаза қилиб, ҳаром қўлларни кесиб, ер юзини ёмонлик қилувчилардан тозалаш, жаҳонни адолат ва осойишталик билан обод қилишдан иборат”, деб кўрсатилган.

Дунёда адолат қонуни мавжуд эканини ҳеч ким инкор этолмайди. Эртами-кечми ҳар бир инсон ва жамият ана шу қонун олдида жавоб бериши муқаррар.

Юқорида билдирилган барча маълумотларни мухтасар қилиб айтганда, ижтимоий-иқтисодий адолат ғоялари инсоният тараққиёти давомида турли босқичларни босиб ўтган бўлиб, уларнинг мазмун ва моҳияти ҳар бир даврнинг иқтисодий тизими ва мафкураси билан узвий боғлиқ ҳолда шаклланган. Қадимги давр фалсафасида Платон ва Аристотель адолатни жамиятда мутаносиблик ва ҳар бир шахснинг ўз ўрнини топиши билан изоҳлаган бўлсалар, Шарқ мутафаккирлари – Конфуций, Зардушт ва Форобий – адолатни ахлоқий қадрият, ҳукмдорнинг масъулияти ва тенг тақсимоат билан уйғунлаштирганлар. Ўрта асрларда диний-ахлоқий таълимотлар устувор бўлиб, ислом иқтисодий фикрида (Ибн Халдун, Фаззолий) адолат ҳалоллик, закот ва камбағалларни қўллаб-қувватлаш орқали намоён бўлса, Фарбда Фома Аквинский табиий ҳуқуқ ва христиан ахлоқи билан адолатни боғлаб талқин қилган. Янги даврда Ж. Локк ва Ж.Ж. Руссо адолатни шахсий эркинлик ва ижтимоий шартнома орқали асослаб берган бўлса, А.Смит ва классик иқтисодчилар бозорнинг “кўринмас қўли” орқали табиий адолат таъминланиши мумкин деган ғояни илгари сурганлар. XIX асрда К. Маркс

¹⁰⁰ Қаримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил. 25-бет.

ижтимоий-иқтисодий адолатни синфий кураш ва ишчи синфнинг тенг ҳуқуқлилиги билан изоҳлаган, утопист социалистлар эса тенглик ва адолатли тақсимот ғояларини ривожлантирган. XX асрда эса Жон Роулзнинг “адолат назарияси” тенг имкониятлар ва ижтимоий фарқларни минималлаштиришни илгари сурди, неолиберал ёндашувлар адолатни бозор эркинлиги билан боғлади, ижтимоий-демократик моделлар эса уни ижтимоий ҳимоя, қайта тақсимот ва барқарор ривожланиш билан уйғунлаштирди. Шарқона тафаккурда эса адолат ҳамжиҳатлик ва инсоний муносабатлар асоси сифатида қаралди. Ўзбекистон шароитида эса ижтимоий-иқтисодий адолат ғоялари бозор иқтисодиётига ўтиш жараёнида инсон манфаатлари устуворлиги, фуқаролар учун тенг имкониятларни таъминлаш, камбағалликни қисқартириш ва ижтимоий ҳимояни кучайтириш каби тамойилларда ўз ифодасини топомқда.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, ижтимоий-иқтисодий адолат ғоялари инсоният цивилизацияси тараққиёти билан узвий боғлиқ бўлиб, улар қадимги фалсафий таълимотлардан тортиб, замонавий иқтисодий назарияларгача изчил ривожланиб келган. Тарихий жараёнда адолат тушунчаси турлича талқин қилинган: аввало, ахлоқий-этик категория сифатида, кейин ҳуқуқий-сиёсий, сўнгра иқтисодий муносабатларнинг асосий мезони сифатида. Қиёсий таҳлил шуни кўрсатадики, турли мамлакатларда ижтимоий-иқтисодий адолат ғоялари давлат сиёсатининг йўналиши, жамиятнинг маданий анъаналари ва иқтисодий тизим хусусиятларига кўра турлича шаклланган. Замонавий босқичда адолат тушунчаси барқарор ривожланиш, ижтимоий шериклик, тенг имкониятлар ва инсон капиталини қўллаб-қувватлаш билан чамбарчас боғлиқ ҳолда қаралмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – жамиятда барча аъзоларининг тенг имкониятларга эга бўлишини ва ижтимоий манфаатлар мувозанатини таъминлашни мақсад қилиб қўйган комплекс тушунча ва амалий йўналишдир. Бунинг ортидан катта назарий асослар ва амалий концепциялар мужассам бўлиб, ҳар бир шахснинг ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқларига, ресурсларга, даромадларга бўлган муносабатнинг адолатли

бўлиши кераклигини кўрсатади. Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг мақсади, жамиятдаги ҳуқуқий, иқтисодий ва ижтимоий тенгликни таъминлаш, ҳамда ҳар бир инсоннинг қадр-қимматини ҳурмат қилишдан иборат.

Юқоридаги таҳлилий хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни билдирамиз:

1. Ижтимоий-иқтисодий адолат ғояларини тадқиқ этишда унинг тарихий-эволюцион тамойилини ҳисобга олиш, яъни иқтисодий сиёсатни ишлаб чиқишда фақат замонавий назарияларга эмас, балки тарихий тажрибага ҳам таяниш зарур.


2. Халқаро тажрибани қиёсий ўрганиш асосида миллий иқтисодий сиёсатда адолат мезонларини (тенг имкониятлар, камбағалликка қарши кураш, ресурслар тақсимотида шаффофлик) кучайтириш мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистон шароитида ижтимоий-иқтисодий адолат ғояларини амалда татбиқ этиш учун иқтисодий ислохотларнинг инсон манфаатларига йўналтирилганлиги ва адолатли тақсимот механизмларини такомиллаштириш устувор йўналиш сифатида қаралиши лозим.

1.2. Адолат классификатори ва таснифлагичи.

Юқорида биринчи бобнинг 1.1 параграфидаги мутафаккир, олиму уламоларнинг ижтимоий-иқтисодий адолат тўғрисидаги ғояларининг тарихий-қиёсий, тизимли таҳлили шундан далолат берадики, адолат тушунчаси инсонлар ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига тегишли бўлган умумий мезонларни, умуминсоний тушунча ва қадриятларни ифодаловчи категориядир. Мазкур категория ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий (маданият ва таълим-тарбия), экологик (табиат) каби ҳодисаларни ўз ичига олади. Бу ҳодисалар умумлашган ҳолда ижтимоий ҳодисалар деб юритилади.

Шу маънода ижтимоий адолат категориясини қуйидагича классификациялаш мумкин (1-чизма)



1-чизма. Адолатнинг умумий классификацияси.

У ёки бу қабул қилинган қарорнинг мантиққа тўғри келиши, инсоф, виждон, ҳақиқат, инсонпарварлик, меъёр, мутаносиблик, уйғунлик, маънавий, маърифий, инсонийлик каби жиҳатлар ижтимоий адолатнинг фалсафий жиҳатларидир.

Айнан шу нуқтаи назардан ижтимоий адолат ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини, яъни, сиёсий-мафкуравий, иқтисодий, социал, маънавий-ахлоқий (маданий-маърифий), экологик соҳаларни ўз ичига олади.

Ижтимоий адолат ижтимоий фанларнинг муаммоси сифатида икки жиҳатни ўз ичига олади: Назарий ва амалий. Назарий жиҳати ижтимоий мукофот тизимининг умумий тамойилларини асослаш ва қонунийлаштиришдан иборат. Амалий томони эса ижтимоий мукофотнинг муайян тизимини ташкил этишдан иборат.

Ижтимоий адолат тушунчасига иқтисодчи олим проф. М.Пардаев қуйидагича таъриф берган:

“Ижтимоий адолат деганда, ҳар бир ҳуқуқий давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб, жамиятнинг барқарор ва тўлақонли ривожланиши учун унинг ҳаётини тартибга солишда қўлланиладиган тенг ҳуқуқлилики таъминлайдиган адолатли омиллар тизимининг мавжудлиги ва уларнинг изчиллик билан амал қилиши тушунилади”¹⁰¹

Ушбу тушунчадан келиб чиққан ҳолда М.Пардаев ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш учун қуйидаги талабларни

¹⁰¹ Пардаев М. Иқтисодиётга доир атамаларнинг таърифлари. Т. “Фан ва технологиялар” нашриёти”, 2022, 46-бет

таъминлаш лозимлиги ҳақида сўз юритади:

Биринчидан, шахс – жамият-давлат ўртасидаги алоқадорликда тенглик ва ўзаро ҳамкорлик таъминланиши лозим.

Иккинчидан, мазкур тамойил шахснинг сиёсий, иқтисодий, социал, маънавий-маърифий неъматлардан баҳраманд бўлишида тенг ҳуқуқликни таъминлашга қаратилган меъзонлар ва кафолатларнинг мавжудлигини ва уларнинг амал қилинишини таъминлаган бўлиши лозим.

Адолатнинг сиёсий томони давлатни адолат қоидалари ва мезонлари асосида бошқариш, фуқаролар ғамини ейиш, уларнинг рози бўлишларини, ҳуқуқий томони эса қонунларга риоя этишни англатади.

Масалан, сиёсий адолат соҳасида Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёевнинг мамлакатлар ўртасида адолатли, дўстона муносабатларни ўрнатишдаги хизматлари жуда катта бўлди. Йиллар давомида ечимини кутаётган муаммолар ҳал этилди. Бунинг натижасида Марказий Осиё давлатлари билан барча соҳаларда ўзаро манфаатли, адолатли алоқалар янги босқичга чиқди.

Инсоний муносабатларнинг ҳуқуқий меъёрларга мувофиқлиги, қонун-қоида, қонунийлик, қонун ва ҳуқуқ устуворлиги, тартиб-интизом, ижро, риоя этиш, адолатнинг ҳуқуқий жиҳатларини ўзида ифода этади.

Янги Ўзбекистонда ҳар бир инсоннинг шаъни, ҳақ-ҳуқуқи, қадр-қиммати, фаровонлиги ва манфаатлари тўғрисида ғамхўрлик қиладиган, инсонпарвар, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлатни барпо этиш ҳамда мустаҳкамлаш, очиқ ва баркамол фуқаролик жамиятини шакллантириш, демокаратия ғояларига, ижтимоий адолат, эркинлик ва тенглик каби олий қадриятларга ўз содиқлигини ифода этишга шароит яратувчи Янги таҳрирдаги Конституциянинг амалда эканлиги ҳуқуқий адолатнинг рўёбга чиқариш йўлидаги ўта муҳим ҳуқуқий ҳужжатдир.

Сиёсий адолат замирида, энг аввало, иқтисодий адолат ётади. Ушбу адолат бевосита тақсимот жараёнларида ўз аксини топади. Қадимги хитойлик файласуф Сюн-Цзи (Эрамиздан авв. 313-235 йй.) шундай деб ёзган эди: “Аслида, агар тақсимот баравар бўлса, унда ҳаммага етмайди;

агар ҳокимият бараварлаштирилса, муштараклик бўлмай қолади; агар барча тенг бўлса, ҳеч кимни ишлашга мажбур этолмайсан. Бамисоли осмон ва ернинг мавжудлигидай, тепадагилар ва пастдагилар ўртасида ҳам фарқ бор”.

Эрамиздан аввал 551-479 йилларда яшаган Хитой донишманди Конфуций иқтисодий адолатни қарор топтиришни солиқ соҳасида зарурлигини ёзади.

“Давлатни бойитиш – ҳисоб-китобда зикналикка бориш ва халқда норозилик уйғотадиган солиқларни тўлаш эмас, балки асосий машулотни ривожлантириш, пастдагиларнинг қашшоқликни сезмаслиги, юқоридагиларнинг истеъмол ва сарф-харажатда меъёрдан ошмаслиги демакдир”.

Иқтисодий адолатни қарор топтириш муаммоси бугунги кунгача долзарблигини йўқотмаган. Хусусан, Ўзбекистон Президенти Ш.Мирзиёев 2022 йил 16 март куни Давлат солиқ қўмитасининг Маълумотларни қайта ишлаш маркази билан танишиш чоғида қуйидагилар тўғрисида кўрсатма берди:

“Биз инсон қадрини улуғлашни эълон қилдик, халқимизни рози қилишга ҳаракат қиляпмиз. Халқимиз қачон рози бўлади? Солиқ кам бўлиб, даромади ошса”, - деди Ш.Мирзиёев.¹⁰²

Бизга ҳозир тушум ошиши асосий эмас, биринчи навбатда тўғри қилиб, билмаганларга ўргатиб, солиқ юкини камайтириб, тадбиркорликнинг эмин-эркин ишлашини йўлга қўйиш керак. Солиқлар жазоловчи эмас, кўмакчи бўлиши керак, деди давлат раҳбари.

Адолат турлари таркибида ижтимоий (социал) адолат марказий ўринда туради. Социал адолат деганда, аҳолининг турмуш тарзи, муносиб турмуш даражаси ва фаровонлигини таъминлашга хизмат қилувчи, бевосита инсоннинг камолоти, унинг шаклланиши ва ривожланиши билан боғлиқ хизматларни кўрсатувчи соҳа ва тармоқлардаги адолатнинг қарор топиши тушунилади.

Ижтимоий адолатнинг биринчи талаби аҳоли турли табақаларининг ўзаро уйғун, мутаносиб бўлишини таъминлаш, жамиятнинг кескин табақаланишига йўл қўймасликдир. Ишсизлик, меҳнатга лаёқатсизлик каби сабаблар оқибатида кам таъминланган аҳоли қатламига, саломатлиги, ёши, даромад олиш имкониятининг чекланганлиги туфайли ўзгалар-

¹⁰² “Халқ сўзи”, 2022 йил 17 март

нинг кўмагига муҳтож шахслар ва оилаларга ёрдам кўрса-тишдаги адолатнинг қарор топиши шулар жумласидандир.

Ижтимоий адолатнинг иккинчи талабига кўра, халқнинг тенг ҳуқуқлилигини инобатга олган ҳолда уларни салоҳияти ва имконияти, хоҳиш-истакларига қараб лавозимларга тайинлаш лозим.

Ижтимоий адолатнинг учинчи талаби барчанинг тенг фаровонлигини ҳимоя қилиш билан бирга бу фаровонликни юзага келтиришидаги хизмати ва ҳуқуқига қараб ҳар бир инсон ўз улушини олишига имкон яратишдан иборат.

Ижтимоий адолатнинг учинчи талаби бўйича Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти И.Каримов жамият тараққиёти ва унинг сиёсий-социал муҳитини белгилашда раҳбар кадрларни жамлаш ва уларни жой-жойига қўйишга аҳамият берди ва шу масалада ҳал қилувчи маънавий-сиёсий омил, туб ислохотларнинг таянчи ва бош йўналтирувчи кучи деб қаради.

Адолат турлари таркибида маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий соҳалардаги адолат муҳим ўринни эгаллайди. Бу соҳалар қаторига инсоннинг камолотини юксалтиришга хизмат қилувчи масалалар, яъни, илм, фан, таълим, спорт, санъат, соғлиқни сақлаш каби соҳалар киради.

Маънавий-ахлоқий ва маданий-маърифий тушунчаларни биринчилар қаторида таҳлил қилган қадимги юнон файласуфи Суқрот (эр. авв. 469-399) адолатни “Қонунга мувофиқ хулқ” деб таърифлаган. Чунки адолат ахлоқий ҳуқуқий категория сифатида шахсларнинг ўзаро муносабатлари, хатти-ҳаракатлари ва қилмишларига берилган маънавий ҳуқуқий баҳо бўлиб, уларнинг белгиланган ахлоқий ва ҳуқуқий меъёрларга муносиб ёки номуносиблигини ифодалайди. Бошқача айтганда, маданий-маърифий адолат одамларнинг бир-бирларига зиён қилмаслик, ҳеч бир инсоннинг манфаат ва ор-номусига тегмаслик, шахснинг ҳуқуқ ва бурчларига риоя қилиш ва ўзаро ҳурматлаш, бир-бирининг азоб-уқубатларига ҳамдардлик, меҳр-мурувват каби талабларни ифодаловчи кенг маънодаги ахлоқий-маърифий ижтимоий ва фалсафий тушунча ҳамдир. Унинг шунча ўхшаш жиҳатлари улуг мутафаккир бобомиз Алишер Навоий ижодида қуйидача ифодаланади.

Адл айлаки, ул халқ ҳаёти бўлмиш,
Хуш ул кишиким – адл сифоти бўлмиш,
Ҳам мулк била адл жиҳоти бўлмиш,
Ҳам адл била мулк саботи бўлмиш.¹⁰³

Маълумки, жамиятдаги барча ўзгаришлар, янгиланишлар тафаккур асосида амалга оширилади. Жамики кашфиётлар, илм-фан ютуқлари бевосита халқнинг умумий савия даражасига ва ҳар бир шахснинг ақлий лаёқатига боғлиқ. Орифлик, камолот йўлида заҳмат чекишдан қочмаслик, руҳий бедорлик – маънавий уйғоқликдир. Уз фикрий танбаллигини енгиш, ўзини-ўзи илм олиш ва оламини англашга сафарбар этиш – инсоннинг олий сифатидир.

Маърифатга эришиш, илм-фан номояндаси бўлиш қанчалик машаққатли бўлмасин, у моҳият эътиборига кўра инсон ҳаётининг мазмунини ўзида мужассам этади. Маърифатли жамият маънавий етук шахслардан ташкил топади. Бундай жамиятда соғлом ақл-идрок, соғлом фикр ва адолат устуворлик қилади.

Бундай шароитда халқнинг эртанги кунга ишончи ва бунёдкорлик ишига рағбати кучли бўлади. Одам боласига номуносиб турли иллатлар туфайли юзага келадиган руҳий вазиятлар барҳам топади.

Бугунгикунда юксак технологиялар, ахборот инқилоблари, компьютерлаштириш, Учинчи Ренессансни яратиш даврига оид рақамлаштириш шароитида инсонийлик мезонлари ғоятан уйғун ва ўта мувофиқдир. У маънавий-ахлоқий принципларимизнинг энг гўзал томонлари, қирраларини юзага чиқаришга хизмат қилади.

Айни пайтда инсон ақл-заковати сунъий интеллект имкониятлари билан бирлашмоқда. Президентимизнинг “Рақамли Ўзбекистон – 2030” стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони, “Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, “Электрон тижорат маъмурчилигини такомиллаштириш учун қулай шароитлар яратиш тўғрисида”ги

¹⁰³ Навоий, Алишер. “Садди Искандарий”: /Насрий баёни билан/. /Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ.: Масъул муҳаррир К.Тоҳиров. – Т.: Ф.Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирл., 1991. 83-б.

қарори илм-фан, маданий, маънавий-маърифий соҳада адолатни рўёбга чиқариш учун хизмат қилади.

Президент Ш.Мирзиёев ташаббуси билан ташкил этилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари” халқимиз орасида оқибат, меҳр, ишонч дафтари деган номлар билан машҳур бўлиб кетди. Бу “Дафтар”лар, маҳаллалардаги “Еттилик” аҳолини аниқ манзилли, адолатли йўналтирилган ҳисоб-китобли ишлашга хизмат қилади.

Маънавий адолатни қарор топтириш юзасидан шуни таъкидлаш лозимки, бугунги кунда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда жиноятчиликка қарши курашишда ҳар бир маҳалла кесимида иш олиб борилаётир. Жиноятчиликнинг сабабларини аниқлаш ва уларни бартараф этишда “Хавфсиз ҳудуд” тамойили асосида фуқаробай ишлаш орқали ҳуқуқбузарликларнинг ижтимоий профилактикаси таъминланмоқда.

Адолат турлари таркибига кирувчи яна бир адолат тури бу – Экологик (табиат соҳасидаги) адолатдир. Табиат оламининг, моддий дунёнинг бир қисми, ер юзидаги мавжудотнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш манбаи. Табиат билан жамият чамчарчас боғланган. Инсон ўзига керакли ҳамма нарсани табиатдан олади ва ўзи шу табиатга мансуб.

Ер шари аҳолиси кўпайиб, тараққиёт жадаллашган сари инсоннинг табиатга таъсири ҳам кучайиб бормоқда. Оқибатда, табиий бойликлар камайиб, атроф-муҳит ифлосланяпти, минг йиллар мобайнида сақланиб қолган экологик мувозанат бузиляпти. Чўлланиш оқибатида дунёда 250 миллиондан зиёд аҳоли озиқ-овқат тақчиллигидан жабр чекмоқда. Иқлим ўзгариши ўсимлик ва ҳайвон турларининг 40 фоизигача қисми йўқолишига таъсир қилиши мутахассислар томонидан таъкидланмоқда. Буларнинг барчаси инсониятни табиат билан муносабатларини тўғри ва оқилона, адолатли йўлга қўйиш, уни муҳофаза қилишда кечиктириб бўлмайдиган чоралар кўриш ҳақида огоҳлантирмоқда. Бундай шароитда тарозининг бир палласига ўсиб бораётган аҳоли, ишлаб чиқариш (саноат, қурилиш, қишлоқ хўжалиги) турган бўлса, иккинчи палласида ҳар биримиз учун энг зарур бўлган сувни тежаш, атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва унинг олдини олиш, ер ости ва ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича уйғунликни таъминлаш, адолатли эко-

логик қарорларни қабул қилиш ўта долзарб масаладир.

Шу ўринда айтиш жоизки, ҳар икки йўналишда ҳам мувозанатни сақлашда экологик адолатни қарор топтиришни тақозо этади. Зеро, табиий ресурслар – бу келажак авлодларимизга ҳам тегишли бўлган бойликдир. Буни ҳеч қачон унутмаслик керак. Шу боис, улардан нафақат бугунги, балки эртанги кунимизни ҳам ўйлаб, оқилона фойдаланишимиз зарур.

Бу борада сувни, энергия ва бошқа табиий ресурсларни тежайдиган яшил иқтисодиётга тезроқ ўтиш муҳим аҳамиятга эга. Биз учун “Яшил макон” ва рақамли технологиялар, инновацион ишлаб чиқариш корхоналарини барпо этиш вазифаси, уларни қарор топтиришда адолатли экологик ёндашувларни жорий қилиш ҳам долзарб ҳисобланади.

Адолатни қарор топтириш миқёси, дахлдорлиги, бажариладиган вазифалари, илмий-концептуал ёндашувларга қараб ҳам тизимли таснифга эга. Уларни мантиқан қуйидаги гуруҳларга бўлиш мумкин:

1. Илмий – концептуал ёндашувдаги адолат турлари
2. Бажариладиган вазифалари бўйича адолат турлари
3. Миқёси ва дахлдорлигига қараб адолат турлари

Биринчи ёндашувдаги адолат турлари қуйидаги таснифга эга (2-чизма).

Илмий-концептуал ёндашувдаги адолат турлари



1. Фалсафий-ахлокий адолат
2. Ҳуқуқий-меъёрий адолат
3. Ижтимоий-сиёсий адолат
4. Тарихий, хронологик, қиёсий адолат
5. Илоҳий, диний адолат
6. Табиий-экологик, тиббий адолат
7. Социологик, социометрик адолат
8. Иқтисодий-математик, статистик адолат
9. Назарий, номинал (расмий) адолат
10. Амалий, реал (ҳаётий) адолат
11. Объектив адолат
12. Субъектив адолат
13. Статик, мутлоқ – стандарт адолат
14. Динамик, нисбий – ностандарт адолат
15. Якуний, ҳулосавий (ҳисоботлардаги) адолат

2-чизма. Илмий-концептуал ёндашувга қараб адолат таснифи

1. Фалсафий-ахлоқий адолат. Адолатнинг фалсафий жиҳати жамият аъзоларининг хилма-хил муносабатларидаги ўзаро тенглигини назарда тутди. Ахлоқий жиҳати инсонлараро муомалада бир хил муносабатда бўлишни, бир-бирининг иззат-нафсига тегмасликни, ахлоқ-одоб қоидаларига амал қилишни билдиради. Фалсафий-ахлоқий адолатнинг асосий тамойили – адолат, одиллик, холислик асосида масалага фақат ва фақат инсоф ва диёнат нуқтаи назаридан беғараз ёндашиш, ҳақиқатни бош мезон деб билиш, шу йўлда беминнат хизмат қилишдан иборат.

2. Ҳуқуқий-меъёрий адолат. Адолатнинг ҳуқуқий томони қонунларга риоя этишни англатади. Инсоний муносабатларнинг ҳуқуқий меъёрларга мувофиқлиги, қонун-қоида, қонунийлик, қонун ва ҳуқуқ устуворлиги индекси, тартиб интизом, ҳуқуқий меъёрлар, ижро, риоя этиш, бажариш, итоат... Давлат ва ҳокимият томонидан белгиланади.

3. Ижтимоий-сиёсий адолат. Адолатнинг ижтимоий-сиёсий томони давлатни адолат қоидалари асосида бошқаришни, фуқароларга ғамхўрлик қилишни англатади.

Тинчлик, тенглик, ўзаро ҳурмат, эрк ва озодлик, барқарорлик, фаровонлик бунинг асосий тамойиллари ҳисобланади.

4. Тарихий, хронологик, қиёсий адолат. Тегишлилик, объективлик, аниқлилик, даврийлик тамойиллари асосида фактга таянади ва илмий асосланади.

5. Илоҳий, диний адолат. Аллоҳнинг адолати, руҳийлик ва руҳий қониқиш, иймон, эътиқод, итоаткорлик, ҳалол ва ҳаром тушунчалари билан муқаддас манбаларга асосланади.

6. Табиий-экологик, физиологик-тиббий адолат. Табиийлик, органик (жонли) ва аорганик (жонсиз) олам ўртасидаги ҳамда танадаги мижозий, физиологик-тиббий мўътадиллик, уйғунлик тамойилларига асосланади.

7. Интуитив (ҳиссий) баҳоланадиган социологик-социометрик адолат. Яхшилик, эзгулик, ҳаққонийлик, тўғрилиқ, тенглик, муайян манфаатларга мувофиқлик жамоатчилик фикри билан аниқланади ва баҳоланади.

8. Иқтисодий-математик, статистик адолат. Зарарсизлик, манфаатлар уйғунлиги, нафлилик, оптималлик, самарадор-

лик, иқтисодий ўсиш, тараққиёт, фаравонлик, мутаносиблик, эквивалентлик, мувозанат, аниқлик тамойилларига асосланади. Моддийлик ва моддий қониқиш мезонлари билан ифодаланади.

9. Назарий, номинал (расмий) адолат. Илмий-назарий асосланган, расмий қоғоз ва ҳужжатларда баён этилган, декларациялар, битимлар, қонунлар, қарорлар, фармонлар, тартиб-қоидалар, рақамларда ифодаланган шакл ва миқдор.

10. Амалий, реал (ҳаётий) адолат. Ҳаётга тадбиқ этилган ва этилиши мумкин бўлган, амал қилаётган ва амал қилиши мумкин бўлган ҳақиқий ҳолатлар, ҳодиса ва жараёнлар, мазмун ва сифат.

11. Объектив адолат. Табиий ҳолатда шундай бўлиши керак бўлган ҳодиса ва жараёнлар. Алоҳида кишилар ёки жамият томонидан инкор этилмайдиган ҳолатлар.

12. Субъектив адолат. Алоҳида кишилар ёки жамият томонидан белгиланадиган, тан олинадиган хатти-ҳаракатлар ва ҳолатлар.

13. Статик, мутлоқ – стандарт адолат. Ҳодиса ва жараёнларнинг, хатти-ҳаракатнинг содир этилганлиги ёки ба-жарилганлигини тасдиқловчи фактлар. Муайян ўзгармас ҳолатдаги, барқарор, аниқланган ва аниқ кўрсатиладиган, исботланган, маълум бир қолипга тушадиган адолат.

14. Динамик, нисбий – ностандарт адолат. Ҳодиса ва жараёнларнинг, хатти-ҳаракатларнинг тўғри ёки нотўғрилиги, яхши ва ёмонлиги, адолатли ёки адолатсизлиги ҳақидаги хулосалар. Ҳар хил ўзгарувчан ҳолатдаги, аниқланадиган, нисбий аниқликда белгиланадиган, исботланадиган ва бор қолипга тушмайдиган адолат.

15. Якуний, хулосавий (ҳисоботлардаги) адолат. Якуний (хулосавий) адолат – бу ижтимоий-иқтисодий жараёнлар, ислохотлар ёки иқтисодий сиёсат чора-тадбирлари натижасида эришилган охириги натижаларнинг жамият томонидан адолатли деб қабул қилинишини ифодаловчи адолат туридир. Ушбу адолат тури жараённинг қандай амалга оширилганидан кўра, натижаларнинг кимга, қандай ҳажмда ва қай даражада манфаат келтирганига асосий эътибор қаратади. Ушбу адолат тури иқтисодий сиёсатнинг якуний кўрсаткичлари орқали баҳоланади (даромадлар тақсими,

камбағаллик даражаси, ижтимоий фарқлар) ҳамда давлат ва жамият олдида тақдим этилган расмий ҳисоботлар, статистик маълумотлар, индикаторлар орқали асосланади.

Қайд қилинган илмий-концептуал ёндашувлар ижтимоий адолатни қарор топтириш, назорат қилиш йўл-йўриқларини белгиловчи назарий асослардир. Ҳар бир илмий ёндашув ижтимоий-иқтисодий адолат талабларининг вазифасини бажаради. Ҳар бир илмий ёндашув мазкур соҳада ижтимоий-иқтисодий адолат ўрнатилишини таъминлашга хизмат қилади.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришда яна бир қатор илмий-назарий ёндашувлар ва қарашларни инобатга олиш зарур. Улар жумласига қуйидагилар киради:

1. Ижтимоий келишув ёки шартномавий адолат концепцияси.

2. Адолатнинг буржуача концепцияси.

3. Адолатнинг эволюцион-органистик концепцияси.

4. Адолатнинг либерал, либерал-ислоҳий, либертариан концепциялари.

5. Адолатнинг социал-демократик концепцияси.

6. Адолатнинг иқтисодий концепцияси.

7. Адолатнинг социологик концепцияси.

8. Адолатнинг эмпирик концепцияси.

9. Адолатнинг метафизик концепцияси.

10. Илоҳий адолат концепцияси – адолатнинг теологик концепцияси.

11. Адолатнинг космологик концепцияси.

12. Адолатнинг натуралистик концепцияси.

13. Позитивистик ва неопозитивистик адолат концепциялари

14. Адолатнинг экзистенциалистик концепцияси.

Ушбу концепциялар жуда мураккаб ва кенг қамровли концепциялар тизимидир. Ҳар бир концепция ўзининг илмий ва амалий асосларига эга. Шу сабабли бу масала махсус илмий-тадқиқот ишларини талаб қилади. Мазкур ишимизда биз уларнинг турларини қайд қилиш билан чекланиб қоламиз.

Бажариладиган вазифаларига кўра адолат қуйидаги таснифга эга. (3-чизма).

Бажариладиган вазифаларига
қараб адолат турлари



1. Тақсимловчи (дистрибутив) адолат
2. Коммутатив (айирбошлашдаги), тенглаштирувчи адолат
3. Ҳукм қилувчи, қайта тикловчи (процедурали) процессуал адолат
4. Тартибга солувчи адолат
5. Рақобатлантирувчи – бозор адолати
6. Ахборот берувчи, билдирувчи, огоҳлантирувчи, баҳоловчи таққослама-нисбий адолат

3-чизма. Мақсадга мувофиқ бажариладиган вазифаларга
қараб адолат турлари.

1. Тақсимловчи (дистрибутив) адолат. Ҳаётий неъматларни жамиятда қабул қилинган мезонларга мувофиқ, масалан, ҳар кимнинг меҳнати ва хизматининг миқдори ҳамда ижтимоий аҳамиятига кўра тақсимлашдаги, яъни тақсимот муносабатлари жараёнидаги адолат қоидалари ва талаблари мажмуаси.

2. Коммутатив (айирбошлашдаги), тенглаштирувчи адолат. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, қонун-қоидалар асосида барча фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, имкониятлари тенглигини таъминлаб туради. Ушбу адолат тури айирбошлашдаги, тенглаштирувчи адолат деб юритилади.

3. Ҳукм қилувчи, қайта тикловчи (процедурали) процессуал адолат. Файриқонуний ҳаракатларни таъқиқловчи, жазоловчи, ёхуд ҳуқуқий ҳимояловчи ва ҳукм чиқарувчи – қайта тикловчи вазифаларни қарор топишини таъминловчи процедурали адолатдир.

4. Тартибга солувчи адолат. Ҳамкорлик, шерикчилик, жамоавийлик ва бошқа ўзаро муносабатларда норматив-ҳуқуқий

асосдаги келишув, битимларни тузишдаги адолатни таъминлайди. Ушбу вазифа назорат қилиш, мурасага келтириш, тартибга солиш ва ташкил этиш функцияларини бажаради.

5. Рақобатлантирувчи-рағбатлантирувчи адолат – бозор адолати. Бунда адолат мезонлари бозор қоидаларига асосланади. Адолатни бозор қарор топтиради, яъни, қиймат қонуни, талаб ва таклиф қонуни, иқтисодий самарадорлик (фойда) ва нафлилик талаблари адолат белгилари ҳисобланади. Рақобатлантирувчи, рағбатлантирувчи вазифани бажаради.

6. Ахборот берувчи, билдирувчи, огоҳлантирувчи, баҳоловчи таққослама-нисбий адолат. Ушбу вазифа олдиндан ахборот бериш, билдириш, огоҳлантириш йўли билан адолатнинг қарор топишини таъминлайди. Бунда қиёсий баҳолаш, нисбий адолатни тарғиб қилиш ишини бажариш орқали бажарилади.

Адолатнинг қарор топишидаги натижадорлик, унинг ҳудудлар кесимида, зарарсизлик даражалари бўйича, нафлиликка қараб, макон, бошқарув тизимида, табақаланиш соҳасида, шунингдек, инсоннинг табиий ҳолати ва жамиятдаги ижтимоий бўлинишига қараб не чоғли адолатни жорий қилинганлигига бевосита боғлиқ. Хусусан, миқёси (масштаби) ёки дахлдорлигига кўра таснифдаги адолат турларига бевосита боғлиқ.

(4-чизма)

Миқёсига кўра адолат турлари



1. Глобал-геоисий (умуминсоний) адолат
2. Мамлакат (жамият) миқёсидаги умумий (тотал) адолат
3. Минтақавий адолат
4. Маҳаллий (муниципал) адолат
5. Жамоавий (корпоратив) адолат
6. Хусусий, шахсий (индивидуал, ҳар ким ўзи учун алоҳида, пинҳона) адолат

4-чизма. Миқёсига кўра адолат турлари.

1. Глобал-геосиёсий адолат – бу, умуминсоний, жаҳон миқёсидаги геосиёсий адолатнинг қарор топишини англатади. Жамийки инсониятнинг умумий манфаатларига мувофиқ келувчи қонун-қоидалар, хатти-ҳаракатлар, ҳолатлар ва муносабатлар. Умумий нафлиликка риоя этилиши шартлиги глобал адолат мезони бўлиб ҳисобланади.

2. Мамлакат (жамият) миқёсидаги умумий (тотал) адолат – бу, мезорегион (масалан, Марказий Осиёда) даражасида манфаатларнинг муштараклигини ўзида ифода этувчи адолатдир.

3. Минтақавий адолат – бу, алоҳида олинган мамлакат миқёсидаги манфаатлар ва нафлиликнинг уйғунлик даражасини ифодалайди.


4. Маҳаллий (муниципал) адолат – бу, алоҳида олинган туман (микро регион) миқёсидаги манфаатлар ва нафлиликнинг муштарак эканлигини ифодаловчи адолатдир.

5. Жамоавий (корпоратив) адолат – бу, жамоа ёки корхона манфаатлари ва нафлилиги даражаларини тавсифловчи адолатдир.

6. Хусусий, шахсий (индивидуал, ҳар ким ўзи учун алоҳида, пинҳона) адолат – бу, хусусий, шахсий манфаатлар ва чегарали нафлилик мезонларини акс эттирувчи адолатдир. Ҳар ким ўзи учун маъқул бўлган мезонни адолат деб тушунади. Бу сирни у пинҳона тутеди ва бу пинҳоналик унинг ҳаракати, адолатга нисбатан норозилиги буни яққол билдириб қўяди. Очикдан-очиқ ҳақиқатни айтиш эса сиёсатга тўғри келмаслиги мумкин. Шунинг учун бу турдаги адолатни ниқобдаги адолат дейиш мумкин.

Ҳисса қўшиш даражасига қараб ижтимоий адолатни қуйидагича таснифлаш мумкин.

5-чизма



5-чизма. Ҳисса қўшиш даражалари бўйича адолат турлари.

1. Қуйи даражадаги – заиф адолат. Зарарсизлик, яъни, ўзгалар манфаатига зиён етказмаслик. Ноҳақлик, зўравонлик-уруш-бузғунчилик, ёлғончилик, таъмагирлик, порахўрлик, фирромлик, қаллоблик, суиистеъмолчилик, камситувчилик, ёмонлик, нотўғри ишлар ва бошқа адолатсизликларни қилмаслик ҳисобланади. Адолатсизликларни билиш, аммо уларни бартараф этиш учун эса ҳисса қўша олмаслик – бу заифлик, бепарволик, бефарқликдан нишонадир. Бу қуйи даражадаги – заиф адолатдир.

2. Юқори даражадаги – кучли адолат. Ўзгаларга, жамиятга, табиатдаги барқарорлик ва мувозанатни сақлашга қўшадиган ҳиссаси орқали инсониятга наф келтириш, ниҳоятда нафли бўлиш ушбу адолатнинг мазмун-моҳиятини ташкил қилади. Ноҳақлик, зўравонлик-уруш-бузғунчилик, ёлғончилик, таъмагирлик, порахўрлик, фирромлик, қаллоблик, суиистеъмолчилик, камситувчилик, ёмонлик, нотўғри ишлар ва бошқа адолатсизликларни қилувчиларга қарши курашиш, тўлиқроқ ва аниқроқ маънода бу – ноҳақлик, зўравонлик-уруш-бузғунчилик, ёлғончилик, таъмагирлик, порахўрлик, фирромлик, қаллоблик, суиистеъмолчилик, камситувчилик, ёмонлик, нотўғри ишлар ва бошқа адолатсизликларни, ҳар қандай адолатсизликни қилмасликни, нафсга қул бўлмасликни, уни жиловлаб олишни, оқилона тартибга солишни билдиради.

Адолатсизликларни билиш, уларга қарши кураш, бартараф этишга ҳисса қўшиш юқори даражадаги – кучли адолат ҳисобланади.

Маълумки, жамиятда содир бўладиган барча жараёнлар доимо ўзгаришда бўлади. Шу баробарида бу ўзгаришлар адолат тарозисига ҳам ўз таъсирларини ўтказмай қўймайди. Олдин (кеча) мақбул бўлган мезон бугунгига, бугунги эса эртанги (келажакдаги) мезонга тўғри келмайди.

Масалан, ўтмишда қонга-қон олиш позитив адолат деб ҳисобланган бўлса, кейинчалик бугунги кунда негатив адолат, яъни, адолатсизлик деб ҳисобланиб, жон олгани учун тегишли равишда адолатли жазо берилади. Шу маънода, вақт, замон нуқтаи-назаридан адолат қуйидагича турларга бўлинади:

1. Ўтмишдаги (тарихий) адолат.

2. Жорий (бугунги кундаги) адолат.

3. Бўлғуси (келажақдаги) потенциал адолат.

Ўтмишдаги адолат – тарихдаги, яъни, ўтмишда амалда бўлган низом, тартиб-қоида, урф-одат бўйича қарор топган адолатдир. Масалан, маҳр, қалин бериш шулар жумласидандир. Улар қонун ҳукмида бўлган ва позитив ҳисобланган.


Жорий (бугунги кундаги) адолат – истеъмолга ёки истеъмолнинг устуворлигига йўналтирилган, бугунги кундаги, жорий эҳтиёжлар ва манфаатлар устунлиги нуқтаи назаридан вақтинчалик ёки қисқа муддатли адолат ва чегаравий нафлиликини ифода этувчи адолатдир.

Бўлғуси (келажақдаги) адолат – келажақдаги, яъни бўлғуси – потенциал эҳтиёжлар ва манфаатлар устуворлигига асосланган доимий ёки узоқ муддатли адолат. Масалан, жамғаришдаги умумий нафлилик жамғаришнинг устуворлигига йўналтирилган.

Адолатнинг қарор топиши Шарқ ва Ғарбдаги давлатларда турлича намоён бўлади. Масалан, Шарқда жамоа туйғуси ва манфаатлари, яъни, коллективизм ва анъанавийлик руҳининг уйғунлигида адолат намоён бўлса, Ғарбда бу устунлик алоҳидалик (индивидуализм) ва худбинлик (эгоизм), техногенлик, плюрализм ва прагматизм (хусусиятлар) руҳининг устунлигида намоён бўлади.

Ва ниҳоят ижтимоий адолат инсоннинг демографик жиҳатлари билан боғлиқ бўлган адолат турларига бўлинади. Уларни қуйидагича таснифлаш мумкин:

6-чизма.



6-чизма. Демографик жиҳатларга қараб адолат турлари

Жинсий (гендер) адолат	Кучли ва кучсиз иккала жинс ўртасидаги мувозанат меъёри ёки чегаралар. Эркаklar ва аёлларнинг ҳуқуқлари, жамиятдаги ўринлари, хатти-ҳаракатлари, ҳолатларига кўра мутаносиблик ва уйғунлик гендер тенгликни англатади.
Миллий адолат	Алоҳида олинган миллатнинг ўз тили, дини, ҳудуди, ватани, мустақиллиги борасидаги адолат тушунчаси. Бунда миллий менталитет устуворлиги таъминланади.
Ирқий адолат	Оқ танли ва қора танли, европоид ва монголоид гуруҳларида адолатнинг таъминланиши тушунилади.
Синфий адолат	Синфий манфаатларнинг мавжудлигини таъминловчи адолат.
Табақавий адолат	Алоҳида табақа(каста)ларнинг манфаатларидаги фарқлар ва у фарқларнинг адолатлилиги.

Табақаланиш нуқтаи назаридан тенглик адолати ёки адолатли тенглик ва тенгсизлик адолати ёки адолатли тенгсизлик турлари амал қилади.

Шундай қилиб, ижтимоий адолат жуда мураккаб ва кенг қамровли тушунча бўлиб, ижтимоий ҳаётдаги, хусусан, инсоннинг яшаш тарзи ва турмуш даражасидаги муносабатларда адолатнинг нечоғлик рўёбга чиқариш жараёнини ифодалайди. Шу боис, ушбу тушунча кўп қиррали таснифга эга.

1.3. Ижтимоий-иқтисодий адолат концепциялари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўрганиш методологияси.

Жамиятда ижтимоий адолат, энг аввало, ҳаётий неъматларни тақсимлашда намоён бўлади. Чунки адолат кишилар ўртасида бойликларни тақсимлаш, у ёки бу хатти-ҳаракатлар учун рағбатлантириш ёки жазолаш мезонини англатади. Фикримизча, адолатнинг асосий шартларидан бири ҳеч бир кимсага зиён етказмаслик бўлса, иккинчиси кишиларга наф келтиришдир. Лекин бунда ижтимоий адолат тушунчасининг маъносини фақат тақсимот типидagi муносабатлар ёки тақсимот механизми билан чегаралаш мумкин эмас. Адолат тақдирлаш ва талаб қилишнинг миқдорий ўлчовидир. Бизнингча, иқтисодий жиҳатдаги “ижтимоий адолат”, яъни ижтимоий-иқтисодий адолат категорияси жуда

кенг тушунча бўлиб, у такрор ишлаб чиқариш жараёнининг барча босқичларини, яъни ишлаб чиқариш, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмолнинг ҳамма соҳаларини, иқтисодий эркинлик, бозор рақобати ва мулккий муносабатлардаги эркинлик, тенг ҳуқуқлилиқ, иқтисодий ўсиш, тараққиёт, мутаносиблик, эквивалентлик, мувозанат, самарадорлик, манфаатлар уйғунлиги, иқтисодий қадриятлар, иқтисодий-математик маданият талаблари ва қоидаларини ҳам қамраб олади. Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг бошланғич асосий қоида ва мезонлари мулккий муносабатларга бориб тақалади. Чунки мулкчилик жамият иқтисодий тизимининг асосидир. Шу жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий адолат умуминсоний қадрият ва умумиқтисодий категория сифатида жамият тараққиётининг дастлабки босқичидан бошлаб, то ҳозирги кунгача мулкчилик муносабатларининг ривожланишига мувофиқ равишда ўзгариб, такомиллашиб келган. Адолат ҳақидаги тасаввурлар ва оммавий-илмий қарашлар ҳам муайян жамиятдаги мулкчилик муносабатлари, уларнинг ҳолати, ривожланиш даражаси ва қонуниятларига мос бўлган ёки шу муносабатлар даражасида талқин этилган ҳолда тарғиб қилинган. Масалан, собиқ совет тузуми даврида ижтимоий мулкчилик амал қилаётган мамлакатларни адолатли ва хусусий мулкчилик мавжуд бўлган давлатларни эксплуатацияга асосланган адолатсиз жамият, деб таърифланган бўлса, ҳозирги кунда мулкчиликнинг барча шакллари, жумладан, хусусий мулкчиликка ҳам бир хилда ривожланиш имконияти берилган республикамизда адолат қарор топаётганини таъкидлаш жоиз. Чунки ижтимоий-иқтисодий адолат мулкчилик муносабатлари билан боғлиқ экан, демак, мулкчилик муносабатларини рўёбга чиқариш механизмидаги бузилиш, албатта, ижтимоий-иқтисодий адолат қоидаларининг бузилишига ҳам олиб келади.

Гарчи ижтимоий-иқтисодий адолатнинг илдизи мулкчилик муносабатларига, яъни жамиятнинг иқтисодий тараққиёти даражаси ва иқтисодий муносабатларга бориб тақалса-да, яқин ўтмишгача унга умумиқтисодий қадрият ва категория сифатида етарли эътибор берилмаган. Шунингдек, адолатни

маънавий-ахлоқий ёки фалсафий, ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий, тарихий тушунчалар сифатида талқин қилган қадимги дунё мутафаккирлари Арасту ва Суқротдан бошлаб, буюк бобокалонларимиз Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий ва ҳозиргача бўлган олимларимизнинг ижодида унинг иқтисодий қирралари фақат умумий тарзда, лекин чиройли тарзда уйғунлашиб кетганлигини кўриш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий адолат мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория сифатида жамиятнинг барча аъзоларига ўзини тўла намоён қила олиши ва энг юқори самарага эришиши учун тенг имкониятлар ва шарт-шароитларнинг яратилганлиги ҳамда кафолатланганлиги даражасини билдиради. Унинг иқтисодий асослари манфаатлар ва мулкчилик муносабатлари билан чам- барчас боғлиқ. Жамиятнинг адолатлилики даражаси аҳолининг турмуш тарзи ва меҳнат шароитлари кўрсаткичларида ифодаланади ва бу кўрсаткичлар ўз навбатида жамиятдаги ишлаб чиқариш даражасига бевосита алоқадор.

Адолат жамиятда еттита асосий вазифани бажаради.

Биринчидан, жамиятдаги ижтимоий муносабатларни мақсадга мувофиқ ташкил этади.

Иккинчидан, турли ижтимоий гуруҳ ва синфлар манфаатларининг ҳимоя қилинишини таъминлайди, улар орасидаги мувозанатни сақлаб туради.

Учинчидан, жамиятдаги мулкчилик муносабатларини, ишлаб чиқариш фаоллигини оширади.

Тўртинчидан, ижтимоий-иқтисодий барқарорликни таъминлайди.

Бешинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимояловчи восита сифатида хизмат қилади.

Олтинчидан, воқеликда кенг илдиз отган, лекин ижтимоий тараққиётга тўсиқ бўлаётган муносабатларни барта- раф этишга даъват қилади.

Еттинчидан, одамларда келажакка ишонч туйғусини уйғотади ва кучайтиради.

Замонавий фуқаролик жамиятида инсонни инсон

қиладиган ижтимоий адолат асоси – таълим, тиббий хизмат, уй-жой, меҳнат каби неъматлардан ҳамма учун эркин фойдаланиш имкониятининг мавжудлигидир. Инсон доимо жамият ҳаётида муҳим ўринга эга бўлишга интилиб яшайди, бу – унинг асосий эҳтиёжларидан бири. Фуқаронинг ҳуқуқ ва бурчларининг мослиги ҳам фуқаролик жамиятидаги адолатли муносабатларни аниқ изга солувчи омилдир. Бундан нафақат жамият, балки шахснинг ўзи ҳам катта манфаат кўради. Ана шу мослик туфайлигина инсон бошқалардан ҳурмат ва эътироф кутишга ҳақли. Жиноятга яраша жазо тизими бўлмаган шароитда ҳар қандай жамият тараққиёт борасида қийинчиликларга дуч келиши табиий. Агар жиноятни жазосиз қолдирмайдиган тизим ижтимоий муносабатларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш кучига эга бўлса, меҳнат ва унинг баҳоланиши ўртасидаги мослик – иқтисодий муносабатларни тартибга солади. Бугунги замонавий жамиятни ана шундай мослик қоидасисиз тасаввур этиш қийин. Бу мослик бутун иқтисодий тизимнинг пойдеворини ташкил этади.

Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг асосий иқтисодий қоидаси инсон ва жамият (тараққиёти) манфаатларининг уйғунлашувига эришиш ҳисобланади. Бошқача айтганда, жамиятдаги моддий ва шахсий (интеллектуал) ресурслардан оқилона ҳамда самарали фойдаланган ҳолда халқ фаровонлигини максимал даражада таъминлашдан иборат.

Ижтимоий йўналтирилган – цивилизациялашган бозор иқтисодиёти муносабатлари шаклланиб ва мустаҳкамланиб бораётган ҳозирги даврда ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, иқтисодий соҳада, кишилар ўртасидаги иқтисодий муносабатларда ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш муҳим аҳамиятга эга. Бундан ташқари, бозор иқтисодиётининг ўзига хос ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари мавжуд. Булар: иқтисодий эркинлик ва меҳнат, ишбилармонлик, мулкига қараб фарқланадиган иқтисодий субъектларнинг даромади, турмуш даражаси ва жамиятдаги мавқеи бўйича табақаланишдир. Бунда жамият иқтисодий тараққиётининг устуворлиги ўз-ўзидан таъминланади.

Асосий иқтисодий қонуннинг ҳосиласи сифатида иккинчи, яъни эркин рақобат механизмининг амал қилиш қонундаси келиб чиқади. Рақобат механизмининг амал қилиши нуқтаи назардан бозор муносабатлари социал дарвинизм ғояларига ўхшаб кетади. Маълумки, социал дарвинизмга биноан инсоният жамияти тараққиётига биологик қонунлар татбиқ қилиниб, табиий танланиш, яшаш учун кураш тамойиллари ижтимоий ҳаётнинг белгиловчи омиллари деб қаралади ва ижтимоий тенгсизлик табиий (одатий) ҳол сифатида тан олинади.

Адолатнинг моҳияти шахснинг хатти-ҳаракатлари ва манфаатлари билан жамият ёки бошқалар манфаатларининг мувофиқ келишидан иборат. Шунингдек, адолатнинг бош мезони ҳам инсон ва жамият манфаатларининг муштараклиги даражасидир. Инсонларнинг эҳтиёжлари ва манфаатлари хилма-хиллигидан қатъи назар, улар бир-бирига қанчалик мос келса, жамият шунчалик адолатли бўлади. Яъни қайси жамиятда аҳолининг турмуш даражаси ва сифати юқори ҳамда инсонларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, манфаатлари ҳимояси кафолатланган бўлса, шу жамият бошқаларга нисбатан адолатлироқдир. Яхши яшашнинг дастлабки асоси эса юксак ва барқарор иқтисоддир.

Бозор иқтисодиёти шахсий манфаатларнинг бирламчи эканлиги ва уларнинг таркибини чуқур англаш йўли билан кишиларнинг фаоллигини ошириш ва жамиятнинг иқтисодий-ижтимоий тараққиётини жадаллаштиришнинг назарий ҳамда амалий жиҳатдан энг мақбул усули ҳисобланади. Шунинг учун ҳам ўтиш давридаги кескин йўналишлар макиавеллизм қонундасига ўхшаш умумий тараққиёт мақсади билан оқланадиган воситалардир. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, оқланадиган восита деганда ҳар қандай ихтиёрий восита эмас, балки инсоннинг моҳияти ва турмуш тарзи меъёрларига мос келадиганлари назарда тутилади. Меъёр ибораси ҳам умумий тушунча бўлиб, у одатда адолат мезони сифатида ифодаланади. “Меъёр адолатдир” – дейилган қонунда бор қадимдан. Шу боис, ҳамма вақт, ҳамма жойда, ҳамма соҳада меъёрни билиш ва унга риоя қила олиш адолат йўлидир. До-

ноларнинг таъбирича: ҳатто тежамкорлик, иқтисод қилиш ҳам меъёрда бўлиши керак.

Демак, адолат барча нарсани ўз ўрнига қўя билишдадир. Адолат меъёرنинг амалдаги исботидир. Адолат йўқ жойда кишилар ҳаёти қадр-қимматини ушлаб турадиган ҳеч нима қолмайди.

Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг бош мезони билан бир қаторда умумий асосий мезонлари ҳам борки, уларнинг биринчиси қонун ва қонунийлик ёки бошқача айтганда, қонуннинг устуворлигидир. Бу мезон республикамиз мустақиллиги ва тараққиётининг машҳур бешта тамойилидан бири сифатида ҳам бизга яхши маълум. Қаерда қонун устувор бўлса, ўша ерда эркинлик бўлади. Конституциямизда белгилаб қўйилганидек, “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади” деб белгилаб қўйилди¹⁰⁴. Давлат адолатли қонунлар орқали бошқарилиши лозим, деган ғояни илгари сурган улуғ бобокалонимиз Абдураҳмон Жомий “Адолатнинг мезони қонунқоидаларга риоя қилишдадир”, деб таъкидлайди. Демак, амалга оширилаётган ислохотлар ва тадбирлар халқ томонидан қўллаб-қувватланиши керак. Зеро, халққа зарар келтирувчи ҳаракатлар ҳеч қачон адолатли бўлиши мумкин эмас.

Тараққийпарвар ва демократик жамиятларни кенг маънода арбоблар (раҳбарлар), яъни алоҳида кишилар эмас, балки қонунлар бошқаради. Адолатпарвар қонунларга жамият барча аъзоларининг риоя қилиши эса халқнинг ишончли вакиллари томонидан назорат қилиниб, тартибга солиб борилади. Қонунлар халқнинг умумий иродасини, ижтимоий ҳаётда кишилар хатти-ҳаракати ва муносабатларининг ҳаммага тааллуқли ҳамда риоя қилиш зарур бўлган жиҳатларини ўзида мужассамлаштиради. Қонунлар жамиятнинг барча аъзоларига нисбатан адолатли бўлиши учун уларнинг асосий ғоялари ва тузилиши халқнинг илғор, билимли, одил, масъу-

¹⁰⁴ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [Матн]: расмий нашр. – Тошкент: “O‘ZBEKISTON” нашриёти, 2023. 14-модда. 9-бет.

лиятли вакиллари томонидан лойиҳалаштирилиб, кейин кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиши зарур. Чунки ҳар қандай қонун ёки меъёрий ҳужжатни амалга ошириш учун унга бўйсинувчи ёки риоя этиши лозим бўлган кишиларнинг муштарак ва асосий мақсадларини (манфаатларини) қай даражада ифода этаётганлигини эътиборга олиш лозим.

Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг яна бир мезони турли даражадаги манфаатларнинг уйғунлиги, яъни мақсадлар ва хатти-ҳаракатлар билан жамият тараққиётининг муштараклигидир. Бу эса асосан жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси билан белгиланади. Шунингдек, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек: “Агар жамият ҳаётининг танаси иқтисодиёт бўлса, унинг жони ва руҳи маънавиятдир. Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишга қарор қилган эканмиз, иккита мустаҳкам устунга таянамиз. Биринчиси – бозор тамойилларига асосланган кучли иқтисодиёт. Иккинчиси – аждодларимизнинг бой мероси ва миллий қадриятларга асосланган кучли маънавият”¹⁰⁵.

Бозор иқтисодиёти шароитида аҳолини, айниқса, унинг ночор, яъни вақтинча ёки умуман даромад топиш имкониятига ёки қобилиятига эга бўлмаган ва яхши таъминланмаган табақаларини ижтимоий ҳимоялаш ҳам ижтимоий адолатнинг мезони ҳисобланади. Бунда, албатта, аҳолининг маълум қатлами вакиллари ижтимоий ҳимоялаш механизми меҳнат аҳллари ижтимоий ҳимоялаш даражасига, меҳнат самарадорлиги ва меҳнатга бўлган рағбатга салбий таъсир қилмаслик меъёрлари ҳар томонлама эътиборга олиниши лозим.

Шу ўринда, “Барча учун иқтисодий адолат” деб номланган АҚШ епископлари томонидан чиқарилган ижтимоий-иқтисодий ҳужжат ҳам ижтимоий-иқтисодий адолатнинг алоҳида қирраларини очиб беришга хизмат қилади:

1. Ҳар бир иқтисодий ечим ва институтга нисбатан у инсон кадр-қимматини ҳимоя қилишга хизмат қилиш-қилмаслиги ёки инсонга зарар етказиш-етказмаслиги нуқтаи назаридан баҳо бериш лозим.

¹⁰⁵ Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. 56-б.

Иқтисодий тизим истиқболини белгилаётган экан, одам ўзига қуйидаги учта саволни бериши керак:

Мазкур тизим одамларга нима беради?

Одамлар мазкур тизимда қандай иштирок этади?

Одамлар иқтисодиётга эмас, балки аксинча, иқтисодиёт одамларга қандай хизмат қилиши мумкин?

2. Инсоннинг қадр-қиммати фақат жамоа доирасидагина юзага чиқарилиши ва ҳимоя қилиниши мумкин.

“Яқинларингга мурувват қил” деган панд-насихат фақатгина шахсга қаратилган эмас, балки у умумий фаровонлик йўлида ҳаракат қилишни ҳам талаб этади.

3. Барча одам иқтисодий ҳаётда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Иқтисодий ҳаётга баҳоли қудрат ўз улушини қўшаётган бирорта одам ёки гуруҳ адолатсиз равишда бизнес оламиндан четлатилмаслиги ёки иқтисодий ҳаётда иштирок этиш имкониятидан маҳрум этилмаслиги керак.

4. Жамиятнинг барча аъзолари зиммасида камбағаллар ва ночорларга нисбатан алоҳида мажбуриятлар ётади. Биз камбағалларнинг эҳтиёжлари тўғрисида қайғуришимиз, бечоралар ва ҳимояга муҳтожларни ҳимоя қилишимиз даркор.

5. Инсоннинг ҳуқуқлари жамиятдаги ҳаётнинг минимал шартларидир. Бу ўринда инсон ҳуқуқлари дейилганида нафақат сиёсий ва фуқаролик ҳуқуқлари, балки озиқ-овқатга бўлган, уй-жойли бўлишга, дам олишга, тиббий ёрдамдан фойдаланишга, таълим олишга ва ишлашга бўлган ҳуқуқлар ҳам тушунилади.

6. Жамият оммавий ва хусусий институтлар орқали фаолият кўрсатиб, инсон қадр-қимматини ошириш ва унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун маънавий жиҳатдан буткул жавобгардир. Бу борада хусусий институтлар, шунингдек, черков ва ҳукумат зиммасида алоҳида масъулият ётади.¹⁰⁶ Жамиятнинг ҳар бир аъзосига ўзини ҳар томонлама намоён қилиши учун тўлиқ имкониятлар яратиш ҳам ижтимоий адолатнинг умумий мезонларидан биридир. Давлатимизнинг Асосий қонунида фуқароларнинг меҳнат қилиш, иш-сизликдан ҳимояланиш, қариганда ёки меҳнат лаёқатини

¹⁰⁶ Economic Justice for All: Pastoral Letter on Catholic Social Teaching and the U.S. Economy. United States Conference of Catholic Bishops (USCCB)

йўқотганда ижтимоий таъминланиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, таълим олиш ҳуқуқлари белгиланган. Шунингдек, илмий ва техникавий ижод эркинлиги ҳуқуқларини ижтимоий пухта кафолатлаш қайд этилган ва бу ҳуқуқлар оғишмай турмушга жорий этиляпти.

Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг яна бир мезони демократия ва ахборот билан таъминланганлик даражасидир. Юртбошимиз таъкидлаганидек, “Инсон ҳуқуқини қонунда ва амалда таъминлай олмаган, бунинг учун етарли кафолатлар яратиб беролмаган жамият демократик жамият эмас”. Шу маънода, демократик жамиятни кўпроқ хоҳлайдиган, қонунга суянаман деган ҳар бир киши ижтимоий фаолликдан ташқари, қонунларни ҳам яхши билиши шарт.

Жамиятда бўлаётган барча ҳодиса ва жараёнлар ҳақида халқ оммасига тўлиқ ҳамда объектив ахборот беришни таъминлаш лозим. Бозор иқтисодиёти шароитида ахборотнинг роли қанчалик тез ўсиб бориши назарий жиҳатдан асосланган ва жаҳон амалиётида ўз исботини топган. Жамият тараққиётининг барча соҳаларида ахборотнинг тўлиқлиги ва объективлиги жуда катта аҳамиятга эга. Адолатли жамият назариётчиларидан бири, буюк мутафаккир Алишер Навоий “Агар огоҳсен сен, шоҳсен сен” деганларида барча билимлар ва маълумотлардан бохабар бўлишни назарда тутганликлари айни ҳақиқатдир.

Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг юқорида санаб ўтилган умумий мезонлари билан бир қаторда иқтисодиётга ва унинг соҳаларига тааллуқли бўлган хусусий мезонлари ҳам бор. Масалан, социал ва физиологик яшаш минимумининг меъёрий ҳамда амалда ҳисобланаётган чегаралари ўртасидаги нисбат, уларнинг даражаси, “истеъмол савати”нинг миқдорий ва қиймат даражаси, реал даромадлар, энг кам иш ҳақи, ўртача иш ҳақи каби кўрсаткичлар ва улар ўртасидаги нисбат, децил коэффиценти, иқтисодий ва ижтимоий самарадорлик кўрсаткичларининг уйғунлик даражаси ва бошқалар шулар жумласидандир. Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг объектив асослари ҳамда субъектив ҳис-туйғу ёрдамида белгиланадиган мезонлари мавжуд. Унинг объек-

тив мезонлари: аҳолининг турмуш даражаси ҳамда инсон ўзини тўла намоён қилиши учун тенг имкониятларнинг яратилганлиги даражаси (кишиларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, мажбуриятлари юзасидан қонун олдидаги тенглиги алоҳида масала). Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг объектив мезонлари муайян аниқ кўрсаткичлар мажмуи билан белгиланади. Масалан, аҳолининг турмуш даражаси уларнинг даромадлари ва харажатлари, истеъмоладаражаси, социал-маънавий ва маданий-маиший эҳтиёжларининг қондирилиши, уй-жой, маиший шарт-шароитларни белгиловчи бир қатор аниқ кўрсаткичлар йиғиндиси ва ҳоказо.

Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг субъектив тарзда белгиланадиган хусусий мезонлари жамиятдаги турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламларга тегишли аҳолининг ўз манфаатлари ҳамда эҳтиёжлари нуқтаи назаридан баҳолайдиган кўрсаткичларидир. Бунга у ёки бу иқтисодий ҳолатдан, хатти-ҳаракатдан, шарт-шароитдан, қонун-қоидадан, сиёсатдан қониқиш ёки қониқмаслик ҳолатлари мисол бўла олади.

Хулоса қилиб шуни айтмоқчимизки, бозор муносабатлари шароитида ижтимоий-иқтисодий адолатнинг умумий мезонлари ва ўзига хос иқтисодий қоидалари амал қилиб, улар ижтимоий-иқтисодий адолатнинг моҳияти ва иқтисодий асосларини тўлиқ, аниқ тушуниш учун манба бўлиб хизмат қилади.

Ҳаётнинг мезони, яшаш қоидаси ва тараққиётга ундовчи куч ҳисобланмиш тушунча – ижтимоий-иқтисодий адолат борасида бозор иқтисодиётининг ўзига хос қоидалари мавжуд бўлиб, улар узоқ вақтлар мобайнида умумжаҳон тажрибасида синалиб, такомиллашиб умуминсоний, умумиқтисодий қадрият сифатида шаклланиб келмоқда. Айниқса, дунёнинг етакчи мамлакатлари “Тўртинчи саноат инқилоби”, “Ақлли иқтисодиёт”, “Инновацион иқтисодиёт”га ўтаётган ва “сунъий интеллект” ривожланаётган ҳозирги замонда ушбу қадрият ҳам трансформациялашув жараёнидадир.

Шундай қадриятни Янги Ўзбекистондаги тарихий, ижтимоий-иқтисодий, миллий-руҳий, демографик, табиий иқлим ва бошқа шароитларни ҳисобга олган ҳолда


ривожлантириш ҳамда ижтимоий-иқтисодий адолатнинг объектив ва субъектив томонларини чуқур таҳлил қилиб уни рўёбга чиқариш йўлларини иқтисодий жиҳатдан асослаб кўрсатиш долзарб вазифадир. Шунингдек, айти пайтда амалга оширилаётган туб иқтисодий ислохотлар ҳар томонлама илмий асосларни талаб қилувчи бир қатор мураккаб назарий ва амалий вазифаларни илгари сурмоқда. Шулар қаторида, ишлаб чиқариш, меҳнат, тақсимот ва айирбошлаш соҳасидаги муаммолар (яъни, иш билан самарали бандлик ва ишсизлик муаммоси, меҳнат шарт-шароитларини яхшилаш ва ижтимоий-иқтисодий самарадорлик ҳамда аҳолининг минимал даромадларини таъминлаш муаммолари ва шу кабилар) ҳамда уларни ижтимоий-иқтисодий адолат қоидаларига мувофиқ тарзда ҳал қилинишини таъминлаш алоҳида аҳамият касб этади. Иқтисодиётнинг барча соҳаларида ижтимоий-иқтисодий адолатнинг мезонларини ҳамда уларнинг амал қилиш хусусиятларини тадқиқ қилиш давр тақозоси ҳисобланади.

Бизнинг хулосаларимизга кўра, ижтимоий-иқтисодий адолат – умумий статистик индекс бўлиб, у нафлилик, самарадорлик, тараққиёт ва фаровонликнинг умумий индексларини ўз ичига олади. Адолат – бу дунёнинг (инсон ҳаётининг) ҳисоб-китобидир. Ишлаб чиқаришдаги устуворлик (самарадорлик даражаси), нафлилик, меҳнатга бўлган муносабат, тақсимот ва айирбошлашдаги ривожланиш ва тараққиётни таъминловчи тенглик, эквивалентлилик, яъни ўсиб боровчи фаровонликнинг уйғунлиги **адолат қонунининг талабидир.**

Шу нуқтаи назардан, ижтимоий-иқтисодий адолат муаммоларини, хусусан ишлаб чиқариш – меҳнат, тақсимот, айирбошлаш ва истеъмол жараёнида(соҳаси)ги адолат муаммоларини иқтисодий категория сифатида ҳамда иқтисодий адолат назариясининг самарадорлик ва фаровонлик назариялари билан ўзаро боғлиқлигини, иқтисодий адолатнинг барқарор ривожланиш ва фаровонликни оширишдаги ролини назарий жиҳатдан ўрганишни бошқа ижтимоий-гуманитар

фанлар билан биргаликда синергетика қоидаларидан фойдаланган ҳолда иқтисодиёт назарияси фанининг предметиға киритиш мақсадға мувофиқ бўлади, деб ҳисоблаймиз. Ушбу синергетик ёндашув қуйидаги чизмаларда ифодаланмоқда.

7-чизма





1.4. Адолат тарозисининг миқдорий мезонларини ўлчаш усуллари.

Адолат дунёни мувозанатга солиб турувчи асосий мезондир. Бу мезон нисбатларда ўз ифодасини топади ва кўрсаткичларда, мутлақ ва нисбий миқдорларда ҳисобланади.

Адолат кўп қиррали ва кенг қамровли категориядир. Шу сабабли у ўз ифодасини фақат кўрсаткичлар тизимида топади. Бу тизим ўз ичига қуйидаги кўрсаткичларни олади:

1. Адолатни тавсифловчи интеграл кўрсаткич
2. Адолатни тавсифловчи умумий (синтетик) кўрсаткичлар
3. Адолатни тавсифловчи индивидуал (якка, локал) кўрсаткичлар

Адолатни тавсифловчи интеграл кўрсаткич қуйидаги умумий (синтетик) кўрсаткичларни ўз ичига олади:

1. Мамлакатда олиб борилаётган сиёсатдаги одиллик, муштараклик (J_{CA})

2. Мамлакатда олиб борилаётган иқтисодий сиёсатдаги одиллик, ҳаққонийлик (J_{IA})

3. Мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий сиёсатдаги одиллик, шаффофлик, ҳаққонийлик (J_{CCA})

4. Мамлакатда олиб борилаётган маънавий-маърифий соҳадаги одиллик, мутаносиблик, шаффофлик. (J_{MCA})

5. Мамлакатда олиб борилаётган экологик сиёсатдаги мувозанат, уйғунлик ($J_{ЭCA}$)

Ушбу кўрсаткичларнинг динамикада, нисбий миқдорларда ўзгаришининг ўртача геометрик миқдори адолатнинг интеграл кўрсаткичини ифодалайди (J_{AI})

$$J_{AI} = \sqrt[5]{J_{CA} J_{IA} J_{CCA} J_{MCA} J_{ЭCA}}$$

Мамлакатда олиб борилаётган сиёсатдаги одиллик, муштараклик (J_{CA}) қуйидаги локал кўрсаткичларда ўз ифодасини топган:

1. Мамлакат (вилоят, туман, вазирлик, агентлик, корхона) бошқарувидаги одиллик (i_{BA})

2. Мамлакатда сўз эркинлигидаги одиллик ($i_{CЭA}$)

3. Мамлакатда ҳуқуқни ҳимоя қилиш соҳасидаги одиллик (i_{XA})

4. Мамлакатда сиёсий муҳитнинг мўътадиллиги (i_{CMA})

5. Мамлакат парламенти ва сиёсий партиялар фаолияти-даги мутаносиблик (адолат) ($i_{\text{ПСПА}}$)

Ушбу гоядан келиб чиққан ҳолда мамлакатнинг сиёсий ҳолатидаги адолат мезонини ўртача геометрик формула ёрдамида ҳисобланадиган умумий индексини аниқлаш мумкин:

$$J_{\text{СА}} = \sqrt[5]{i_{\text{БА}} i_{\text{СЭА}} i_{\text{ХХА}} i_{\text{СМА}} i_{\text{ПСПА}}}$$

Мазкур индекс таркибида бошқарувдаги адолат индекси устувор ҳисобланади ва у қуйидагича аниқланади:

($i_{\text{БА}}$) – мамлакат миқёсида ва вазирлик (агентликлар)да, ҳудудлар (вилоятлар, туманлар)да, шунингдек, йирик корпорациялар ва корхоналарда у ёки бу сиёсий масала бўйича оқилона қабул қилинган қарорлар индекси.

Ушбу индекс қуйидагича аниқланади:

$$(i_{\text{БА}}) = \frac{d_{\text{БА1}}}{d_{\text{БА1}}} (0 \rightarrow 1)$$

Бу ерда,

$d_{\text{БА1}} = \frac{\text{ҚҚТҚ}_1}{\Sigma \text{ҚҚҚ}_1}$ – жорий даврда у ёки бу сиёсий масала юзасидан қабул қилинган оқилона қарор салмоғи.

$d_{\text{БА0}} = \frac{\text{ҚҚТҚ}_1}{\Sigma \text{ҚҚҚ}_1}$ – базис у ёки бу сиёсий масала юзасидан қабул қилинган оқилона қарор салмоғи.

$\text{ҚҚТҚ}_{0,1}$ ва $\text{ҚҚТҚ}_{1,1}$ – базис ва жорий даврларда у ёки бу сиёсий масала бўйича тўғри, оқилона қабул қилинган ва амалда ўз ижросини топган қарорлар сони.

$\Sigma \text{ҚҚҚ}_0$ ва $\Sigma \text{ҚҚҚ}_1$ – базис ва жорий даврларда у ёки бу сиёсий масала бўйича жами қабул қилинган қарорлар сони.

Бошқарувдаги адолат энг аввало раҳбарлик услуги, белгиси ва бўйсинувчиларга қараб муомала қилишида ўз ифодасини топади. Услуб раҳбарнинг салоҳияти, фазилатлари ва унинг индивидуал хусусиятлари билан белгиланади.

Шунга қараб раҳбарлик уч турга бўлинади:

1. Авторитар раҳбар
2. Либерал раҳбар
3. Демократик раҳбар

Ҳар бир бошқарув самарадорлигини баҳолаш учун Америкалик олим Л.Лайкерт қуйидаги коэффициентни ҳисоблашни таклиф этган:

$$K_{BC} = \frac{\Sigma IU}{\Sigma MKU}$$

Бу ерда, ΣIU – раҳбарлик услубидаги ишонтириш унсurlари йиғиндиси;

ΣMKU – раҳбарлик услубидаги мажбур қилиш унсurlари йиғиндиси.

Бу нисбат 1,9 ни ташкил қилиши керак. Бошқача қилиб айтганда раҳбарлик услубида раҳбар ишонтириш усуллари мажбур қилиш унсurlаридан тахминан икки баробар кўпроқ, яъни $2/3$ қисмини қўллагандагина унинг раҳбарлик услуби оптимал, адолатли, мақсадга мувофиқ, самарали бўлган ҳисобланади.

Ушбу кўрсаткични ҳисоблаш учун раҳбарлик турлари ва ўзига хос хусусиятлари, белгилари бўйича ўрганилаётган объект(мамлакат, вилоят, туман, вазирлик, агентлик, корхона)лар кесимида махсус социологик сўровлар ўтказилади. Сўров анкетасига қуйидаги саволлар киритилади. Саволлар рўпарасида берилган жавобларнинг фақат биттаси танлаб белгиланади. Ҳар бир танлаб олинган жавобга тегишли баллар қўйилади.

Социологик сўров анкетаси

Т/р	Саволлар ва жавоблар	Балл
1	Рахбарнинг қарор қилишдаги усули	5
	А) Жамоа фикри билан ҳисоблашади ва адолатли қарор қабул қилади	3
	Б) Юқоридан келган кўрсатмага биноан иш тутади ва қисман жамоа фикрини инобатга олади	0
	В) Яккабош, жамоа фикри билан умуман ҳисоблашмайди	
2	Қарор ечимларини қўл остида ишловчи ходимларга етказиш усули	
	А) Таклиф орқали	5
	Б) Ёзма ва оғзаки буйруқ, кўрсатма орқали	3
	В) Илтимос қилиш, ялиниш орқали	1
3	Масъулиятни тақсимлашдаги адолат	
	А) Ваколатга биноан	5
	Б) Тўла-тўқис рахбар қўлида	4
	В) Тўла-тўқис ижрочиларнинг фикрига биноан	3
4	Бўйсинувчиларнинг ташаббускорлигига бўлган адолат	
	А) Тўла-тўқис таянади ва рағбатлантиради	5
	Б) Ташаббуслардан фойдаланиб туради	4
	В) Ташаббусларга баъзан йўл қўяди	3
5	Қарорларни танлашдаги адолат	
	А) Ишчан, билимдон ходимларга таянади ва уларнинг ўсишига ёрдам беради	5
	Б) Кучли рақобатдошлардан қутилиш тарафдори	1
	В) Бепарво	0
6	Билимга бўлган муносабатдаги адолат	
	А) Муттасил ўқийди ва қўл остидаги бўйсинувчилардан шунини талаб қилади	5
	Б) Ҳамма нарсани ўзим биламан деб ҳисоблайди	1
	В) Эътиборсиз, барибир бепарво	0
7	Рахбарнинг муомаладаги маданияти	
	А) Ижобий мулоқотга киришимли ва фаол, қўл остидагилар билан тез тил топиша олади	5
	Б) Ташаббус кўрсатмайди	1
	В) Салбий, масофа сақлайди	0
8	Интизомга нисбатан адолатлилиги	
	А) Мақсадга мувофиқ, интизомни оқилона талаб қилади	5
	Б) Расмий, ўта қаттиқ талабчан	3
	В) Жуда юмшоқ ва юзаки	1

9	Рағбатлантиришга нисбатан адолатлилиги	
	А) Тез-тез рағбатлантириш тарафдори	5
	Б) Тез-тез жазолаш, онда-сонда рағбатлантириб туриш тарафдори	3
	В) Аниқ мўлжали йўқ	0
10	Манфаатни кўзлашдаги адолатлилиги	
	А) Жамоа (регион) манфаатини ҳамиша устувор деб билади	5
	Б) Жамоа ва шахсий манфаатларнинг мутаносиб бўлишини талаб қилади	4
	В) Фақат шахсий манфаатни кўзлайди	0

Бошқарувдаги адолатнинг миқдорий ўлчови мутлоқ ва нисбий миқдорларда ифодаланади. Мутлоқ ифодаланиш натурал ёки балларда, нисбий ифодаланиш эса сифат кўрсаткичларда, яъни аъло, яхши, ўрта ва ёмон баҳоларда баҳоланади.

Агар раҳбар барча талаблар бўйича адолатли бўлса у ҳолда энг юқори 50 балл йиғиш мумкин. Агар у бошқариш жараёнларидаги мезонларни адо этишда адолатсизликларга йўл қўйиб турса, у ҳолда бундай раҳбар жами 8 балл йиғиши мумкин.

Максимал 50 баллдан келиб чиққан ҳолда раҳбарнинг адолат рейтинги қуйидагича аниқланади:

Раҳбар рейтинги

Максимал 50 балл ҳисобидан йиғиши мумкин бўлган балл (%)	Йиғилган баллар максимал 50 балл ҳисобидан (балл)	Раҳбарнинг адолат рейтинги синтетик кўрсаткичи (2 БА)
55 гача	27,5	Қониқарсиз
55-70	27,5-35,0	Қониқарли
71-85	35,0-42,5	Яхши
86-100	42,5-50,0	Аъло

Демак, сўровнома натижаларига биноан 27,5 гача балл йиққан раҳбарнинг адолат рейтинги “қониқарсиз”, 27,5-35,0 балл – “қониқарли”, 35,0-42,5 балл – “яхши” ва 42,5-50,0 балл йиққан раҳбарнинг синтетик адолат рейтинг кўрсаткичи “аъло” баҳога тенг бўлади.

“Аъло” деб баҳоланган раҳбар маънавий етук, сиёсий би-

лим даражаси юқори, интизом ва меҳнатга бўлган муносабати одил, ташкилотчилик қобилияти юксак ва бошқариш самарадорлигини адолат билан таминлай олиш қобилиятига эга бўлади. Улар раҳбар обрўсига путур етказувчи унсурларга, яъни бюрократизм, маҳаллийчилик, таъмагирлик каби иллатларга қарши одиллик билан курашадилар. Ўз жамоаси, уларнинг манфаати йўлида бор кучи ва ақлий салоҳияти билан ишлайдиган, элим деб, юртим деб яшайдиган адолатпарвар раҳбарлар. Рейтинги “қониқарсиз” деб баҳоланган раҳбарнинг фаолиятида адолатсизлик урчиб кетган бўлади. Уларда сиёсий, маънавий етуклик етишмайди, ўз мезонига мос кадрларни атрофига тўплайди, ақлли, қобилиятли кадрлардан қутилишга ҳаракат қилади, таниш-билишчилик, ошна оғайнигарчиликка йўл қўяди, ишчанлик ўрнига кўзбўямачилик ва қўшиб ёзиш билан шуғулланади, таъмагирликка берилиб, нафси ҳакалак отган бўлади. Бундай раҳбар халқ ибораси билан айтганда “Раҳбарнинг ғўри, жамоанинг шўри” ҳисобланади. Улар раҳбарлигидаги ҳудуд (вилоят, туман, жамоа ва ҳ.к.) жарлик томон йўл олган бўлади.

Бошқарув (сиёсий) соҳасидаги адолатнинг синтетик индекси (J_{CA}) таркибидаги қолган локал индекслар ($i_{ИСЭА}$, $i_{ХХА}$, $i_{СМА}$ ва $i_{СПСА}$) ҳам ҳудди шу тартибда ҳисобланади. Сунгра адолатнинг интеграл кўрсаткичи таркибидаги ҳар бир локал индекснинг ($i_{БА}$) қиймати ўртача арифметик тортилган формула ёрдамида ҳисобланади.

$$x_{БА} = \frac{\sum Xf}{\sum f} = \frac{X_1 \cdot f_1 + X_2 \cdot f_2 + X_3 \cdot f_3 + X_4 \cdot f_4}{f_1 + f_2 + f_3 + f_4} = d_{БА}$$

Бу ерда,

X_1 – қониқарсиз баҳолар сони

X_2 – қониқарли баҳолар сони

X_3 – яхши баҳолар сони

X_4 – аъло баҳолар сони

f_1 – қониқарсиз баҳо қўйганлар сони

f_2 – қониқарли баҳо қўйганлар сони

f_3 – яхши баҳо қўйганлар сони

f_4 – аъло баҳо қўйганлар сони

Олинган натижа ($d_{\text{БА}}$) бошқарувдаги ўртача адолат мезони бўлиб ҳисобланади. Худди шу тариқа адолатнинг бошқа синтетик кўрсаткичлари ҳам ҳисобланади. Шу тариқа аниқланган адолатнинг сиёсий соҳадаги индекси қуйидагича кўринишни олади:

$$J_{\text{СА}} = \sqrt[5]{d_{\text{БА}} \cdot d_{\text{СЭА}} \cdot d_{\text{ХҲА}} \cdot d_{\text{ММСА}} \cdot d_{\text{СПСА}}}$$

Ушбу кўрсаткич ўрганилаётган объект (мамлакат, вилоят, туман, вазирлик ва ҳ.к.)нинг сиёсий соҳадаги адолат мезонининг умумлашган ўртачасини ифодалайди.

Адолат мезонининг интеграл кўрсаткичи таркибида иқтисодиёт соҳасидаги адолат ҳам жуда муҳим ўрин эгаллайди. Ушбу кўрсаткич, яъни иқтисодиёт соҳасидаги адолат кўрсаткичи қуйидагича ҳисобланиши мумкин:

Масалан, иқтисодиётни эркинлаштириш соҳасидаги адолат мезонининг миқдорий ўлчови қуйидаги хусусий (локал) индекслар кўпайтмасининг “n” илдиз остидан чиқарилган натижага тенг.

$$J_{\text{иЭ}} = \sqrt[n]{J_{\text{X1}} \cdot J_{\text{X2}} \cdot J_{\text{X3}} \cdot J_{\text{X4}} \cdot J_{\text{X5}} \cdot J_{\text{X6}} \cdot J_{\text{X7}} \cdot J_{\text{X8}} \cdot J_{\text{X9}} \cdot J_{\text{X10}}}$$

Бу ерда,

X_1 – мулк эгаларига берилган ҳуқуқий эркинлик даражасидаги адолат

X_2 – тадбиркорликни ривожлантиришда тадбиркорларга берилган эркинлик даражасидаги адолат

X_3 – нархни эркинлаштириш (давлат нархи билан бозор нархи ўртасидаги нисбат)даги адолат

X_4 – пул муаммосининг бозор қонуниятларига мос равишда кечиш даражасидаги адолат

X_5 – юридик ва жисмоний шахсларнинг маҳсулотни тақсимлаш ва харажат қилишдаги мустақиллик даражасидаги адолат

X_6 – давлатнинг иқтисодиётга аралашув даражаси ва унинг бозор иқтисодиёти муносабатларига мос келиши даражасидаги адолат

X_7 – валютани тартибга туширишдаги ва жорий операцияларда эркин конвертация даражасидаги адолат

X_8 – эркин рақобатни таъминловчи соғлом муҳит яратганлик даражасидаги адолат

X_9 – эркин иқтисодий зоналарнинг яратилиш даражасидаги адолат

X_{10} – ички ва ташқи иқтисодий алоқаларнинг эркинлик даражасидаги адолат.

Эркинлаштиришнинг динамикасидаги қиймати, яъни эркинлаштиришнинг умумий (синтетик) индекси қуйидагича аниқланади:

$ИЭ \frac{КиЭ1}{КиЭ0} \geq 1$	КиЭ ва КиЭ1 – жорий ва базис даврларда иқтисодиётни эркинлаштириш даражасидаги адолат
-------------------------------	---

Агар мазкур индекс 1 га тенг бўлса ($J_{иЭ}=1$), унда ўтган давр ичида адолат мезонида ўзгариш бўлмаган (барқарор) бўлган. Агар $J_{иЭ}>1$, яъни 1 дан катта бўлса адолат мезони яхшиланган бўлади. Бордию $J_{иЭ}<1$, яъни 1 дан кичик бўлса у ҳолда адолатсизлик кучайган бўлади.

Бошқарув (сиёсий) соҳасидаги сингари иқтисодиёт соҳасидаги адолатнинг ҳам умумий (синтетик) индексини ҳисоблаш мумкин.

$$J_{иА} = \sqrt{i_{иЖ} \cdot i_{дБТ} \cdot i_{тБ} \cdot i_{он} \cdot i_{ин} \cdot i_{иХ} \cdot i_{ис} \cdot i_{кД} \cdot i_{сС}}$$

Бу ерда,

$i_{иЖ}$ – ЯИМ таркибидаги истеъмол ва жамғарма фондлари нисбатини ўрнатишдаги адолат

$i_{дБТ}$ – Давлат бюджети тақсимотидаги адолат

$i_{тБ}$ – Мамлакат тўлов баланси таркибидаги унсурлар салмоғини ўрнатишдаги адолат

$i_{он}$ – Озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат маҳсулотлари нисбатини ўрнатишдаги адолат (А ва Б)

$i_{ин}$ – бошқарувда банд бўлган раҳбарлар нисбатини ўрнатишдаги адолат

$i_{иХ}$ – Энг кам иш ҳақи даражасини ўрнатишдаги адолат

$i_{ис}$ – Истеъмол саватчаси қийматини аниқлашдаги адолат

$i_{кД}$ – Камбағаллик даражасини аниқлашдаги адолат

исс – Солиқ ставкаларини аниқлашдаги адолат

Илдиз остидаги локал индекслар бошқарувдаги (сиёсий) адолат бўйича ҳисобланган синтетик кўрсаткичга ўхшаган кетма-кетликда аниқланади.

Албатта, қайд қилинган адолатнинг мезонларини ҳисоблаш ўта мураккаб ҳисобланади. Шундай бўлса-да, инглиз олими Лорд Кельвининг “Назария миқдорий ўлчашдан бошланади”, деган фикрида асос бор ва адолат мезонини аниқлаш лозим бўлган барча соҳалар бўйича бу кўрсаткич-ни ҳисоблаш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бунда адолат қонуни билан адолат тарозисининг ўрта-сида мутаносиблик, эквивалентлик, мувофиқлик, мўътадиллик, меъёр, уйғунлик, мувозанат ва аниқлик бўлишини таъминлаш, адолат қонунининг шартларини инобатга олиш зарур.

9-чизма

АДОЛАТ ҚОНУНИ ВА УНИНГ ТАЛАБЛАРИ

АДОЛАТ ТАРОЗИСИ(БАЛАНСИ)НИНГ КЎРСАТКИЧЛАРИ ВА ЎЛЧОВ БИРЛИКЛАРИ

№	Ушбу кўрсаткич ва тушунчалар, қоида ва мезонлар ўртасида мутаносиблик, эквивалентлилик, мувофиқлик, мўътадиллик, меъёр, уйғунлик, мувозанат ва аниқлилик бўлишини таъминлаш адолат қонунининг шартларидир	
1.	ҳуқуқлар	бурчлар
	эркинликлар	мажбуриятлар, талаблар ва таъқиқлар
	ижтимоий мақом, мавқе, даража, амал, лавозим, ваколат,	муносиблик, ижтимоий ўрин, аҳамият (роль), нуфуз (рейтинг) савия, вазифа, жавобгарлик, масъулият,
	вертикал ҳолат	горизонтал ҳолат
	ҳокимиятга интилиш	лидерлик қобилияти
	қонун-қоида, буйруқ, қарор, ҳукм – қонун устуворлиги	ижро, рияз этиш, итоат, бажариш – ижронинг муқаррарлиги ва мувофиқлиги
	қилмиш – хатти-ҳаракат, юриш-туриш	қидирмиш-тақдирлаш ёки жазолаш

2.	назария ва билим абстракт – мавҳум ўй-фикр, сўз ақл ва билим ақл ва билим мазмун-моҳият ички	амалиёт ва тажриба конкрет – аниқ дунёқараш-ҳақиқат, амал манфаат ва нафлилик куч – «зар ва зўр» шакл-кўриниш ташқи
3.	номинал ҳақиқат – расмий кўрсаткичлар номинал даромадлар номинал тақсимот номинал иш ҳақи номинал нарх номинал кадр(курс) номинал бойлик номинал истеъмол номинал турмуш даражаси номинал манфаатлар номинал ҳолат	реал ҳақиқат – ҳақиқий кўрсаткичлар реал даромадлар реал тақсимот реал иш ҳақи реал нарх реал кадр(курс) реал бойлик реал истеъмол реал турмуш даражаси реал манфаатлар реал ҳолат
4.	Миқдор, экстенсив ўсиш (ривожланиш)	Сифат, интенсив ўсиш (ривожла- ниш)
5.	эволюцион ривожланиш – барқарорлик	Революцион ривожланиш – ғолиблик
6.	жамиятнинг субъектив тала- блари ва қонун-қоидалари	табиатнинг ва бозорнинг объектив талаблари ва қонун-қоидалари
7.	ижтимоий-иқтисодий сиё- сат, муносабатлар ва меҳа- низмлар	самарадорлик, иқтисодий ўсиш ва жамият тараққиёти
8.	Базис	Усткурма
9.	давлат ва сиёсат	зиддиятлар, адолатсизликлар ва нотинчлик
10.	табақаланиш, тенгсиз- лик, камбағаллик(очлик, қашшоқлик)	қобилият, интеллектуал даража, хатти-ҳаракат, меҳнат, фаолият, мулкдорлик ва иқтисодий даража
11.	Табиий тенгсизлик ва табақаланиш	Сунъий тенгсизлик ва табақаланиш
12.	Ижтимоий ҳимоя	Мотивация ва стимуллар
13.	Физиологик яшаш минимуми	Социал (ижтимоий) яшаш мини- муми
14.	Ижтимоий (социал) самара- дорлик	Иқтисодий самарадорлик

15.	Меҳнат унумдорлиги ва самарадорлик, ҳисса	Иш ҳақи ва рағбатлантиришлар, улуш
16.	Индивидуал меҳнат ва қиймат	Ижтимоий меҳнат ва қиймат
17.	Меҳнат интенсивлиги	Меҳнат унумдорлиги
18.	Меҳнат	Бойлик
19.	Ақлий меҳнат	Жисмоний меҳнат
20.	Шаҳар	Қишлоқ
21.	Фаровонлик	Иқтисодий ўсиш
22.	Мулк	Бойлик
23.	Иқтисодий ресурслар ва интеллектуал мулк (бойлик)	Иқтисодий маданият ва иқтисодий адолат
24.	Аҳолининг турмуш даражаси	жамиятнинг иқтисодий потенциали ва ишлаб чиқарувчи кучлар даражаси
25.	Инсон капиталининг ривожланганлик даражаси (индекси)	Бахтлилик даражаси (индекси)
26.	даромадлар маблағлар ва сармоялар – бухгалтерия балансидаги актив қисм дебет фойда ютиш, ютуқ, муваффақият, омад, ғалаба рақобат, қарама-қаршилиқ, зиддият, конфликт	сарф-харажатлар маблағлар ва сармояларнинг манбалари – бухгалтерия балансидаги пасив қисм кредит зарар ютқазिश, омадсизлик, мағлубият шартнома-контракт, келишув-битим, ечим, мурса-сулҳ
27.	талаб Нарх эҳтиёжлар истеъмол (бугунги кун учун..) ишлаб чиқариш	таклиф Қиймат ресурслар ва имкониятлар жамғариш (келажак учун..) миллий бойлик

28.	манфаатлар ёқимли (приятное) қизиқишлар интилишлар истеъдод-қобиллик тенглик	нафлилик фойдали (полезное) қониқишлар эришишлар иқтидор-қодирлик тенгсизлик
29.	Мамлакат миқёсидаги манфаатлар (менталитет)	Глобал манфаатлар
30.	Шахсий, махсус (корпоратив) манфаатлар Шахс (индивид), индивиду- аллик – эгоизм	Мамлакат миқёсидаги (тотал) ва глобал манфаатлар Жамоа, омма, жамият – алтруизм
31.	ризқ-насиба, улуш олмоқ нафс	салмоқ-ҳисса, қўшмоқ (бермоқ) қаноат
32.	руҳий-маънавий олам инсоннинг ички дунёси, ички гўзаллик руҳ бахт дил ба ёр шариат вазият ва ҳолат (видимость)	моддий олам инсоннинг ташқи дунёси, ташқи гўзаллик жисм соғлиқ ва бойлик даст ба кор, тан ба бозор фиқҳ, тариқат моҳият ва ҳулоса (сущность)
33.	Иймон, Ҳақ ва ҳақиқат ҳис- туйғу(ҳиссиёт), қалб (юрақ), нафс ширин юмшоқ, меҳрибон хоҳиш замон (вақт) сабаб қадр-қиммат, шаън	Эътиқод, инсоф ва адолат... ақл, мулоҳаза, тафаккур аччиқ (нордон, шўр...) қаттиқ, қатъий (кескин) ирода, қатъият макон (фазо) оқибат ғурур
34.	Тарихийлик, сунъийлик	Мантиқийлик, табиий (натурал)лик
35.	Эски...	Янги...
36.	Дунёвийлик, моддийлик	Илоҳийлик, динийлик
37.	Инсон, демократия, меритократия	Сунъий интеллект, олигархия, технократия
38.	Ўсимлик дунёси (наботот олами) флора	Ҳайвонот дунёси (жониворлар олами) фауна

39.	Органик (жонли) олам Табиий маҳсулотлар	Анорганик (жонсиз) олам Сунъий – гени модификацияланган (ўзгартирилган) организм (ГМО) маҳсулотлар
40.	Табиат ресурслари (табиий бойликлар) ва улардан фойдаланиш мувозанати...	Табиатни муҳофаза қилиш ва асраб-авайлаш.. Экологик маданият ва экологик адолат
41.	Эркак (жинси) – гендер адолати	Аёл (жинси) – гендер адолати
42.	Жонли организмдаги қўзғалиш	Жонли организмдаги тормозланиш
43.	Қабул қилинадиган энергия	Сарфланадиган энергия
44.	керакли (должное), оқилона (разумное)	мавжуд (сущее), рациональное
45.	Ибтидо, азалий	Интиҳо, абадий
46.	Ёруғлик (оқ), нур	Қоронғулик (қора), зулмат
47.	Очиқлик ва ошкоралик	Ёпиқлик (сир сақлаш) ва яширинлик

I боб бўйича хулосалар

Адолат жамият ва инсонлар ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларига тегишли бўлган умумий мезон, умуминсоний тушунча ва қадриятдир.

Тарихда адолат кишилар томонидан турлича талқин қилиб келинган. Масалан, қадимги дунёда, ўрта асрларда ва XIX-XX асрларда адолат ғоясига берилган таърифлар бир хил бўлмаган. Унинг қадимдан тортиб, то ҳозирги кунгача бўлган талқини хилма-хил, шу билан бирга, зиддиятли ҳамдир. Ҳозирги глобаллашган дунё, ижтимоий-иқтисодий вазият ва тараққиёт даражаси адолат муаммосига эътиборни янада кучайтиради. Уни теран англаш, оммавий мушоҳада этиш умумий ва илмий-назарий билишнинг долзарб вазифасидир.

Адолатнинг моҳиятини инсонпарварлик, ҳақиқат, ҳаққонийлик, ҳалоллик, ростгўйлик, меҳр-мурувват, раҳм-шафқат, тўғрилик, инсонийлик, иймон-эътиқод ва мардлик, хайр-саховат, сахийлик, қонунийлик, яхшилик, ҳамма нарсада меъёрга риоя қилиш, олийҳиммат бўлиш, дўстлик, мўътадиллик, сулҳпарварлик, хушфەъллик, одиллик, холислик каби

барча инсоний эзгу ният ва фазилатлар муштарак уйғунликда ифодалайди. Ҳақиқатан ҳам адолат кишилар ўртасидаги муносабатларнинг барча соҳаларига тегишли бўлган энг мураккаб ва кўп қиррали ижтимоий-фалсафий категориялардан биридир. Шунингдек, адолат чуқур мазмунга эга бўлган серқирра ва нисбий тушунчадир. Адолат тушунчасини маънавий-ахлоқий ёки фалсафий, ҳуқуқий, иқтисодий, ижтимоий-сиёсий, тарихий ва диний жиҳатдан ёритиш, баён этиш мумкин. Аммо қайси жиҳатдан ёритилмасин, адолатнинг умумий мезонлари ва муштарак моҳияти мавжуд. Шу маънода адолатнинг моҳияти инсон(алоҳида шахс)нинг хатти-ҳаракатлари ва манфаатлари билан бошқа бировлар ёки жамият манфаатларининг мувофиқ келишидан, уйғунлигидан иборатдир.

Адолат жамиятнинг муайян шахсга муносабатида ҳам намоён бўлади. Инсоннинг жамиятдаги ўрни, қадр-қиммати адолат мезони ҳисобланади. Ҳаётнинг иқтисодий, ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий соҳаларида содир бўладиган барча воқеа ва ҳодисалар бу жараёнга бевосита ёки билвосита таъсир қилади. Шунингдек, адолат “одиллик” тушунчаси билан боғлиқ бўлиб, моҳиятан ижтимоий ҳаёт қонунларини тўғри баҳолаш, уларга холис ёндашишни ҳам англатади.

Ушбу тушунча инсон ёки инсонлар гуруҳи ўртасидаги ўзаро муносабатлар ҳолатини ифодаловчи тушунча бўлганлиги, шунингдек, адолат тушунчасини иқтисодий категория сифатида чуқур тадқиқ қилиш ва ўрганишда умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик қоидаларидан келиб чиқиб, ижтимоий, корпоратив ва шахсий манфаатлар даражасидаги адолатни фарқлаш учун ҳам ижтимоий сўзини қўшиш мақсадга мувофиқдир (1-чизмага қаранг). Чунки ижтимоий адолат ижтимоий муносабатларнинг барча жабҳаларига тааллуқлидир. Жамиятда адолат муаммосига фақатгина шахсий, миллий, диний, гуруҳий манфаатлар юзасидан ёндошиш бирёқлама ҳулосаларга олиб келади. Чунки жамият тизими, ундаги демократик жараёнлар фуқаролар онгининг ўзгариш даражаси билан узвий боғлиқдир.

Бизнинг фикримизча, умуминсоний меъёрий категория сифатида қабул қилинган ижтимоий адолат тушунчасининг кўламини аниқлашда қуйидаги учта элементни ажратиш ва таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир:

1) тақдирлаш меъёри, яъни ҳар кимни хизмати ва қилмишига қараб мукофотлаш, жазолашдаги меъёр;

2) кишилар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг маълум тартибини, шахснинг ҳуқуқ ва бурчларини, жамиятда амал қилаётган қонун-қоидаларга мувофиқликни талаб қилишдаги меъёр;

3) баҳо беришнинг тўғрилиги ва ҳаққонийлиги, яъни фаолият, вазият, ҳодиса ва жараёнларни объектив баҳолаш. Бу ерда, аввало, мумтоз мутафаккирлар томонидан ишлаб чиқилган илмий ёндашув қоидалари ажратилиб, адолат муаммоларини таҳлил қилишда ҳам шулар эътиборга олинади.

Биринчиси, аниқ-тарихий ёндашув қоидаси бўлиб, ҳамма даврлар учун абадий, мавҳум ижтимоий адолат йўқ ва бўлиши мумкин эмаслигини билдиради.

Иккинчиси, ривожланиш қоидаси. Бу қоидага биноан ҳар қандай ҳодиса ўтган, ҳозирги ва келгуси замон нуқтаи назаридан ўрганилиши мақсадга мувофиқдир. Қиёсий таҳлил – адолат ва тараққиёт омилидир.

Учинчиси, қарор топган адолатга тўғри баҳо беришдан иборат. Ҳамма адолат қарор топишини истайди. Лекин айнан қандай адолат керак, нима адолатли-ю, нима адолатсиз эканлиги (ёки ким адолатли-ю, ким адолатсиз эканлиги) ҳақида доимо аниқ тасаввур бўладими? Агар ҳар кимга ўз тасаввуридагидек адолат ўрнатиш ихтиёри, имконияти, эркинлиги берилса, жамият аянчли, даҳшатли ҳолатга тушиб қолмайдими? Аниқроғи, кўпчилик ҳолларда одамларнинг адолат ҳақидаги тасаввурлари даражаси жамиятдаги адолат даражасидан юқорироқ бўлади, чунки ҳақиқат мезони ҳисобланган амалиёт кундалик ҳаётнинг ифодаси ёки ҳамроҳидир. Лўнда қилиб айтганда, ҳаёт устидан холисона чиқарилган ҳукм, баҳодир.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, адолат умуминсоний-ижтимоий категория бўлиб, унинг моҳияти ва иқтисодий асосини тўлароқ очиб бериш учун ахлоқий-фалсафий, ҳуқуқий-меъёрий, ижтимоий-сиёсий, тарихий, иқтисодий-математик, илоҳий-диний-руҳий, социологик-социометрик категория сифатидаги муҳим томонлари ва қоидаларини умумлаштиришни ҳам тақозо этади. (Адолат таснифлари: 2, 3, 4, 5 ва 6 чизмалардаги таснифлар).

Ва ниҳоят, бизнинг фикримизча, ижтимоий-иқтисодий адолат ижтимоий-иқтисодий ҳодиса сифатида икки томоннинг бирлигидан ташкил топган. Бир томондан, ижтимоий-иқтисодий адолат объектив ижтимоий-иқтисодий, энг аввало, ишлаб чиқариш муносабатларининг маълум ҳолати бўлиб, унда турли социал субъектлар(индивид, гуруҳ, бутун жамият)нинг эҳтиёжлари ва манфаатлари қондирилиши учун нисбатан тенг имкониятлар таъминланади. Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тасаввур, ҳис-туйғу, гоя ва шу кабилар шаклида субъектив қабул қилиш характериини ҳам ифодалайди. Яъни ижтимоий-иқтисодий адолат (индивидуал, гуруҳли) ижтимоий онгнинг баҳолар, нормалар тилига кўчирилган муайян ҳолатидир. Ўзининг шу жиҳати билан ижтимоий адолат ахлоқий мажбуриятларни билдириб, субъект фаолиятини шундай ўзаро боғлиқ қилиб қўядики, унда субъектнинг ва унинг контрагентининг эҳтиёжлари ва манфаатларини қондириш яхлитлиги белгиланади. Бошқача айтганда, ижтимоий-иқтисодий адолат шароитида субъект жамият бошқа аъзоларининг эҳтиёжлари ва манфаатларини руёбга чиқаришда қатнашиб, ўзининг эҳтиёжлари ва манфаатларини намоён этиши мумкин. Бунда фақат ижтимоий-иқтисодий ишлаб чиқариш тизимида субъектнинг ўрни ва ролини муносиб (айнан) акс эттирадиган, ишлаб чиқарувчи кучларнинг ривожланиши даражаси билан объектив боғланган эҳтиёж ва манфаатлар назарда тутилади.

Мухтасар қилиб айтганда, ижтимоий-иқтисодий адолат шунчаки ахлоқий талаб эмас, балки бу миллий барқарорлик ва глобал фаровонликнинг асосидир. Ижтимоий-иқтисодий адолат – бу жамиятдаги ресурслар, имкониятлар ва хавф-хатарларни адолатли ва тенг тақсимлашни таъминлаш мақсадида қабул қилинган тушунча ва назариядир. Унинг мақсади – ҳар бир шахс ва гуруҳнинг ҳуқуқларини, манфаатларини ва кадр-қимматини ҳурмат қилиш ҳамда ижтимоий тартибни сақлаш учун иқтисодий ва ижтимоий механизмларнинг мувозанатини таъминлаш. Тенг имкониятлар, ҳамжиҳатлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш давлатлар ва халқларнинг умумий салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун ҳам жуда муҳимдир.

II БОБ. БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ШАРОИТИДА АДОЛАТ ҚОНУНИЯТЛАРИНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

2.1. Мулкчилик муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари ва мезонлари.

Иқтисодий ривожланиш ва трансформация жараёнларида мулкчилик муносабатлари аҳоли фаровонлиги ва ижтимоий барқарорликка бевосита таъсир кўрсатади. Мулкчилик муносабатлари тизимида адолат қоидаларининг амалда қандай татбиқ қилиниши ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий барқарорликка таъсири муҳим тадқиқот объекти ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг бошланғич асосий қоида ва мезонлари мулкчий муносабатларга бориб тақалади. Чунки мулкчилик жамият иқтисодий тизимининг асосини ташкил қилади. Шу жиҳатдан ижтимоий-иқтисодий адолат умуминсоний қадрият ва умумиқтисодий категория сифатида жамият тараққиётининг дастлабки босқичидан бошлаб, то ҳозирги кунгача мулкчилик муносабатларининг ривожланишига мувофиқ равишда ўзгариб, такомиллашиб келган. Ижтимоий-иқтисодий адолат мулкчилик муносабатлари билан бевосита боғлиқ экан, демак, мулкчилик муносабатларини рўёбга чиқариш механизмидаги бузилиш, албатта, ижтимоий адолат қоидаларининг бузилишига ҳам олиб келади.

Мулкчилик муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари ва мезонлари бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади. Мулкчий адолат, тенглик ва тенгсизлик нуқтаи назаридан иқтисодий адолат муаммоларини таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ислохотлар доирасида долзарб масаладир. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва рақобат бозорларининг ривожланиши турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида манфаатлар мувозанатини таъминловчи мулкчий муносабатларни тартибга солишнинг аниқ механизмларини тақозо этади.

Иқтисодий назарияда мулкчилик муносабатлари ва адолат масаласи кўп асрлардан буён тадқиқ қилинмоқда. Класик иқтисодчилар – Адам Смит ва Давид Рикардо – бозор

механизмлари орқали адолатнинг табиий йўллари ҳақида фикр билдирган. Улар шахсий манфаатлар орқали умумий ижтимоий самарага эришиш мумкинлигини таъкидлаб, иқтисодий ўсиш ва фаровонлик учун шахснинг эркин ҳаракат қилиш имкониятини асосий омил сифатида кўрсатган.¹⁰⁷

Маркс ва Энгельс мулкчилик ва капитал тўпланиши жараёнидаги тенгсизликка эътибор қаратган. Улар фикрига кўра, мулк ва капитал тақсимотидаги адолатсизлик ижтимоий барқарорликка салбий таъсир кўрсатади. Маркснинг капитал назариясида мулкчилик муносабатлари ва ижтимоий адолатнинг моҳияти чуқур таҳлил қилинган. Энгельс эса социалистик ва капиталистик мулкчилик моделларини солиштириб, адолатнинг ижтимоий аҳамиятини очиб берган.¹⁰⁸

Жон Роулз ва Амартия Сеннинг замонавий назариялари мулкчилик муносабатларида адолатнинг субъектив ва объектив жиҳатларини тушунтиришда муҳим аҳамиятга эга. Роулз адолатни ресурслар тақсимоти, имкониятлар тенглиги ва шахслар ҳуқуқлари орқали таъминлаш зарурлигига урғу берган. Сен эса адолатни инсоннинг ҳақиқий имкониятлари, фойдаланиш қуввати ва эришувчанликлари билан баҳолаш лозимлигини таъкидлаган.¹⁰⁹

Бу назарий асослар мулкчилик тизимида адолат қоидаларини аниқлаш ва уларни амалга ошириш механизмларини таҳлил қилишда муҳим база бўлиб хизмат қилади.

Мулкчилик муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари ва мезонлари бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамият касб этади. Мулкий адолат, тенглик ва тенгсизлик нуқтаи назаридан иқтисодий адолат муаммоларини таҳлил қилиш Ўзбекистон Республикасида амалга

¹⁰⁷ O'limasov A., Vaxobov A.V., Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik – T.: Iqtisod-moliya, 2014.; Smit A. Issledovanie o prirode i prichinax bogatstva narodov. – M.: Eksmo, 2007. 352-366-betlar.

¹⁰⁸ Маркс К. Капитал. – М.: Политиздат, 1983. 154-176-betlar; Fridrix Engels. Oila, xususiy mulk va davlatlarning paydo bo'lishi // K.Marks, F.Engels. Asarlar to'plami. Tom 21. 169-218-b.

¹⁰⁹ Ролз Дж. Теория справедливости. – М.: Новое издательство, 2020. 236-251-бетлар; Сен А. Развитие как свобода. – М.: Логос, 2017. 303-316 betlar.

ошириладиган ислохотлар доирасида долзарб масаладир. Хусусий мулк, тадбиркорлик ва рақобат бозорларининг ривожланиши турли ижтимоий гуруҳлар ўртасида манфаатлар мувозанатини таъминловчи мулкрий муносабатларни тартибга солишнинг аниқ механизмларини тақозо этади.

Мамлакатимизда бозор муносабатлари қарор топиши ўз навбатида, мулкрий муносабатлар тизимида ҳам бир қатор янги қоидалар вужудга келишига замин яратди. Айниқса, бозор муносабатлари қонуниятлари ҳисобланган талаб ва таклиф, рақобат қонуниятлари билан ҳамоҳанг бўлган мулк шаклларининг тенглиги, мулкнинг дахлсизлиги, ҳар кимнинг мулкдор бўлишга ҳақлилиги, мулкдорнинг ўз мулкидан ўз хоҳиш ва манфаатларини кўзлаб ҳаракат қилиши каби таъминларнинг ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланганлиги хусусий мулкчилик ва тадбиркорлик фаолиятига кенг йўл очиб берди.

Жамиятнинг иқтисодий негизи мавжуд мулкчилик муносабатларига асосланади. Шу сабабли мулк нафақат юридик мазмунга, балки иқтисодий маънога ҳам эга. Кишилар меҳнати билан яратилган ёки табиат томонидан инсонларга ўзига хос тарзда “тақдим этилган” бойликлар ҳар доим мулк бўлиб келган. Мулкчилик муносабатлари – жамиятдаги бойликларни ўзлаштириш хусусидаги иқтисодий муносабатлардир.

Мулк эгаси бўлиш ёки бўлмаслигига қараб, кишиларнинг жамиятдаги мавқеи, аниқроғи, ижтимоий-иқтисодий мақоми вужудга келади.

Мамлакатимизда бозор муносабатларини ривожлантириш мулкчилик муносабатларини тубдан қайта кўриб чиқишни тақозо этади. Шунинг учун, Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Конституцияси 65-моддасида “Фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат бозор муносабатларини ривожлантириш ва ҳалол рақобат учун шарт-шароитлар яратади, истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини кафолатлайди.

Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг

тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади”¹¹⁰, деб белгилаб қўйилди. Конституцияда белгиланган ушбу қоидалар бозор иқтисодиёти шароитида мулкый адолатни таъминлашнинг асосидир.

Президент Шавкат Мирзиёевнинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хорижий инвесторлар кенгашининг биринчи ялпи мажлисида сўзлаган нутқида тадбиркорларнинг мулк ҳуқуқи адолатли ва шаффоф суд тизими орқали ҳимоя қилинишини ва суд тизимидаги ислохотларнинг устувор йўналишлари белгилаб олинганини таъкидлаб ўтди. Жумладан, “Кейинги йилларда юртимизда хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш ва мулкдорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида мисли кўрилмаган чоралар ҳаётга жорий этилди. Бундан буён фуқаро ва тадбиркорларга мулк ҳуқуқини сўзсиз таъминлаш ва ҳимоя қилиш шаффоф ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими томонидан кафолатланади”¹¹¹ дедилар.

Ўзбекистон Республикасида иқтисодиётнинг самарали амал қилишига ва халқ фаровонлигининг ўсишига имконият яратувчи ҳар қандай шаклдаги мулкчилик бўлишига рухсат берилади. Мулкчиликнинг ҳамма шакллари, яъни хусусий, жамоа, оила, маҳалла, вақф ва давлат мулклари дахлсиз бўлишига ва уларнинг ривожланиши учун тенг шароит яратишига қонун кафолат беради.

Иқтисодиёт барқарор ривожланишининг ҳуқуқий асослари ва унинг ижтимоий йўналтирилганлиги ҳам Ўзбекистон Республикаси Конституцияда белгиланган бўлиб, бунга барча мулк шаклларининг тенглиги, хусусий мулкнинг давлат ҳимоясидалиги, марказлаштиришдан четлаштириш, иқтисодиётни монополиядан холи этиш, корхоналар мустақиллигини мустаҳкамлаш, эркин иқтисодий фаолиятни таъминлаш киради.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкый муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш, мулкый ҳуқуқларнинг

¹¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O‘ZBEKISTON” Тошкент - 2023. 39-бет.

¹¹¹<https://qalampir.uz/news/tadbirkorlarning-mulk-kafolatlanadi-mirziyeev-72215>

ишончли ҳимоясини таъминлаш масалалари ижтимоий-иқтисодий адолат талабларидир. Шунингдек, мулкый адолат ресурслар ва имкониятлардан тенг фойдаланиш учун жамият аъзоларига тенг шароитларни яратишни, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва ҳаддан ташқари мулкый тенгсизликнинг олдини олишни ўз ичига олади. Бу, ўз навбатида, иқтисодий тенгликка эришишга хизмат қилади. Мамлакатимизда мулкчилик муносабатларини амалга ошириш бўйича қулай шароитлар яратишнинг таъсирчан чораларини назарда тутувчи алоҳида дастурлар ишлаб чиқишга эътибор қаратилаётгани эса ушбу йўналишда адолат тамойилларига риоя этилаётганини кўрсатади.

Мулкни ўз хоҳишига кўра ва ўз манфаатини кўзлаб эгаллаш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, мулк ҳуқуқини ҳар қандай бузилишлардан бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқи тушунчаси мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этади. Субъектив мулк ҳуқуқининг мазмунини ташкил этадиган элементлар мулк эгасига қонун билан белгиланган доираларда берилади.

Мулкдор ҳуқуқлари ва ваколатларининг чегараси Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 66-моддасида¹¹², шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги қонунида ҳам “Мулкдор ўзига тегишли мол-мулкка ўз ихтиёрига кўра эгалик қилади, ундан фойдаланади ва уни тасарруф этади. Мулкдор ўз мол-мулкига нисбатан қонунга зид бўлмаган ҳар қандай хатти-ҳаракатларни қилишга ҳақлидир. У мулкдан қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган ҳар қандай хўжалик ёки бошқа фаолиятни амалга оширишда фойдаланиши мумкин”¹¹³, деб белгилаб қўйилган.

Мулкдорнинг ўз хоҳиши деганда, унинг ўз эрки, ирода-си билан ўзининг манфаатларини кўзлаб, бировнинг (учинчи шахсларнинг) тазйиқсиз, зўрлашсиз ҳаракат қилиши назарда тутилади. Агар мулкдорга нисбатан бундай ҳолатда зўрлик, тазйиқ кўрсатилган бўлса, қонун мулкдорнинг

¹¹² Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O‘ZBEKISTON” Тошкент - 2023. 40-бет.

¹¹³ Ўзбекистон Республикасининг “Мулкчилик тўғрисида”ги Қонуни. <https://www.lex.uz/acts/111466>

хоҳиш-иродасини эркин амалга оширишни кафолатлайди ва муҳофаза қилади. Айни вақтда мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра иш тутиши қонун, инсоф ва адолат доирасида амалга оширилиши лозим.

Мулкдор мулккий ҳуқуқини ўз хоҳишига кўра амалга оширишда унинг манфаати ётади. Бу манфаат бевосита унинг ўзига, яқинлари ёки бошқаларга тааллуқли бўлиши мумкин. Масалан, ота-она вояга етмаган фарзанди номига банкка омонат пул маблағи қўйганда ҳам, гарчи бунда учинчи шахснинг манфаати кўзлангандай бўлса ҳам, аслида мулкдорнинг ҳаракати замирида ота-она сифатидаги бурч ётади. Мулкдорнинг ўз хоҳишига кўра ёки манфаатига зид равишда мулккий битимлар тузишга мажбур қилиниши, умумий қоида бўйича бундай битимлар ҳақиқий саналмаслигига сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 164-моддасига кўра мулк ҳуқуқи шахснинг ўзига қарашли мол-мулкка ўз хоҳиши билан ва ўз манфаатларини кўзлаб эғалик қилиш, ундан фойдаланиш ва уни тасарруф этиш, шунингдек, ўзининг мулк ҳуқуқини, ким томонидан бўлмасин, ҳар қандай бузишни бартараф этишни талаб қилиш ҳуқуқидан иборатдир¹¹⁴.

Фуқаролик Кодексининг 174-моддасига асосан, ўзига қарашли мол-мулкни сақлаш, агар қонун ҳужжатларида ёки шартномада бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, мулк эгасининг зиммасида бўлади. Агар мулкдор бу мажбуриятни бажармаса, баъзи ҳолларда унинг мулккий ҳуқуқлари чегаралаб қўйилиши ёки мол-мулк ундан олиб қўйилиши ҳақида даъво олдиндан огоҳлантирмасдан ҳам қўзғатилиши мумкин¹¹⁵.

Мулк ҳуқуқининг мазмунида нафақат мулкдорнинг ҳуқуқлари, балки мол-мулкни сақлаб туриш бурчи ҳам ётади.

Сўнгги етти йил давомида амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий муносабатларни тубдан ўзгартириш борасида мулккий ҳуқуқларни ноқонуний тажовузлардан таъмин-

¹¹⁴ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/mact/111189>

¹¹⁵ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/mact/111189>

лаш ва ҳимоя қилиш муаммоси, айниқса долзарб аҳамият касб этди. Бу даврда мулкдорлар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган Президент ва ҳукуматнинг 300 дан ортиқ ҳужжатлари қабул қилинди.

Дастлаб “Ҳаракатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари” тамойилига асосан Ҳаракатлар стратегиясининг мантикий давоми сифатида “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ва 2023 йилда “Ўзбекистон – 2030” стратегияси қабул қилинди. Унда мамлакатда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш энг устувор йўналишлардан бири сифатида белгиланди. Бунинг учун бир нечта зарур мақсадлар назарда тутилди.

Хусусан, мулкый ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулкый муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш мақсади белгиланган бўлиб, ушбу мақсадга хусусий мулк дахлсизлиги ва ҳимояси кафолатларини кучайтириш, мулкый, шу жумладан, ер участкасига бўлган ҳуқуқларни сўзсиз таъминлаш, хусусий мулк устуворлигини асосий тамойил сифатида белгилаш, давлат идорасининг расмий маълумотида ишониб, мол-мулк сотиб олган шахснинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш тизимини жорий этиш шулар жумласидандир.

Шу нуқтаи назардан, янгиланган Конституцияда ҳеч ким суднинг қарорисиз ва қонунга зид тарзда уй-жойидан маҳрум этилиши мумкин эмаслиги, уй-жойидан маҳрум этилган мулкдорга уй-жойнинг қиймати ҳамда у кўрган зарарларнинг ўрни қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибда олдиндан ҳамда тенг қийматда қопланиши таъминланиши кафолатланди.

Фуқаролик кодексининг 228 ва 231-моддаларига мувофиқ мулкдор ўз мол-мулкини бошқа шахснинг қонунсиз эгалигидан талаб қилиб олишга ҳақли (виндикация), шунингдек, ўз ҳуқуқларининг ҳар қандай бузилишини, гарчи бу бузиш эгалик қилишдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаса ҳам, бартараф этишни талаб қилиши мумкин (негатор даъво)¹¹⁶.

Шуни таъкидлаш лозимки, ҳозирги кунда ҳам хусу-

¹¹⁶ Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. <https://lex.uz/mact/111189>

сий мулкни ҳимоя қилиш соҳасидаги амалга оширилган ислохотлар ва кўрилатган чораларга қарамасдан ўзбошимчалик билан хусусий мулк ҳуқуқини поймол қилиш, айрим мансабдор шахсларнинг адолатсиз ва асоссиз вазлар билан кўчмас мол-мулкни бузиш ҳолатлари кузатилмоқда. Албатта, бунинг учун қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги хусусий мулкни ҳимоя қилиш билан боғлиқ мазкур муаммоли вазиятлар ва бўшлиқларни бартараф этиш йўллари ишлаб чиқилиб, қонунчилик такомиллаштирилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йилнинг 24 августдаги **“Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкый муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони билан ерга бўлган ҳуқуқнинг вужудга келишига асос бўлган ҳужжатларни бекор қилиш орқали ерга бўлган ҳуқуқни тугатиш, мазкур ҳужжатлар фақат суд томонидан бекор қилиниши, ердан ихтиёрий воз кечишни Ҳукумат ёки ҳокимлик қарорлари билан расмийлаштириш, юридик шахс тугатилиши билан унинг ерига бўлган ҳуқуқларини бекор қилиш каби қатор талаб ва чекловлар бекор қилинди. Шунингдек, турар жойга бўлган мулкый ҳуқуқларни амалга оширишда турар жойга нисбатан мулкый ҳуқуқларга ёки турар жой мулкдори билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаганларни доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш, суд томонидан турар жойга нисбатан инсофли эгалловчи деб топилган жисмоний шахсдан ушбу турар жойни унга нисбатан мулк ҳуқуқи давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб ўтган йил ўтгач, натура шаклида талаб қилиб олиш бекор қилинди.

Шу ўринда, хорижий тажрибага ҳам тўхталиб ўтсак. Мисол учун, тарихда хусусий мулк кафолатларини белгилаб берган конституциявий аҳамиятга эга бўлган биринчи ҳужжат Франциянинг 1789 йилдаги Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари декларацияси бўлиб, унда хусусий мулк инсоннинг табиий ва ажралмас, муқаддас ва дахлсиз ҳуқуқи сифатида кўрсатилган. Декларациядаги мулк масалалари “инсон ва фуқаролик ҳуқуқлари” бўлимида акс эттирилган ва унинг 2-бандида шундай дейилган: “Ҳар қандай

сиёсий бирлашманинг мақсади инсоннинг табиий ва ажралмас ҳуқуқларини таъминлашдир. Бу ҳуқуқлар эркинлик, мулк, ҳафсизлик ва зулмга қаршилиқ кўрсатишни ўз ичига олади”¹¹⁷.

Германия конституциясининг I-боб, 14-моддасида эса, мулк ва мерос ҳуқуқлари кафолатланиши, уларнинг мазмуни ва чегаралари қонунлар билан белгиланиши қайд этилган. Дания асосий қонунининг VIII-боб, 73-моддасида эса, хусусий мулк дахлсиз эканлиги, ҳеч ким ўз мулкидан воз кечишга мажбурланиши мумкин эмаслиги, фақат жамоатчилик фойдаси учун талаб қиладиган ҳолатлар бундан мустаснолиги белгилаб қўйилган.

Ҳар бир инсон шахсий мулкка эгалик қилиш ҳуқуқига эга ва бундай мулк ҳар қандай томон тарафидан ноҳақ тортиб олиниши мумкин эмаслиги Индонезия, хусусий мулкка бўлган умумий ҳуқуқни бекор қилишнинг тақиқланиши Грузия конституцияларида эътироф этилган.

Тараққиётнинг мутлақо янги босқичига қадам қўйган мамлакатимизда Бош қомусимиз барча саъй-ҳаракатларимизнинг дастуриламалига айланди, десак тўғри бўлади. Хусусан, Конституциямизнинг 65-моддасида “Ўзбекистон Республикасида барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан ҳимоя қилиниши таъминланади. Хусусий мулк дахлсиздир. Мулкдор ўз мол-мулкидан қонунда назарда тутилган ҳоллардан ва тартибдан ташқари ҳамда суднинг қарорига асосланмаган ҳолда маҳрум этилиши мумкин эмас”¹¹⁸, деб қатъий белгиланган.

Сўнгги йилларда тадбиркорлик йўлидаги ортиқча чекловларни бартараф қилиш, уларнинг фаолиятига давлат идораларининг ноқонуний аралашувини қатъий чеклаш борасида салмоқли ишларга қўл урилди. Мисол учун, коррупцияга йўл очиб бераётган ер ажратиш амалиёти тубдан ислоҳ қилинди. Бу жараён эндиликда ер ажратиш электрон тизими орқали амалга оширилмоқда. Эътибор берадиган бўлсак, бу ўзгариш ҳам мулк дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жиддий қадамлардан бири бўлди.

¹¹⁷ Инсон ва фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликлари декларацияси...

¹¹⁸ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O`ZBEKISTON” Тошкент - 2023. 40-бет.

Бундан ташқари, ерни олиб қўйиш ва компенсация тўлашнинг янги тартиби, ер фақат мулк эгасининг розилиги билан олинишига оид қоидалар жорий қилинди. Шу билан бирга, мулк дахлсизлиги тўғрисидаги қонунларга амал қилмаган мансабдор шахсларга нисбатан, улар қандай лавозим эгаси бўлишидан қатъи назар, жавобгарлик кучайтирилди.

Сир эмас, тадбиркорларга ер беришда шу кунга қадар турли ечимини кутаётган масалалар мавжуд эди. Яъни амалда ҳокимлар ердан фойдаланиш ҳуқуқини берадиган қарорларни ўзлари қабул қилар, вақти келганда эса, уларни ўзлари бекор қилиши ҳам мумкин эди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ана шу ваколатга чек қўйилди. Бундай масалалар энди фақат суд тартибида ҳал қилинадиган бўлди.

Президентимизнинг 2019 йил 13 августдаги “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатларини кучайтириш, тадбиркорлик ташаббусларини қўллаб-қувватлаш борасидаги ишларни ташкил қилиш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар, шунингдек, тадбиркорлик субъектларининг молиявий ресурслар ва ишлаб чиқариш инфратузилмасидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш тўғрисида”ги Фармони соҳада учраётган муаммоларни бартараф этишда муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда¹¹⁹.

Конституциявий норма асосида қабул қилинган ушбу Фармонда сўнгги вақтларда мулк дахлсизлигига соя солаётган ҳолатларга барҳам берилди. Яъни Фармонга кўра, Бош прокуратура ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил томонидан мулкдорга қасддан номақбул шартларни, шу жумладан, мулкни ёки мулкний ҳуқуқни топширишга доир асоссиз талабларни қўйиш, мулк эгасини шахсий мулк ҳуқуқидан воз кечишга мажбур қилишга йўл қўйилмаслиги устидан тизимли назорат ўрнатилди.

Конституциямизда мулк ҳуқуқига устувор аҳамият қаратилгани бежиз эмас. Негаки, унинг қатъий ва ўзгармас қоида сифатида белгилангани тадбиркорлар ўз бизнесига бежавотир инвестиция киритиши, ишлаб чиқариш фаолият-

¹¹⁹ <https://lex.uz/docs/4473481?ONDATE=27.04.2024>

тини кенгайтириши, маҳсулот ҳажми ва олаётган даромадини кўпайтириши, ўз мулкига ўзи эгалик қилиши, фойдаланиши, тасарруф этишининг кафолатидир. Қолаверса, бу хусусий мулкнинг самарали фаолияти учун қулай шароитларни яратади, аҳолининг тадбиркорлик ташаббусларини рағбатлантиришга хизмат қилади.

Бугунги кунда республикамизда мулкчилик муносабатларини амалга ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қуйидаги шароитлар яратилганлиги ҳам мулкчилик муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидаларига риоя қилинаётганига мисол бўлади:

1. Кўчмас мулк объектлари ва келгусида шаклланувчи давлат акция пакетлари (улушлари) ҳамда давлат корхоналарини хусусийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш, уларни сотиш шартлари, савдо тури ва оммавий савдолардаги бошланғич нархини белгилаш.

2. Давлат активларини инвестиция киритиш мажбуриятлари билан сотишда инвесторлар томонидан хорижий эл валютадаги пул маблағлари шаклида киритиладиган инвестициялари корхоналарнинг алоҳида ҳисобварағига ўтказилиши.

3. Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулкний муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймаслик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чоратадбирлари ишлаб чиқилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, хусусий мулк дахлсизлигини таъминлаш, турли тажовузлардан ҳимоя қилиш, хусусий мулкни сақлаш ва кўпайтириш учун барча зарур шартшароитларни яратиш, мулкдорларни қўллаб-қувватлаш, ўзига тегишли бўлган мол-мулкка мустақил эгалик қилиш, фойдаланиш ва тасарруф этиш ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини янада кучайтириш, бу – ҳуқуқий демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятининг энг муҳим мезонидир. Умуман олганда, юқорида қайд этилган мақсадларга эришиш, мамлакат иқтисодиётини ҳар томонлама ва жадал ривожлантириш ҳамда давлат органлари билан муносабатларда хусусий мулк ҳуқуқларининг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш учун бевосита шароитлар яратишда кучли туртки бўлади.

Замонавий бозор иқтисодиёти шароитида адолат принципларини амалга оширишда хусусий мулк ва давлат манфаатларининг нисбатига кўп нарса боғлиқ. Ушбу нисбатга қараб турли адолат принциплари татбиқ этилиши нисбати ҳам вужудга келади.

Маълумки, хусусий мулк иқтисодий тараққиётга олиб келадиган кучли рағбатлар тизимини яратади. Бунинг исботи сифатида одатда тўртта асос кўрсатилади.

Биринчидан, хусусий мулк мол-мулкдан оқилона фойдаланишни рағбатлантиради. Агар хусусий эгалар ўз мулкини лозим даражада сақлаб олмасалар ёки унга нисбатан ёмон муносабатда бўлсалар, улар унинг нархи пасайиши билан “жазоланади”. Ва аксинча, агар мол-мулкдан самарали фойдаланилса, мулкнинг қиймати баландроқ бўлади.

Агар мулк давлатга тегишли бўлса ёки унга биргаликда шахсларнинг катта гуруҳи эгалик қилса, мулкни тартибли сақлаш ниятлари сусаяди. Бу мол-мулкка нисбатан давлат мулки яратган рағбатлар тизимининг ифодасидир.

Шунинг учун ҳам, хусусийлаштириш ва давлат корхоналарини ислоҳ қилиш кенг кўламли иқтисодий ўзгаришларга эришиш ҳамда инклюзив ва динамик хусусий секторни ривожлантириш учун жуда муҳимдир.

Иккинчидан, хусусий мулк кишиларни ўз бойлигини кўпайтиришга ва ундан самарали фойдаланишга ундайди. Хусусий мулк шароитида кишилар ўз малакасини оширишга, кўпроқ ва самаралироқ ишлашга ҳаракат қилади, чунки бу уларга фойда келтиради. Шу боисдан ҳам уларда ўз бойлигини кўпайтиришга интилиш пайдо бўлади.

Учинчидан, хусусий мулкдорлар ўз захираларидан бошқаларга фойда келтирган ҳолда фойдаланишга ҳаракат қиладилар. Қонун уларга ўз мулкини “хоҳлаганидек” тасарруф этишга рухсат берса ҳам, хусусий мулкдорлар ўз мулкини бошқалар учун қандай қилиб жозибалироқ кўрсатиш тўғрисида ўйлаганларидан фойда кўрмайдилар. Агар уларнинг хатти-ҳаракатлари бошқалар томонидан маъқулланса, уларнинг мол-мулки қиймати ортади, акс ҳолда пасаяди.

Ўз меҳнат лаёқатини тасарруф этиш ҳуқуқи ўз таълими ва ўқишига инвестициялаш учун кучли рағбат бўлиб, кишиларга бошқалар томонидан юксак баҳоланадиган хизматлар кўр-

сатиш имконини беради. Худди, шунингдек, моддий бойликларнинг эгаларида ҳам уларни бошқалар маъқуллайдиган йўналишда такомиллаштириш рағбати мавжуд.

Тўртинчидан, хусусий мулк захиралардан оқилона фойдаланишга ва уларни келажак учун сақлашга кўмаклашади. Захиралардан бугуннинг ўзида фойдаланиш бугунги фойдаланувчилар эҳтиёжи сабаб бўлган жорий даромадни ҳосил қилади. Аммо келгусида кутилаётган захираларнинг нархи ошиши натижасида эҳтимоли бўлган ютуқ келажакдаги фойдаланувчиларнинг эҳтиёжини акс этади. Хусусий мулкдорларда бу иккала эҳтиёжни тенглаштиришга рағбат бор.

Захираларнинг келажакда кутилаётган қиймати ҳозирги вақтдаги қийматидан ошса, хусусий мулкдорлар, башарти келажакдаги фойдаланувчилар учун захираларни сақласа ва ўша вақтгача яшашни назарда тутмаса ҳам барибир ютади.

Бунда бозор механизми ва хусусий мулкни кўпинча худбинлик билан боғлашади. Аммо доим ҳам бундай эмас. Бозор иқтисодиёти шароитида хусусий мулк ўзларига тегишли бўлмаган нарсага эгалик қилишга интилаётган қаллоблардан ҳимояни таъминлайди ва захиралардан фойдаланувчиларни ўз хатти-ҳаракатлари учун жавоб беришга мажбурлайди. Мулк ҳуқуқлари аниқ белгилаб қўйилганида, ишончли тарзда ҳимоя қилинганида ва олди-сотди предмети бўлиб хизмат қилиши мумкинлигида товар ва хизматларни ишлаб чиқарувчилар эгаларига қийматини компенсация қилмасдан туриб танқис захиралардан фойдалана олмайдилар. Захира эгалари манбалардан муқобил тарзда фойдаланишдан воз кечиши учун лозим миқдорда тўлаш керак бўлади.

Аслида хусусий мулкнинг муайян ҳуқуқлари ва бозор иқтисодиёти мажбурлашни рақобат воситасида қўллаш имконини бермайди. Хусусий мулк ҳокимият тақсимланишига кўмаклашади ва ихтиёрий ҳамкорликка асосланган фаолият соҳасини кенгайтиради. Хусусий мулкдорларнинг ўзларига берилган ҳокимият қатъий чекланган. Хусусий фирма раҳбарлари ўзгаларни ўзларида товар сотиб олишга ёки ўзларида ишлашга мажбурлаб қўйиши мумкин эмас. Улар кимнингдир даромади ёки мулкига солиқ солиши ҳам мумкин эмас. Улар ўзгага даромадининг бир қисми ўрни-

га қимматлироқ ҳисоблаган нарсани берибгина уни олиши мумкин.

Бундан ташқари, энг бой мулкдорнинг (ёки энг катта фирманинг) ҳокимияти ўхшаш маҳсулотлар ва хизматлар етказишга интилаётганларнинг рақобати билан чекланган.

Хусусийлаштириш ва давлат корхоналарини ислоҳ қилиш кенг кўламли иқтисодий ўзгаришларга эришиш ҳамда инклюзив ва динамик хусусий секторни ривожлантириш учун жуда муҳимдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида мулккий адолат ресурслар ва имкониятлардан тенг фойдаланиш учун жамият аъзоларига тенг шароитларни яратишни, мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш ва ҳаддан ташқари мулккий тенгсизликнинг олдини олишни ўз ичига олади. Бу, ўз навбатида, иқтисодий тенгликка эришишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар мулкдорлар ва тадбиркорларнинг янги авлодини тарбиялашда ўз миллати ва мамлакати манфаатларини ҳимоя қилиш, иқтисодий зоналар инфратузилмасини, жумладан, транспорт, логистика, энергетика ва коммуникация тизимларини фаол ривожлантиришни яхши биладиган, соҳага кўплаб инновациялар ва креатив ёндашувларни олиб кирадиган кишиларни вояга етказиш вазифаси ниҳоятда долзарб бўлиб бораётганидан далолат беради. Айни пайтда, мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётида мулкдорлар ва тадбиркорлар таъсирини янада кучайтириш, соҳага хорижий инвестицияларни жалб қилишга қаратилган фаолиятни кучайтириш, фуқароларининг фаровонлигини қўллаб-қувватлаш учун келажакка олға қадам ташлаш, ушбу соҳа субъектлари фаолиятини рағбатлантиришни янги босқичга кўтариш билан боғлиқ ниҳоятда муҳим аҳамиятга молик вазифалар ҳам пайдо бўлмоқда.

Корхоналар корпоратив бошқарувида адолат қоидалари ва унинг мулкчилик муносабатлари тизимидаги ўрнига ҳам алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки корхоналарнинг корпоратив бошқарувида адолат принципига риоя қилиш мулкчилик муносабатлари тизимининг самарадорлигини оширишда муҳим аҳамиятга эга. Адолатли бошқарув тизими акциядорлар, ходимлар ва бошқа

манфаатдор томонларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган. Корпоратив бошқарувда адолатлилик тадбиркорлик фаолиятининг барча иштирокчилари, шу жумладан, акциядорлар, ходимлар ва шериклар манфаатларини ҳимоялашни ўз ичига олади. Ўзбекистонда бу соҳа қуйидагилар билан тартибга солинади:

- “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонуни акциядорларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, бошқарув механизми ва масъулиятини белгилаб беради;

- 2016 йилда қабул қилинган “Корпоратив бошқарув кодекси”да корхоналарда адолатли бошқарувни таъминлаш, манфаатдор томонларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва шаффофликни оширишга қаратилган қоидалар белгиланган.

Ўзбекистонда аҳолининг турли қатламлари манфаатларини мувозанатлаштиришга қаратилган норматив-ҳуқуқий база яратилган. Бироқ, тўлиқ ижтимоий адолатга эришиш учун солиқ сиёсати, ижтимоий ҳимоя ва корпоратив бошқарув механизмларини янада ривожлантириш зарур.

Бозориктисодиёти жамиятда бойликнинг табақаланишини муқаррар равишда келтириб чиқаради, чунки даромад ва капитал нотекис тақсимланади. Бироқ, бойликнинг ҳаддан ташқари тенгсизлиги ижтимоий кескинликка ва иқтисодий ўсишни секинлашишига олиб келиши мумкин. Ўзбекистонда бойликлар тенгсизлигини камайтириш бўйича қуйидаги чора-тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан:

- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш бўйича давлат дастурлари (“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари ва ҳ.);

- прогрессив солиққа тортиш: юқори даромадлар ва бойликларга юқори солиқлар қўйиш орқали даромадларни қайта тақсимлашга қаратилган солиқ сиёсати;

- ижтимоий ҳимоя тизимини ривожлантириш ва арзон уй-жой (арзон уй-жой қуриш дастури ва бошқалар).

Шу асосда давлат бойлар ва камбағаллар ўртасидаги тафовутни қисқартириб, янада адолатли жамият яратишга интилади.

Оила даражасида ҳам мулкӣ масалаларда адолат

қоидалари ва мезонлари мавжуд. Масалан, аслида никоҳ шартномаси мулкӣ адолатни таъминловчи замонавий ҳуқуқӣ восита ҳисобланади. Хорижий таҷрибага қараганда, аксарият ривожланган мамлакатларда никоҳ шартномаси кенг қўлланилади ҳамда одатӣ тусга кирган ва мол-мулк тақсимотини тартибга келтирувчи, томонлар манфаатларини ҳимоя қилувчи институт ҳисобланади. Масалан, АҚШ ва Европа давлатларида “prenuptial agreement” деб аталувчи ҳужжат кўпчилик томонидан одатӣ ҳуқуқӣ восита сифатида қабул қилинган. Россия Федерациясида ҳам “брачный договор” институти ривожланган бўлиб, у эр-хотиннинг мулкӣ муносабатларини аниқ белгилайди. Бу давлатларда никоҳ шартномаси нафақат ажралиш пайтида, балки никоҳ давомида ҳам молиявий интизомни таъминлайди. Шартнома тарафларнинг қайси мулкка эгалик қилиши ва ундан қандай фойдаланишини олдиндан белгилаб берилиши келажақда юзага келиши мумкин бўлган низоларни бартараф этади.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимиз қуйидагича хулосага келишга, шунингдек, таклиф ва тавсияларни шакллантиришга асос бўлди.

1. Мулкчилик муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодӣ адолат қоидалари ва мезонлари мулк, ресурслар ва ишлаб чиқариш воситаларининг тақсимои, шунингдек, иқтисодӣ фаолиятда иштирок этувчи аъзоларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган. Мулкчилик муносабатлари жамиятдаги иқтисодӣ тартибни белгилайди, ишлаб чиқаришнинг ташкилий шакллари, ресурсларнинг тақсимотини ва фойдани кимга қандай тақсимлашни аниқлайди. Ижтимоий-иқтисодӣ адолатнинг мулкчилик муносабатлари контекстидаги қоидалари ва мезонлари жамиятда тенглик, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва имкониятларини таъминлаш, иқтисодӣ имкониятлардан барча фойдаланишини назарда тутати. Бу қоидалар, турли мулкчилик шакллари ва механизмлари орқали ижтимоий-иқтисодӣ адолатга эришишни мақсад қилади.

2. Мулкчилик муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодӣ адолатнинг қуйидаги қоидаларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1) Мулкни адолатли тақсимлаш қоидаси. Мулкнинг адо-

латли тақсимои ислохотлар ва қонунлар орқали таъминланиши керак. Мулкка бўлган ҳуқуқлар бир хил бўлиб, тўғри ва тенг тақсимланиши керак. Ҳар бир шахснинг ўз мулкига бўлган ҳуқуқи ва эркинлиги ҳимоя қилинади, аммо умумий манфаатларни кўзлаб, мувозанат сақланиши лозим. Мулкнинг тақсимланиши шахсий, ижтимоий ва давлат мулки сифатида бўлиши мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам жамиятдаги ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлаш учун бу шакллар ўртасидаги мувозанат муҳимдир.

2) Мулкка бўлган ҳуқуқларнинг тенг тақсимои қоидаси. Мулкчилик муносабатларида ҳар бир фуқаронинг мулкка бўлган ҳуқуқлари тенг бўлиши керак. Бу, ўз навбатида, фуқароларнинг ўз мулкларидан фойдаланиш, бошқариш ва улар билан боғлиқ қарорлар қабул қилишда эркинликни таъминлайди. Тенг имкониятлар ва ҳуқуқлар йўқлиги жамиятда ижтимоий адолатсизликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун мулкка бўлган ҳуқуқлар ва имкониятлар барча фуқаролар учун тенг бўлиши керак.

3) Мулкни тараққий эттириш учун ресурсларни самарали тақсимлаш қоидаси. Мулкчиликнинг ҳар бир шакли жамиятнинг иқтисодий ривожланишини таъминлаш учун ресурсларни самарали тақсимлашга хизмат қилиши керак. Бунинг учун давлат ва хусусий сектор ўртасида ёки кичик ва катта мулк эгалари ўртасида самарали ҳамкорлик ўрнатиш зарур. Мулкчилик шакллариининг самарали ишлаши, ресурсларни ишлаб чиқаришда ва тақсимлашда адолатни таъминлайди. Бу ҳам ишлаб чиқаришнинг ҳам самарадорлигини, ҳам тенг имкониятларни таъминлашга ёрдам беради.

4) Шахсий ва умумий манфаатлар ўртасидаги мувозанат қоидаси. Мулкчилик муносабатларида шахсий манфаатлар билан умумий манфаатлар ўртасидаги мувозанатни сақлаш жуда муҳим. Мулкни хусусийлаштириш ёки давлат тасарруфига ўтказиш жараёнида, умумий манфаатларга, жамиятнинг барқарорлигига ва ижтимоий равшанликка алоҳида эътибор қаратиш керак. Масалан, жамиятда хусусий мулк эгалари ўртасидаги тенгсизликларни камайтириш ва камбағалларнинг ижтимоий ҳолатини яхшилаш учун, давлатнинг айрим мулкларни назорат қилиш ва тақсимлаш сиёсати муҳим бўлиши мумкин.

5) Мулк эгаларига тегишли ҳуқуқ ва манфаатларни ҳимоя қилиш қондаси. Мулкчилик муносабатларида мулк эгаларига тегишли ҳуқуқларни ҳимоя қилиш муҳимдир. Бу, мулкка эга бўлиш ва ундан фойдаланишнинг ҳимояланишини таъминлайди. Ҳар бир шахс ўз мулкига бўлган ҳуқуқни ҳимоя қилиш ва уни ўз хоҳишига кўра ишлатиш имкониятига эга бўлиши керак. Шундай бўлса-да, давлатнинг мулк эгаларига тегишли ҳуқуқларни ҳимоя қилишда умумий жамият манфаатларини ҳисобга олиши, шунингдек, экологик, ижтимоий ва иқтисодий хавфларни камайтиришга ҳам эътибор бериши лозим.

3. Мулкчилик муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолатнинг қуйидаги мезонларини алоҳида кўрсатиш мумкин:

1) Тенглик мезони. Тенглик мезони мулк ва ресурсларнинг тақсимоли жараёнида ҳар бир аъзога тенг ҳуқуқ ва имкониятлар беришга асосланади. Мулкчилик муносабатларида тенглик принципи мулкнинг барча соҳаларида (хусусий, давлат, оммавий) таъминланиши керак. Масалан, тадбиркорлар учун ресурслардан тенг фойдаланиш имконияти, ишчи ва хизматкорлар учун тенг иш ҳақи ва имкониятлар таъминланиши керак.

2) Фақатгина оқилона ва мантиқий тақсимот мезони. Мулкнинг тақсимолида оқилона ва мантиқий ёндашувлар талаб қилинади. Бу, ресурслар ва мулкнинг қандай тақсимланишини белгилашда ижтимоий ва иқтисодий манфаатларни назарда тутишни ўз ичига олади. Масалан, агар бирор бир мулк ёки ресурс жамиятнинг ўзи учун самарали бўлса, унда унинг тақсимланишида фақат шахсий манфаатлар эмас, балки жамиятнинг умумий манфаатлари ҳам ҳисобга олиниши керак.

3) Таъминотнинг барқарорлиги мезони. Барқарор тақсимот мезони мулк ва ресурсларнинг қонунга мувофиқ ва барқарор тақсимланишини назарда тутди. Давлат ва жамият ресурсларнинг ўсиши, жамиятнинг иқтисодий имкониятларидан тенг фойдаланишга ҳаракат қилишлари керак. Барқарор тақсимот ижтимоий-иқтисодий адолатнинг муҳим мезони ҳисобланади, чунки унинг ёрдамида жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўз мулки ва ресурсларидан самарали ва барқарор фойдаланиши мумкин.

4) Давлатнинг иқтисодий ролини белгилаш. Давлатнинг ўрни мулкчилик муносабатларида муҳим мезонлардан биридир. Давлат, ресурслар ва мулкни тақсимлашда ёрдам бериши, ижтимоий тенгликни таъминлаш учун регулятор вазифасини бажариши керак. Давлатнинг ривожланишга йўналтирилган сиёсати, умумий манфаатлар учун жамиятнинг фаолият кўрсатишини таъминлашда муҳимдир.

5) Ижтимоий ёрдам ва муҳофаза механизмлари. Ижтимоий ёрдам ва муҳофаза мезони жамиятнинг ижтимоий ҳолатини ёмонлаштиришга йўналтирилган. Бу мезон мулкнинг тақсимотидан келиб чиқиб, ёшларга, камбағалларга ва ижтимоий хавфдаги аъзоларга ёрдам кўрсатиш механизмларини ишлаб чиқишга асосланган.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосага келиш мумкинки, мулкчилик муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари ва мезонлари жамиятда тенглик, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатларини таъминлашга қаратилган. Бу қоидалар орқали ресурслар ва мулкнинг адолатли тақсимотини таъминлаш, барқарор ривожланиш ва камбағалликни камайтириш мақсад қилинади. Мулкчилик шакллари ўртасидаги мувозанат, давлатнинг назорати ва ижтимоий ёрдам тизимлари, жамиятнинг барқарор ривожланишини ва ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлаш учун муҳимдир.

4. Иқтисодиёт ва бутун жамиятнинг барқарор ривожланишида мулккий муносабатлардаги адолатлилик асосий ўрин тутadi. Бозор иқтисодиёти шароитида мулккий адолат муаммоси мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ресурсларни қайта тақсимлаш ва ижтимоий кафолатларни таъминлашни ўзида мужассам этган комплекс ёндашувни тақозо этади. Мулк ҳуқуқларини мустаҳкамлаш ва қонуний кафолатларни таъминлаш орқали аҳолининг мулкка бўлган ишончини ошириш мумкин.

5. Турли мулк шаклларини капиталлаштириш орқали мамлакатимизда аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигини янада яхшилаш учун: аҳоли турмуш даражасини баҳолашда жон бошига тўғри келадиган даромад, харажатларнинг таркибий ўзгариши, асосий озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмоли ва узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар билан

таъминланганлиги билан бир қаторда яшаш шароити ва стандартлари, аҳолининг обод ва замонавий уй-жойлар билан таъминлангани, аҳоли истиқомат қиладиган муҳитни ривожлантириш ҳамда ободонлаштириш талаб этилади. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши, ўз навбатида, мамлакатимиздаги мулк шакллари хилма-хиллиги даражасини кенгайтириш орқали унинг иқтисодий реализацияси самарадорлигини оширишга, аҳоли ижтимоий ҳолатини яхшилаш ва фаровонлигини янада юксалтиришга имкон яратади.

5. Тадбиркорлар ва фуқароларнинг мулк ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида “Мулк ҳуқуқи презумпцияси”ни жорий қилиш, мулк эгаси унинг мулкдор эмаслиги исботланмагунча ушбу мулкнинг мулкдори ҳисобланиши ва мулкка эгаллик қилувчи давлат органининг ҳужжатига ишониб ҳаракат қилган инсофли эгалловчидан мулкни қайтариб олиш таъқиқланиши қонунчиликда белгиланиши керак;

6. Мулкчилик муносабатлари тизимида рақамли шаффофликни таъминлаш учун UZKAD тизимига Гаров реестри, “Нотариус” автоматлаштирилган ахборот тизими, Кўчмас мулк объектлари манзиллари ягона реестри, Тадбиркорлик субъектлари ягона давлат реестри, Ўзбекистон Республикаси солиқ тўловчиларининг ягона реестри, “Давлат мулки” ахборот тизими, Нодавлат нотижорат ташкилотлар ва уларнинг бўлинмалари реестри, лицензиялар, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжат ва хабарномалар реестрлари ва кўчмас мулк объектларига оид маълумотлар юритилаётган бошқа барча давлат ахборот тизимларини интеграция қилиш ҳамда реал вақт режимида онлайн маълумот алмашинувни йўлга қўйиш.

Яна бир муҳим масала – бу вақфнинг ижтимоий-иқтисодий адолат ва тараққиётни таъминлашдаги ўрни ҳақида. Вақф қадим даврлардан бери мусулмон мамлакатларининг ижтимоий-иқтисодий ҳаётида муҳим аҳамият касб этиб келган, чунки вақф тизими мамлакат молия манбаларини шакллантиришга ҳисса қўшган.

Вақф мулклари хусусий мулкчилик шаклидан чиқади. Шу билан бирга, давлатга ҳам тегишли ҳисобланмайди. Вақфларни жамиятнинг маълум эҳтиёжларини қондирадиган жамоа мулки дейиш мумкин.

Вақф, кутубхоналар, мактаб-мадрасалар, олий таълим муассасалари, шифохоналар, етимхоналар, мусофирхоналар, инфратузилма иншоотлари қуриш (йўллар, кўприклар, қудуқлар в.ҳ.к.э) ва бошқа шу каби лойиҳаларни ўз ичига олади.

Вақф мулкини шакллантиришдан мақсад Аллоҳ таолонинг розилигини истаб, бошқаларга манфаат етказадиган хайрли лойиҳани бажаришдан иборат.

Вақф шифохоналари мударрис ва толиби илмлар учун ҳам тадқиқот маркази бўлиб хизмат қилган. Масалан ар-Розий (841-926) ал-Заҳравий (931-1013) Ибн Сино (980-1037) Ибн Рушд (1126-1198) Ибн ал-Нафис (1208-1288) каби етук алломаларнинг етишиб чиқишида ҳам бундай муассасаларнинг хизмати беқиёс бўлган. Вақф шифохоналари тиббиёт соҳаси талабалари учун ўз даврининг энг яхши ускуналари билан жиҳозланган ва илмий мерос жиҳатидан ҳам жуда бой ҳисобланган. Масалан, XIV асрда Мисрдаги Ибну Тулун шифохонаси қошидаги кутубхонада 100 мингдан ортиқ тиббиётга оид китоблар мавжуд бўлган бўлса, ўша давр Европасидаги энг катта кутубхонага эга Париж университетида атиги 400 турдаги китоблар сақланган¹²⁰.

Вақф тизимининг инсон ва жамият тараққиётини таъминлашдаги ўрнига қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

1. Вақф ҳам закот каби бойликлар тақсимооти ва уларнинг самарадорлиги ошишига хизмат қилади;

2. Соғлиқни сақлаш, инфратузилма/шаҳарсозлик, таълим тизими ривожига киритилган вақф кўринишидаги беминнат сармоялар, давлат бюджетининг ижтимоий ҳимояга ажратилаётган қисмининг муайян даражада ўрнини қоплайди ва шу орқали давлат харажатларининг бир қисмини ўзига олади (давлат бюджетидан тежаб қолинган маблағларни эса иқтисодиётнинг бошқа соҳаларга йўналтириш имконияти пайдо бўлади);

3. Мамлакат инфратузилмасининг яхшиланиши иқтисодиётда ўсиш суръатларининг тезлашишига ва барқарор ривожланишига эришишига ёрдам беради;

4. Мамлакат фуқаролари(ва ҳатто бошқа юртлардан ке-

¹²⁰ <https://islommoliyasi.uz/uz/vaqfning-ijtimoiy-iqtisodiy-ahamiyati/>

либ, қийналиб қолган мусофирлар)нинг давлат ва юртнинг бадавлат кишилар томонидан вақф учун ажратган бойлик-лари туфайли жамият аъзолари ўртасидаги ўзаро муносабатлар ва умумий муҳит яхшиланади;

5. Вақфнинг соғлиқни сақлаш ва таълим соҳаси ривожига қўшган улуши мамлакат фуқаролари учун имкон қадар тенг имкониятлар яратишга ёрдам беради, тенг имкониятлар эса ижтимоий адолатни таъминлашга хизмат қилади.

2.2. Тақсимот ва айирбошлаш жараёнида адолат қоидалари ва мезонлари. Аҳоли даромади бўйича табақаланиш (бойлик, камбағаллик...) ва адолат.

Ҳар қандай мамлакатнинг иқтисодий қудрати, унинг жаҳон ҳамжамиятига кириб бориш имконияти ҳамда халқаро миқёсдаги ўрнини белгилаб беришда, энг аввало, ўша мамлакатда тақсимот муносабатларининг давлат томонидан тартибга солиниш даражаси муҳим роль ўйнайди. Чунки, айнан тақсимот жараёнларининг адолатлилиги ва самарали ташкил қилиниши мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини таъминлашга хизмат қилади. Шу сабабли ҳар бир мамлакат ўзида яратилган товар ва хизматлар ҳамда даромадларни имкон қадар адолатли ва самарали тақсимлашга ҳаракат қилади. Бу эса, ўз навбатида, давлатнинг тақсимот жараёнларини тартибга солиш усуллари тақсимлаштириш ҳамда шу асосда мамлакат иқтисодий сиёсатини ишлаб чиқишни объектив заруриятга айлантиради. Шунинг учун ҳам жаҳон мамлакатларида ушбу муаммо ҳамон долзарблигича қолмоқда.

Тақсимот жараёнларининг илмий-услубий, назарий ва амалий жиҳатлари алоҳида тадқиқот йўналиши сифатида хорижлик иқтисодчи олимлардан А.Смит, Д.Рикардо, Дж.М.Кейнс, К.Р.Макконнелл, С.Брю ва бошқаларнинг илмий ишларида атрофлича таҳлил қилинган.

Тақсимот жараёнларини давлат томонидан тартибга солиш муаммолари МДҲ олимлари Л.И.Абалкин, Л.И.Якобсон, С.Г.Шагинян, Г.Козлова, М.Шагиахмедов, А.П.Дудевич, Т.Ф.Юткина, С.И.Ожегов ва бошқаларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Мамлакатимиз иқтисодчи олимларидан Ш.Ш.Шодмонов, Т.Т.Джураев, А.В.Ваҳобов, Б.Б.Беркинов, Б.Д.Хажиев,

Р.Р.Хасанов, А.Ўлмасов ва бошқаларнинг илмий изланишларида тақсимот жараёнларининг босқичлари, турлари ва амал қилиш қонуниятлари муайян даражада ўрганилган.

Жаҳонда сўнгги йилларда ресурс ва даромадларнинг нотекис тақсимооти натижасида мамлакатлар ривожланиши ҳамда аҳоли даромадлари ўртасида кучли табақаланиш тенденцияси кузатилмоқда¹²¹.

Шунинг учун тақсимот қонунини ишлаб чиқариш омиллари ва аҳоли даромадлари ўртасидаги доимий алоқадорликнинг ифодаси, деб қараш керак. Бунда тақсимот муносабатларига хос даромадларни мезоний ва миқдорий таҳлил этиб, умуиктисодий категориялар даражасида ёритиш лозим. Акс ҳолда, тақсимот ижтимоий-иқтисодий тизимнинг муҳим муносабатлари қаторига кирмай қолади.

Миллий иқтисодиётда тақсимот орқали ишлаб чиқариш билан истеъмол боғланади ва жамиятдаги турли хил макроиқтисодий мутаносибликлар таъминланади. Ялпи ички маҳсулотнинг бирламчи тақсимланиши натижасида асосий субъектлар даромади юзага келади. Бунинг оқибатида истеъмол қилинган моддий ресурсларни қоплаш амалга оширилади, меҳнат, капитал, тадбиркорлик қобилияти омиллари ва ер эгаларининг даромадлари шаклланади.

Тақсимот натижасида аҳоли, фирма (корхона) ва давлат даромадлари юзага келади.

Ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлашда эса давлат бюджети ва бюджетдан ташқари турли хил жамғармалар иштирок этади.

Бирламчи тақсимлашда асосий даромадлар юзага келса, бюджет иштирокидаги қайта тақсимлашда ҳосила даромадлари пайдо бўлади.

Бюджет иштирокида иш ҳақи, нафақа, стипендия ва ижтимоий ёрдамнинг турли шаклидаги даромадлар юзага келса, бюджетдан ташқари жамғармалар пенсия, ижтимоий суғурта тўлови каби даромадларни шакллантиради. Даромадларда бюджетнинг иштироки мамлакатнинг ривожланиш моделига ҳам боғлиқ. Агар бу модел ижтимоий муаммолар

¹²¹ Б.Д.Хажиев. Миллий иқтисодиётда тақсимот муносабатларини тартибга солиш институтлари ва уларнинг амал қилиш тамойиллари. https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss5/a2


ечимини давлат зиммасига юкласа, бюджетнинг даромад ҳосил этишдаги роли кучли бўлади. Аксинча, моделда бу муаммолар ечими оиланинг ёки корхонанинг функцияси бўлса, бюджетнинг даромад ҳосил этиш функцияси кучсиз бўлиши кузатилади. Шу боисдан давлат харажатларининг ялпи ички маҳсулотдаги ҳиссаси турлича бўлади. “Ўзбек модели” кўзда тутган кучли ижтимоий сиёсат давлатнинг даромадларни тақсимлашда фаол иштирок этишини билдиради, шу боис аҳоли даромадларида трансфертларнинг салмоғи нисбатан юқоридир.

Ҳар бир жамиятда ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлам бўлар экан, уларнинг ҳимояси маълум сарф-харажатларни талаб этади. Бу харажатлар қайта тақсимлаш орқали қопланади, уларни молиялаштириш бюджет орқали амалга оширилади. Давлат ЯИМни тақсимлаш ва қайта тақсимлаш орқали аҳоли даромадлари ва турмуш кечириш даражасига биринчидан, йиғма бюджет харажатлари, солиқлар, пул ва натурал шаклда трансферт тўловлари, ижтимоий товарлар ва хизматлардан фойдаланиш оқали таъсир кўрсатса, иккинчидан, маъмурий, ҳуқуқий йўл билан аҳолининг меҳнатда бандлигини тартибга солиш, иш ҳақини минимал даражаси, айрим ижтимоий аҳамиятга эга товарлар ва хизматлар нархини назорат қилиш орқали амалга оширади. Ялпи ички маҳсулотда давлат харажатлари ҳиссасининг ўсиши ҳамда социал харажатларнинг катта салмоғи бир томондан, аҳолини кучли ижтимоий ҳимоя қилинишини таъминлашга ёрдам берса, иккинчи томондан, хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий манфаатдорлигига салбий таъсир қилиб, иқтисодий фаолликни сусайтириши мумкин. Бу ҳол тақсимоат муносабатларида маълум зиддиятлар мавжудлигини билдиради. У ҳам бўлса, “тенглик” ва “тенгсизлик” муаммосидир. “Тенглик” бу ҳамма учун меҳнат қилиш шароитининг тенглиги, “тенгсизлик” эса меҳнатнинг ўзи ҳар хил натижа бериши, яъни ҳар хил даромад келтиришини англатади. Аммо бу тенгсизлик адолатли ҳисобланади. Чунки ҳар бир субъект даромад сифатида ишлаб топган қисмини олади.

Маълумки, ҳар қандай жамият фаровонлигида ижтимоий тенглик тамойили жуда муҳим ўрин тутди. Бу тамойил

аҳолининг турли қатламларига берилган иқтисодий ва ижтимоий имкониятлар кескин фарқ қилмаслиги кераклигини таъкидлайди. Ҳатто ўта капиталистлашган жамиятларда ҳам даромадлар аҳолининг турли қатламлари ўртасида нисбатан тенг тақсимланишига қаратилган сиёсат олиб борилади.

Қуйидаги 10-чизма мисолида ижтимоий тенглик назарияси ва амалиёти моҳиятини ёритамиз.



Тенглик принципи асосида одамларнинг адолат ҳақидаги қарашлари ётади. Фанда адолатга икки хил қараш бўлиб, бири ҳамма бойлик ва имкониятлар ҳаммага тенг тақсимланиши керак дейди (бу тақсимий ёки дистрибутив адолат деб аталади), иккинчиси бойлик ва имкониятлар ҳар кимнинг қилган меҳнати ва ютуқларига қараб бўлиниши керак, дейди (бу ҳиссавий ёки контрибутив адолат деб аталади). Бу икки ёндашув жуда кескин бўлиб, уларнинг бирига амал қилган жамият тезда ички муаммолар юкидан азият чека бошлайди ва таназзулга учрайди.

Дистрибутив адолат тарафдорлари ҳамма мутлақо тенг бўлган жамият ва шунга монанд иқтисодий тузум яратишга интиладилар. Советлар қурган давлат ана шу тамойилга асосланган бўлиб, мафкурага кўра унда даромадлар ҳам, имкониятлар ҳам ҳар кимга тенг берилиши, жамиятда бой ва камбағаллар, саводли ва саводсизлар бўлмаслиги керак. Бу ёндашувнинг афзалликлари ҳам бор, яъни ҳар ким қонун олдида баробарлиги, ҳар ким бепул таълим ва тиббий ёрдам олиши каби қадриятлар айнан шу фалсафага асосланган. Аммо дистрибутив адолат жиддий бир муаммони ҳам кел-

тириб чиқаради: умумий манфаатлардан ҳамма билан тенг улуш олган одам ҳеч нарсага интилмайд қўяди, ўз меҳнати самарадорлигини оширмайди. Бундай муҳитда одам ҳеч нима қилмаса ҳам, ҳамма қатори жамият неъматларидан баҳраманд бўлаверади. Ва аксинча – кўп меҳнат қилган ва жамиятга кўп фойда келтирган одам ҳам ундан камроқ ҳаракат қилганлар қатори улуш олади. Натижада жамиятда янгиликка интилиш, илм-фан ва технологияни ривожлантириш бўлмайди. Жамият ўсишдан тўхтади.

Бу муаммони контрибютив адолат принципи ҳал қилади: у ҳар кимга унинг меҳнати ва умумий фаровонликка қўшган ҳиссасига қараб улуш бериш кераклигини тарғиб қилади. Бу ёндашув ҳам кучли фазилатларга эга: интилувчан ёшларга рағбат бериш, яхши меҳнатни мукофотлаш каби қадриятлар шу фалсафага асосланган. Аммо бу ёндашувда ҳам бир яққол камчилик бор: у жамиятда синфлар пайдо бўлишига, бу синфлар бир-биридан кескин узоқлашишига, ажралишига олиб келади. Бу ёндашувнинг асосий қуроли рақобат бўлиб, одамларга ҳеч бир қондасиз очиқ рақобат қилишга қўйиб берилса, улар меъёрни билмайдилар. Бундай муҳитда бойнинг боласи ҳеч бир истеъдодга эга бўлмаса ҳам, билим олиш учун барча имконият ва шароитга эга бўлади, камбағалнинг боласи эса кучли истеъдоди бўлса ҳам, билим олиш имконияти чекланган бўлади. Натижада бой табақа авлодлар оша бойлигича – ночорлар ночорлигича қолади.

Жамият мувозанатда бўлиши ва фаровон яшаши учун, шу икки тамойил уйғунликда ишлаши лозим. Бунда энг асосий эътиборни шунга қаратиш керакки, **даромадлар** тақсимланишида **контрибютив** адолат тамойилига амал қилинса, **имкониятлар** тақсимланишида **дистрибютив** адолат тамойилига амал қилиш керак.

Даромадлар тақсимланишида ҳар ким ўз меҳнати ва умумий фаровонликка қўшган ҳиссасига қараб улуш олиши керак. Шунда ўз иқтидорини ўстирган, меҳнатдан қочмаган, жамиятга иқтисодий наф келтирган одам шу ҳаракатларига мос рағбат олади. Аъло ўқиган ўқувчи ва талабани одил рағбатлантириш, яхши ишлаган ходимни мукофотлаш керак. Бундай муҳитда олимларда янгиликлар яратишга, ижодкорларда яхшироқ ижод қилишга, тадбиркорда маҳсулот

ва хизмат сифатини яхшилашга интилиш кучли бўлади. Иқтисоднинг барча соҳаси жадал ривожланади.

Шу билан бирга, ҳар кимга тенг имкониятлар берилиши керак. Яшаш, соғлом бўлиш, билим олиш, ўз иқтидорини ривожлантириш ўзи севган касбда меҳнат қилиш учун шарт-шароит ва имкониятлар дистрибутив адолат принципига кўра тақсимланиши лозим. Қонун ҳар кимнинг шахсий ва тижорат ҳуқуқларини бир хил ҳимоя қилиши лозим, ҳар қандай янги бизнес эгаси ҳам ўз ишини қонуний юритиш ва ўсиш учун бошқалар билан тенг имкониятга эга бўлиши керак. Мактаблар ҳамма ўқувчига бир хил таълим бериши, шифохона ҳамма беморга бир хил қараши керак. Шунда астойдил билим олиб, меҳнат қилишга тайёр қуйи қатлам вакиллари ҳам ўз ҳаётларини яхшилаш оладилар.

Бозор иқтисоди ўзининг ижтимоий-иқтисодий адолат тамойилларига эга. Буларнинг асосийларидан бири – меҳнат ва мулкнинг самарасига яраша тақсимлаш тамойилларидир. Лекин тақсимот умуминсоний адолат тамойилларини ҳам ҳисобга олиши керак. Бу муҳтожларга ёрдам бериш, уларни моддий ва маънавий бойликлардан баҳраманд қилишдир. Аммо адолат ўз-ўзидан ўрнатилмайди, чунки ижтимоий-иқтисодий адолатда доимий бир хил ўлчов (эталон) бўлмайди. Жамиятнинг бойиб бориши унда адолатнинг инсонпарварлашувига олиб келади ва тақсимлашда нима устувор бўлишини адолат категорияси белгилайди. Даромадлар ташкил топишида қайси омил устун эканлиги кишилар, социал гуруҳларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги ҳиссалари билан белгиланади.

Юқорида қайд қилинган фикрлардан келиб чиққан ҳолда, даромад топишда тақсимот муносабатларининг иккиёқлама таъсирини кўрсатиш мумкин. Биринчидан, меҳнат киши-си олаётган даромадларнинг доимий ўсиб боришига умид боғлашга ҳақлидир, чунки ишлаб чиқариш самарадорлиги ўсишида меҳнатнинг ҳиссаси ошиб боради. Иккинчидан, ижтимоий-иқтисодий самарадорлик натижасини шундай тақсимлаш керакки, бу умумий фаровонликни таъминлаши лозим. Кишилар даромадларининг тенглашиши томон ҳаракат қилади, аммо бу миқдоран эмас, балки мазмунан бўлиб, турли социал қатламларнинг даромад топишларида-

ги хилма-хиллик заминиди вужудга келади ва даромад топиш имкони ҳамма учун кенгайиб боради.

Иқтисодий ислохотлар тақсимот муносабатларини ўзгартириб, унинг шаклан турли-туманлигини таъминлашга, ишлаб чиқаришда иштирок этувчиларнинг меҳнатга рағбатини кучайтириш ва фаоллигини оширишга қаратилади. Улар меҳнат натижаларидан моддий, маънавий манфаатдорликнинг янги турини шакллантиради. Кишининг манфаати фақатгина ёлланма ишчи сифатида эмас, балки мулкдор, бошқарувчи ёхуд умуман фаолият натижаларининг ҳақиқий ташаббускори манфаати шаклида намоён бўлади.

Шу билан бирга, ҳар қандай илғор рағбатлантириш тизими маълум тўсиқларга учрайди, чунки, ҳар қандай ишлаб чиқариш индивид томонидан муайян даражада табиат неъматларини ижтимоий шакл доирасида ўзлаштиришни билдиради. Бу ижтимоий шакл мулк ва унга эгалик қилиш ҳамда меҳнат фаолиятини амалга оширишни билдиради. Мулкдор ресурсларни ишлатишга, ишловчи эса меҳнат жараёнида тўлиқ жавобгар бўлиши керак.

Ҳар бир тарихий тараққиёт даврига мос бўлган тақсимот муносабатлари ишлаб чиқаришнинг ривожланиш даражасига боғлиқ бўлади. Ҳар доим шаклан ва мазмунан яратилган ҳаётий неъматлар тақсимланади, аммо унинг ижтимоий-иқтисодий табиати ва усулларини мулкчилик муносабатлари ҳам белгилайди. Тақсимот муносабатлари ижтимоий ишлаб чиқаришда кишиларнинг мавқеи ва ҳолатини акс эттириб, уларнинг турмуш тарзини белгилайди. Тақсимот яратган даромадлар кишилар манфаатини ифодалайди, улар ишлаб чиқаришга фаол таъсир этади. Даромаддан манфаатдорлик ишлаб чиқаришни ўстириши ёки секинлаштириши мумкин. Даромад ишлаб чиқариш даражасига боғлиқ бўлиб, ҳар бир даврга хос бўлган асосий белгиларни ўзида мужассамлаштиради. Шу билан бирга, унинг маълум даражада нормал бўлишига кўп жиҳатдан мулк шакллари, аниқ маҳалий шарт-шароитлар, минтақавий хусусиятлар, жамият аъзоларининг фаолият савияси ва шунга ўхшаш омиллар таъсир қилади.

Бозор муносабатлари мулк шаклларининг ривожланишини тақозо этади. Мулкнинг шакллари ўз навбатида, тақсимотнинг махсус шакли ва усулларини юзага чиқаради,

бу эса даромадларда, хусусан фойда, диведенд ижара пули каби даромадларда ифодаланади.

Иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида аҳоли даромади турлари янгиланади, улар нисбати ўзгариб туради. Бозор даромадлари пайдо бўлиб, уларнинг миқёси ўсиб боради. Тадбиркорлик даромади ва мулк даромадлари оила бюджетида салмоқли ўрин олади. Оила, у қандай ижтимоий тоифага мансуб бўлмасин, бир хил даромадларга боғланиб қолмайди, унинг бюджети турли даромадалардан шаклланадики, булар жумласига тадбиркорлик даромади, мулк даромади, меҳнат даромади ва ниҳоят трансферт тўловлари киради. Аммо оиланинг ижтимоий мақомига қараб уларнинг ялпи даромаддаги ҳиссаси фарқланади. Янги даромад турларининг пайдо бўлиши меҳнат даромадининг аҳамиятини тушуриб юбориши кузатилади.

Мулкчилик муносабатлари тақсимотнинг характери билгилар экан, унинг ўзи икки тизимда амал қилади. Бири моноиқтисодий тизим бўлиб, бунда мулкнинг хусусий ёки давлат шакли монополь бўлиб, иқтисодий муносабатларни шунга мос шакллантиради. Моноиқтисодий тизимнинг барча кўринишларига асосан тоталитар тақсимот хос бўлиб, мулк монополистлар манфаатига мос тушади. Полииқтисодий тизимда эса иш натижасига мос тақсимот устувор бўлади. Бу тақсимотда кўпчилик, ҳатто ёлланган ишловчилар ҳам қатнашади.

Бозор иқтисодиётига ўтиш иқтисодий трансформация босқичидирки, бунда тақсимот усуллари ўзгариб, такомиллашиб боради. Даромад таркиби ташкил топиш манбаларига мос равишда кўп турдаги даромад воситалари вужудга келади. Даромад топиш фақат кишиларнинг меҳнатигагина эмас, балки ҳиссадорлик, мулкка эгалик даражасига, тадбиркорликка ва умуман инсонга тааллуқли бўлган ижодкорлик хислатларига боғлиқ бўлиб қолади. Индивидуал даромадлар ёлланган ишлаш, яқка тартибда меҳнат қилиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш, ўз хўжалигида ишлаш ва ниҳоят мулкдор бўлиш орқали топилади.

Бозор механизмининг шаклланиши ўзига хос иқтисодий рағбатлар тизимини вужудга келтиради. Даромад толувчилар бир томондан, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар си-

фати ва меҳнат унуми учун жавобгар бўлса, иккинчи томондан, ресурс эгалари сифатида уларни унумли ишлатишга интиладилар. Ҳар хил мулк шакллари заминида ҳўжалик юритишнинг хилма-хил усуллари ўзига хос рағбатлантириш механизми орқали даромадларни юзага келтиради. Аммо эскича тақсимот унсурлари сақланар экан, даромадларнинг ҳосил бўлиши ноиқтисодий омилларга, яъни кишиларнинг эгаллаган юқори лавозими, сиёсатчи сифатидаги мавқеи, жинси, истиқомат қилиш ери ва маълум даражада миллати, касб-корига боғлиқ бўлиб қолади. Аслида эса тақсимот тизимида иқтисодий омиллар устун бўлиши керак. Бунинг бош мезони кишиларнинг индивидуал фаоллиги ҳисобланади. Кишилар салоҳиятининг ҳар хиллиги, ўз навбатида улар даромадини табақалаштиради. Айни вақтда манфаатларнинг турланиши ҳўжалик юритиш шакли, мулкка эгалик қилиш даражаси ҳамда кишининг жамиятдаги социал мавқеига боғлиқ бўлади.

Ижтимоий-иқтисодий трансформация даврида иқтисодий ўсиш ва социал йўналиш ўртасида зиддият ҳосил бўладики, бу умуман бозор иқтисодиётининг зиддиятидир. Бу зиддият даромадларнинг бозор қоидаларига биноан тақсимланиши билан ижтимоий адолат тамойиллари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг ўзаро боғланишини тақозо этади. Бунинг ўзи умуиқтисодий характердаги қарама-қаршилиқ бўлиб, ишлаб чиқариш билан истеъмол ўртасида азалдан мавжуддир. Бир томондан, ишлаб чиқаришни ривожлантириш учун ажратилган маблағлар ҳажмининг ортиши оқибатида умумий истеъмол даражаси қисқаради, лекин келажакда иқтисодий ривожланиш учун катта имкониятларни таъминлайди. Бошқа томондан эса, умумий истеъмол кўламини ошириш зарурати пайдо бўлади, чунки буни ишлаб чиқаришнинг шахсий омили талаб қилади, яъни ишчи кучини сифатли такрор яратиш учун зарур моддий асосни ишлаб чиқаришни тақозо қилади. Шунинг учун бу келажакдаги иқтисодий ўсишни зарур этиб қўяди.

Айтилган зиддият бирламчи тақсимлаш билан қайта тақсимлашнинг ўзаро нисбатини юзага чиқаради. Айнан, шу орқали адолатлилик муаммолари ҳал этилади, чунки қайта тақсимлашда аҳолининг ночор қатламини социал жиҳатдан

қўллаб-қувватлаш молиялаштирилади, жамият учун мақбул, даражадаги даромадларнинг табақаланишига эришилади.

Солиққа тортишнинг адолатлилиги деганда, ҳар қандай йўл ёки усул билан бўлмасин, фақат давлат бюджетини тўлдиришга қаратилган эмас, балки ижтимоий адолат принципларига асосланган ҳолда тузилган солиқ тизими тушунилади. Унга кўра солиқлар шундай шакллантирилиши керакки, солиқ юки жамият аъзоларининг топган даромади, жамғарган мол-мулки, фойдаланаётган ресурси, истеъмоли ва бошқа мезонларига яраша адолатли тақсимланиши керак.

Давлат иқтисодий натижа ва ютуқларини адолатли тақсимлаш орқали юқори самарадорликка ва барқарор тараққиётга эришиши мумкин.

Хулоса ва тавсиялар. Тақсимлаш жараёнлари ва уни амалга ошириш механизмининг таҳлили қуйидаги хулосаларни чиқариш имконини берди:

- миллий иқтисодиётда яратилган ялпи маҳсулотни, ялпи талабни эътиборга олиб тақсимлаш ва қайта тақсимлаш макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш ва иқтисодий ўсишга эришишнинг асосий шарт-шароитларидан ҳисобланади;

- ялпи ички маҳсулотни бирламчи тақсимлашда меҳнат даромади улушининг қисқариб, ресурс эгалари даромадлари ҳиссасининг ортиб бориши иқтисодиётни эркинлаштириш жараёнида мулкдорлар синфининг шаклланиб боришидан иборат объектив жараёни акс эттиради;

- ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлаш тартиби ва механизмининг ўзгариб бориши ўз мазмунига кўра ўтиш даврига хос фискал сиёсат шаклланишидан далолат беради;

- ялпи ички маҳсулотни қайта тақсимлашда давлат бюджети улушининг қисқариб бориши қайта тақсимлаш жараёнида бюджетдан ташқари жамғармалар ва нодавлат ижтимоий жамғармалар ролининг ортиб боришини билдиради;

- давлат бюджетини қайта тақсимлаш орқали молиялаштириш бир томондан, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётининг табиатини, бошқа томондан ислохотларни амалга оширишда давлатнинг ролини характерлайди.

Тақсимотдаги зиддиятли ҳолат Республика аҳолисининг

социал табақаланишига олиб келади. Бунинг натижасида бой, ўртаҳол ва камбағал қатлам шаклланади, улар даромадидаги тафовут кучаяди, иккиламчи тақсимот эса бу тафовутларни қисқартириб ижтимоий мувозанатни таъминлашга қаратилади.

Ресурслар сарфига қараб тақсимлашдан келиб чиқадиган социал тафовут ва табақаланиш моҳиятан ўтиш даври иқтисодиёти табиатига мос келади. Бу даврда тақсимотнинг шакл ва тамойилларининг ўрни алмашиб туради ҳамда тенгсизлик аҳоли бой ва камбағал тоифалари даражасида амал қилади. Ўртача тоифа шу икки қатлам ҳисобидан ўсиб боради ва пировард натижада жамиятнинг ижтимоий ҳар хиллиги мустаҳкам ўрин эгаллайди.

Ислохотлар янги босқичининг муҳим вазифаларидан бири аҳоли даромадларининг ҳамма шакллариини ўзаро муносаббати ва уйғунлигини таъминлаш, аҳолининг фаол қатламлари мавқеини мустаҳкамлашдир.

Бозор иқтисодиёти шароитида ресурсларни тақсимлаш заминида талаб ва таклиф қонуни ётадиган бўлса, ресурсларнинг самарали тақсимланиши учун иқтисодиётни эркинлаштиришнинг янада чуқурлаштириш, изчил равишда иқтисодиётни тартибга солишнинг бозор механизми ролини ошириш мақсадга мувофиқдир.

– ялпи ички маҳсулотни тақсимлаш ва қайта тақсимлашда аҳоли, фирма даромадларининг шаклланишида давлатнинг иқтисодий механизмлари шундай амал қилиши керакки, улар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва ҳажмининг ўсишига олиб келсин. Иқтисодчиларнинг ҳулосасига кўра солиқлар умумий даромаднинг 25-30 фоизидан ошмаса, ишлаб чиқариш ҳажмини ўсишига таъсир кўрсатар экан. Шундан талабдан келиб чиққан ҳолда республикаимизда даромадларнинг солиқ юкини аниқлаб уни камайтириш чора тадбирларини белгилаш керак;

– миллий иқтисодиётни макроиқтисодий таркибини ўзгартиришни жадаллаштириш, янги қўшилган қиймат яратувчи соҳаларни ривожлантиришга эътибор қаратиш керак;

– давлатнинг иш ҳақи сиёсати шундай ишлаб чиқилган бўлиши керакки, аҳоли даромади таркибида иш ҳақи, унинг ҳиссаси ошиши ва ишлаб чиқаришда моддий манфаатдорлик кучайтирилиши керак;

- бозор иқтисодиёти шароитида социал соҳанинг бир қисми ялпи миллий маҳсулотни яратишда иштирок этади. Асосий харажатлар миллий даромад эвазига қопланади. Аҳолининг кескин табақаланишининг олдини олиш мақсадида, ижтимоий адолатни таъминлаш мақсадида миллий маҳсулотни жамият реал ҳолатидан келиб чиққан ҳолда тақсимлаш керак;

- республикада ижтимоий соҳани молиялаштириш мақсадида махсус жамғармалар ташкил этилган, бу жамғармалар маблағлари хўжалик юритувчи субъектларнинг ажратмалари эвазига ташкил топади. Мажбурий тўловларнинг юқорилиги, биринчидан, давлат йиғма бюджетларини кўпайтирса, иккинчи томондан, ишлаб чиқариш самарадорлигига салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли махсус жамғармалар учун ажратиладиган тўлов ставкаларини оптимал бўлишини таъминлаш мақсадга мувофиқдир.

Бозор механизмининг юксак даражада ривожланиши адолатни акс этувчи долзарб глобал муаммолардан бири – камбағаллик муаммосини ўз-ўзидан тўлиқ ҳал этолмайди. Жаҳон бозорлари тараққий этган айнан шу йилларда камбағаллар ва бойлар ўртасидаги фарқ тобора ўсиб бормоқда.

Шунинг учун адолатни амалга ошириш бозор механизмининг асосий таркибий қисмларини аниқроқ белгилаб олиш лозим. Маълумки, инсоният сўнгги юз йилликлар мобайнида ишлаб чиқаришни жиддий тарзда кўпайтириш ва турмуш даражасини яхшилашга эришди. Инсониятнинг иқтисодий тараққиёти ҳозирги вақтда ўзидаги захираларни исталган товар ва хизматларга айлантириш янада самаралироқ усуллари очиб бераётганига қарамасдан, инсон барибир танқисликка дуч келаверади. Жаҳонда захиралар чекланган, инсон истакларининг эса чегараси йўқ. Бинобарин барча истаган нарсаларни муҳайё қилишнинг имконияти бўлмагани сабабли танлаб олишга тўғри келади. Бу танлов негизда бозор механизми моҳияти ётади, айтиш вақтда бу борада адолат принципи ҳам кўндаланг туради. Лекин танловнинг бу иккала тарафи ўзаро қарама-қаршиликда ҳам бўлади.

Масалан, қайсидир товар учун муайян захиралардан фойдаланилса, бу айнан шу захиралардан бошқа вазиятда

фойдаланиш воситасида ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган бошқа товарлардан воз кечишга мажбурлайди.

Бозор иқтисодиётидаги бундай танлов истеъмол қилиш талаби ва ишлаб чиқаришнинг сарф-харажатлари орқали амалга оширилади. Товарга эҳтиёж – бу истеъмолчининг тадбиркор нима ишлаб чиқариши зарурлигини кўрсатувчи талаби. Аммо товар ишлаб чиқариш учун бирламчи захиралар улардан бошқа йўналишларда фойдаланишдан олиб қўйилиши керак. Захираларнинг сарф-харажатлари тадбиркорга айнан шу захиралар зарур бўлган бошқа ишлаб чиқаришлар мавжудлигини эслатиб туради.

Натижада ишлаб чиқарувчилар камида ишлаб чиқариш сарф-харажатларига тенг нархда сотилиши мумкин бўлган ва айниқса истеъмолчилар нигоҳида қиймати ишлаб чиқариш сарф-харажатларидан анча ошадиган товарларни бозорга етказиш кучли рағбатига эга.

Бунда товар бир кишига ёки кишилар гуруҳига текинга берилиши мумкин эмаслигини тушуниш муҳимдир. Фақат кимдир тўласа ва тўланган сумма товар сарф-харажатларини қопласа, товар кимгадир берилиши мумкин. Шунинг учун “текин таълим олиш”, “текин тиббий хизмат” ёки “текин уй-жой” каби иборалар ҳар кимни чалғитиши мумкин. Бирон-бир неъмат текинга берилмайди, чунки уларнинг ҳар бирини ишлаб чиқариш учун танқис захиралар талаб қилинади.

Шундай қилиб, бозор эҳтиёжида тақдим қилинган адолат фақат тегишли сарф-харажатларни амалга ошираётганлар учун муносиб баҳоланиши мумкин. Адолатнинг билвосита эканлиги уни амалга ошириш бозор механизмининг хусусиятларидан биридир. Яъни аввал бозор иштирокчиларининг манфаатлари амалга оширилади, ундан сўнг адолатнинг у ёки бу принциплари амалга оширилади.

Бунда кишиларнинг турли фарқли томонлари ҳисобга олинади. Маълумки, кишилар ўз қобилиятлари, кўникмалари, имкониятлари, қизиқишлари, таваккалчиликка бўлган муносабати, муваффақият даражаси билан фарқ қилади. Бу фарқлар бошқа кишиларга таклиф қилинадиган товар ва хизматларнинг қийматига таъсир қилиб, уларнинг шахсий даромадларида акс этади ва шу орқали кишилар адолатни баҳолайди.

Бозор иқтисодиётида даромад – бу жамиятнинг бошқа аъзоларига кўрсатилган хизматлар учун компенсация ҳисобланади. Юқори даромадга эга кишилар бошқалар томонидан баҳоланадиган кўп товар ва хизматлар тақдим қиладилар. Акс ҳолда ҳеч ким уларга шунча пул тўламасди. Шундан бозор адолатлилиги келиб чиқади: агар сиз юқори даромад олмоқчи бўлсангиз, сиз бошқаларга ким сифатида фойдалироқ бўлишингизни тушунишингиз лозим. Ва аксинча: агар сиз атрофдагиларга фойда келтиришга қодир бўлмасангиз ёки хоҳламасангиз, сизнинг даромадингиз ҳам унча юқори бўлмайди. Бу бошқалар учун фойдали бўлиш ва даромад олиш ўртасидаги бевосита боғлиқликдир. Бозор мезонларига кўра, бу ҳар бир кишига кўникмаларга эга бўлиш ва атрофдагилар энг юксак баҳолайдиган қобилиятларни ривожлантиришни рағбатлантиради, адолат мезонларига кўра эса, жамиятга ишни ва жамиятдан тақдирланишни мувофиқлаштириб туради.

Кўпчилик ўйлайдики, юқори даромади бўлган кишилар албатта кимнингдир меҳнатидан фойдаланади. Даромадни бошқаларга келтирилган фойда учун олинадиган компенсация сифатида англаш бундай қарашнинг хато эканлигини очиб беришга, бозор механизмининг ҳақиқий адолатлилигини очиб беришга ёрдам беради. Юқори даромади бўлган кишилар деярли ҳамиша бошқа кишилар кўпчилигининг турмуш фаровонлигини яхшилади.

Даромад ижтимоий фаровонликка ишлашга мажбурлайдиган ишлар ҳолат бозор механизмининг кейинги муҳим таркибий қисмидир. Аслида саноқсиз инвестиция лойиҳаларининг эҳтимоли ҳамиша мавжуд. Айримлар захиралар қийматини ва шу билан бирга жамият фаровонлигини оширади, бошқалар аксинча уни пасайтиради ва мамлакатни иқтисодий инқирозга олиб келади.

Бозор тизимида даромад ва зарарлар механизми амал қилади. Фирмалар захираларни сотиб олади ҳамда уларни товарлар ва хизматлар ишлаб чиқаришга сарфлайди, шунингдек, уларни кейинчалик истеъмолчиларга сотади. Агар савдодан келиб тушган маблағлар сарф-харажатлардан ошса, фирма даромад олади. Истеъмолчилар томонидан ишлаб чиқариш учун талаб қилинадиган захиралар

қийматидан зиёд баҳоланадиган товар фирма эгаси томонидан ишлаб чиқилган тақдирда унинг оладиган мукофот пули даромад ҳисобланади. Бунда товар истеъмолчилар томонидан баҳоланиши уларнинг товар учун пул тўлашга тайёрлиги, захиралар қиймати эса улардан муқобил тарзда фойдаланиш имкониятларини сотиб олиш учун талаб қилинадиган миқдор билан ўлчанади.

Бунинг акси бўлмиш зарар ўз фаолияти билан захиралар қийматини пасайтирадиган фирмалар учун жазо ҳисобланади. Мазкур тадбиркорлар томонидан ишлатилган захиралар қиймати улар томонидан ишлаб чиқилган товарнинг истеъмолчилар учун мақбул нархидан ошади. Зарарлар ва банкротлик бундай исрофгарчиликка чек қўйишнинг бозор усули.

Биз ўзгарувчан дид ва технологиялар, такомилига етмаган билим ва ноаниқлик дунёсида яшаяпмиз. Бизнесда қарорлар қабул қиладиган кишиларнинг келгусидаги бозор нархларига, ишлаб чиқариш сарф-харажатларига ишончи комил бўлиши мумкин эмас. Уларнинг қарорлари тахминларга асосланиши муқаррар. Аммо равшанки, бозор иқтисодиёти рағбатлантириш ва жарималар принципига таянади. Кишилар ишлаб чиқариш сарф-харажатларидан ортадиган нарх тўлашга тайёр бўлган озиқ-овқат ва хизматларни тўғри танлаган ва самарали ишлаб чиққаётган фирмалар даромад олади. Самарасиз ишлаётган ва захираларни хато қилиб эҳтиёжи паст ҳисобланган бошқа соҳаларга йўналтираётган фирмалар зарар кўриш тарзида жазоланади.

Мамлакатнинг захиралари нархи ишлаб чиқариш сарф-харажатларидан юқори бўлган товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланилаётган бўлса, мамлакат ютади. Даромадлар, бир томондан, ва зарарлар иккинчи томондан, тадбиркорларнинг инвестицияларини иқтисодий ўсишга кўмаклашадиган лойиҳаларга йўналтиради ва танқис захираларни исроф бўлишдан асрайди. Бу бозорнинг ҳаётий муҳим вазифаси бўлиб, айтилиш вақтида у адолат принципларини бевосита татбиқ этади. Чунки бозорнинг бу вазифасидан самарали фойдаланолмаётган мамлакатлар деярли кафолатли тарзда фуқароларнинг аксариятини даромадларидан маҳрум қиладиган иқтисодий инқирозга учрамоқда.

Шундай қилиб, бозор нархлари шахсий манфаатни умумий фаровонликка йўналтиради. Бу “кўринмас қўл” деб аталмиш принципга биноан амалга ошади. Уни изоҳлаб берган Адам Смит таъкидлаганидек, ҳар бир алоҳида киши ўзи тасарруф этиши мумкин бўлган капиталини энг фойдали равишда ишлатишга доимо интилади. Бунда ҳар бир киши жамият фойдасини эмас, балки ўз фойдасини кўзлайди. Лекин у ўз фойдасини эътиборга олар экан, бу табиий равишда, аниқроғи, охир-оқибатда жамиятга энг фойдали машғулот билан шуғулланишига олиб келади. Ўз даромадини кўзлаб у “кўринмас қўли” билан ўз ниятларига мутлақо кирмаган мақсад томонига боради.

Бозор жараёнининг “кўринмас қўл”и аксарият кишилар ўйламаган даражада автоматик тарзда ишлайди. Истеъмолчилар товарлар деярли улар сотиб олишни хоҳлаган миқдорда ишлаб чиқиладиганини қоида тарзида қабул қиладилар. “Кўринмас қўл” тартиб, уйғунлик ва хилма-хилликни яратади, у жамиятнинг иқтисодий фаровонлиги учун ҳал қилувчи омил ҳисобланади.

Шундай қилиб, бозор механизмнинг дастлабки асослари ўзида ижтимоий адолат омилларини акс этади. Бу адолат нафақат бозор иштирокчиларига, балки чекланган ишлаб чиқариш захираларидан фойдаланиш бутун тизимига нисбатан намоён бўлади.

Адолатни амалга ошириш бозор механизмнинг бузилиши “кўринмас қўл” ўрнига ўз қарори билан нархлар механизми кучини ўзгартирадиган реал субъект келган жойда бошланади. Қарор қабул қилиш ваколати топшириладиган давлат, монополист, турли жамоа органлари бундай субъект бўлиши мумкин.

Бундай ҳолатда адолатни амалга оширишга тааллуқли ва жамиятда кўп учрайдиган асосий масала шундан иборатки, чекланган ишлаб чиқариш захираларидан фойдаланиш мақсади бир киши ёки жамият томонидан белгиланадими? Бунда бир кишининг қарорлари ғаразли ва жамият манфаатларига зид, жамият қарорлари эса жамият манфаатларининг ҳимояси ва кафолати бўлиши назарда тутилади.

Жамоа ва шахс ўртасида зиддиятларни англатадиган муаммо шундан иборат. Бунда тарафлардан бири низони бар-

тараф этиш учун бошқасига қурбон бўлиши назарда тутилади. Фақат шундай ҳолда адолат тикланиши мумкин эмиш. Индивидуал ва жамоа қарорлари тарафдорлари ўртасидаги мулоқот мақсадлар устуворлиги хусусидаги низога айланмоқда.

Жамоа учун бу ерда янги мураккаблашув вужудга келади. Индивидуал мақсадларнинг жамоа мақсадлари билан низоли бўлгани каби турли ижтимоий жамоалар мавжудки, уларнинг мақсадлари ҳам низолидир. Жамоаларнинг ҳозирги замон ҳаракати замонавий илмий ғояга эмас, балки кишиларнинг сиёсий иродасига таянишга ҳаракат қилади.

Қадриятлар воқеликка боғланмаганлиги сабабли улар когнитив тасаввурларга қараганда кенгроқ миқёсда турли бўлиши мумкин. Иқтисодий назария қадриятларни муайян бир нарса сифатида қабул қилди ва шу методологик усул ёрдамида мувозанат концепцияси ишлаб чиқилди. Иқтисодиётнинг бозор билан боғлиқ бўлмаган сектори учун ўхшаш концепция мавжуд эмас.

Айни вақтда амалиётда ҳозирги замон жамияти ижтимоий қадриятлар етарли эмаслигини ҳис қилади. Бозор қадриятлари жамиятнинг илгари бозор фикрларига бўйсунмаган соҳаларига кириб борган: шахсий муносабатлар, сиёсат, ҳуқуқ ва тиббиёт каби ихтисосликлар. Бундан ташқари, бозор амал қилиши механизмнинг кўзга кўринмас ва изчил чуқур ўзгариши юз берди. Биринчидан, узоқ муддатли муносабатлар алоҳида тарзда хусусий операциялар билан алмаштирилди. Эгаси ва харидори анчадан бери таниш бўлган магазин ўз жойини супермаркетга, сўнгги вақтларда эса Internetга берди. Иккинчидан, миллий иқтисодиётлар ўринларини жаҳон иқтисодиётига берди, аммо халқаро ҳамжамиятнинг умум эътироф этилган ижтимоий қадриятлари жуда кам.

Кишилар ижтимоий ёки маънавий қадриятларни зарур деб қабул қилишга мойил ва уларни ҳақиқий ёки фундамен-тал деб атайдилар. Бундай фундаментал принципларга кишилар оқибатларга қарамасдан риоя қилади.

Мезон сифатида қадриятларнинг бошқа тури – амалий мақсадга мувофиқлик. Бунда кишилар ўз ҳаракатларининг эҳтимоли бўлган оқибатларига тўла амал қилади.

Фундаментал қадриятлар одатда диний эътиқод билан боғланади, амалий мақсадга мувофиқлик эса ташқи томондан қўллаб-қувватланмайди. Шунинг учун амалий мақсадга мувофиқлик кўпинча жамиятда устун бўлган қоидалар билан низо муносабатларига киради, шунингдек, амалий мақсадга мувофиқлик фикри билан ҳаракат қилаётганлар доим жамият томонидан қўллаб-қувватланишни қидиради. Шахсий манфаатни ва ўз ғаразли мақсадини қондиришга ҳеч ким томонидан чекланмаган интилиш кенг оммага мақбул бўлса, унда ғаразли манфаат аслида мақсадга мувофиқ ва оқланган ҳисобланади.

Адолатни амалга ошириш бозор механизми бозор нархлари механизми амал қилиши туфайли бундай вазият юз беришига йўл қўймайди. Шунинг учун юқорида келтирилган вазият бозор механизми амал қилиши чекланган тақдирдагина юз бериши мумкин. Бу монополия, монополистик рақобат ва олигополия ҳолларида, яъни номукамал рақобат шароитида ҳам юз бериши мумкин. Бундан ташқари, бундай вазиятга давлат томонидан ўта фаол равишда тартибга солиниши ҳам олиб келиши мумкин.

Шунинг учун давлатнинг иштирок этиши адолат принципларини амалга ошириш бозор механизмининг муҳим жиҳатидир. Маълумки, давлат жамиятда адолат мустаҳкамланишига мамлакат иқтисодий фаровонлиги юксалишига олиб келувчи ҳаракатлар воситасида қуйидаги икки йўл билан қўмаклашиши мумкин:

- кишиларнинг ҳаёти, эркинлиги ва (башарти мулки куч, ёлғон ишлатмасдан ёки ўғриликсиз олинган бўлса) мулки ҳимоясини таъминлаш;

- бозор орқали олиниши қийинлашган, ўзига хос хусусиятлари бўлган айрим неъматлар тақдим қилиш.

Нобель мукофотининг совриндори Джеймс Бьюкенен буни давлатнинг ҳимоя қилиш ва ишлаб чиқариш вазифалари деб атади.

Ҳимоя қилиш вазифаси хавфсизлик ва тартибни сақлаш, шу жумладан, ўғрилик, фирибгарлик ва зўравонликни тақиқловчи қонунлар ижроси устидан назорат қилишдан иборат. Давлат фуқароларни бир-биридан, шунингдек, ташқи таҳдидлардан ҳимоя қилиш мақсадида куч ишлатишга доир монопол ҳуқуққа эга.

Бошқача айтганда, давлат операциялар ва битимлардаги фойда кетидан юрганда бир-бирига етказиши мумкин бўлган зарарни бартараф этишга интилади. Бундан ташқари, давлат кишилар тинч йўл билан ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин бўлган қонунларга риоя этишларини назорат қилади. Шу муносабат билан мамлакат фаровонлиги учун шартномаларга риоя этишни назорат қилиш ҳамда кўрсатмалар ва турли солиқларни тартибга солувчи ва айр-бошлашга ҳалақит берувчи ҳар қандай чеклашлардан воз кечиш жуда муҳимдир.

Ҳимоя қилиш вазифасининг иқтисодий аҳамияти мутлақо равшан. Агар давлат уни муносиб бажарса, кишилар алданмаслигига ва улар томонидан ишлаб чиқарилган ҳар бир нарса нафақат товламачилар тажовузларидан, балки юқори солиқлар ва бузғунчи инфляцияси бўлган давлатдан ҳимоя қилинишига ишонади.

Давлат ушбу ҳимоя қилиш вазифасини ёмон бажарса, жиддий муаммолар вужудга келади. Агар хусусий мулк ҳуқуқлари аниқ белгиланмаган ёки уларга риоя этилмаётган бўлса, кишилар эгаларига пул тўламасдан бировнинг мол-мулкани ўзлаштиради. Бировлар ўзлари учун бошқаларни тўлашга мажбурлаган шароитда бозор нормал ишлаши мумкин эмас, чунки у асосланган товарлар ишлаб чиқаришнинг ҳақиқий сарф-харажатларини аниқлаш механизми амал қилмайди.

Бунинг устига, мулк ҳуқуқлари аниқ белгиланмаган ёки етарли даражада ҳимояланмаган шароитда захиралардан ҳаддан ташқари кўпроқ фойдаланилади. Атроф муҳитнинг ифлосланиши бундай вазиятнинг ёрқин мисолидир.

Давлатнинг энг муҳим иккинчи вазифаси – ишлаб чиқариш вазифаси фуқароларни ижтимоий деб аталмиш неъматлар таъминлашдан иборат бўлиб, улар иккита ўзига хос хусусиятларига эга. Биринчидан, уларни бошқалар фойдаланиши учун йўл очмасдан фақат бир кишига бериш мумкин эмас. Иккинчидан, бу неъматларни истеъмол қилувчилар доирасини фақат пул тўлайдиганлар билан чеклаш қийин, баъзан эса умуман мумкин эмас.

Шундай қилиб, давлатнинг мазкур иккала вазифаси амалга оширилиши бозор механизмининг ижтимоий ва иқтисодий адолатлилигини кучайтиради.

Бозор механизмининг адолат принципларини амалга ошириш билан бевосита боғлиқ қуйидаги камчиликлари умумэътироф этилган деб ҳисобланади:

- пул билан ифодаланмаган эҳтиёжларнинг мавжудлиги;
- бозор нархларини шакллантириш принциплари расмийлаштирилган талаб бўлмаганлиги учун ижтимоий товарларни тақсимлашга қодир эмас;
- эркин бозор ижтимоий товарлар ва хизматларда ҳақиқий эҳтиёжларни аниқлолмайди;
- бозор алоқалари ва рағбатлари ташқи самара омилларини вужудга келтирувчи ишлаб чиқарувчиларнинг шундай иқтисодий хулқ-атвориға сабаб бўлади;
- соф бозор тақсимои инсоннинг биринчи ва ажралмас ҳуқуқи – яшаш (фаровонликнинг энк кичик андозасини таъминловчи даромад олиш) ҳуқуқи амалга оширилишини кафолатламайди.

Кўп жиҳатдан бозор механизмининг мазкур камчиликлари бозор иқтисодиётининг оқибатлари ёмон ҳисобланган учта оғир касалликларға: монополизм, инфляция ва ишчанлик фаолияти пасайишиға қарши туғма иммунитет ийқлигига боғлиқ.

Ҳисобланганидек, бозор механизмининг мазкур камчиликлари, бир томондан, давлат тартибға солиши зарурлигини, бошқа томондан эса давлат аралашувининг чегараларини белгилайди. Бунда, таъкидланганидек, давлатдан жамиятнинг барча камчиликларини тўғрилаш учун фойдаланиш мумкин эмас.

Шунинг учун адолатни давлат фаолиятининг, биринчидан, бозор механизмининг ўзини сақлаш бўйича вазифаси, иккинчидан, бозор механизми ҳал қилишға қодир бўлмаган ёки ҳал қилиниши самарали бўлмаган иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича вазифаси каби механизмлари орқали таъминлаш самарасиз ҳисобланади.

Давлатнинг кенгроқ вазифалари нафақат бозор самарадорлигига, балки адолат принципларига ҳам халақит бера бошлайди. Шу муносабат билан иқтисодий назарияда давлат фуқароларға неъмат ва хизматлар тақдим қилганида вужудға келадиган сарф-харажатларнинг бир неча турлари ажратилади.

Биринчидан, давлат секторида сарфланган захиралардан ишлаб чиқариш мумкин бўлган маҳсулотни хусусий секторда йўқотиш. Сарф-харажатларнинг мазкур тури давлат сектори солиқлар, давлат қарзини кўпайтириш ёки пул эмиссияси воситасида молиялаштирилишидан қатъи назар пайдо бўлади.

Иккинчидан, солиқлар йиғиш ва солиқ қонунчилигини ижро этишда анча сарф-харажатлар пайдо бўлади: солиққа тортиладиган даромад ҳисобланиши ва назорат қилиниши, солиқ қонунлари амал қилиши керак. Бу мақсадларга йўналтириладиган захиралар на хусусий, на давлат секторида бошқа неъматлар ишлаб чиқариш учун ишлатилади.

Учинчидан, солиққа тортиш оқибатида аксарият ўзаро фойдали битимлар даромадсиз бўлиб қолади ва шу боисдан амалга ошмайди. Ушбу эҳтимоли бўлган фойдадан воз кечиш иқтисодиёт учун умуман зарарни англатади. Бундан ташқари, солиқлар иқтисодий зарарларга олиб келувчи солиқлардан қочиш самарасиз фаолиятни рағбатлантиради.

Шундай қилиб, давлат жамият учун барча солиқ йиғимлари ёки барча давлат харажатлари суммаларидан анча қимматга тушади. У ёки бу давлат дастури афзалликларини таҳлил қилганда унинг барча сарф-харажатларини ҳисобга олиш лозим.

Тўртинчидан, айнан бошқаруви принципи бўйича шаклланган кўпчилик ҳокимият вакиллик органлари гуруҳлар манфаатлари билан боғлиқ муаммоларни ечишга қодир эмас.

Сиёсатчиларнинг яхши уюшган гуруҳлар фойдасига ҳаракат қилиш мойиллиги аҳоли манфаатларида бевосита ишлатиладиган ижтимоий маҳсулот ҳажмини камайтирадиган иқтисодиётга турли тарзда давлат аралашуви мавжудлигига сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, даромадларни қайта тақсимлаш сарф-харажатлари қайта тақсимланаётган воситалар мўлжалланган шахслар фойдасидан анча ошади.

Биринчидан, қайта тақсимлашнинг кенгайиши иқтисодий ўсишни ушлаб туради. Солиқлар ва трансферт сиёсати ҳам солиқ тўловчи, ҳам трансферт олувчи томонидан пул ишлаб топишни рағбатлантирмайди. Трансфертларни молиялаштириш учун зарур солиқлар ошган сари солиқ тўловчиларда

пул ишлаб топишга ҳар қандай иштиёқ йўқ бўлади ва аксинча солиққа тортилмайдиган, самараси камроқ бўлган фаолият турларига пул қўйиш рағбатлари яратилади. Трансферт олувчида ҳам пул ишлаб топишга рағбат пасаяди, чунки унинг миқдори даромад ошган сари камаяди. Шундай қилиб, на солиқ тўловчилар, на трансферт олувчилар бундай вазиятда трансферт дастурлари бўлмаганида ишлаб чиқариши мумкин бўлган ҳажмда товар ишлаб чиқаради.

Иккинчидан, трансфертлар учун кураш уларни олувчиларнинг умумий фойдасини анча камайтириши мумкин. Бюджет исроф бўлмаслиги учун ҳокимият идоралари трансфертлар ва бошқа сиёсий ҳомийлик пуллари олувчиларни аниқлаш учун мезонлар белгилаши шарт. Одатда олувчидан у бирон нарсага эгалик қилиши ёки бирон нарса қилиши ёки кимдир бўлиши талаб қилинади. Аммо мезон белгиланиши биланоқ кишилар енгил давлат пулларини ўз чўнтакига солиш ёки имтиёзларни олиш мақсадида ўз хулқ-атворини ўзгартиради. Бунда трансферталардан соф фойда пасаяди.

Қайта тақсимлаш фаолияти самарасизлигининг учинчи сабаби ҳам бор: трансфертларнинг эҳтимоли бўлган олувчилари номақбул қарорлари туфайли юзага келган ночорликдан сақлаши лозим бўлган дастурлар ночор вазиятлар эҳтимолини оширувчи қарорлар қабул қилинишини рағбатлантиради. Бундай трансфертлар ночорлик оқибатларини бартараф этади ва уларнинг олдини олишга ҳар қандай қадам қўйишга қизиқишни камайтиради.

Бундан ташқари, камбағалликка қарши курашга қаратилган трансферталар фуқаролар, диний ва жамоат ташкилотларининг ҳомийлик ҳаракатларини йўққа чиқаради. Қайта тақсимлаш мақсадларида махсус солиқлар жорий этилганида хусусий шахслар ва ташкилотлар оқибатда ҳомийлик фаолиятида камроқ иштирок этадилар.

Натижада илгари таъкидланган фундаментал принциплар ва амалий мақсадга мувофиқлик жуда мураккаб тарзда ўзаро ҳамкорлик қилади ва адолат ўрнатиш учун амал қилади. Фундаментал принциплар ва амалий мақсадга мувофиқликнинг дихотомияси жамият ва алоҳида шахслар томонидан адолат принципларини қабул қилиш нуқтаи назаридан энг муҳим ҳисобланади. Иккала тоифа, назаримизда, зарурат

ҳисобланади ва улар ўртасида нимадир бўлиши керак.

Камбағаллик ва бойлик даражаси билан бирга даромадни қайта тақсимлаш жараёни бундай восита бўғини ҳисобланади.

Хулоса қилиб айтганда, замонавий жамият ўзининг ижтимоий гуруҳларнинг товарлар ва ресурсларни тўғри тақсимлаш ҳақидаги ғояларини ҳисобга олиши мумкин бўлган ижтимоий адолатнинг ноёб моделига муҳтождир.

Шу йўналишда барқарор, содда ва адолатли солиқ сиёсати тарафдоримиз!

Солиқ маъмурчилиги тизимини соддалаштириш, барча тадбиркорлар учун солиқни тўлаш борасида адолатли ва тенг шароитлар яратиш, солиқ ставкаларининг ўзгармаслигини таъминловчи сиёсат юритилиши йўналишида иш олиб борамиз.

Улушларни тақсимлаш

Тақсимлаш фикҳ китобларида “қисма” дейилади. У луғатда тақсимлаш, бўлиш, тайин қилиш маъноларини англатади. Истилоҳда “қисма” – тарқоқ ҳақни тайин қилишдир. Бошқа бир таърифда “шерикка тарқоқ улушни махсус макон ёки муайян жойда жамлашдир”, дейилган.

Бу иш Қуръон, суннат ва ижмо билан шариатга кирган.

Инсонлар ўртасида шерикли муносабатлар бўлиши табиий. Одатда одамлар деҳқончилик, чорва, савдо ва кўчмас мулкка ўхшаш нарсаларда шериклик қилишади. Улардан бири ёки ҳаммаси ўз улушларини олмоқчи бўлса, истаса, ўзаро келишувга кўра аниқлаб олади. Келиша олишмаса, қозига мурожаат қилинади. Шерикларнинг ҳақини аниқлаб бериш қози ёки у тайинлаган вакил ё шу ишга лойиқ киши томонидан бажарилади.

Тақсимлашнинг шартлари

1. Тақсимланадиган нарсанинг айна ўзи бор бўлиши керак. Йўқ нарса тақсимланмайди.

2. Шерикли нарса тақсимланганидан кейин фойдаланишга яроқли бўлиши.

3. Тақсимлашда ҳар кимнинг ҳиссасини умумий эмас, аниқ белгилаш керак. Масалан, бир хирмон буғдойга ше-

рик бўлганлар бу томонини сен ол, бу ёғи менга, деб бўлиши тўғри эмас.

4. Тақсимот вақтида бўлинаётган нарса шерикларнинг мулки остида бўлиши керак. Тақсимдан кейин бўлинган нарсага ҳақдор чиқиб қолса, тақсим ботил бўлади.

5. Тақсимнинг адолатли бўлиши – ҳиссалар ҳақлиликка кўра бўлиши ва ўта нуқсонли бўлмаслигидир.

6. Шериклар ўзаро келишиб тақсимлаётганда уларнинг ҳар бири рози бўлиши керак.

7. Қози тақсимлаши учун шериклар ёки улардан бири бу(тақсим)ни талаб қилган бўлиши керак. Яъни, қозидан талаб қилмаса, ўзича аралашмайди.

2.3. Истеъмол, жамғариш ва инвестициялар соҳасидаги адолат қоидалари ва уларни таъминлаш (амалга ошириш) механизмлари.

Глобалиқтисодийнинг узлуксиз ривожланиши, технологиялар инқилоби ва молиявий бозорларнинг чуқур интеграцияси шароитида ресурсларни тақсимлаш ва улардан фойдаланишда ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлаш масаласи тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Хусусан, аҳолининг истеъмол даражаси, жамғариш имкониятлари ва инвестиция жараёнларида тенг имкониятларни таъминлаш – барқарор тараққиётнинг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади.

Истеъмол, жамғариш ва инвестициялар иқтисодий тизимнинг ўзаро боғлиқ уч асосий таркибий қисми сифатида нафақат иқтисодий ўсиш, балки ижтимоий тенглик, фаровонлик ва адолат мезонларини белгилайди. Мавзунинг илмий долзарблиги шундаки, ижтимоий-иқтисодий адолат назариялари амалда мамлакатлар тараққиётида турлича йўллар билан татбиқ қилинмоқда ва бу борада самарали механизмларни ишлаб чиқиш зарур.

Иқтисодий назарияда истеъмол ва жамғариш муаммоси А.Смит, Д.Рикардо ва К.Маркс асарларидан бошлаб кенг муҳокама қилинган. Смитнинг “Иқтисодий инсон”¹²² концепциясида шахсий манфаатлар орқали умумий фаровонликка эришиш ғояси илгари сурилган бўлса, Маркс асарларида ка-

¹²² Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.

питал жамғариш ва инвестиция жараёнидаги тенгсизликка эътибор қаратилган¹²³. Ж.М.Кейнс эса жамғаришнинг истеъ-мол ва умумий талаб билан мувозанати иқтисодий ўсишнинг асосий омили эканлигини таъкидлаган¹²⁴.

XX аср иккинчи ярмида ижтимоий адолат масала-лари Ж.Роулзнинг “Адолат назарияси”¹²⁵ ва А.Сеннинг “Иқтисодий имкониятлар”¹²⁶ концепцияларида чуқур таҳлил қилинди. Уларда асосий эътибор иқтисодий ре-сурслар тақсимоотида тенг имконият, шаффофлик ва иж-тимоий кафолатларга қаратилган. Замонавий иқтисодий тадқиқотларда эса инвестиция жараёнлари фақат иқтисодий самарадорлик эмас, балки ижтимоий адолат мезонлари билан баҳоланмоқда.

Истеъмол даражасида адолатни таъминлаш аҳоли қатламлари ўртасида даромадларни тақсимлаш сиёсатининг шаффоф ва самарали бўлишини талаб қилади. Бунинг учун ижтимоий ҳимоя тизимини мустаҳкамлаш, камбағалликни қисқартиришга йўналтирилган давлат дастурлари, аҳоли учун жамғариш имкониятларини кенгайтириш, молиявий саводхонлик даражасини ошириш каби чоралар муҳим аҳамиятга эга.

Жамғариш имкониятларида адолат тенг шароитда кредит ресурсларига кириш имконияти билан чамбарчас боғлиқ. Бу эса молия бозорларида рақобат муҳитини таъминлаш ва ти-жорат банклари фаолиятида шаффофликни кучайтиришни тақозо этади.

Инвестиция жараёнларида адолатни таъминлашнинг асосий қоидалари қуйидагилардан иборат:

- инвестиция ресурсларига кенг ва тенг имконият яратиш;
- давлат ва хусусий сектор инвестициялари ўртасида му-возанат сақлаш;
- ҳудудлар ва тармоқлар бўйича инвестицияларни адола-тли тақсимлаш;

¹²³ К.Маркс. Заработная плата, цена и прибыль. Наемный труд и капитал. - Москва, Политиздат. 1990.

¹²⁴ Дж.М.Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. Москва, Издательство «Прогресс», 1978.

¹²⁵ Роулз Ж. Теория справедливости. – М.: Издательство ЛКИ, 2007.

¹²⁶ Сен, А. Развитие как свобода. – М.: Новое издательство, 2004. Идея справедливости (2009).

- хорижий инвесторлар ва маҳаллий тадбиркорлар учун тенг ҳуқуқли шароит яратиш.

Адолат қоидалари сақланмаса, иқтисодий ўсиш жараёни ижтимоий тенгсизликка олиб келиши мумкин. Шу сабабли давлатнинг инвестиция сиёсатини ижтимоий адолат мезонлари асосида йўналтириши катта аҳамиятга эга.

Адолат қоидаларини таъминлашда қуйидаги механизмлар самарали ҳисобланади:

1. Солиқ-бюджет сиёсати – даромадларни қайта тақсимлаш, ижтимоий дастурларни молиялаштириш, камбағалликни қисқартириш.

2. Молия-кредит институтлари – аҳоли ва тадбиркорлар учун кредит ва инвестиция ресурсларига тенг имконият яратиш.

3. Ижтимоий инфратузилма – таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий хизматлар орқали адолатни таъминлаш.

4. Халқаро тажриба – Скандинавия мамлакатларида ижтимоий тенгликка асосланган молия сиёсати, Жанубий Корея ва Сингапурда инвестиция жараёнларида тенг имкониятлар яратиш тажрибалари.

5. Ўзбекистон шароитида – давлат дастурлари, инвестиция муҳитини такомиллаштириш, давлат-жамоат ҳамкорлиги механизмлари.

Истеъмол ва жамғарманинг иқтисодий мазмуни ҳамда уларнинг ўзаро боғлиқлигини чуқур билиш соҳада адолат тамойилларини амалга ошириш учун муҳим асос сифатида хизмат қилади.

Кенг маънода истеъмол жамият аъзолари иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёнини билдиради.

Истеъмол – бу:

- жамият аъзолари учун хизматлардан фойдаланиш жараёни;

- жамият аъзолари учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлар, жамият аъзолари биргаликда ишлаб чиқарилган маҳсулот ва хизматлардан фойдаланиш жараёни;

- жамият аъзолари иқтисодий эҳтиёжларини қондириш учун ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланиш жараёни.

Унумли истеъмол – бевосита ишлаб чиқариш ва хизмат

кўрсатиш жараёнига тегишли бўлиб, ишлаб чиқариш воситалари ва ишчи кучидан ишлаб чиқариш мақсадида фойдаланиш жараёнини англатади.

Шахсий истеъмол – ишлаб чиқариш соҳасидан ташқарида рўй бериб, бунда кишиларнинг истеъмол буюмларидан ва хизматлардан бевосита ўзларининг шахсий эҳтиёжларни қондириш мақсадида фойдаланилади.

Истеъмол турлари:

1. Моддий истеъмол – эҳтиёжларни қондиришда моддий кўринишдаги неъматларнинг тегишли нафли хусусиятларидан фойдаланиш.

2. Номоддий неъмат ва хизматлар истеъмоли – эҳтиёжларни қондиришда номоддий кўринишдаги неъмат ва хизматларнинг тегишли нафли хусусиятларидан фойдаланиш.

3. Якка тартибдаги истеъмол – алоҳида шахснинг ўз ихтиёрида бўлган неъматларни истеъмол қилиши.

4. Жамоа бўлиб истеъмол қилиш – жамият аъзолари турли гуруҳларининг неъматлардан биргаликда фойдаланиши киради.

Миллий даромаднинг жамият аъзоларининг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондиришга сарфланувчи қисми истеъмол фонди деб аталади. Истеъмол фонди бутун аҳолининг шахсий истеъмолини, аҳолига ижтимоий хизмат қиладиган муассасалардаги, шунингдек, илмий муассасалар ва бошқаришдаги барча сарфларни ўз ичига олади.

Истеъмол сарфлари – бу аҳоли жорий даромадларининг тирикчилик неъматлари ва хизматлар учун ишлатиладиган қисми.

Жамғарма – бу аҳоли, корхона (фирма) ва давлат жорий даромадларининг келажакдаги эҳтиёжларини қондириш ва даромад олиш мақсадларида тўпланиб боришидир. Яъни,
 $Y = C + S$

$$C = f(Y)$$

Бунда, **Y** – барча хўжаликлар ихтиёридаги даромад;

C – истеъмол миқдори;

S – жамғарма миқдори.

Истеъмол ва жамғарма ҳажми ҳамда унга таъсир кўрса-

тувчи омиллар ўртасидаги боғлиқлик истеъмол ва жамғарма функцияси дейилади.

Ж.М.Кейнс фикрига кўра, истеъмол – уй хўжаликлари жорий даромадларининг ўсиб боровчи функцияси ҳисобланади. Яъни, $C = f(Y)$

Истеъмол ва жамғарма ҳажмига таъсир кўрсатувчи объектив ва субъектив омиллар мавжуд.

Истеъмол ва жамғарма ҳажмига таъсир кўрсатувчи объектив омиллар:

1) барча хўжаликлар томонидан жамғарилган мол-мулк даражаси;

2) нархлар даражаси;

3) реал фоиз ставкалари;

4) истеъмолчининг қарздорлиги даражаси;

5) истеъмолчиларни солиққа тортиш даражаси.

Истеъмол ва жамғарма ҳажмига таъсир кўрсатувчи субъектив омиллар:

1) истеъмол ва жамғаришга бўлган мойиллик;

2) келгусидаги нарх;

3) пул даромадлари;

4) солиқ;

5) товарлар мавжудлиги даражасининг ўзгаришига нисбатан муносабат.

Истеъмол ва жамғарма даражаси, млрд. сўм (шартли рақамлар асосида)

Жадвал илова қилинади: 5-илова

Аҳоли даромадининг истеъмолга сарфланадиган улуши истеъмолга ўртача мойиллик (ИЎМ) дейилади:

$$ИЎМ = \frac{\text{Истеъмол сарфлари ҳажми}}{\text{Соф даромад ҳажми}} = \frac{C}{Y}$$

Аҳоли даромадининг жамғармага кетадиган улуши эса жамғармага ўртача мойиллик (ЖЎМ) дейилади:

$$ЖЎМ = \frac{\text{Жамғарма ҳажми}}{\text{Соф даромад ҳажми}} = \frac{S}{Y}$$

$$ИЎМ + ЖЎМ = 1,0$$

Даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида истеъмол сарфлари ҳажмининг ўзгариши даражаси истеъмолга кейинги қўшилган мойиллик (ИҚМ) дейилади.

$$ИКМ = \frac{\text{Истеъмолдаги узгариш}}{\text{Соф даромаддаги узгариш}}$$

Даромад ҳажмининг ўзгариши натижасида жамғарма ҳажмининг ўзгариши даражаси жамғармага кейинги қўшилган мойиллик (ЖҚМ) дейилади.

$$ЖКМ = \frac{\text{Жамгармадаги узгариш}}{\text{Соф даромаддаги узгариш}} = \frac{\Delta S}{\Delta Y}$$

$$\frac{\Delta C}{\Delta Y} + \frac{\Delta S}{\Delta Y} = 1,0.$$

Жамғаришнинг моҳияти, омиллари ва самарадорлиги кўрсаткичларини чуқур билиш ҳам ушбу соҳада адолат тамойилларини амалга ошириш учун муҳим асос хизмат қилади.

Жамғариш – миллий даромад бир қисмининг асосий ва айланма капиталларни, шунингдек, эҳтиёт захираларини кўпайтириш учун сарфланишидир.

Жамғариш турлари:

1) Ишлаб чиқариш мақсадидаги жамғариш. Жамғарилган маблағларнинг моддий ишлаб чиқариш соҳасининг асосий капиталларини ва айланма маблағларини кенгайтиришга кетадиган қисми ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш суммасини ҳосил қилади. Ишлаб чиқариш соҳасидаги жамғариш иқтисодий ўсишнинг муҳим омилidir.

2) Ноишлаб чиқариш мақсадидаги жамғариш. Ижтимоий-маданий соҳадаги жамғариш (ноишлаб чиқариш жамғариши) уй-жой фондини, касалхоналар, ўқув муассасалари, маданият, соғлиқни сақлаш, спорт муассасалари, яъни номоддий ишлаб чиқариш тармоқларини кенгайтириш, реконструкциялаш, янгилашга сарфланади.

Жамғариш нормаси бевосита жамғариш суммасининг бутун миллий даромад ҳажмига нисбати билан аниқланади:

$$ЖН = (ЖС/МД) \times 100\% \quad ЖН = (ЖС/МД) \times 100\%$$

Бунда, ЖН – жамғариш нормаси, ЖС – жамғариш суммаси ва МД – миллий даромадни билдиради.

Инвестициялар ва унинг даражасини белгилловчи омиллар

Инвестициялар – асосий ва айланма капитални қайта тиклаш ва кўпайтиришга, ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтиришга қилинган сарфларнинг пул шаклидаги кўринишидир.

Номинал ва реал инвестициялар фарқланади:

Номинал инвестиция – пул маблағлари кўринишидаги инвестиция;

Реал инвестиция – пул маблағларига сотиб олиш мумкин бўлган инвестицион ресурслардир.

Инвестицияларни рўёбга чиқариш бўйича амалий ҳаракатлар – инвестицион фаолият, инвестицияларни амалга оширувчи шахс – инвестор дейилади.

Инвестиция фаолияти қуйидаги манбалар ҳисобига амалга оширилиши мумкин:

1) инвесторларнинг ўз молиявий ресурслари (фойда, амортизация ажратмалари, пул жамғармалари ва ҳ.к.);

2) қарз олинган молиявий маблағлар (облигация заёмлари, банк кредитлари);

3) жалб қилинган молиявий маблағлар (акцияларни сотишдан олинган маблағлар, жисмоний ва ҳуқуқий шахсларнинг пай ва бошқа тўловлари);

4) давлат бюджети маблағлари;

5) чет элликлар маблағлари.

Инвестиция даражасига қуйидаги омиллар ҳам таъсир кўрсатади:

- инвестиция сарфларидан кутилаётган фойда нормаси;

- фоиз ставкаси;

- машина ва ускуналарни харид қилиш, ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

- тадбиркорлардан олинадиган солиқ миқдори;

- технологик ўзгаришлар.


Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги нисбатни таъминлаш муаммолари.

Жамғарма ва инвестиция ўртасидаги макроиқтисодий

мувозанатга эришиш барқарор иқтисодий ўсишнинг шарти ҳисобланади. Бироқ, бу мувозанатга эришиш доимо осон кечавермайди. Бунга сабаб инвестиция даражаси ҳамда жамғарма даражасининг бошқа-бошқа жараён ва ҳолатларга боғлиқлиги ҳисобланади. Инвестиция ва жамғарма ўртасидаги мувозанатни таъминлаш борасида бир қатор назарий қарашлар фарқланади. Бу борада энг аввало классик иқтисодчиларнинг қарашларини кўриб чиқамиз. Классик иқтисодчилар нуқтаи назаридаги энг марказий ҳолат – бу улар томонидан фоиз ставкасининг ҳам инвестициянинг, ҳам жамғарманинг функцияси сифатида қаралиши ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – истеъмол ва жамғариш меъёрини қуйидаги чизма шаклида ифодалаймиз. Бунда, ижтимоий-иқтисодий адолат баланси (мувозанати) ёки адолатли ҳатти-ҳаракатнинг назарий чегаралари фоизларда ёки абсолют кўрсаткичларда ифодаланиши мумкин.

11-чизма



Истеъмол харажатлари ва жамғармаларнинг инвестиция жараёнига таъсири инновацион иқтисодиёт шароитида ҳар қандай давлатнинг асосий мақсади бу даромад олиш, яъни тасарруфдаги даромад бўлиб, тасарруфдаги даромад истеъмол харажатлари ва жамғармалар мақсадларида ишлатилади. Шу сабабли, истеъмол харажатлари орқали жамиятнинг иқтисодий неъмат ва эҳтиёжларини қондиришда ишлаб чиқарилган товар ва хизматлардан фойдаланишни билдиради. Жумладан, истеъмол фондларини шахсий даромад шаклида аҳолига ажратиладиган қисми истеъмол харажатлари мақсадида ишлатилади. Аҳоли ўз даромадини сарфлаш жараёнида жорий ҳамда келгуси давр истеъмолини оширади. Истеъмол харажатларининг кўпайиш даражаси асосан, жорий йилдаги жамғарма ҳажмига боғлиқ бўлиб, мамлакат жорий йилдаги даромадларини, келгусида истеъмол учун эҳтиёж даражасини қондириш ҳамда таклиф ҳажмини кўпайтириш асосида эришади. Жамғарма миқдорини жами хўжалик фаолиятлари ҳисобидан тушган тушумдан истеъмол қилинган таннархни чегириш ҳисобига аниқланади. Тасарруфдаги даромад тузилмасида истеъмол қилинган харажатлар салмоғи қанча кўп бўлса, жамғарма миқдори шунча пастроқ натижага эга бўлади. Жамғарма миқдорини юқорига кўтарилиши асосан истеъмол маблағларига нисбатан инвестицияга бўлган талаб ҳажми кўпайишига олиб келади. Жумладан, жорий йили амалга оширилган жамғарма, шу йилдаги истеъмол харажатларини айириш ҳисобига аниқланади. Жамғарма миқдори иқтисодий хўжалик субъектлари тасарруфидаги даромад ҳажмини истеъмол харажатларига ишлатилмаган қисмидир ёки барча иқтисодий хўжалик субъектлари тасарруфидаги даромад бу истеъмол (C) ва жамғарма (S) миқдорини йиғиндисига (+) тенгдир. Демак, тасарруфдаги даромад (Yd) таркиби асосан, истеъмол харажатлари ҳамда жамғарма миқдори салмоғининг ўзгариш даражаси бир қатор сабабларни келтириб чиқаради.

Олиб борилган таҳлиллар шуни кўрсатадики, истеъмол, жамғариш ва инвестиция жараёнларида адолат қоидаларини таъминлаш нафақат иқтисодий самарадорлик, балки ижти-

мой барқарорлик ва сиёсий изчиллик учун ҳам муҳимдир. Бошқача айтганда, истеъмол, жамғариш ва инвестициялар соҳасида адолатлиликни таъминлаш – бу фақат иқтисодий ўсишни таъминлаш эмас, балки ижтимоий тенглик, инсон ҳуқуқлари ва экологик барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ комплекс муаммодир.

Юқоридаги таҳлилий хулосалардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифларни билдирамиз:

1. Ўзбекистонда истеъмол, жамғариш ва инвестициялар соҳасида адолатлилик муаммолари ижтимоий тенглик, иқтисодий барқарорлик ва инсон ҳуқуқлари билан чуқур боғлиқ. Уларни ечиш учун институционал ислохотлар, истеъмол ва жамғариш имкониятларида тенгликни таъминлаш учун молиявий таълим ва банк хизматларига кириш имкониятларини кенгайтириш, рақамли онлайн-банкнинг платформаларини ривожлантириш, республиканинг чекка ҳудудларига инвестицияларни жалб қилишни қўллаб-қувватлаш, яшил тараққиётга ўтиш керак. Мактабларда молиявий саводхонликни ўргатиш дастурларини киритиш ҳам яхши натижа беришига ишонамиз. Бу ечимлар Ўзбекистоннинг узоқ муддатли иқтисодий ривожланиши ва ижтимоий барқарорликни таъминлашда муҳим рол ўйнайди.

2. Инвестиция жараёнларида ҳудудий ва тармоқлараро мувозанатга эътибор қаратиш, коррупцияга қарши мустақил институтларни яратиш, инвестицияларнинг тақсимланишида транспарентликни таъминлаш лозим.

3. Солиқ-бюджет сиёсати орқали ижтимоий дастурларнинг молиялаштириш тизимини мустаҳкамлаш ва ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш, кам даромадлиларга махсус кредит дастурлари, бепул таълим ва соғлиқни сақлашни кенгайтириш керак.

4. “Яшил” инвестициялар дастурини кенгайтириш, инновацион инвестицияларни қўллаб-қувватлаш орқали барқарор ва адолатли иқтисодий ўсишни таъминлаш асосларини яратиш керак.

III БОБ. ИҚТИСОДИЙ ТРАНСФОРМАЦИЯ ШАРОИТИДА АДОЛАТЛИЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

3.1. Иқтисодий трансформация шароитида адолат та- мойиллари ва уларнинг амал қилиш хусусиятлари.

Иқтисодиётда юз бераётган трансформацион жараён-лар муаммоларининг назарий таҳлили ҳозирги замон бозор тизимига хос ва мамлакатнинг иқтисодий фани учун янги таҳлил объектларини ишлаб чиқишни назарда тутди. Улар орасида бозор муносабатларига асосланган иқтисодиётни ижтимоийлаштириш жараёнининг ажралмас таркибий қисми сифатида ижтимоий-иқтисодий адолат муаммоси муҳим ўрин эгаллайди.

Ижтимоий-иқтисодий адолат иқтисодий назария фани-нинг фундаментал муаммоларидан бири ҳисобланади, чунки у жамият ривожланиши учун қимматликлар мўлжали бўлиб, бундай ривожланиш жараёнида вужудга келадиган асосий зиддиятлар акс этади, уларни бартараф этиш йўлларини то-пишга кўмаклашади. Натижада бозор иқтисодиётининг на-зарий таҳлили унинг асосий хусусиятларини аниқлаш орқали ижтимоий-иқтисодий адолатнинг тарихий аҳамиятини, бо-зор тизимининг ўзига хос шароитида уни амалга ошириш механизми ва шаклларини ҳисобга олиб, адолат принципини тўлиқроқ амалга ошириш учун шарт-шароит яратиш имко-нини беради.

Мавжуд захираларни тақсимлаш ва улардан самара-ли фойдаланиш бозор иқтисодиётининг асосий қонуни ҳисобланади. Бу даромадларни фарқлашга олиб келади, чунки ақлий ва жисмоний қобилиятларда, таълим, мала-ка даражаси, қанча мулк мавжудлиги ёки йўқлиги, уддабу-ронлик ва ҳатто омадлилиқда муайян фарқлар бор.

Шу билан бирга даромадлар тенг эмаслиги нафақат бо-зор иқтисодиёти ривожланишининг натижаси, балки рағбати ҳамдир. Чунки у рақобат, қайтадан қўлга киритилган ижти-моий ҳолат ва у билан бирга имтиёзларни беркитиш меха-низми, рағбатлантириш (мукофотлаш ва жазолаш) тизими, яшаш шарт-шароитларини сақлаш устуворлиги шароитлари,

ижтимоий ва иқтисодий фаоллик, ижодкорлик ва инновация оқибатида бошланғич ҳолатларни тенглаштириш усули сифатида намоён бўлади. Шу нуқтаи назардан тенгсизлик адолатни амалга ошириш мутлақ имконияти, ҳар бир кишига унинг қўшган ҳиссасига қараб мукофот бериш кўринишида намоён бўлади. Бундан ташқари, бозор механизмнинг амал қилиши нафақат эҳтиёж ва таклифлар ўртасида мувозанат ўрнатишга, балки бутун иқтисодий тизимнинг маълум маънода оптимал ривожланишини таъминлашга қаратилгандир. Айнан шундай ёндашув В.Парето асос солган замонавий оптималлик назариясининг негизини ташкил қилади.

Иқтисодий оптималлик назариясининг ижтимоий адолат тушунчаси билан бўлган нисбатини кўриб чиқамиз. Жамият ҳар бир аъзосининг эҳтиёжларини қондириш даражаси мулкни ишлаб чиқариш омилларига дастлабки тарзда тақсимлашга боғлиқдир. Бозор механизми бундай тақсимланишдан унга “кириш” да берилган экзоген кўрсаткич тарзида келиб чиқади. Шунинг учун у ижтимоий адолат муаммосини ҳал қилиш воситаси бўлиб хизмат қилолмайди.

Ҳақиқатан, бозор механизми ёрдамида эришиладиган Парето-оптималлиги ҳолати шу нуқтаи назардан нейтрал ҳисобланади. У айримларнинг фаровонлиги бошқалар фаровонлиги ҳисобидан юксаладиган вазиятлар орасидан танлашни истисно этади. Ҳатто жамият барча аъзоларининг фаровонлигини фақат бир киши манфаатини қурбон қилиш эвазига юксалтириш имконияти бўлса ҳам, бундай ўзгартириш кўриб чиқиладиган назария доирасидан ташқарида бўлади. Бошқа сўз билан айтганда, Парето-оптималлиги ижтимоий танлаш мезонларини бермайди. Парето-оптималлигининг ижтимоий нейтраллиги бозор механизмнинг ижтимоий нейтраллигини англатади. Парето-оптималлиги назарияси бозор механизми жамият захираларидан энг самарали фойдаланишни таъминлаш учун инсоният бутун тарихи томонидан ишлаб чиқилган восита эканлигини исботлайди.

Шундай қилиб, бозор иқтисодиёти ўз-ўзидан ижтимоий нейтрал жараён ҳисобланади. Шунинг учун ижтимоий адолатни бозор муносабатларига асосланган жамиятда тўлиқроқ амалга ошириш учун жамиятда ижтимоий уйғунлик

ўрнатишга кўмаклашадиган бозор билан боғлиқ бўлмаган омилларнинг бутун доирасини ишга солиш ва мавжуд ривожланиш салоҳиятидан самаралироқ фойдаланиш лозим. Аммо бу борада иқтисодий ривожланишнинг бозорга оид ва бозор билан боғлиқ бўлмаган омиллари уйғунлиги, биринчидан, иқтисодий ўсишга кўмаклашиши лозим. Чунки бусиз ижобий иқтисодий ривожланиш мумкин эмас. Иккинчидан, у жамият барча аъзоларининг табиий, интеллектуал ва ижтимоий эҳтиёжлари нормал қондирилишини таъминлаши керак. Ва, ниҳоят, учинчидан, у бозор иқтисодиёти субъектлари фаолиятининг иқтисодий боғлиқчилигини чекламаслиги лозим.

Замонавий жамият ривожланиши динамикаси унинг мумкин қадар ижтимоийлашуви тўғрисида хулоса чиқариш имконини беради. Бу эса ўз навбатида ижтимоий-иқтисодий адолат амалга оширилиши жараёнига муайян таъсир кўрсатади. Яъни инсон ривожланиши ва унинг қобилиятларидан тўлиқроқ фойдаланиш имконияти иқтисодий ривожланишнинг асосий қимматликлар мўлжалларидан бирига айланади.

Ҳар қандай жамиятда иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий-иқтисодий адолат — ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг муҳим мезонларидан бири ҳисобланади. Хусусан, ижтимоий-иқтисодий трансформация жараёнлари жадал кечаётган мамлакатларда адолат тамойилларини таъминлаш масаласи нафақат назарий, балки амалий жиҳатдан ҳам долзарб аҳамият касб этади. Бугунги кунда глобаллашув, рақамли иқтисодиёт ва бозор муносабатлари асосидаги ислохотлар замирида фуқароларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, тенг имкониятлар яратиш, иқтисодий ресурсларни адолатли тақсимлаш масалалари кун тартибига чиқмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг алоҳида мезони турли даражадаги манфаатларнинг уйғунлиги, яъни мақсадлар ва хатти-ҳаракатлар билан жамият тараққиётининг муштараклигидир. Бу эса асосан жамиятдаги ишлаб чиқарувчи кучларнинг даражаси билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан, иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолат тушунчалари иқтисодиёт назариясида ҳал қилувчи масала ҳисобланади.

Айниқса, ҳозирги кунда бу тушунча ва масалалар барча мамлакатлардаги ҳукуматнинг ҳам, сиёсий партияларнинг ҳам асосий дастурларида ўз ифодасини топган. Чунки, ҳар қандай жамиятнинг ҳам асосий мақсади халқнинг фаровонлигини ошириш ва бунинг учун эса яхлит олинган иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт масалаларини оқилона ҳал қилишдан иборатдир.

Иқтисодий самарадорлик ва ижтимоий адолат иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг энг муҳим, марказий масалаларидир.

Аҳоли эҳтиёжларининг чексизлиги ва жамиятдаги ресурсларнинг чегараланганлиги, шу мавжуд ресурслардан максимум даражада самарали ва жамиятнинг ҳар бир аъзоси учун адолатли фойдаланиш вазифасини белгилайди. Кишиларнинг эҳтиёжлари эса хилма-хил ва ички зиддиятли бўлиб, уларни мавжуд чегараланган ресурслар доирасида адолатли қондириш ўзаро зиддиятли ҳолдир. Мана шу жиҳатдан ҳар қандай жамиятнинг асосий вазифаларидан бўлмиш иқтисодий самарадорликни ошириш ва ижтимоий адолатни таъминлаш ўртасида зиддият намоён бўлади. Шунингдек, иқтисодий тараққиёт ижтимоий тараққиёт билан узвий боғлиқ бўлиб, ижтимоий тараққиётнинг асосини ташкил этади ва унга хизмат қилади. Аҳоли фаровонлигини ошириш иқтисодий тараққиётнинг пировард мақсадидир. Иқтисодий тараққиётнинг маҳсули ва пировард натижаси – жамиятнинг бутун бойлиги ва ҳаёт фаолиятининг турли-туманлигидир.

Иқтисодий самарадорликни ва ижтимоий адолатни таъминлаш турли жамиятларда турлича йўналиш ва турли даражаларда амалга оширилади. Бунда ҳар бир жамиятнинг иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт даражаси, мавжуд салоҳияти, жамиятнинг ўзига хос хусусиятлари ва вазияти асос бўлиб хизмат қилади. Янги Ўзбекистон шароитида барқарор ривожланишнинг кафолати сифатида оқилона ижтимоий-иқтисодий сиёсат (адолат) устуворликлари матричасига (қуйидаги чизмада) эътибор қаратилишини таъкид қиламиз.

**Ижтимоий-иқтисодий сиёсат (адолат)
устуворликлари матрицаси**
(Адолат дарахтининг ҳосилдорлиги ҳолатлари)

+	Устувор ижтимоий сиёсат	Мўътадил ижтимоий- иқтисодий сиёсат	Устувор иқтисодий сиёсат
Устувор ижтимоий- иқтисодий сиёсат	Иқтисодий стимуллар йўқолади ва иқтисодий таназзулга олиб келади	Жамиятда ижтимоий-сиёсий барқарорликка эришилади	Жамиятда сиёсий-иқтисодий барқарорликка эришилади
Мўътадил ижтимоий- иқтисодий сиёсат	Жамиятда ижтимоий барқарорликка ва тинчликка эришилади	Жамиятда ижтимоий-сиёсий-иқтисодий барқарорликка ва тинчликка ҳамда оптимум самарадорлик ва нафлиликнинг ўсиши туфайли барқарор ривожланишга ва фаровонликка эришилади	Жамиятда иқтисодий барқарорликка ва иқтисодий ўсишга эришилади
Устувор иқтисодий сиёсат	Жамиятда ижтимоий-иқтисодий барқарорликка эришилади	Жамиятда сиёсий-иқтисодий барқарорликка эришилади	Жамиятда вақтинчалик юқори иқтисодий ўсишга эришилади, лекин маънавий ютқазиш турғунлик ёки емирилишга олиб келади

Иқтисодий трансформация – бу жамиятнинг марказлашган иқтисодиётдан бозор иқтисодиётига ўтиш жараёни бўлиб, у мулк шакллариининг ўзгариши, бозор механизмларининг жорий этилиши, рақобат муҳитининг шаклланиши, давлатнинг иқтисодиётдаги ролини қайта кўриб чиқишни ўз ичига олади. Бундай жараёнларда адолат концепцияси ўз ўрнини топмас экан, иқтисодий ислохотлар ижтимоий кес-

кинликка, жамиятдаги ишончсизлик ва норозиликка олиб келиши мумкин. Шунинг учун ҳам иқтисодий трансформацияни амалга оширишда адолат принципларини таъминлаш муҳим стратегик вазифа сифатида кўрилади¹²⁷.

Фалсафий нуқтаи назардан қаралганда, адолат инсонлар ўртасидаги муносабатларда тенглик, ҳаққонийлик, инсоф ва қонун устуворлигини англатади. Бу ғоялар Аристотель, Жон Ролз, Амартия Сен каби мутафаккирлар томонидан чуқур таҳлил этилган. Масалан, Ролзнинг “Адолат назарияси”да (1971) у адолатни “ижтимоий институтларни ташкил этишдаги биринчи принцип” сифатида тавсифлайди¹²⁸. Амартия Сен эса “қобилиятлар усули” орқали адолатни инсонларнинг эркин имкониятларидан фойдаланиш қобилияти орқали баҳолаш кераклигини таъкидлайди¹²⁹.

Ўзбекистон каби пост-социалистик мамлакатларда иқтисодий трансформация жараёнлари катта ижтимоий-иқтисодий ўзгаришларга сабаб бўлди. Хусусан, 1990 йиллардан бошлаб иқтисодиётни либераллаштириш, хусусий мулкчиликни жорий этиш, давлат корхоналарини хусусийлаштириш, ердан самарали фойдаланиш тизимини яратиш каби ислохотлар амалга оширилди. Бундай жараёнларда аҳолининг турли қатламлари учун тенг имкониятлар ва адолатли иқтисодий муҳит яратиш масалалари ҳам доимо муҳокама марказида бўлди. Бироқ баъзи ҳолларда бу ислохотлар барча учун бир хил натижа бермади, айрим қатламлар бойиган бўлса, бошқалари қашшоқлашди. Бу эса иқтисодий жараёнларда адолат принципларининг мустаҳкам ўрнатилишига бўлган эҳтиёжни янада кучайтирди¹³⁰.

Халқаро амалиётга назар ташласак, БМТнинг Бош Ассамблеяси томонидан қабул қилинган 2030 йилгача бўлган Барқарор ривожланиш мақсадларидан бири – “Ижтимоий

¹²⁷ Полтерович В.М. Проблемы формирования институциональной среды инновационной экономики // Экономика и математические методы. – 2007. – Т. 43. – №3. – С. 3–20.

¹²⁸ Rawls J. A Theory of Justice. – Cambridge: Harvard University Press, 1971. – 560 p.

¹²⁹ Сен А. Идея справедливости / пер. с англ. – М.: Новое издательство, 2010. – 504 с.

¹³⁰ Абдуллаев Н.М. Иқтисодий ислохотлар ва бозор иқтисодиётида давлатнинг ролини қайта кўриб чиқиш // Иқтисод ва молия. – 2020. – №6. – Б. 15–21.

адолат ва тенгликни таъминлаш” дир. Бу мақсадларда жаҳон ҳамжамияти давлатларидан камбағалликни камайтириш, гендер тенглик, ижтимоий ҳимоя, инсон ҳуқуқлари ҳурмати ҳамда адолатли ва инклюзив иқтисодий ўсишга эришишни талаб этади¹³¹.

Ўзбекистонда сўнгги йилларда Президент ташаббуси билан ишлаб чиқилган “Ўзбекистон – 2030” стратегияси, “Янги Ўзбекистон — янги тараққиёт йўли” сингари дастурларда ҳам адолат тамойилларига алоҳида урғу берилмоқда. Хусусан, ҳокимият ва жамият ўртасида очиқ мулоқотлар, рақамли иқтисодиёт орқали шаффофликни ошириш, камбағалликка қарши курашиш ва ижтимоий ҳимоя тизимини кучайтириш чоралари айнан иқтисодий адолатни таъминлашга қаратилган¹³².

Шу жиҳатдан, ушбу бандда иқтисодий трансформация жараёнида адолат тамойилларининг назарий ва амалий асослари, уларнинг миллий моделларини шакллантириш йўллари ҳамда амалдаги ислохотлар билан боғлиқ муаммо ва имкониятлар таҳлил қилинади. Шу билан бирга, адолат принципларини таъминлашнинг институционал механизмлари, давлат сиёсатининг устувор йўналишлари ва халқаро стандартларга уйғунлик даражаси ҳам таҳлил этилади.

Иқтисодий ислохотлар жараёнида адолат принципларига содиқ қолиш нафақат ижтимоий барқарорлик, балки жамиятнинг иқтисодий салоҳиятини мустаҳкамлаш, инвестициявий муҳитни яхшилаш ва аҳолининг давлатга ишончини ошириш каби муҳим омиллар билан боғлиқ. Шу боисдан ҳам бу масалани илмий асосда ўрганиш орқали амалий сиёсатни самарали йўлга қўйиш мумкин.

Иқтисодий трансформация шароитида адолат тушунчасининг эволюцияси

Адолат тушунчаси инсоният тарихидаги энг қадимий ва кенг қамровли фалсафий, ҳуқуқий ҳамда ижтимоий категориялардан бири ҳисобланади. Унинг мазмуни ва шакллари даврлар, цивилизациялар ва ижтимоий-иқтисодий тизимлар билан

¹³¹ United Nations. Transforming our world: the 2030 Agenda for Sustainable Development. – A/RES/70/1. – 2015.

¹³² Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» // Lex.uz, 2023 йил 11 сентябрь, №УП-158.

уйғун тарзда ўзгариб борган. Хусусан, иқтисодий трансформация шароитида адолат тушунчаси нафақат маънавий меъёр сифатида, балки иқтисодий жараёнларни тартибга солувчи механизм сифатида ҳам кўзга ташланмоқда. Бу, ўз навбатида, трансформация жараёнидаги ресурсларнинг тақсимланиши, имкониятлар тенглиги ва натижаларнинг адолатли бўлиши билан чамбарчас боғлиқ.

Адолат масаласига эътибор, энг аввало, фалсафий мактабларда юзага келган. Арасту (Аристотель) адолатни икки асосий кўринишда — тақсимловчи ва тикловчи адолат сифатида таърифлайди. Тақсимловчи адолат — ресурслар ва имкониятларни жамият аъзолари ўртасида уларнинг хизматлари, қўшган ҳиссаси ёки эҳтиёжларига қараб тақсимлашни назарда тутса, тикловчи адолат – бузилган тенгликни қайта тиклашга қаратилган¹³³.

Феодал даврда адолат тушунчаси кўпроқ диний ва табақавий тизим билан чегараланган бўлса, капитализмнинг бошланиши билан иқтисодий адолат масалалари янада долзарб тус олди. Жон Локк ва Адам Смит каби классик иқтисодчилар учун адолат, асосан, шахсий мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, бозор эркинлиги ва рақобатнинг таъминланиши билан боғлиқ эди. Смит ўзининг “Миллатлар бойлиги” асарида иқтисодий эркинлик ва рағбатлантириш механизмларининг жамият тараққиётига хизмат қилишини таъкидлаган ҳолда, бунинг ортидаги адолат тамойилларини бир қанча ҳолатларда умумий фаровонликка боғлаб кўрсади¹³⁴.

XIX асрда индустриал капитализм даврида адолат тушунчаси ишчи синф манфаатларини ҳимоя қилиш, тенг ҳуқуқ ва меҳнат шароитлари масалалари билан бойиди. К.Маркс ва Ф.Энгельс адолатни синфлар ўртасидаги муносабатлар контекстида кўриб чиқиб, унинг иқтисодий мазмунини ишлаб чиқариш воситаларига эгалик ва уларнинг қайта тақсимоти билан боғлаб таҳлил қилган¹³⁵.

Жаҳон иқтисодий трансформация жараёнлари билан

¹³³ Арасту. Ахлоқи кабир. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2024 йил. 161-бет.

¹³⁴ Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.

¹³⁵ Маркс К., Энгельс Ф. Сочинения. Т. 23. – М.: Политиздат, 1974. – 619 с.

қаралганда, 1980 йиллардан бошлаб неолиберализмнинг авжи билан бозор механизмларига асосланган ислохотлар кўпгина мамлакатларда амалга оширилди. Бу жараёнлар кўпинча адолат ва тенгликни эътибордан четда қолдирган, натижада ижтимоий табақалашув кучайган, ресурслар маълум гуруҳларда тўпланган. Хусусан, Ж.Ролз ўзининг машҳур “Адолат назарияси”да бу ҳолатларга эътибор қаратиб, адолатни ижтимоий шартнома асосида шаклландирган, жамиятнинг энг заиф қатлами манфаатини кўзловчи тамойил сифатида илгари суради. Унинг фикрича, адолат – ижтимоий институтларни ташкил этишдаги биринчи ва энг муҳим принцип ҳисобланади¹³⁶.

Бугунги кунга келиб, адолатни фақат ресурсларни тақсимлаш ёки фойда ва имкониятларнинг тенглиги нуқтаи назаридан эмас, балки инсонларнинг ривожланиш салоҳияти ва яшаш шароитларининг яратилиши нуқтаи назаридан баҳолаш тенденцияси кенгаймоқда. Амартия Сеннинг “қобилиятлар усули” (capabilities approach) шундай ёндашувлардан бири бўлиб, у инсонларнинг реал имкониятлари ва ижтимоий муҳит билан боғлиқ адолат масалаларини марказга қўяди¹³⁷.

Ўзбекистонда иқтисодий трансформация жараёни 1991 йилдан бошланган бўлиб, бу жараён доирасида давлат томонидан иқтисодий соҳадаги улкан ислохотлар амалга оширилди. Илк босқичда хусусийлаштириш, нархларни озод қилиш, ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш каби чоралар кўрилди. Бироқ бу жараёнлар жамиятнинг турли қатламларига ҳар хил таъсир қилди. Айниқса, иқтисодий ресурсларга эга бўлган гуруҳлар тез бойиган, иқтисодий имкониятларга эга бўлмаганлар эса янада оғир аҳволга тушиб қолган. Бу эса “адолатли ислохотлар” тушунчасининг миллий ислохот стратегиясида алоҳида ўрин эгаллашини талаб қилди¹³⁸.

Айни пайтда, Ўзбекистонда 2017 йилдан бошланган янги

¹³⁶ Rawls J. A Theory of Justice. – Cambridge: Harvard University Press, 1971. – 560 p.

¹³⁷ Сен А. Идея справедливости / Пер. с англ. – М.: Новое издательство, 2010. – 504 с.

¹³⁸ Хасанова З.Р. Иқтисодий ислохотлар ва адолат масалалари. // Иқтисод ва молия. – 2019. – №5. – Б. 13–18.

босқичдаги ислохотлар – “Янги Ўзбекистон” концепцияси доирасида адолат тушунчаси сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳаларда марказий ўринга чиқди. Президент томонидан илгари сурилган “Адолат – ислохотлар асоси” шиори, давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланди. Жумладан, камбағалликни қисқартириш, ижтимоий ҳимоя тизимини янгилаш, бизнес муҳитини яхшилаш, давлат хизматларининг шаффофлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар адолат тушунчасининг амалиётдаги ифодасидир¹³⁹.

Ҳозирги кунда адолатнинг иқтисодий трансформация шароитидаги мазмунини ифодаловчи бир неча тамойиллар ажратиб кўрсатилади: 1) имкониятлар тенглиги; 2) тақсимлашда шаффофлик; 3) ресурсларга адолатли етишиш; 4) натижалардаги ҳисобдорлик ва жавобгарлик. Бу тамойиллар миллий ислохот стратегияларида ўз аксини топиши ва ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши керак.

Шу билан бирга, адолатни амалга оширишда институтлар – судлар, молия тизими, солиқ органлари, ижтимоий ҳимоя муассасалари муҳим аҳамиятга эга. Улар фуқароларнинг иқтисодий жараёндаги иштироки учун тенг шароитларни таъминлаб бериши, давлат ресурсларини самарали ва адолатли тақсимлашга кафолат бўлиши лозим.

Иқтисодий трансформация жараёнларида адолатни таъминлаш халқаро ташкилотлар томонидан ҳам асосий мезон сифатида белгиланган. Жумладан, Жаҳон банки, Халқаро валюта жамғармаси ва Осиё тараққиёт банки ўз тавсияларида макроиқтисодий барқарорлик билан бир қаторда ижтимоий тенглик ва адолатни таъминлаш бўйича чораларни тақлиф этади¹⁴⁰.

Иқтисодий трансформация жараёнида адолат тушунчасининг мазмуни вақт ўтиши билан кенгайган ва чуқурлашган. У энди фақат фалсафий ёки ҳуқуқий категория эмас, балки давлат сиёсатининг устувор тамойили, иқтисодий барқарорлик ва ижтимоий ишончнинг кафолати сифатида намоён бўлмоқда.

¹³⁹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида. – Lex.uz, 2023. – №УП-158.

¹⁴⁰ World Bank. World Development Report 2020: Trading for Development in the Age of Global Value Chains. – Washington, DC: World Bank, 2020.

Шунинг учун ҳар қандай трансформация жараёнида адолат мезонлари тизимли равишда инobatга олиниши, давлат ва жамият ўртасидаги муносабатларда асосий мезон сифатида хизмат қилиши зарур.

Адолат тамойилларининг иқтисодий ислохотлар жараёнидаги аҳамияти

Иқтисодий ислохотлар ҳар бир жамиятдаги глобал ва миллий ўзгаришларга мослашиш, иқтисодиётни рақобатбардош ва барқарор қилиш, фуқароларнинг турмуш даражасини яхшилашга қаратилган стратегик ҳаракатлар тизимидир. Аммо бу жараёндаги энг муҳим омиллардан бири – бу адолатни таъминлашдир. Адолат тамойиллари тўлиқ инobatга олинмаган ислохотлар жамиятдаги беқарорлик, ижтимоий тенгсизлик ва ишончсизликка олиб келиши мумкин. Шу боисдан иқтисодий трансформация жараёнида адолат фақат этик ёки фалсафий тушунча бўлиб қолмай, балки институционал сиёсат ва амалиёт мезони сифатида қаралиши лозим.

Иқтисодий ислохотлар натижадорлиги кўп жиҳатдан унинг кенг жамоатчилик томонидан қандай қабул қилинишига боғлиқ. Масалан, солиқ ислохотлари, хусусийлаштириш жараёнлари, ижтимоий ҳимоя тизимининг қайта ташкил қилиниши каби жараёнлар, агарда уларда адолат тамойиллари сақланмаса, аҳолида норозиликка сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, айрим мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, бозор ислохотлари фақат иқтисодий ўсишга эмас, балки ижтимоий тенгсизликни ошишига ҳам олиб келган¹⁴¹.

Адолат тамойиллари иқтисодий жараёнларда қуйидаги асосий функцияларни бажаради:

- а) фуқаролар ўртасида тенг имкониятлар яратиш;
- б) ресурсларни адолатли тақсимлашни таъминлаш;
- в) ижтимоий ҳимояни кучайтириш;
- г) иқтисодий субъектларнинг фаоллигини ошириш ва давлатга ишончни шакллантириш.

Масалан, Амартия Сеннинг “қобилиятлар усули”га кўра, иқтисодий адолатнинг асосий мезони – бу инсонларнинг ўз қобилиятларини амалга ошириши учун шарт-шароитлар

¹⁴¹ Стоун Д. Политика и парадоксы: Искусство принятия решений. – М.: Весь Мир, 2004. – 376 с.

яратишдир¹⁴². Бу усул жамиятда камбағалликни фақат даромад билан эмас, балки таълим, тиббиёт, меҳнатга эришиш имкониятлари билан ҳам ўлчашни таклиф этади. Шу жиҳатдан, иқтисодий ислохотларда адолат тамойилларини инобатга олиш, камбағалликни камайтириш ва инклюзив ўсишга эришиш учун асосий восита ҳисобланади.

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислохотларда ҳам адолат тамойилларига устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, 2017 йилдан кейинги даврда ижтимоий ҳимоя тизими янгиланмоқда, давлат томонидан “темир дафтар”, “аёллар дафтари”, “ёшлар дафтари” орқали аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам кўрсатиш йўлга қўйилди. Бу чоралар давлат томонидан иқтисодий имкониятлардан барча қатламлар тенг фойдаланишини таъминлашга қаратилган бўлиб, адолат тамойилининг амалдаги ифодасидир¹⁴³.

Солиқ тизимидаги ислохотлар ҳам адолатнинг иқтисодий ифода топишини кўрсатади. Солиқ кодексида кўзда тутилган прогрессив ставкадаги даромад солиғи, кичик бизнес учун энгилликлар, эҳтиёжмандлар учун тўғридан-тўғри субсидиялар ва устувор қарзлар — буларнинг барчаси иқтисодий адолатга эришиш воситасидир¹⁴⁴. Бунда солиқ адолати нафақат давлат бюджетига маблағ тушириш, балки аҳолининг иқтисодий тенглигини таъминлашга ҳам хизмат қилиши керак.

Ижтимоий ҳимоя тизимларида адолат тамойилининг сақланиши аҳоли фаровонлигининг кафолатидир. Масалан, пенсия таъминотидаги ислохотлар ёки ногиронлиги бўлган шахслар учун ажратилаётган имтиёзлар аҳоли турли қатламлари учун тенг имконият яратишга қаратилган. Бунда “адолатли қайта тақсимлаш” механизми ишга туширилади: иқтисодий жиҳатдан фаол қатламдан олинаётган ресурслар, эҳтиёжманд қатламга йўналтирилади¹⁴⁵.

Бозор муносабатларининг ривожланиши ҳам адолат та-

¹⁴² Сен А. Развитие как свобода. – М.: Новое издательство, 2015. – 480 с.

¹⁴³ Шарипов Н. Ижтимоий ҳимоя ва адолат масалалари. // Тараққиёт иқтисодиёти. – 2021. – №4. – Б. 22–28.

¹⁴⁴ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. – Тошкент: Адлия вазирлиги, 2020.

¹⁴⁵ Деҳқонов Ф.Т. Қайта тақсимлаш механизмларида адолат принциплари. // Молия ва иқтисод. – 2022. – №2. – Б. 10–17.

мойиллари билан боғлиқ. Рақобат муҳити, хусусий мулк-ни ҳимоя қилиш, онтрактлар устуворлиги ва суд адолати – буларнинг барчаси иқтисодий муҳитдаги адолатнинг асосий мезонларидир. Агар фуқаролар ёки тадбиркорлар ўз меҳнати натижасидан тенг ва қонуний фойда олиши мумкин деб ишонмаса, уларда иқтисодий фаоллик пасаяди. Демак, адолат бу ерда ишончни мустаҳкамловчи омил вазифасини ўтайди¹⁴⁶.

Халқаро тажрибага назар ташласак, Скандинавия давлатлари (Швеция, Норвегия, Финляндия) ўз иқтисодий сиёсатларида адолат тамойилларига асосланган “инклюзив капитализм” моделини амалга оширган. Бу моделда давлат иштирокидаги ижтимоий хизматлар, барча учун тенг таълим ва тиббиёт, камбағалликка қарши кенг қамровли дастурлар муҳим ўрин тутди. Бу давлатларда ижтимоий тенглик ва иқтисодий ўсиш бир-бирига зид эмас, балки уйғунлашган ҳолда ривожланган¹⁴⁷.

Ўзбекистонда ҳам бу тажрибалар асосида 2023 йилда қабул қилинган “Ўзбекистон–2030” стратегиясида иқтисодий ўсиш билан бир қаторда ижтимоий адолат, камбағалликни бартараф этиш ва имкониятлар тенглигини таъминлаш бўйича қатор вазифалар белгиланган. Шу жумладан, рақамли иқтисодиёт орқали шаффофликни ошириш, коррупцияга қарши кураш, жойларда аҳолининг фикрини эшитиш механизмлари (масалан, “Халқ билан мулоқот” платформалари) адолатнинг демократик асосларини мустаҳкамлайди¹⁴⁸.

Бугунги кун инфратузилмавий ислохотларида ҳам адолатнинг устуворлигига эътибор қаратилаётганини кўриш мумкин. Чунки иқтисодий ривожланишда ҳудудлар ўртасидаги фарқни камайтириш – иқтисодий адолат мезонларидан биридир. Бунда кам ривожланган ҳудудларга сармоя жалб қилиш, инфратузилма барпо этиш, янги иш ўринларини яратиш каби механизмлар орқали ҳудудлараро тенгликка эришилади.

¹⁴⁶ Acemoglu D., Robinson J. Why Nations Fail. – New York: Crown Business, 2012. – 529 p.

¹⁴⁷ Esping-Andersen G. The Three Worlds of Welfare Capitalism. – Princeton: Princeton University Press, 1990. – 260 p.

¹⁴⁸ Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони «Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида». – Lex.uz, 2023 йил 11 сентябрь, №УП-158.

Иқтисодий ислохотлар жараёнида адолат тамойилларини таъминлаш нафақат аҳолининг ижтимоий ҳимояси, балки умумий иқтисодий барқарорлик ва фаоллик учун ҳам муҳимдир. Адолат нафақат ҳуқуқий тамойил, балки давлат сиёсатининг асосий устувор йўналишларидан бири бўлиб хизмат қилиши зарур. Унга амал қилиш орқали иқтисодий ўсиш баробарида ижтимоий уйғунлик ва жамиятнинг ишончли ривожланиши таъминланади.

Ҳар қандай иқтисодий тизимнинг барқарорлиги ва самарадорлиги нафақат бозор қонунлари ва ресурслар тақсимотига боғлиқ, балки ижтимоий муносабатлардаги адолат принципларига амал қилишга ҳам боғлиқдир. Адолат – бу фақат ҳуқуқшунослик ёки фалсафий тушунча бўлиб қолмасдан, иқтисодий жараёнларнинг мувозанатли ва барқарор тарзда юритилиши учун асосий мезон ҳисобланади. Иқтисодий муносабатларда адолат категориясининг ролини аниқлаш, унинг амалий ва назарий асосларини ўрганиш бугунги кунда жаҳон миқёсида долзарб илмий йўналишлардан бирига айланмоқда.

Таъкидлаш лозимки, иқтисодий жараёнларда адолатни таъминлаш нафақат этик ёндошув, балки ижтимоий барқарорлик, иқтисодий ўсиш ва инсон капиталининг ривожланишини кафолатлаш воситаси сифатида ҳам қаралади. Масалан, Жон Ролзнинг “Адолат – бу тенглик асосида ташкил этилган эркинликлар мажмуасидир” деган таърифида ҳам иқтисодий ва ижтимоий тенглик тушунчалари чуқур илдиз отганини кўришимиз мумкин¹⁴⁹.

Иқтисодий жараёнларда адолатга амал қилинмаслиги ортидан келиб чиқадиган ижтимоий оқибатлар кўп жиҳатдан иқтисодий самарадорликни пасайтиради. Тақсимотдаги нотенглик, фуқаролар ўртасидаги имкониятлар фарқи, иқтисодий ресурслардан фойдаланишдаги дискриминация ва коррупция – буларнинг барчаси адолат принциплари бузилган жамиятларда ривожланишга тўсиқ бўлади¹⁵⁰.

Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислохотлар жараёнида адолат тамойилларини таъминлаш, аҳоли даромадлари ўртасидаги тафовутни камайтириш, тенг имкониятлар яратиш ма-

¹⁴⁹ Ролз Дж. Теория справедливости. – М.: Новое издательство, 2020. – 536 с.

¹⁵⁰ Сен А. Развитие как свобода. – М.: Логос, 2017. – 416 с.

салалари кун тартибидан жой олмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев томонидан олиб борилаётган “инсон қадрини улуглаш” сиёсати доирасида, иқтисодий жараёнларда адолатни таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда¹⁵¹.

Иқтисодий адолат тушунчаси икки асосий жиҳатдан намоён бўлади: 1) **процессуал адолат** – яъни иқтисодий қарорлар қабул қилишда барча иштирокчиларнинг тенг ҳуқуқлилиги ва 2) **натижавий адолат** – яъни иқтисодий фаолият натижаларининг адолатли тақсимланиши. Бу икки жиҳат ўзаро боғлиқ бўлиб, фақат ҳар иккиси таъминлангандагина жамиятда тўлиқ адолат муҳити яратилади¹⁵².

Жаҳон банки ва БМТнинг 2030 йилгача бўлган Барқарор Ривожланиш Ҳаракатлар Режасида ҳам адолатга асосланган иқтисодий тизимлар қуриш асосий вазифалардан бири сифатида белгиланган. Хусусан, 10-мақсад – давлат ичида ва давлатлар ўртасидаги нотенгликни камайтириш масаласи айнан иқтисодий адолат тамойилларига асосланади¹⁵³.

Амартия Сеннинг инсон ривожланиши концепциясида ҳам иқтисодий тараққиёт фақат ЯИМ ўсиши билан эмас, балки инсон имкониятларининг адолатли кенгайиши орқали баҳоланиши таъкидланади¹⁵⁴. Унга кўра, реал иқтисодий адолат фуқароларнинг таълим, соғлиқни сақлаш, ишга жойлашиш, молиявий ресурсларга етишида тенг имкониятлар орқали намоён бўлади.

3.2. Ишлаб чиқариш – меҳнат муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари ва технология инқилоблари шароитида уларни амалга ошириш механизмлари (йўллари).

XXI аср иқтисодиётида технологиялар жадал ривожланиши, рақамли иқтисодиёт ва тўртинчи саноат инқилоби (индустрия 4.0) жараёнлари меҳнат муносабатлари тизимини ҳам

¹⁵¹ Мирзиёев Ш.М. Янгиланган Ўзбекистон – тараққиёт ва ислохотлар йўли. – Тошкент: Ўзбекистон, 2021. – 352 б.

¹⁵² Мансуров А.А. Адолат ва иқтисод: назарий асослар ва амалиёт. // Иқтисодий таҳлил журнали. – 2022. – №2. – Б. 44–50.

¹⁵³ United Nations. Sustainable Development Goals. \[Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://sdgs.un.org/goals> (мурожаат этилган сана: 24.05.2025 й)

¹⁵⁴ Sen A. Development as Freedom. – Oxford: Oxford University Press, 1999. – 384 p.

тубдан ўзгартирмоқда. Бугунги кунда автоматлаштириш, робототехника, сунъий интеллект, интернет-платформалар ва масофавий меҳнат каби омиллар ишлаб чиқариш жараёнида инсоннинг ўрни ва ролига янги мазмун бағишламоқда. Бу эса, ўз навбатида, ижтимоий-иқтисодий адолат масаласини янги босқичга кўтармоқда.

Меҳнат муносабатларида адолат тамойилларига риоя қилишни таъминлаш давлат, иш берувчи ва ходим манфаатларини уйғунлаштириш, меҳнат бозорида тенг имкониятлар яратиш, иш ҳақининг адолатли тақсимланиши, меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби масалаларни қамраб олади. Технологик инқилоблар эса ушбу қоидаларнинг амалга оширилиши учун янги механизмлар, инновацион ёндашув ва ҳуқуқий-институционал ислохотларни тақозо этмоқда.

Тадқиқотнинг ушбу қисмида меҳнат муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидаларининг назарий асосларини таҳлил қилиб, технология инқилоблари даврида уларни амалга ошириш йўллари ва механизмларини илмий-амалий жиҳатдан ёритишга ҳаракат қиламиз. Чунки меҳнат муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлаш, технология инқилоблари даврида барқарор иқтисодий ривожланиш ва ижтимоий барқарорликнинг асосий гарови ҳисобланади.

Мамлакат ижтимоий-иқтисодий ривожланишини жадаллаштиришнинг энг муҳим шarti меҳнатнинг мазмун-моҳиятини тубдан ўзгартириш, унинг унумдорлигини кескин ошириш, инсон салоҳиятининг ролини оширишдан иборатдир. Инсон(шахс)нинг жисмоний, ақлий ва маънавий, касбий камол топишидаги ижтимоий-иқтисодий омиллар тизимида ҳам меҳнат ҳамма вақт асосий белгиловчи роль ўйнаган ва ўйнайди. Айниқса, рақамли иқтисодиётга трансформация ижтимоий тизимларга чуқур таъсир кўрсатаётган бир пайтда, меҳнат бозорида юз бераётган технологик ўзгаришлар ишчи кучи олдига янги талабларга мослашиш муаммосини қўймоқда.

“Ўзбекистон – 2030” стратегиясида иқтисодий ривожланишнинг сифат жиҳатдан янги босқичига ўтиш, туб ислохотларни амалга ошириш ҳамда ижтимоий адолатнинг иқтисодий қоидаларини рўёбга чиқариш учун аҳолининг


меҳнат ва ижтимоий фаоллигида мужассамлашган жамиятнинг бутун ижодий кучларини ҳаракатга келтириш белгиланган¹⁵⁵. Маълумки классик иқтисодиётнинг буюк намоёндаси Адам Смит иқтисодиётда меҳнатнинг ролига баҳо берар экан, “меҳнат барча бойликларнинг отаси, ер эса унинг онасидир” дейди. Демак, меҳнат жараёни жамият иқтисодий ривожланишининг, ижтимоий ҳаёти фаровонлашувининг асосий шарти, меҳнат унумдорлигининг ўсиши эса жамият тараққиётининг асосий омилidir.

Меҳнат муносабатларида ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқларини таъминлаш, улар учун муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларини яратиш, халқаро меҳнат стандартларини татбиқ этиш орқали меҳнат муносабатларини тартибга солиш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир. Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат таъминловчи омил ҳисобланади. Қайси жамоада ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари таъминланган, ҳақ-ҳуқуқлари ҳар томонлама ҳимояланган бўлса, улар хотиржам меҳнат қилади, ишида ҳам унум бўлади. Муносиб меҳнат иқтисодий самарадорлик аҳолининг турмуш даражаси ва иш ҳақини ошириш билан уйғунлашган шароитда бўлади. Муносиб меҳнат фақат адолатли иқтисодиётда бўлиши мумкин.

Халқаро меҳнат ташкилотининг “Ижтимоий адолатни тарғиб қилиш, муносиб меҳнатни ривожлантириш” деб номланган ҳисоботида “Жамиятнинг меҳнат дунёсини тартибга солиш усули ижтимоий адолат учун асос яратади. Қабул қилинган қонунлар, меъёрий ҳужжатлар ва институтлар ҳуқуқларни таъминлайди, муносиб меҳнатга ўтишни расмийлаштиради ва процессуал адолатни таъминлайди. Улар умуминсоний ҳуқуқларнинг ифодаси бўлиб, тенг имкониятларни рўёбга чиқариш, адолатли тақсимлаш ва адолатли ўтиш учун ҳуқуқий асос яратади. Улар, шунингдек, демократик

¹⁵⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони // - www.lex.uz.

иштирок ва ижтимоий мулоқотни таъминлайди”¹⁵⁶ деб дунё миқёсдаги тизимли ўрганишларнинг хулосалари илмий-амалий жиҳатдан асослаб берилган ҳамда улар умумлаштирилган ҳолда қуйидаги 13-чизмада ифодаланган:



Меҳнат муносабатлари тизимида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари асосан қуйидагилар билан ифодаланади:

- Иш ҳақининг адолатлилиги, яъни меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасидаги мутаносибликнинг таъминланганлиги;
- Тенг имкониятлар мавжудлиги, яъни меҳнат бозорида жинси, ёши, миллати ёки ижтимоий келиб чиқишидан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар яратилганлиги;
- Меҳнат ҳуқуқлари кафолати, яъни қонунчилик орқали барча ишчи-ходимларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш тизими яратилганлиги;
- Ижтимоий шериклик ва касаба уюшмаларининг ўрни, яъни давлат, иш берувчи ва ходим ўртасида мувозанатли ҳамкорлик тизимининг яратилганлиги.

¹⁵⁶ Халқаро меҳнат ташкилоти. Халқаро меҳнат конференцияси, 111-сессия, 2023 йил.

Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий адолат қоидаларига замонавий технология инқилоблари ва меҳнат муносабатлари ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ҳам бевосита таъсир қилади. Чунки, сўнгги ўн йилликларда тўртинчи саноат инқилоби (индустрия 4.0), рақамли иқтисодиёт ва “ақлли” технологиялар ишлаб чиқариш жараёнини тубдан ўзгартирди. Автоматлаштириш ва роботлаштириш кўплаб анъанавий касбларни йўқотиб, янги касблар ва компетенциялар пайдо бўлишига олиб келмоқда. Масалан, Халқаро меҳнат ташкилоти ҳисоботларига кўра, келгуси 10 йил ичида дунёдаги касбларнинг 20–25% и сунъий интеллект ва роботлар орқали бажарилиши мумкин.

Гиг-иқтисодиёт ва интернет-платформалар (Uber, Upwork, Yandex Go, Amazon Mechanical Turk) меҳнат муносабатларининг янги моделини яратди. Бунда ишчи мустақил ижрочи сифатида хизмат кўрсатади, аммо меҳнат ҳуқуқлари ва ижтимоий кафолатлар кўп ҳолларда заифдир. Масофавий иш пандемия даврида оммалашиб, ҳозирги кунда ҳам кенгайиб бормоқда. Бу ходимлар учун эркинлик ва самарадорликни оширса-да, назорат ва меҳнат интизомига оид янги муаммоларни юзага келтирмоқда.

Халқаро тажриба кўрсатмоқдаки, технология инқилоблари шароитида меҳнат муносабатларида ижтимоий адолатни таъминлаш қонунчилик, касаба уюшмалари ва давлат ислохотлари орқали амалга оширилмоқда. Масалан, Европа Иттифоқи мамлакатларида гиг-ишчилар учун ижтимоий суғурта жорий этилаётган бўлса, Корея ва Японияда умрбод таълим ва қайта тайёрлаш дастурлари кенг йўлга қўйилган.

Ўзбекистонда ҳам меҳнат бозорида туб ўзгаришлар кечмоқда. Рақамли иқтисодиёт ривожланиши, ИТ соҳада янги иш ўринлари пайдо бўлиши билан бирга, норасмий секторнинг улуши юқорилигича қолмоқда.

Янги таҳрирдаги “Меҳнат кодекси” (2023 й.) меҳнат муносабатларини замонавий талабларга мослаштиришда муҳим қадам бўлди. Унда масофавий иш, вақтинчалик меҳнат шартномалари, иш вақти ва дам олиш вақтининг янги тартиблари белгиланди. Лекин, айти пайтда ёшлар ва аёллар бандлиги масалалари, меҳнат мигрантларининг ҳуқуқий ҳимояси, иш ҳақининг меҳнат унумдорлигига мутаносиб эмаслиги, касбий

қайта тайёрлаш тизимининг етарлича самарали эмаслиги каби масалалар сақланиб қолмоқда. Шу сабабли Ўзбекистонда технология инқилоблари шароитида ижтимоий адолатни таъминлаш учун комплекс механизмлар зарур.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлаш механизмлари деганда:

- иш ҳақини адолатли белгилаш тизими, яъни меҳнат унумдорлиги ва иш ҳақи ўртасида боғлиқликни таъминлайдиган индексация механизмларини жорий этиш;

- касбий қайта тайёрлаш ва умрбод таълим тизимини, яъни янги технологияларга мос компетенцияларни шакллантириш, ишчиларни қайта ўқитиш ва умрбод таълим дастурларини жорий этиш;

- Гиг-иқтисодиётда ҳуқуқий кафолатлар, яъни интернет-платформа ишчилари учун ижтимоий суғурта, пенсия ва тиббий хизматдан фойдаланиш имкониятларини кафолатлаш;

- меҳнат бозорида рақамли мониторинг – “смарт-назорат” тизимлари орқали иш жойлари, иш ҳақи ва меҳнат шароитларини онлайн кузатиш;

- ижтимоий шерикликни кучайтириш, яъни давлат, иш берувчи ва ходим ўртасида ўзаро манфаатли келишувлар тизимини институционал асосда мустаҳкамлаш каби вазифалар ва шартлар назарда тутилмоқда.

Мамлакатимизда ишсизликни камайитириш, хавфсиз ва кафолатланган иш ўринларини ҳамда ҳар бир ходимнинг меҳнат қобилиятини тўлиқ намоён этиши учун муносиб иш шароитларини ва қулай муҳитни яратиш, меҳнат соҳасида инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва уни ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида барқарор ривожланиш даврида инсонлар бандлигини таъминлаш концепцияси ишланмоқда.

Тўлиқ бандлик ва барча учун муносиб иш ўрни масаласида ЎзЛиДеП дастурида белгиланганидек, меҳнат қилиш, адолатли меҳнат шароитларини таъминлаш ва ишсизликдан ҳимояланиш, профессионал имкониятларини намоён этишга бўлган ҳуқуқ инсоннинг индивидуал ҳуқуқ ва эркинликларининг ажралмас ва муҳим қисми – жамиятнинг олий қадрияти ҳисобланади¹⁵⁷.

¹⁵⁷ <https://uzlidep.uz/menu/the-program-of-the-party>. ЎзЛиДеП дастури.

Муносиб меҳнат нафақат ижтимоий адолат тамойилларини балки иқтисодиётнинг барқарор ўсиши ва ривожланишини, жамиятда манфаатлар уйғунлигини таъминловчи муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Ўзбекистонда муносиб меҳнат концепциясини амалга ошириш борасида олиб борилаётган кенг кўламли ишлар натижасида ҳар бир фуқаронинг меҳнат қилиш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш, эркин касб танлаш ҳуқуқлари тўла таъминланмоқда. Мамлакатимизда муносиб меҳнат концепциясини амалга ошириш доирасида ижтимоий-меҳнат соҳасидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ишлари олиб борилиши билан бирга янги иш ўринларини яратиш республика дастурлари ҳамда аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий дастурларига биноан ҳар йили 1 миллионга яқин янги иш ўринлари яратилмоқда.

Иқтисодий соҳадаги ижтимоий адолатни одатда кўпчилик тақсимот муносабатлари билан чегаралайдилар. Бизнингча, ишлаб чиқариш, тақсимот, айрибошлаш ва истеъмол жараёнлари ўзаро қандай узвий боғлиқ бўлса ижтимоий адолатнинг иқтисодий соҳада амал қилиши ҳам шу босқичларнинг ҳар бири билан чамбарчас боғлиқдир. Иқтисодий соҳада ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш дастлаб тақсимотдан эмас, балки меҳнат соҳасидан бошланади. Жамиятнинг ҳар бир аъзоси ўзини тўла намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш, меҳнат қилишга рағбатлантириш тизимини кучайтириш, иқтисодий ҳуқуқ ва эркинликларнинг кафолатларини таъминлаш каби масалалар меҳнат соҳасига тегишли бўлган адолат муаммоларини ифодалайди.

Меҳнат соҳасида ижтимоий адолат муаммоларидан бири ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнатдаги табақаланишдир.

Ҳозирги фан ва техника, инновацион технологиялар шароитида меҳнатнинг мазмуни ва характери ўзгариб бориб, ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнатдаги табақаланишнинг ошишига олиб келмоқда.

Ҳозирги замон фан-техникаси ва технологияси асосида юз берган меҳнатдаги ўзгаришлар меҳнат мазмунининг ўзгарганини билдиради. Зеро, меҳнатнинг ижтимоий-иқтисодий табиатидаги ўзгариш унинг характери ва мазмунининг ўзгаришида намоён бўлади. Маълумки, меҳнат жараёни инсоннинг

табиатга таъсир этиш ва уни ўз қизиқишларига бўйсиндириш йўлидир. Бу меҳнатнинг техник функционал томонлари бўлиб, меҳнат ва инсон салоҳиятининг ривожланиши даражаси билан белгиланади. Шу нуқтаи назардан биз бу омилни “меҳнатнинг мазмуни” деб атаймиз. Инсон меҳнати эса ижтимоий жараён бўлиб, бу унинг “характери”ни ифодалайди. Ўз навбатида юқоридаги омиллар жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланиши ва ундаги ишлаб чиқариш муносабатларининг характери билан чамбарчас боғлиқдир.

Фан ва техника тараққиёти туфайли ишлаб чиқаришнинг технологик усулида юз берган ўзгаришлар инсоннинг ишлаб чиқаришдаги ролига ва унинг фаолияти мазмунига, меҳнат сарфларининг характери ва структурасига таъсир этмоқда. Меҳнат сарфларининг сифат жиҳатдан ўзгаришларини кўп ҳолатлар белгилаб беради, лекин булардан энг муҳимлари ҳозирги шароитда меҳнатнинг фонд билан қуролланишининг ўсиши, яъни техника ва технологиянинг жорий этилишидир.

Меҳнат мазмунидан фарқли ўлароқ, унинг характери ҳар хил меҳнат турларини таққослаш билан аниқланади. У инсон меҳнат фаолиятининг ижтимоий-иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий шакли сифатида намоён бўлиб, тарихий шаклланган муносабатлар йиғиндисини ифода қилади. Шундай қилиб, агар мазмун меҳнат жараёнининг турли элементлари ва томонларининг йиғиндиси сифатида гавдаланса, характер унинг ички тузилиши ва шаклини аниқлаб беради.

Ҳозирги фан-техника тараққиёти шароитида меҳнат мураккаблигининг ошиб бориши, ишчи-ҳодимларнинг умумий, малака ва касбий билим даражасининг ўсиши, меҳнатнинг интеллектуал жиҳатларини бойиб бориши унинг сифат тавсифи белгиларидир. Меҳнатнинг мазмуни, характери каби тушунчалар (категориялар) билан бир қаторда “меҳнатнинг сифати” тушунчаси ҳам борки, у меҳнатнинг ижтимоий серқирра томонларини ўз ичига қамраб олади. Жумладан, меҳнатнинг мураккаблиги, оғир ёки енгиллиги, қулайлиги, бир маромдаги – зерикарли ёки мазмундорлиги, ижодийлиги каби жиҳатлари меҳнат сифати кўрсаткичларидир.

Юқорида айтилганлардан шуни умумлаштириш мумкинки, меҳнатнинг мазмуни, характери, миқдори ва сифати каби категорияларнинг ўзига хос белгилари билан фарқланиши

ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнатдаги табақаланишни объектив табиий жараён эканлигини билдиради. Лекин кўпчилик ҳолларда меҳнатдаги табақаланиш фақат объектив табиий жараён сифатидагина эмас, балки субъектив ҳолат, яъни меҳнат категорияларининг мазмунини ва улар ўртасидаги чамбарчас ўзаро боғлиқликни яхши тушунмасдан ҳаракат қилиш натижасида юзага келади. Масалан: бажариладиган ишлар мураккаблиги билан иш ҳақи ўртасидаги, меҳнат унумдорлиги ва малакани оширишга хизмат қилувчи рағбатлар ўртасидаги бойликнинг сусайиши, меҳнат шароитлари ва қуролланганлиги даражасидаги номутаносибликлар, иқтисодиётнинг турли соҳаларида бир хил малакадаги тенг меҳнатга турлича миқдорда иш ҳақи тўлаш, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш тармоқлари мутахассислари меҳнатига ҳақ тўлаш даражасидаги тафовутлар меҳнат соҳасидаги сунъий, номутаносиб табақаланишни вужудга келтиради. Чунки меҳнатдаги табақаланиш даромадлар тенгсизлигида ифодаланади. “Бозор ҳўжалигининг муҳим қоидаларидан бири – иқтисодий танловга кўра энг тадбиркор, энг ишбилармон, яхши ишлаб чиқара олувчи ва яхши хизмат кўрсатувчи рақобатда ютиб чиқади. Айтилган талабларга жавоб бера олмаганлар суриб чиқарилади. Иқтисодий танловда иш натижасига қараб олинадиган даромадларни тенгсизлиги хосдир. Бу даромадлар миқдорига таъсир этувчи омиллар кучини ҳар хиллиги билан изоҳланади. Тенгсизликни биологик ва социал жиҳатлари бор. Биологик жиҳатдан олганда кишилар ҳар хил қобилият, куч-қувват, ақл-идрок, салоҳият-заковатга эга. Кишиларни туғма қобилиятидаги тафовут уларга ҳар хил даромад топиш имконини беради. Даромадларни табақаланиши иш билан банд бўлишга ҳам боғлиқ. Ишсиз ва ишли кишилар даромадини фарқланиши турган гап. Кам таъминланган кишилар одатда, малака керак бўлмайдиган ёки кам талаб қилинадиган меҳнат билан машғулдирлар, бу нарса юксак даражада даромад олишга имкон бермайди.”¹⁵⁸

Жамиятдаги ижтимоий (социал) табақаланиш янги фаолият турларининг пайдо бўлиши ва эски турларининг ўзгариши

¹⁵⁸ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014 й. 136-бет

билан, ишлаб чиқаришда меҳнат тақсимо­ти­нинг чуқурлашуви билан ўзаро боғлиқ бўлган тарихий зарур жараён­дир. У жа­ми­ят­нинг функ­ци­онал тар­ки­би­ни мураккаб­лаш­ти­ра­ди ва та­ко­мил­лаш­ти­ра­ди, ай­ни пайт­да тур­муш дара­жа­си ва си­фа­ти, би­ли­ми, ма­да­ния­ти, бош­қа­рув­га қат­на­ши­ши­га ва шу ка­би­лар­га қараб ян­ги­ча со­ци­ал та­фо­вut­лар­ни юза­га чи­қа­ра­ди. Шунинг учун иж­ти­мо­ий та­ба­қа­ла­ниш жа­ми­ят­нинг бар­ча аъ­зо­ла­ри ман­фа­ат­ла­ри­га те­гиш­ли бў­либ, ушбу ман­фа­ат­лар му­во­за­на­ти­нинг ўз­га­ри­ши­га олиб ке­ла­ди. Бу жа­ра­ён ай­ни­қ­са, туб иқ­ти­со­дий ис­ло­хот­лар ва йи­рик тех­но­ло­гик ўз­га­риш­лар ша­ро­и­ти­да жу­да кес­кин­ла­ша­ди. Жа­ми­ят­да­ги туб бу­ри­лиш­лар дав­ри­да об­ъек­тив ў­за­ро ало­қа­дор­лик­да­ги ўз­га­риш­лар ўз асо­си­га кў­ра ман­фа­ат­лар му­во­за­на­ти­ни бу­за­ди­ки, бун­да ким­лар­дир ют­қа­за­ди­лар, йў­қа­та­ди­лар, ким­лар­дир э­са ю­тиш, бой­иш им­ко­ния­ти­га э­га бў­ла­ди­лар.

Шуни таъкидлаш лозимки, иж­ти­мо­ий адо­лат усту­вор­ли­ги­ни таъ­мин­ла­моқ­чи бўл­ган жа­ми­ят­да аҳо­ли­нинг бир қат­ла­ми тур­муш дара­жа­си­нинг оши­ши ик­кин­чи­си­нинг па­сай­иб ке­ти­ши ҳи­со­би­га бў­ли­ши му­м­кин э­мас. “Ўз­бе­ки­стон – 2030” стра­те­гия­си асо­си­да амал­га оши­ри­лаёт­ган ис­ло­хот­ла­рининг ў­зи­га хос ху­су­сия­ти ҳам шун­дан и­бо­рат.

Иж­ти­мо­ий та­ба­қа­ла­ниш­ни тар­тиб­га со­лиш (бош­қа­риш) за­мо­на­вий жа­ми­ят­да иж­ти­мо­ий бош­қа­рув учун энг му­рак­каб му­ам­мо­лар­дан би­ри­дир. Унинг му­рак­каб­ли­ги шун­да­ки, у ҳар бир му­ай­ян давр­да­ги ша­ро­ит­га му­во­фиқ ке­лув­чи кўп ме­зон­ли му­ам­мо­дир. Мас­а­лан: иж­ти­мо­ий та­ба­қа­ла­ниш бир то­мон­дан иқ­ти­со­дий фао­ли­ят­ни рағ­бат­лан­ти­ра­ди, ик­кин­чи то­мон­дан жа­ми­ят­да­ги иж­ти­мо­ий кес­кин­лик­ни кучай­иб бо­ри­ши­ни таъ­мин­лай­ди. Иж­ти­мо­ий та­ба­қа­ла­ниш­нинг ро­ли­ни фа­қат иқ­ти­со­дий рағ­бат­лан­ти­риш­да деб қарал­са жа­ми­ят­нинг кам таъ­мин­лан­ган ва кам­бағал­лар тои­фа­си­да­ги аъ­зо­ла­ри­ни бутун­лай син­ди­риш ёки бош­қа­ча айт­ган­да, ин­сон по­тен­ци­а­ли­ни йў­қа­тиш му­м­кин. Шунинг учун иж­ти­мо­ий та­ба­қа­ла­ниш­ни ба­ҳо­лаш ва тар­тиб­га со­лиш­да унинг ме­зон­ла­ри ў­за­ро боғ­лиқ бўл­ган қуйи­да­ги ва­зи­фа­лар­га му­во­фиқ бел­ги­ла­на­ди:

1. Иқ­ти­со­дий рағ­бат­лан­ти­риш (ёки иқ­ти­со­дий фао­ли­ят­ни рағ­бат­лан­ти­риш);

2. Ин­сон по­тен­ци­а­ли­ни сақ­лаш ва ри­вож­лан­ти­риш (ёки аҳо­ли­ни иж­ти­мо­ий ҳи­мо­я­лан­ган­ли­ги­ни таъ­мин­лаш).

3. Жамиятда ижтимоий барқарорликни сақлаш, таъминлаш. Бозор иқтисодиёти шароитида ижтимоий табақаланишнинг биринчи вазифасига кўпроқ эътибор қаратилган ҳолда мезонлари белгиланади. Аммо бу жараён кескинлашиб кетмаслиги учун уни ижтимоий жиҳатдан бошқариш зарурки, у икки йўналишда бориши мумкин: биринчиси – камбағал кишилар ишлаб топиш ва ўз моддий аҳволларини яхшилаш имкониятига эга бўлиши учун шарт-шароит барпо этиш, иккинчиси – жамиятдаги мавжуд неъматларни аҳолининг кам таъминланган қатламлари эҳтиёжини ҳисобга олган ҳолда қайта тақсимлаш.

Ушбу қисмга хулоса ясаб шуни айтиш мумкинки, ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнатдаги табақаланишнинг объектив ва субъектив асослари мавжуд. Унинг объектив асослари меҳнатнинг мазмуни ва характери ўртасидаги фарқли белгилар, меҳнатнинг ижтимоий жиҳатдан серқирралиги, ишлаб чиқаришнинг моддий ва шахсий омиллари сифатидаги фарқлардир. Меҳнатнинг миқдори ва сифати, жадаллиги ва унумдорлиги, мазмундорлиги, меҳнат маданияти ходимларнинг малака ва касбий даражаси, фаоллиги, ташаббускорлиги каби субъектив ўзгартиришга мойил кўрсаткичлар меҳнатдаги табақаланишнинг субъектив асосларини ташкил этади.

Меҳнат жараёнининг асосий категорияларини, ижтимоий ишлаб чиқаришда меҳнатдаги табақаланишнинг асосий сабабларини назарий жиҳатдан чуқур ўрганиш меҳнат соҳасидаги муаммоларни амалиётда адолатли ҳал қилишнинг шартидир.

Ижтимоий табақаланиш ишлаб чиқариш – меҳнат соҳаси билан узвий боғлиқдир. Ижтимоий табақаланишни асосан мулкый муносабатларга кўра ва даромадларнинг табақаланиши сифатида ажратиш мумкин. Мулкый муносабатларга кўра табақаланиш ва даромадларнинг табақаланишини назарий асослашда иқтисодчи олимлар Қ.Х.Абдурахмонов, А.В.Ваҳобов ва Р.Ҳасановнинг илмий ишлари жуда ўринли ва аҳамиятга моликдир. Меҳнатнинг характери ва самарадорлиги бўйича аҳолининг табақаланишини иқтисодиётнинг турли секторларида банд бўлган кишиларнинг сони, уларнинг меҳнат унумдорлиги ва даромадлари даражаси, мулкый улуши, ялпи миллий маҳсулот ва даро-

маддаги улуши каби кўрсаткичлар орқали аниқлаш мумкин.

2015 йилда республикамиз иқтисодиётида банд бўлган жами 11271,4 минг кишининг 51,6 фоизи (9187,6 минг киши) давлат секторида, 48,4 фоизи (2136,4 минг киши) нодавлат секторда фаолият кўрсатган бўлса, 2024 йилда иқтисодиётда банд бўлган жами 15215,9 минг кишининг 33,3 фоизи (5350,6 минг киши) давлат секторида, 66,7 фоизи (9187,6 минг киши) нодавлат секторда фаолият кўрсатган. Ушбу маълумотларни олдинги йиллар маълумотлари билан таққослайдиган бўлсак, иқтисодиётнинг давлат секторида банд бўлганларнинг ҳиссаси камайиб, нодавлат секторидаги банд бўлганлар ҳиссасининг ошиб бораётганини кўрамиз. Республика бўйича иш билан банд бўлган аҳоли сонининг иқтисодиёт секторлари ва ҳўжалик юритиш шакллари бўйича тақсимланиши ҳамда янги ташкилий структураларнинг шаклланиши ҳақидаги маълумотлар эса ушбу соҳалардаги ўзгаришларни яққол намоён этади. Иқтисодиётнинг нодавлат секторларида мулкчиликнинг янги шакллариға мувофиқ аҳоли табақалари пайдо бўлмоқда.

Бозор тизимининг таъсири кучайиши ва ишлаб чиқариш субъектларининг бозор қонунлариға мослашуви иқтисодий ривожланишда кўтарилишға олиб келади. Бу ҳолатға иккита муҳим йўналиш ижобий таъсир қилади, яъни бир томондан жамият аъзоларининг иқтисодий фаоллиги кучайиши, ишлаб чиқариш кучлари даражасининг ошиши, меҳнат унумдорлигининг ўсиши бўлса, иккинчи томондан давлатнинг аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирларининг серқирралиги ва натижавийлигидир. Аҳолининг даромадлари таркиби кескин кенгайиб миқдорий ўзгаришлардан сифат ўзгаришлариға ўсиб боради. Даромадларнинг ўсиши истеъмол таркибини сифат жиҳатидан яхшилади. Етарли таъминланган оила аъзосининг илм олишға, малакасини оширишға ва етук ҳодим бўлиб етишишға мойиллиги ошиб боради.

Кейинги даврда табақаланиш нисбатан юқори даромад олувчилар ўртасида содир булади. Меҳнат кишиси қобиляти қадрланади ва фақат унинг меҳнати, малакаси сермазмун аҳамият касб этади. Кишилар ўртасида мавжуд бўлган моддий неъматлар ҳажми билан фарқланади, яъни табақаланиш моддий таъминланганлар ўртасида бўлади. Бу эса юксак да-

ражада ривожланган бозор иқтисодига хос белгидир.

Халқаро амалиётда дециль коэффициент, яъни энг юқори таъминланган 10 фоиз аҳолининг энг кам таъминланган 10 фоиз аҳолига нисбатини билдирувчи кўрсаткич, аҳолининг кўпчилик қисмини ташкил этувчи ўрта қатлам(табақа)нинг салмоғи каби кўрсаткичлар меҳнат соҳасидаги адолат мезонлари сифатида берилади. Бизда физиологик ва социал яшаш минимумларини ҳисоблашда халқаро ҳисоб тизими услубиётидан кенг фойдаланиш бугунги кун талаби ҳисобланади.

Ижтимоий-иқтисодий адолат умуминсоний қадрият ва умуқиқтисодий категория сифатида умумий мезонларга ҳамда иқтисодиётнинг ҳар бир соҳасига тегишли бўлган хусусий мезонларга эга эканлигини юқорида таъкидлаган эдик. Шу жумладан, меҳнат соҳасида ҳам ижтимоий адолатнинг ўзига хос мезонлари мавжуддир. Аввало шуни таъкидлаш ўринлики, меҳнатнинг ўзи ҳам адолат мезони ҳисобланади. Чунки, меҳнат инсоннинг туб манфаатларини, мақсадлари ва ғояларини руёбга чиқариш йўлидир. Меҳнат инсонни камолатга етказувчи йўлдир. Немис файласуфи И.Кант меҳнатни “ҳаётдан қониқишнинг яхши усули” деб ёзган.

Шунингдек, меҳнатга муносабат ва меҳнатдан қониқиш, меҳнат шароитлари ва меҳнатнинг ташкил этилганлиги даражаси ҳам ижтимоий адолатнинг меҳнат соҳасидаги умумий мезонларини билдиради. Меҳнат соҳасидаги ижтимоий адолат мезонлари, бизнингча, қуйидагилардан иборат:

1. Иқтисодий ва ижтимоий (социал) самарадорлик нисбати, яъни ниҳоятда нафлилик назариясининг тан олиниши ва унга амал қилиш.

2. Меҳнат соҳасига тегишли қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг жамият тараққиётига ҳамоҳанглиги ва ҳаётийлиги даражаси.

3. Меҳнаткашларнинг ижтимоий таъминланганлик ва ҳимояланганлик даражаси. Бу даража(кўрсаткичлар)нинг ўсиш суръати билан ижтимоий самарадорлик(меҳнат умумдорлиги)нинг ўсиш суръати ўртасидаги нисбат.

4. Жамиятдаги тақсимот тизими, яъни шакллари ва усуллари ҳамда уларнинг даражаси ва нисбати.

5. Иш билан таъминланганлик ва ишсизлик даражаси.

6. Энг кам иш ҳақи даражаси, ўртача реал даромадлар, камбағаллик даражаси ҳамда социал ва физиологик яшаш минимунининг меъёрий (норматив) даражаси ўртасидаги нисбат.

7. Баҳолар, энг кам иш ҳақи, энг кам даромад, реал даромадлар, “истеъмол саватчаси”нинг энг кам миқдори ва қиймати, ишсизлик нафақаси, ижтимоий меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичларни индекслаштирилганлик даражаси ва улар ўртасидаги нисбат.

8. Меҳнат тақсимоли ва ихтисослашув даражаси.

9. Меҳнат соҳасида ўзлигини, қобилиятларини рўёбга чиқариш учун шароитларнинг яратилганлиги ёки меҳнатнинг илмий ташкил этилганлиги даражаси.

10. Меҳнатга бўлган муносабат, иштиёқ, рағбатлар ва меҳнатдан қониқиш даражаси.

Ушбу мезонларнинг ҳар бирини чуқур ўрганиш, билиш ва уларга риоя қилиш меҳнат соҳасида ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг асосий шартидир.

Меҳнат соҳасидаги ижтимоий-иқтисодий муаммолар жуда хилма-хил ва кенг қамровли бўлиб, бу муаммоларни адолатли ҳал қилиш ҳам мураккаб жараёндир. Бозор иқтисодиётининг ривожланиши, иқтисодий трансформация босқичларида меҳнат соҳасидаги адолат мезонлари ўзига хос хусусият ва такомил даражасига эга бўлади.

Ишлаб чиқариш – меҳнат фаолияти жараёнида ижтимоий-иқтисодий адолат қоидаларини амалга ошириш йўлларида алоҳида тўхталамиз.

Дунёда қанча аҳоли яшаса, шунча шахсий хусусиятлар ва бир-биридан фарқ қилувчи инсоний кўрсаткичлар, белгилар мавжуддир. Кишилар бир-биридан қобилияти, куч-қуввати, ақл идроки, билими, тажриба ва малакаси, салоҳияти, руҳияти-хислати билан фарқ қиладилар. Буюк мутафаккир Абу Наср Форобий айтганидек: “Кишилар жисмоний ва туғма қобилият, куч-қувватда бир-бирларидан ортиқ кам бўладилар.

Кишилар ўз даражаларида бир-бирларидан ортиқ-кам бўладилар. Бу даража уларнинг касб-ҳунар ва билимларининг ортиқ камлигида ифодаланади. Бир жинсдаги касб-ҳунар ва билимларнинг ортиқ-камлигига қараб одамлар маълум хислат фазилат касб этадилар. Бу фазилатлар киши-

лардаги истеъмол ва қобилият даражаси етук ва нуқсонли бўлишига боғлиқдир.

Таълим тарбия аҳллари ҳам билимларининг даражасига қараб бир-биридан фарқ қиладилар, ортиқ-кам бўладилар. Уларнинг баъзи бирларида кашф, ихтиро қуввати бўлмайди, баъзиларида эса бу қувват камрок бўлади.¹⁵⁹

Меҳнат жараёни кишиларнинг онгли ва мақсадга мувофиқ фаолияти экан, бунда ҳар бир киши ўзининг шахсий хусусиятлари (қобилияти, куч-қуввати тажрибаси, руҳияти ва ҳоказолар) бўйича ва шуларга мувофиқ ҳаракат қилади. Демак, бу жараён нафақат кишиларнинг аниқ жисмоний қуввати ва билим-тажрибасини, балки жуда серқирра белгилари ва хусусиятларини (омил сифатида) ҳам қамраб олади. Шундан келиб чиқиб ҳулоса қилиш мумкинки, кишиларнинг меҳнат қобилиятлари жуда кенг, серқирра, кўп ўлчовли ва кўп мезонлидир.

Кишиларнинг меҳнат қобилиятларини тўла рўёбга чиқариш ва меҳнат соҳасидаги ижобий натижаларга эришиш учун ҳамда бу соҳадаги муаммоларни адолатли ҳал қилиш учун уларнинг мана шу фарқли хусусиятлари ва белгиларини “умумийлик, хусусийлик, алоҳидалик” қондаси бўйича чуқур ўрганиш ва меҳнатнинг ижтимоий характерини ҳисобга олган ҳолда бошқариб бориш зарур. Зеро, инсоният тараққиётининг ҳамма босқичларида жамият бошқаришга ва доимо тартибга солиб туришга муҳтождир. Қаерда тартибга солиш ва бошқаришга эътибор берилмас экан, у ерда ишлаб чиқариш даражаси самара бериши гумон. Айни шу ерда бошқариш деганда ҳар бир кишига меҳнат қобилиятларини тўла рўёбга чиқариши учун шарт-шароитларни (жамият томонидан) яратиб бериш назарда тутилмоқда.

Хўш меҳнат қобилиятларини рўёбга чиқариш шарт-шароитлари қандай ёки қайсилар ? – деган савол туғилади. Бу шарт-шароитлар ҳам кишиларнинг меҳнат қобилиятлари сингари жуда серқирра, кўп ўлчовли ва кўп мезонлидир.

Кишиларнинг меҳнат қобилиятларини рўёбга чиқариш шарт-шароитларини аниқлаш (билиш) учун уларнинг меҳнатга бўлган муносабати, меҳнатга бўлган эҳтиёжи ва меҳнатдан қаноатланишининг таркибий тузилишини чуқур

¹⁵⁹ Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й. 189-бет.

ўрганиш талаб қилинади.

Умумий назарий жиҳатдан меҳнатга бўлган эҳтиёжларни қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1) социал (ижтимоий) талабларни амалга оширишга ёки нуфузга бўлган эҳтиёж, яъни, ходимни ўзининг ижтимоий ролини намоён қилишга, оммавий-нуфузли фаолият турларига қатнашишга интилиши;

2) шахсий эҳтиёжларни қондиришнинг зарурлиги: яъни, ҳаётий эҳтиёжларни қондириш учун маълум моддий неъматлар йиғиндисига бўлган эҳтиёж;

3) фаолият кўрсатишга бўлган эҳтиёж: яъни, шахснинг жисмоний, маънавий, ижодий қобилиятларини меҳнатда намоён қилишга интилиши, фаолликни маълум касб, машғулоти билан боғланиши. Шунингдек, меҳнатга бўлган муносабатларнинг қуйидаги элементларини ажратиш мумкин:

- меҳнатга қадрият сифатида бўлган муносабат;

- меҳнатга шахсий эҳтиёжларни қондириш воситаси сифатида муносабат;

- меҳнатга фаоллик хусусиятларини, ўзлигини рўёбга чиқариш имконияти сифатида муносабат.

Кишиларнинг меҳнатга бўлган муносабатлари уларнинг эҳтиёжларига қараб шаклланади. Меҳнатга бўлган эҳтиёж эса албатта, муайян-максимал даражада қондирилиши лозим. Кишиларнинг меҳнатга бўлган эҳтиёжларини қондирилиши даражаси уларнинг меҳнатдан қаноатланиши даражасида ифодаланади. Ушбу даражалар нисбийликка асосланганлиги сабабли маълум ўзаро зиддиятлардан ҳам холи эмас. Масалан, меҳнатдан қаноатланиш меҳнат қобилиятларининг тўла рўёбга чиқарилганлигини англатмайди. Чунки назарий жиҳатдан қараганда кишиларнинг ҳақиқий меҳнат қобилиятлари максимал даражада рўёбга чиқарилган иш қобилиятларидан доимо кўпроқ бўлади.

Меҳнат қобилияти объектив ва субъектив кўрсаткичларга эгадир. Объектив кўрсаткичларга туғма қобилият, яъни психофизиологик кўрсаткичлар киради. Ташқи муҳитнинг таъсири, меҳнат шароитларини яхшилаш натижасида ривожлантириб бориладиган қобилиятлар субъектив кўрсаткичларни ўз ичига олади. Кишиларнинг меҳнат қобилиятларини ошириш ва уларни тўлароқ рўёбга чиқаришга эришиш учун

уларнинг меҳнатдан қониқиши(ёки қониқмаслиги сабаблари)ни макро ва микро даражада мунтазам равишда ўрганиб, тегишли хулосалар ясаб бориш зарур.

Меҳнатдан қониқишнинг таркибини умумий тарзда қуйидаги 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1) ижтимоий (социал) мавқедан қониқиш: яъни атрофдагилар орасида ҳурмат эътиборга, муайян ижтимоий нуфузга эга бўлишга, ўзининг қадр-қимматини тушунишга бўлган эҳтиёжларнинг қондирилиши;

2) ишлаб чиқаришдаги вазиятдан, яъни, меҳнат шароитлари ва меҳнатнинг ташкил этилишидан қониқиш;

3) меҳнатнинг мазмунидан қониқиш.

Меҳнатдан қониқиш меҳнатга бўлган муносабат билан боғлиқдир. Масалан, меҳнатга қадрият сифатида бўлган муносабат меҳнатнинг мазмунидан, ишлаб чиқаришдаги вазиятдан, ижтимоий мавқедан қониқишга таъсир кўрсатишга қодир.

Меҳнатга бўлган муносабатни яхшилаш, меҳнатдан қониқишни ошириш меҳнат қобилиятларини рўёбга чиқаришнинг умумий шарт-шароитидир. Кишиларнинг меҳнатга муносабатини ўзгартириш учун, аввало, меҳнатнинг мазмуни ва характерини давр талабига, инсон эҳтиёжига, унинг қобилиятлари ва билими даражасига мос йўналишда ўзгартириб бориш лозим.

Масала тарихига бир назар ташлайдиган бўлсак, қадим-қадимдан меҳнатга бўлган муносабатни яхшилашнинг моддий, маънавий, маъмурий (яъни мажбурий) ва бошқа усулларидан фойдаланилганини кўрамиз. Масалан, мутафаккирлар, олиму фозиллар меҳнатнинг ролини, аҳамиятини тинимсиз тарғиб қилиб, унга қадрият сифатида муносабатда бўлишни асосий ўринга қўйганлар: “Меҳнат ҳамиша инсон ҳаёти ва маданиятининг асоси бўлган”. “Инсон моҳияти ҳаммадан кўра яхшироқ, ҳаммадан олижаноброқ ва мукамалроқ тарзда унинг фаолияти, унинг меҳнати ва ижодида намоён бўлади”. “Жамиятнинг бутун бойлиги ҳам, беистисно ўша жамият меҳнати билан белгиланади”. “Маданият юксаклиги доимо тўғридан-тўғри меҳнатга муҳаббат билан боғлиқдир”. “Маданият қанчалик юксак бўлса, меҳнат шунчалик қадрланади”. “Инсон меҳнат қилаётган вақтидагина том маънода инсонга айланади”.

“Киши ўз қобилиятларини амалда татбиқ этган тақдирдагина билиши мумкин”. “Инсоннинг вазифаси оқилона фаолиятдир”. “Борлиқнинг элементи - меҳнат ва бойликнинг энг аниқ белгиси фаолиятдир”. “Инсоннинг ҳақиқий фазилати керак бўлган чоғида, уни иш билан кўрсатиб, ишда исботланган тақдирдагина намоён бўлади”. “Инсон мушоҳада билан эмас, балки ҳаракатда ўз-ўзини англайди. Қилиниши лозим бўлган ишга куч-ғайрат сарфланганда у ўзининг кимлигини билади”.¹⁶⁰

Бизнес, менежмент нуқтаи назаридан қараганда, одамлар уч тоифага бўлинадилар. Биринчи – иқтисодий одам. Унинг асосий мақсади, фикри зикри кўпроқ пул олишдир. Демак, уни ишлатиш учун кўпроқ моддий рағбатлантириш ёки жаримага аҳамият бериш керак. Иқтисодий одамнинг асосий заиф томони шундаки, у, оддий қилиб айтганда, “пул деса ўзини томдан ташлашга ҳам тайёр”. Агар бошқа фирма кўпроқ пул ваъда қилса, ишлаб турган жойини бемалол тарк этаверади.

Иккинчи тоифа – социал (ижтимоий) одам. Булар ўз кучларига ишонмайдиган, давлатдан ёки фирмадан ҳомийлик кутадиган одамлардир. Бундай одамлардан ташаббускорликни кутиш қийинроқдир.

Ниҳоят учинчи тоифадагилар – айнан ўз имкониятларини амалга оширувчи ходимлар. Булар ҳам моддий томонга аҳамият берадилар (оладиган иш ҳақи, даромаднинг бошқа манбалари), ҳам ташаббускор, янги-янги ғоялар (товарлар) таклиф қилувчи бўладилар. Ундан ташқари улар фирмага садоқатли бўладилар, фирманинг яхши-ёмон кунларида уни қўллаб-қувватлайдиган, фаровонлигини таъминлайдиган ҳам шулар бўлади”.¹⁶¹

Ушбу назария ва қоидаларда меҳнатга муносабатнинг турли жиҳатлари ўз аксини топади. Ф.Герцбергнинг боисий тозаланиш (мотивационная гигиена) назарияси асосида қониқиш келтирувчи меҳнат руҳий соғлом бўлишга ҳам ҳамкорлик кўрсатади, деган фикр ётади. Бу назария ходимнинг ўз меҳнатидан қониқиш ҳосил қилишига ҳамкорлик

¹⁶⁰ Воронцов В. Тафаккур гулшани. Ш.Абдураззоқова таржимаси. - Тошкент. Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989 йил. 69-75-бетлар.

¹⁶¹ Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Тошкент “Ўқитувчи” 2001 й. 126-бет.

кўрсатувчи (меҳнат ютуқлари, хизматларининг тан олин-
ши, бевосита меҳнат жараёни, масъулиятнинг юқорилиги,
хизматдаги ўсиши, малакасининг ошиши) омилларни кўриб
чиқади. Бу омиллардан бирининг ёки бир қанчасининг бўли-
ши, кишининг ўз меҳнатида қониқиши боис, ходимнинг иш
жараёнидаги ўзини тутишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

Меҳнатдан қониқиш назарияси бўйича унинг элементлари
3 та даражага тегишли бўлган бир қанча турларга бўлинади.
Булардан биринчиси – меҳнатдан қониқишнинг ижтимоий
(социал) даражаси. Бу даражага қуйидаги омиллар киради:
ижтимоий мавқе (статус), хизмат поғонаси бўйича кўтари-
лиш имконияти, малакани ошириш, жамоатчилик тан ола-
диган ижтимоий аҳамиятга эга бўлган натижаларга эришиш
ва ҳоказолар. Иккинчиси – меҳнатдан қониқиш таркибининг
руҳий (психологик) даражаси таркибига меҳнат шароитла-
ри ва меҳнатни ташкил этиш элементлари киради. Меҳнат
шароитлари деганда ишлаб чиқаришнинг санитар-гигиеник,
эстетик шароитлари (яъни, иш жойидаги ҳаво температура-
сининг мўътадиллиги, ҳавонинг тозалиги – турли хил чанглар
ва кимёвий газлардан тозаланганлиги, шовқин-суроннинг
олди олинганлиги, ёруғликнинг нормаллиги ва ҳоказолар) ва
жамоадаги маънавий-руҳий иқлим ёки вазият тушунилади.

Меҳнатдан қониқишнинг учинчи – психофизиологик да-
ражаси бажарилаётган ишни ходимнинг қобилиятларига,
руҳий ва жисмоний хусусиятларига мувофиқлигини, ишга
қизиқишини, асабий ва жисмоний юклама (ишнинг оғирлиги,
бир маромдаги ва ҳ.к) параметрларини ва шуларга ўхшаш
бошқа элементларни ўз ичига олади. Меҳнатдан қониқиш
таркибининг юқорида айтилган 3 та даражаси билан бир
қаторда, алоҳида ўринга эга бўлган шундай омиллар бор-
ки, иш ҳақи ва инфра-экоструктура (яъни, корхона ва аҳоли
пунктининг ҳамда минтақанинг экоструктураси)дир.

Иш ҳақи омилнинг кўрсаткичлари меҳнатдан қониқиш
таркибининг барча элементларига тегишли бўлиши мум-
кин. Масалан, “иш ҳақидан қониқмаганлик” сабаблари-
нинг меҳнатдан қониқиш таркибининг элементлари бўйича
тақсимланишини 3- жадвал ёрдамида ифодалаш мумкин.

Меҳнатдан қониқиш ва меҳнатга муносабатларнинг
барча элементлари ва омиллари кишиларнинг меҳнат

қобилиятларини рўёбга чиқариш шарт-шароитларини ташкил этади.

Меҳнатга муносабатни ўзгартириш, меҳнатдан қониқишни ошириш йўли билан кишиларнинг меҳнат қобилиятларини ривожлантириш ва уларни тўлароқ рўёбга чиқариш шарт-шароитларини таъминлаш бўйича ривожланган мамлакатларда анча илғор назариялар ва тажрибалар тўпланган. Мана шу назария ва тажрибаларни ўрганиш ҳамда уларни Ўзбекистон шароитига мос равишда ишлаб чиқаришга жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Масалан, америкалик социолог ва психолог Э.Мэйо томонидан асос солинган инсоний муносабатлар назариясининг қондаси шундай: ташкилот шахсни эзган чоғда унинг самарадор ва натижа келтирувчан бўлиши мушкул, ташкилот шахс ўзини намоён этишини рағбатлантирган чоғда эса унинг янгиланмаслиги ва такомиллашмаслиги мумкин эмас. Инсоний муносабатлар мактаби нуқтаи назаридан олганда, ишчи – фикрсиз робот эмас, балки обрў-эътиборда, ўз-ўзини ҳурмат қилишда, ўз қадр-қийматини ҳис этиш, бошқа кишилар томонидан маъқулланиш, шахсий мақсадлар ва манфаатларга эришишга интилишда муайян социал эҳтиёжларга эса бўлган индивиддир. Айни индивидлар компания ва фирмаларнинг манбаи эканлигидан келиб чиқиб, инсоний муносабатлар мактаби бошқарувининг ташаббускорликдан, ишчилар билан ҳамкорликдан, компанияда “бирдамлик руҳи” ва “муштараклик туйғуси”ни шакллантиришдан фойдаланиш ҳамда уларни рағбатлантиришга асосланган тегишли усулларини ишлаб чиқди.

Биринчи Президент И.А.Каримов мустақилликнинг дастлабки йилларида таъкидлаганидек: “Инсоннинг ўзи ва ўз оиласининг бахт-саодати йўлида меҳнат қилишга шахсан тайёр эканлиги унинг ички имкониятларини ташкил этади. Бизнинг кўламли ижтимоий-иқтисодий ниятларимиз халқимизнинг меҳнатсеварлигидан келиб чиқади.

Ўтказилаётган ислохотлар фуқароларимизнинг меҳнатсеварлиги, ишбилармонлиги ва фидойилигини намоён этишда уларга янги имкониятлар очиб беради. Одамлар тобора кўпроқ иқтисодий мустақиллик кўрсатмоқдалар, ўз кучлари, қобилиятлари ва билимларини фойдали суръат-

да қўллаш йўлларини изламоқдалар. Ўз-ўзини ривожлантиришга, ўзини камол топтиришга бўлган интилиш инсоннинг гурурини, унинг ҳақиқий фазилатларини юксалтиради. Ҳар бир инсон ўзича такрорланмасдир. Жамият бу ўзига ҳосликни қўллаб-қувватлаб сақлаб қолади, уни маданиятнинг янада баландроқ даражасига кўтарувчи янги фазилатларни мисқоллаб йиғади ва унга эга бўлади”¹⁶².

“Ўзбекистоннинг меҳмондўст, меҳнатсевар халқи унинг чинакам бойлигидир. Республика меҳнат ресурслари билан таъминланиш даражаси юқори бўлган минтақа ҳисобланади. Марказий Осиёдаги меҳнат ресурсларининг деярли 40 фоизи унинг ҳиссасига тўғри келади. Меҳнатга лаёқатли аҳолининг ёшини таҳлил этиш аҳоли асосан юқори меҳнат фаоллиги билан ажралиб турадиган 30-49 ёшдаги одамлардан иборат бўлишини кўрсатмоқда. Одамларнинг таълим даражасининг юқорилиги меҳнат салоҳиятининг ўзига хос хусусиятидир. Халқ хўжалигида банд бўлган ҳар 4 ходимдан бири олий ёки ўрта махсус маълумотлидир.

Ўзбекистон кучли илмий салоҳиятга эгадир. Айниқса деҳқончилик, табиий ва аниқ фанлар соҳасидаги салоҳияти кучли. Ўзбекистон олимларининг тарих, математика, физика, қуёш билан боғлиқ материалшунослик, зилзилага бардошли иншоотлар назарияси, ўсимлик моддалари кимёси ва бошқа соҳалардаги тадқиқотлари мамлакат ташқарисида ҳам машҳурдир.

Мавжуд улкан ресурслар, ақл-зиё ва ишлаб чиқариш потенциали республикада иқтисодиётни янгилаш, уни маърифий ривожлантириш йўлига ўтказишга доир туб ислохотларни амалга оширишга ҳақиқий шарт-шароит ва имконият яратади. Ривожланган ва ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиёти халқ фаровонлигини ўз-ўзидан вужудга келтирмайди, балки бунинг учун фақат зарур шарт-шароитлар ва замин яратади, хўжалик юрутувчи барча субъектларнинг ижодий қобилиятлари рўёбга чиқишига кўмаклашади. Шунингдек, бу иқтисодиёт, инсоннинг ҳаёт фаолияти ва уни ривожлантириш учун муносиб шарт-шароитларни, ишончли ижтимоий-кафолатларни, аҳолининг тур-

¹⁶² И.А.Каримов. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Тошкент.»Ўзбекистон» нашриёти 1992 й. 74-75-бетлар.

муш даражасини оғишмай оширишни таъминлашга даъват этилгандир».¹⁶³

Ижтимоий ишлаб чиқаришнинг самарадорлигини ошириш ишчиларнинг иш қобилиятларини ошириш муаммоси билан чамбарчас боғлиқдир, чунки юқори иш қобилияти юксак меҳнат унумдорлигининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Меҳнат унумдорлигини ошириш эса объектив зарурият, кишилиқ жамияти тараққий этишининг умумий иқтисодий қонунидир. Меҳнат унумдорлигини ошириш келгусида иш вақтини қисқартириш ҳамда бўш вақтни кўпайтириш, иш ҳақини ўстириш учун зарур шарт-шароит яратади.

Халқаро Меҳнат Ташкилоти (ХМТ) Низомининг Муқаддимасида ёзиладики, “умумбашарий ва мустақкам (барқарор) тинчлиқ фақат ижтимоий адолат асосидагина ўрнатилиши мумкин”. Шунингдек, таъкидланадики: “адолатсизликка, кўпчилик кишилар учун муҳтожлик ва йўқликка сабаб бўладиган, бутун дунёдаги тинчлиқ ва бирдамликка хавф солувчи шундай норозиликни уйғотадиган меҳнат шароитлари амал қилади».¹⁶⁴ “Ушбу шароитларни яхшилашнинг зарурати”дан келиб чиқиб ва қайсидир мамлакатда меҳнаткашларга инсонга мувофиқ меҳнат шароитларини яратиб бермаслик ўз мамлакатларида меҳнат аҳволини яхшилашни хоҳловчи бошқа халқлар учун тўсиқ бўлишини эътиборга олиб”, Низомда ушбу шароитларни яхшилашни: Иш вақтини белгилаш; ишсизликка қарши курашиш; қониқарли турмуш шароитини таъминловчи иш ҳақини кафолатлаш; меҳнаткашларнинг соғлигини муҳофаза қилиш; болалар, ўсмирлар ва аёлларни ҳимоя қилиш; қарилик ва ногиронлик бўйича нафақалар бериш; муҳожир меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш; тенг меҳнатга тенг иш ҳақи ва бирлашиш (бирлашма) эркинлиги қоидаларини тан олиш; касбий-техникавий билим олишни ва бошқа чора-тадбирларни ташкил этиш йўли билан амалга ошириш тавсия этилади.¹⁶⁵

Дарҳақиқат, меҳнат соҳасидаги ижтимоий муаммолар ва бу соҳада ижтимоий адолат қоидаларини рўёбга чиқариш

¹⁶³ И.А. Каримов. Ўзбекистон - бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент, «Ўзбекистон», 1993 й. 47-бет.

¹⁶⁴ Халқаро меҳнат ташкилотининг Низоми. 5-бет.

¹⁶⁵ Халқаро меҳнат ташкилотининг Низоми. 11-бет.

бевосита меҳнаткашларнинг иш шароити билан боғлиқдир. Меҳнат шароитлари ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий кўрсаткичларнинг ўзгаришига бевосита таъсир кўрсатувчи асосий омиллар таркибига кирилади.

Ходимларнинг қулай меҳнат шароитларига бўлган эҳтиёжи, уларнинг озиқ-овқатга, турар-жойга, иқтисодий тоза яшаш муҳитига ва тиббий хизматларга бўлган баъзи эҳтиёжлари билан бир қаторда туради. Шунингдек, мамлакатимиз ва чет эл тажрибаси шундан далолат берадики, баъзи эҳтиёжларни қондирилишига қараб тегишли равишда мазмундор-қизиқарли машғулотга (ишга), ҳар жиҳатдан қулай ва шинам шароитларга ҳамда мослашувчи, қулай меҳнат тартиби(режими)га эга бўлиш хоҳиш-истаги ошиб боради.

Қулай меҳнат шароити кишиларнинг ишлаш қобилиятини оширишга, меҳнат унумдорлигининг кўтарилишига имконият яратади. Ишлаб чиқариш маданиятини яхшилаш меҳнатни илмий ташкил этишнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ишлаб чиқаришда қулай шароит, энг аввало, иш жойларида яхши микроклим (ҳавонинг нормал температурада) бўлишини талаб этади. Иш жойлари мақсадга мувофиқ ёритилган, чанг-тўзон, газ, буғ ва ислардан холи бўлиши керак. Меҳнат шароитини яхшилаш учун шовқин-сурон масаласига катта эътибор бериш лозим. Нормадан ошиқча бўлган кучли ва давомли шовқин фақат эшитиш органларига таъсир этибгина қолмай, балки бутун организмга таъсир кўрсатади, кўзни заифлаштиради, нафас олиш ритминини ва юрак фаолиятини ўзгартиради, қон босимини оширади, меҳнат унумдорлигини 10-20% пасайтиради ва ҳар хил касалликларга олиб келади. Меҳнат шароитининг қулайлиги ишлаб чиқариш хоналари ва асбоб-ускуналарининг рангига ҳам боғлиқ. Чунки баъзи ранглар ишловчининг руҳини, кайфиятини кўтарса, асабий толиқишни камайтирса, айримлари киши кайфиятини бузади, кўзни қамаштиради ва жисмоний толиқтиради. Меҳнат шароитини яхшилашда, меҳнат хавфсизлигини таъминлашда иш кийимининг аҳамияти ҳам каттадир. Қулай, енгил, ихчам ва чиройли иш кийимида ишловчи ўзини эркин, тетик ва эпчил тутати.

Умумий назарий асосларга кўра меҳнат шароитлари де-ганда ходимлардан юксак унум билан фойдаланиш имкони-

ятларини ва меҳнат жараёнининг инсон соғлигига ва шахс камолотига ижобий таъсири даражасини белгиловчи омиллар йиғиндиси тушунилади.

Меҳнат шароитларини шакллантирувчи омилларни ҳар бир элементи бўйича чуқур таҳлил қилиниб, уларни қуйидаги 6 та катта гуруҳга ажратиш назарий жиҳатдан асосланган:

- 1) меҳнатнинг ижтимоий-психологик(руҳий) омиллари;
- 2) ташқи меҳнат муҳитининг санитария-гигиена омиллари;
- 3) меҳнат жараёнининг эстетик омиллари;
- 4) ишчи кучи ҳаракатининг иқтисодий-ташкилий омиллари;
- 5) меҳнатнинг техник қуролланганлиги;
- 6) иқлим шароити ва миллий-диний урф-одатлар.

Ушбу омилларни гуруҳларга ажратиб, улар ўртасидаги алоқадорликни кўрсатиш уларнинг ишлаб-чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий-иқтисодий адолатга эришишдаги ролини очиқ беришдан иборатдир.

Меҳнат шароитларини такомиллаштириш натижасида ҳам ижтимоий, ҳам иқтисодий самарадорликка эришиш муқаррардир. Меҳнат шароитини иқтисодий категория сифатида ўрганиш жараёнида унга таъсир қилувчи омилларни юқорида саналганидек, олтига гуруҳга ажратилган. Бу омилларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигига таъсирини баҳолаш учун мезонлар ва кўрсаткичлар гуруҳи танланган. Бундай мезонлар 2 та: ижтимоий ва иқтисодий.

Ижтимоий мезон корхона фаолиятининг ижтимоий йўналишларини ва ижтимоий самарадорлигини, унинг ҳосил бўлиш хусусиятларини ифодалайди. Бу мезонларнинг кўрсаткичлар билан қандай боғланганлиги 5-чизмада тасвирланган. Ҳар бир мезонга кирувчи кўрсаткичлар уч гуруҳга бўлинган. Биринчи гуруҳга умумий (интеграл) кўрсаткичлар киради. Улар меҳнат шароити ҳолатининг ижтимоий-иқтисодий шакллари ифодалайди. Иккинчи гуруҳга хусусий (дифференциал) кўрсаткичлар киради. Улар меҳнат шароитининг алоҳида омилларини характерлайди. Учинчи гуруҳга эса иқтисодий кўрсаткичлар киритилган. Улар корхонанинг қуйидаги харажатларини ифодалайди:

- меҳнат муҳофазаси бўйича ўтказиладиган чора-тадбирларининг умумий харажатлари;
- ёмон меҳнат шароити туфайли имтиёзлар бериш, товон

тўлаш, иш ҳақиға қўшимчалар бериш, қисқартирилган иш куни, ҳақ тўланадиган йиллик қўшимча таътил харажатлари;

- касб касалликлари ва жароҳатланиш ҳолатлари туфайли бўладиган харажатлар;

- кадрлар қўнимсизлиги туфайли кўриладиган зарарлар;

- маҳсулот сифати ёмонлашуви туфайли кўриладиган зарарлар. Бундан кўринадики, танланган мезонлар ва кўрсаткичлар ишлаб чиқариш самарадорлиги меҳнат шароитига боғлиқлигини тўғри ифодалайди.

Бозор иқтисоди шароитида бу боғлиқлик янада муҳим аҳамият касб этади, чунки яхши меҳнат шароити яратадиган ишлаб чиқарувчи рақобатда доимо устунликка эга бўлади.

Қулай меҳнат шароитлари кафолатини таъминлаш заҳуратиға 100 йилдан ортиқ халқаро тажрибаға эға бўлган Халқаро Меҳнат ташкилоти (ХМТ) фаолиятининг дастлабки даврлариданоқ қонуний тус берилган ва бу қонуний ёндашув ҳозирға қадар такомиллаштирилиб, мустаҳкамланиб келмоқда. ХМТ кўп йиллик фаолияти давомида ўзига аъзо бўлган мамлакатлардаги меҳнат шароитларини, меҳнаткашларнинг муаммоларини, ижтимоий муҳофазасини, инсон ҳуқуқлари аҳволи қай даражада эканлигини ўрганиш ва тадқиқ этиш борасида катта тажриба тўплаган.

ХМТнинг кейинги йилларда ўтказган анжуманларида “Ногиронларнинг касбий ҳуқуқларини тиклаш”, “Ёшларнинг бандлик муаммолари”, “Ижтимоий адолатни тарғиб қилиш” мавзуларида маърузалар тингланган ва қатор дастурий ҳужжатлар қабул қилинган.

Жумладан, 1992 йилнинг 13 июлидан бошлаб ХМТға аъзо бўлган Ўзбекистонда ҳам ушбу йўналишдаги қатор муаммоларини ҳал қилишға бағишланган тадбирлар ўтказилмоқда. Уларда халқаро меъёрларға мувофиқ бўлган меҳнат мажмуаларини, муҳожир меҳнаткашларни ижтимоий ҳимоялаш ва хавфсизлигини таъминлаш бўйича идоралараро ва давлатлараро иккиёқлама келишувларни ишлаб чиқиш ва амалға ошириш, чет элда ишлаётган фуқароларни ижтимоий ҳимоялаш ва иқтисодий кафолатлари ҳамда юридик ҳуқуқларини таъминлашға қаратилган чораларни амалға ошириш, чет элда ишлаш учун кетаётган фуқароларға маслаҳат-ахборот ёрдами кўрсатиш, ишға жойлашаётган давлатнинг меҳнат ша-

роитлари, қонунлари ва урф-одатлари билан таништириш, муҳожир меҳнаткашларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш масалаларини тартибга солиш, республикага қайтгандан сўнг эса уларни қайтадан ишга жойлаштириш ва ижтимоий ҳимоя қилиш сингари масалалар кун тартибидан жой олган.

ХМТнинг Низоми, иш фаолияти, назарий ва амалий тавсиялари ҳамда дастурларидан келиб чиқиб шундай хулоса қилиш мумкинки, меҳнат соҳасидаги муаммоларни адолатли ҳал қилиш, жумладан, меҳнат шароитларини яхшилашнинг энг адолатли ва самарали йўллари танлаш учун ушбу нуфузли ташкилотнинг бутун фаолиятини (унинг Низомидан тортиб, ўтган даврларда қабул қилинган дастурлари ва тавсияларини ва ҳ.к.) республикамиз миқёсида имкон даражада кенгроқ ёритиб борилиши лозим.

Юқорида таъкидланганидек, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини қонуний кафолатловчи халқаро ва республикамиз миқёсидаги ҳужжатларда, жумладан, Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва бошқа қонунларида муносиб ва хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш зарурлиги белгиланган. Лекин ҳозирга қадар баъзида объектив иқтисодий сабаблар, баъзида эса субъектив сабабларга кўра муносиб меҳнат шароитларига эга бўлмаган тармоқ ва ҳудудлар, корхона ва жамоалар салмоғи сақланиб келмоқда.

Корхоналардаги жамоа шартномасига меҳнат шароитини яхшилашга, шунингдек, ишлаб чиқаришнинг ноқулай шароитларида ишлаганлик учун имтиёзлар ва товонлар тўлашга доир мажбуриятлар ҳам киритилади. Унда иш вақтидан фойдаланиш, меҳнат ва дам олиш тартиби, ишнинг сменалилиги, йиллик меҳнат таътиллари масалалари кўрсатиб ўтилади. Хотин-қизлар меҳнат шароитини яхшилаш, уларни оғир ишларни бажаришдан ва тунги сменалардаги ишдан озод этиш чора-тадбирларига алоҳида эътибор берилади.

Меҳнат шартномаси(битими)нинг асосий шартларидан бири иш берувчининг ходим меҳнатини ташкил этиш, хавфсиз ва унумли ишлаши учун шароит яратиш, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги қоидаларига мувофиқ иш жойини жиҳозлаш, оғир ва зарарли меҳнат шароитлари учун товон (компенсация) ва имтиёзлар бериш бўйича ҳамда амалдаги меъёрий ҳужжатлар ва жамоа шартномаси билан

кўзда тутилган бошқа мажбуриятларидир. Худди шундай тегишли қонунлар ва меъёрий ҳужжатларда адолатли меҳнат шароитларини таъминлаш, уларни янада яхшилаб бориш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш мажбуриятларининг белгиланиши яхши, албатта. Аммо мана шу чора-тадбирлар, мажбуриятлар амалда тўла қўлланилгандагина кўзланган мақсадга эришиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий адолатга эришишда меҳнат шароитларини яхшилашнинг ролини тадқиқ қилиш жараёнида қуйидагича назарий хулосалар ва таклифлар юзага келди:

1. Технологик инқилоблар меҳнат муносабатлари тизимида янги имкониятлар билан бир қаторда, янги хавф-хатарларни ҳам келтириб чиқармоқда. Ижтимоий-иқтисодий адолат қоидаларини таъминлашнинг анъанавий усуллари бугунги кун талабига жавоб бермайди.

Ўзбекистон учун қуйидаги таклифлар долзарб ҳисобланади:

- минимал иш ҳақини индексация қилиш ва ҳаётий зарур эҳтиёжлар билан уйғунлаштириш;
- гиг-иқтисодиёт ишчилари учун ҳуқуқий асосларни яратиш;
- ёшлар ва аёллар бандлигини қўллаб-қувватлаш дастурларини кучайтириш;
- умрбод таълим тизимини ривожлантириш;
- меҳнат бозорида рақамли мониторингни жорий этиш.

2. Меҳнат шароитларини шакллантирувчи омилларни аниқ белгилаш ва гуруҳларга ажратиш лозим. Бу омилларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва ижтимоий адолатга эришишдаги ролини чуқур ўрганиш ва кенг тарғиб қилиб бориш зарур;

3. Жамоа шартномаси ҳамда меҳнат шартномаси (битими) тузишни такомиллаштириш ва уларда кўрсатилган шарт-шароитларни таъминлаш механизминини яхшилаш лозим. Бунда меҳнат шарт-шаритларига оид меъёрий-услубий материаллар илова қилиниши ҳамда ходим ва иш берувчи томонидан қабул қилиниши зарур. Меҳнатнинг нормал шарт-шароитларини таъминланмаган корхоналар – иш берувчиларни назорат қилиш ва жазолаш чоралари белгиланиши керак.

4. Меҳнат шароитларининг меъёрий кўрсаткичлари, уларни талаб қилиш учун ходимнинг ҳақ-ҳуқуқлари барча

ишловчиларга кенг тарғиб қилиниши, матбуотда кенг ёритиб борилиши лозим. Бу борада, ХМТнинг меҳнат шароитларига оид ҳужжатлари ва фаолияти, республикадаги меҳнат шароитлари Давлат экспертизаси ва бошқа тегишли бўлинмаларнинг материаллари кенгроқ ёритиб борилиши мақсадга мувофиқдир.

5. Ходимларнинг меҳнат шароитларидан ва унинг хавфсизлигидан қониқиш даражаси доимо ўрганилиб борилиши ва мулкчиликнинг турли шаклларига мансуб бўлган корхоналарда меҳнат шароитларининг меъёрий базасини такомиллаштириш бўйича тавсиялар бериб борилиши зарур. Шунингдек, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий имтиёзлар ва меҳнат шароитлари, ижтимоий шериклик соҳаларида меҳнат муносабатларининг субъектлари ўртасида тузиладиган битимларнинг умумий шаклини ишлаб чиқиш лозим.

6. Рақамли трансформация жараёнида инсон омили, яъни ишчи кучининг манфаатлари, касбий ривожланиши ва фаровонлиги марказий ўринда туриши лозим. Фақат шундагина рақамли технологиялар ҳақиқий маънода меҳнат бозорини такомиллаштиришга хизмат қилади ҳамда мамлакатимизнинг узоқ муддатли ижтимоий-иқтисодий тараққиётига мустаҳкам замин яратади.

3.3. Иқтисодий трансформация шароитида ижтимоий-иқтисодий адолат тамойилларининг амал қилиши ва аҳоли томонидан қабул қилиниши.

Ҳозирги кунда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларига дахлдор бўлиб, иқтисодий тизимдаги трансформация жараёнлари аҳолининг ҳаёт сифати ва фаровонлигига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Бундай шароитда ижтимоий-иқтисодий адолат тамойилларининг амал қилиши ва уларнинг аҳоли томонидан қабул қилиниши масаласи долзарб аҳамият касб этади.

Аҳоли адолатни қандай қабул қилиши – бу нафақат иқтисодий сиёсатнинг самарадорлиги, балки ижтимоий барқарорликнинг ҳам асосий мезонларидан бири ҳисобланади. Шу боис, иқтисодий трансформация жараёнида аҳоли ўртасидаги ижтимоий адолат тўғрисидаги

қарашлар ва баҳолашлар муҳим тадқиқот объекти бўлиб хизмат қилади.

Шунингдек, трансформация жараёнида бозор механизмлари кучайиши ва давлат ролининг қайта шаклланиши ресурсларни тақсимлашда янги вазиятларни юзага келтиради. Бу жараёнда аҳоли турли қатламларининг манфаатлари ва имкониятлари турлича бўлгани учун адолат мезонлари ҳам қайта кўриб чиқилади. Трансформация шароитида адолат – аҳолидаги субъектив қабул қилиш (қониқиш даражаси) билан объектив иқтисодий кўрсаткичлар (даромадлар, иш ўринлари, хизматлар сифати) ўртасидаги мутаносибликка боғлиқ.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, республикаимизнинг барча ҳудудларини қамраб олган ҳолда кенг жамоатчилик ва эксперт гуруҳлар ўртасида қуйидаги социологик сўровнома ўтказилди.

СЎРОВНОМА

Ассалому алайкум! Ушбу сўровнома мамлакатимизда адолатли жамият барпо этиш, “адолатли жамият модели”ни такомиллаштириш мақсадида ўтказилмоқда. Сўровнома умумлаштирилган ҳолда таҳлил қилинади. Сизнинг жавобларингиз муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олган ҳолда саволларга аниқ ва холисона жавоб беришингизни сўраймиз. Сўровномада иштирок этганлигингиз учун миннатдорчилик билдирамиз.

1. Сиз Янги Ўзбекистонда адолатли жамиятнинг қайси жиҳатини энг устувор деб биласиз?

- 1.1. Демократия даражаси
- 1.2. Аҳоли фаровонлиги
- 1.3. Маънавий барқарорлик
- 1.4. Иқтисодий ўсиш, барқарор ривожланиш
- 1.5. Қонун устуворлиги ва одил судлов
- 1.6. Ҳаммаси устувор деб ўйлайман.
- 1.7. Бошқа омиллар: фикрингизни ёзиб қолдиринг

2. Жамиятдаги адолатсизликларга қарши курашда қайси омилларга кўпроқ эътибор қаратиш керак деб ўй-

лайсиз? (3 та жавоб вариантини белгилашингиз мумкин)

- 2.1. Жамиятнинг очиклик ва эркинлик даражасига
- 2.2. Қонун устуворлиги ва одил судлов даражасига
- 2.3. Мулкдорларнинг хусусий мулк ҳуқуқининг кафолатланганлиги ва ҳимояланганлиги даражасига
- 2.4. Меҳнат, иш ҳақи ва тақсимот муносабатларидаги уйғунликка
- 2.5. Коррупциянинг олди олинганлиги даражасига
- 2.6. Монополияга қарши кураш ва эркин рақобат муҳитининг яратилганлиги даражасига
- 2.7. Бошқа жиҳатиға: фикрингизни ёзиб қолдиринг

3. Ҳақиқат, виждон, адолат билан яшаш қондасига қандай қарайсиз?

- 3.1. Тўлиқ қўшиламан
- 3.2. Қисман қўшиламан
- 3.3. Жавоб беришга қийналаман
- 3.4. Қисман қўшилмайман
- 3.5. Тўлиқ қўшилмайман
- 3.6. Бошқача қарайман: фикрингизни ёзиб қолдиринг

4. Сиз ва оилангиз тинч ва фаровон (адолатли) ҳаёт кечириши учун қуйидагиларнинг қайси бири муҳим ўрин тутади (ёки қуйидагилар қандай ўрин тутади)? (3 та жавоб вариантини белгилашингиз мумкин)

- 4.1. Адолатли давлат
- 4.2. Адолатли иқтисодиёт
- 4.3. Адолатли жамият
- 4.4. Адолатли дунё
- 4.5. Адолатли
- 4.6. Бошқаси: фикрингизни ёзиб қолдиринг

5. Сиз ишлайдиган корхонада иш берувчи томонидан ходимларга соғлом ва хавфсиз меҳнат шароитлари яратилганми?

- 5.1. Юқори даражада яратилган
- 5.2. Ўртача даражада яратилган
- 5.3. Уйлаб кўрмаганман
- 5.4. Паст даражада яратилган

5.5. Қониқарсиз даражада яратилган

5.6. Бошқаси: фикрингизни ёзиб қолдиринг

6. Ишчи-ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари ва манфаатларини ҳимоя қилиш, иш ҳақи бериш ҳолати (даражаси) қандай?

6.1. Юқори даражада

6.2. Ўртача даражада

6.3. Ўйлаб қўрмаганман

6.4. Паст даражада

6.5. Қониқарсиз даражада

6.6. Бошқаси: фикрингизни ёзиб қолдиринг

7. Сиз меҳнат муносабатларидаги адолатлилик даражасини қандай баҳолайсиз?

7.1. Юқори

7.2. Ўртача

7.3. Билмайман

7.4. Қониқарсиз

7.5. Паст

8. Сиз мамлакатимизда мулкдор бўлиш ва тадбиркорлик қилиш ҳуқуқларининг кафолатланганлиги даражасини қандай баҳолайсиз?

8.1. Юқори

8.2. Ўртача

8.3. Билмайман

8.4. Қониқарсиз

8.5. Паст

9. Сиз тақсимот, солиқ ва бюджет муносабатларидаги адолатлилик даражасини қандай баҳолайсиз?

9.1. Юқори

9.2. Ўртача

9.3. Билмайман

9.4. Қониқарсиз

9.5. Паст

10. Сиз иқтисодиёт соҳасида адолатлилик даражасини қандай баҳолайсиз?

10.1. Юқори

10.2. Ўртача

10.3. Билмайман

10.4. Қониқарсиз

10.5. Паст

11. Адолатли иқтисодиёт даражасига баҳо беринг
(1дан 5гача бўлган баҳони қўйишингиз мумкин, бунда 1 – энг паст баҳо, 5 – энг юқори баҳо ҳисобланади, баҳонгизни айланага олиб белгиланг).

11.1. Иш билан таъминланганлик ва меҳнат шарт-шароитлари даражаси

1 2 3 4 5

11.2. Меҳнат натижадорлигига (унумдорлигига) яраша иш ҳақи ва даромадлар даражаси

1 2 3 4 5

11.3. Яшаш минимуми, ижтимоий суғурта, ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий таъминот даражаси

1 2 3 4 5

11.4. Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит барқарорлиги даражаси

1 2 3 4 5

11.5. Ижтимоий шериклик ва ижтимоий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш даражаси

1 2 3 4 5

11.6 Бошқа жиҳатини (белгисини) _____
ёзиб, баҳо беринг

1 2 3 4 5

12. Сизнингча бугунги кунда қайси соҳаларда адолат мезонлари кўпроқ бузиляпти деб баҳолайсиз? (3 та жавоб вариантини белгилашингиз мумкин)

11.1. Таълим соҳасида

12.2. Ички ишлар соҳасида

12.3. Соғлиқни сақлаш соҳасида

12.4. Қурилиш соҳасида

12.5. Суд-ҳуқуқ соҳасида

12.6. Хавфсизлик соҳасида

12.7. Экология соҳасида

12.8. Саноат, ишлаб чиқариш соҳасида

12.9. Матбуот ва оммавий ахборот соҳасида

12.10. Бошқаси (ёзинг)

13. Рақамли иқтисодиёт ва рақамли технологиялар (сунъий интеллект) адолатли жамиятни барпо этишга ёрдам берадими?

- 13.1. Жуда яхши ёрдам беради
- 13.2. Вақтинчалик ёрдам беради
- 13.3. Билмайман
- 13.4. Ёрдам бермайди
- 13.5. Зарар етказади
- 13.6. Бошқаси: фикрингизни ёзиб қолдиринг

14. Рақамли трансформация шароитида жамиятнинг адолатлилик даражаси (адолат қоидалари) ўзгарадими?

- 14.1. Жамиятнинг адолатлилик даражаси ошади
- 14.2. Жамиятда адолат қоидалари ўзгаради
- 14.3. Билмайман
- 14.4. Жамиятнинг адолатлилик даражаси пасаяди
- 14.5. Жамиятда адолат қоидалари ўзгармайди
- 14.6. Бошқаси: фикрингизни ёзиб қолдиринг

15. Жаҳон бозорида глобал адолат қоидалари қандай бўлиши керак, деб ўйлайсиз?

- 15.1. Жаҳон савдо ташкилоти томонидан белгиланган қоидаларга мос бўлиши керак
- 15.2. Ҳалол рақобат ва бозор қонуниятларига мос бўлиши керак
- 15.3. Билмайман
- 15.4. Ҳар бир мамлакат манфаатларига ва иқтисодий хавфсизлиги қоидаларига мос бўлиши керак
- 15.5. Умуминсоний (глобал) барқарорлик, фаровонлик ва адолат талабларига мос бўлиши керак
- 15.6. Бошқаси: фикрингизни ёзиб қолдиринг

16. Ер юзида умуминсоний (глобал) адолатни ўрнатиш, жамиятнинг барча даражасида умуминсоний барқарорлик, фаровонлик ва адолатни қарор топтиришнинг асосий йўллари (3та жавоб вариантыни белгилашингиз мумкин)

- 16.1. БМТ бошчилигида бутун дунё мамлакатлари ва халқлари учун умумий Конституцияни (Дунё Конституцияси-

ни) қабул қилиш ҳамда унга ҳамма бир хилда риоя этишини таъминлаш

16.2. БМТ бошчилигида Глобал адолат кодексини қабул қилиш ва риоя этишини таъминлаш

16.3. Халқаро тинчлик ва хавфсизликни кафолатли таъминлаш

16.4. Умуминсоний (глобал) барқарорлик, фаровонлик ва адолат масалаларига интеграл ёндашув (уйғунлаштириш)

16.5. Жаҳон хўжалиги ва дунё тартиботларини янгилаш

16.6. Бошқаси: фикрингизни ёзиб қолдиринг

Демографик маълумотлар:

16. Вилоят: _____.
17. Шаҳар/туман: _____.
18. Маълумотингиз: _____.
19. Фаолият соҳангиз: _____.
20. Миллатингиз: _____
21. Жинсингиз: эркак / аёл
22. Ёшингиз: _____.
23. Касбингиз: _____.
24. Бошқа: (ёзинг) _____

2) Социологик сўровнома анкетаси

Ассалому алайкум, муҳтарам сўровнома қатнашчиси!

Ушбу сўровнома мамлакатимизда кечаётган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий, маданий-маърифий ва экологик жараёнлардаги муносабатларда адолатнинг қай даражада қарор топаётганини ўрганиш, шунингдек, “адолатли жамият модели”нинг рўёбга чиқиш ҳолатларини янада такомиллаштириш мақсадида ўтказиляпти.

Сўровнома саволларига ҳолисона (аниқ ва тўғри) жавоб берсангиз умуминсоний адолат ўз таркибига беш йўналишдаги, яъни, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий,

маданий-ахлоқий ва экологик адолат турларини қамраб олганлигига амин бўласиз. Шунга биноан соҳалар кесимида ўз ҳақ-ҳуқуқларингизнинг рўёбга чиқиши юзасидан адолат мезонларини билиб olasиз. Чунки, ҳар бир соҳа бўйича адолат мезонлари ҳақида ўз қоида ва талаблари мавжуд.

Анкетадаги 35-95 саволлар билан танишишингиз биланоқ адолатни талаб қилиш юзасидан ўзингизнинг ижобий ва салбий томонларингизни англай бошлайсиз, мушоҳада қиласиз, ҳолатингиз мувозанатлаша боради ва ҳар қандай муамманинг ечимига адолат қарор топади. Ушбу жадвалга қараб инсон ўз олдига кўплаб саволлар қўяди ёхуд мазкур жадвал уларнинг олдига саволлар қўяди. Шу боис, жадвалдаги саволлар у ёки бу муаммонгизни адолатли талаб қилишингизга кўмаклашади.

Бунинг учун сўровнома анкетасидаги жавобларнинг фақат биттаси (ўта паст, паст, ўртача, юқори, жуда юқори) нинг рўпарасига “+” ишорасини қўйинг.

Мақсад: инсон руҳиятини, ички ҳиссиётини ўрганиш ва адолатнинг умуминсоний қонуниятлари, қоидаларини аниқлаш.

Тан олиб, ҳолисона жавоб берганингиз учун ташаккур. Сизнинг бундай масъулият билан жавоб беришингиз мамлакатимизда адолатнинг қарор топиши учун муҳим аҳамият касб этади.

Сўровнома аноним тарзда ўтказилапти. Барча маълумотлар умумлашган ҳолда талқин қилинади. Якка шахснинг сифатлари ҳақида маълумотлар келтирилмайди. Аноним тарзда ўтказиладиган сўровномага қўйиладиган барча талабларга риоя қилинади.

Энди ўзингиз тўғривгизда маълумотларни беришингизни сўраймиз (жавобингизнинг тагига чизинг)

1. Ёшингиз: кун, ой, йил _____
2. Миллатингиз: _____
3. Жинсингиз: эркак, аёл _____
4. Туғилган жойингиз (номи): вилоят, шаҳар, қишлоқ _____
5. Яшаш жойингиз (номи): вилоят, шаҳар, қишлоқ _____
6. Касбингиз (номи): _____

4. Иш жойингиз: давлат, хусусий, шахсий корхонада, ишлаб чиқариш ёки хизмат кўрсатиш соҳасида.

8. Маълумотингиз: тўлиқсиз ўрта, ўрта махсус, олий

9. Илмий даражангиз: йўқ, фан номзоди (PhD), фан доктори

10. Лавозимингиз: оддий ходим, мутахассис, раҳбар

11. Имзо: _____

Ушбу маълумотлар таҳлил давомида турли гуруҳлашларни бажариш ва тегишли умумумлашган натижаларни олиш, умумий қонуниятларни аниқлаш учун зарур.

Сўровнома мамлакатимизнинг барча ҳудудларидан тасодифий равишда танлаб олинган қишлоқ, туман, шаҳарда, ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳаларида 18 ва ундан юқори ёшдаги банд бўлган: оддий ишчидан тортиб, то раҳбар ходимгача, оддий талабадан тортиб, академикларгача, ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларидан диний уламоларгача, аҳолининг турли қатламлари ва касб эгалари ўртасида ўтказилди.

Шу тариқа турли даражадаги далиллар тўпланади, умумлаштирилган ҳолда ижтимоий адолатнинг негизи бўлган иқтисодий адолатнинг рўёбга чиқиш даражасини баҳоловчи мезонлар, локал, синтетик ва интеграл кўрсаткичларнинг мутлоқ ва нисбий миқдорлари аниқланади. Бунда аҳолининг ҳар бир қатлами – ёшлар, аёллар, кексалар тўлдирган сўровнома анкеталарига алоҳида эътибор берилди. Тегишли белгилар асосида типологик, тузилмавий ва аналитик гуруҳлар тузилиб таҳлил қилинди.

Эслатма: Респондентлар ҳар бир саволга ўз муносабатларини ўзлари танлаган жавоб (фоиз) каттақасига қўшув (+) ишорасини қўйиб билдирдилар. Қўшимча фикрларини анкетанинг қайдлар қисмида ёзма равишда адо этдилар.

(1-жадвал)

Иқтисодий адолатнинг рўёбга чиқиш даражасини
баҳолаш тартиби

Т/ Р	Муаммолар	Баҳолаш даражалари (%)				
		20 гача	20-40	40-60	60-80	80-100
		(Жуда паст)	(Паст)	(Ўрта)	(Юқори)	(Жуда юқори)
		1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	5 балл
1.	Сизнинг фикрингизча у ёки бу иқтисодий муаммони ҳал қилишда қай даражада адолатли ёндошиляпти?					
	1.1. Худудларда					
	1) Мамлакатда					
	2) Виоьтларда					
	3) Туманларда					
	4) Шахарларда					
	5) Қишлоқларда					
	6) Маҳаллаларда					
	7) Оилаларда					
	1.2. Маъмурий идораларда					
	8) Вазирликларда					
	9) Агентликларда					
	10) Қўмиталарда					
	1.3. Ҳуқуқни ҳимоя қилувчи идораларда					
	11) Омбудсманда					
	12) Ички ишлар тизимида					
	13) Прокуратурада					
	14) Суд тизимида					
	15) Божхона тизиди					
	16) Тергов жараёнларида					

1.4. Тадбиркорлик субъектларида					
17) Юридик шахс корхоналари					
18) Жисмоний шахс корхоналари					
19) Оилавий тадбиркорликда					
20) Якка тадбиркорликда					
1.5. Банк молия муассасаларида					
21) Банк тизимида					
22) Солиқ тизимида					
23) Бюджет тақсимоотида					
1.6. Мулкӣ муносабатлар жараёнида					
24) Давлат корхоналарида					
25) Хусусий корхоналарда					
26) Шахсий корхоналарда					
27) Мулкка эгалик қилишда					
28) Мулкдан фойдаланишда					
29) Мулкни тасарруф этишда					

Ижтимоий адолат турлари кесимида						
Янги Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришда адолат турларининг ўрни қай даражада?						
2.	30) Сиёсий адолатнинг ҳиссаси					
	31) Иқтисодий адолатнинг ҳиссаси					
	32) Ижтимоий (социал) адолатнинг ҳиссаси					
	33) Маданий-ахлоқий адолатнинг ҳиссаси					
	34) Экологик адолатнинг ҳиссаси					
Респондентларнинг берган жавобларига асосан у ёки бу иқтисодий масаланинг ечими бўйича қай даражада адолатли ёндашувнинг интеграл, синтетик ва локал кўрсаткичлари ўртача арифметик тортилган формула ёрдамида ҳисобланиб, тегишли баҳо чиқарилади. Иккинчи саволга эса у ёки бу иқтисодий масалани ечишда, ижтимоий адолат турларининг қанчалик ҳиссаси бўлиши мумкин, деган жавобни олиш учун хизмат қилади (бу ерда беш турдаги адолатнинг ҳиссаси 100 деб олинади)						

Энди шахснинг ўз манфаатини ҳимоя қилиши нуқтаи назардан у ёки бу ижтимоий-иқтисодий масалани ҳал қилишда қай даражада адолат билан ёндашилаяпти? – деган саволга жавоб излаймиз. Бунинг учун қуйидаги 2-жадвал респондентларга тарқатилади.

2-жадвал

Ҳар бир шахс ҳаётида ижтимоий-иқтисодий адолатнинг қарор топиш даражасини аниқлаш тартиби (усули)

Т/Р	Муаммолар	Баҳолаш даражалари (%)				
		20 гача	20-40	40-60	60-80	80-100
		(Жуда паст)	(Паст)	(Ўрта)	(Юқори)	(Жуда юқори)
		1 балл	2 балл	3 балл	4 балл	5 балл
3.	Шахснинг қай даражада адолатни талаб қилишини белгиловчи омиллар					
	Сизнинг инсоний сифатларингиз					
	35) Шуқур қилиш даражангиз					
	36) Нафсни тийиш даражангиз					
	37) Бойликка ўчлигингиз					
	38) Танлаган касбингиздан мамнунлик даражангиз					
	39) Таъмагирлик қилмаслик даражангиз					
	40) Қарз олишга мойиллик даражангиз					
	41) Ризқни ўйлаб қайғуга ботмаслик даражангиз					
	42) Кўрпага қараб оёқ узатишга бўлган мойиллигингиз					
	43) Сабрлилик даражангиз					
	44) Орзу, истакларингиз даражаси					
	45) Одамийлик даражангиз					

Сизнинг маънавий-ахлоқий сифатларингиз		
46) Иймонингизнинг бутлиги		
47) Инсофлилик даражангиз		
48) Хулқингиз даражаси		
49) Ниятингизнинг поклиги		
Ушбу сифатлар шахснинг ҳаёт тарзи, феъл атвори, маданий савияси, ахлоқи, инсофи, виждони, ҳаёси, интеллект кабиларни характерлайди. Улар шахснинг адолатни қанчалик тўғри талаб қилаётганини белгиловчи объектив ва субъектив омиллардир. Эслатма: қусурлар қанчалик паст ёки ўта паст бўлса шунчалик юқори даражада баҳоланади (тескари пропорционал)		
50) Адолатлилигингиз даражаси		
51) Яхшилик қилишга мойиллик даражангиз		
52) Андишалигингиз даражаси		
53) Фаросатлилигингиз даражаси		
54) Худбинликка мойиллигингиз		
55) Оқибатлилигингиз даражаси		
56) Ёлғонга мойиллигингиз		
57) Хайр-эҳсонга бўлган мойиллигингиз		
58) Мунофиқлик даражангиз		
59) Манманликка мойиллигингиз даражаси		
60) Ҳақиқатпарварлигингиз даражаси		
61) Ихлосмандлигингиз даражаси		
62) Сукут сақлаш даражангиз		
63) Тажанглигингиз даражаси		
64) Самимийлигингиз даражаси		
65) Одоблилигингиз даражаси		
66) Тўхматга мойиллигингиз		
67) Иззатталаблигингиз даражаси		
68) Тажовузкорлик даражангиз		
69) Ғийбатга мойиллигингиз даражаси		
70) Ғайриқонуний иш қилишга мойиллигингиз		

71) Мансабга ўчлигингиз		
72) Манфаат кўришга мойиллигингиз		
73) Бахилликка бўлган мойиллигингиз		
74) Хиёнат қилишга мойиллигингиз		
75) Ҳасад қилишга мойиллигингиз		
76) Китоб ўқишга бўлган қизиқишингиз даражаси		
77) Сиздаги мақсаднинг аниқлик даражаси		
78) Лоқайдлигингиз даражаси		
79) Армон қилмаслик даражангиз		
80) Тортишишга, баҳслашишга бўлган мойиллигингиз		
81) Шайтонга қулоқ солиш даражангиз		
82) Афсусга йўл қўйиш даражангиз		
83) Аламзадалигингиз		
84) Шошқалоқликка мойиллигингиз		
85) Ўзгалар фикри билан ҳисоблашишга бўлган мойиллигингиз		
86) Вазият билан ҳисоблашиш даражангиз		
87) Ваъдага вафодорлик даражангиз		
88) Бурчлилик даражангиз		
89) Сир сақлай олиш даражангиз		
90) Асабийлашиш даражангиз		
91) Ғазабланиш даражангиз		
92) Васвасага мойиллигингиз		
93) Салоҳиятингизга мос ҳолда мажбуриятни олишга бўлган мойиллигингиз		
94) Жиззакилигингиз даражаси		
95) Тилга эрк бериш даражангиз		

Меҳнат ва унга ҳақ тўлашдаги иқтисодий адолат даражаси		
Иш жойингизда		
5.	96) Замонавий меҳнат шароитининг яратилганлик даражаси	
	97) Ишчи-ходимларнинг ҳақ-хуқуқлари (манфаатлари)ни ҳимоя қилиш даражаси	
	98) Иш ўринларини яратиш даражаси	
	99) Иш ўринларини қисқартириш даражаси	
	100) Ишчи-ходимларнинг қўнимсизлик даражаси	
	101) Иш ҳақини тўлашдаги адолат даражаси	
	102) Ресурслардан фойдаланиш самарадорлиги даражаси	
	103) Жамоани оқилона бошқариш даражаси	
	104) Коррупция даражаси а) ишга қабул қилишда б) лавозимга тайинлашда в) уй-жой беришда г) ер ажратишда д) моддий ёрдам кўрсатишда	
	105) Раҳбарнинг: а) салоҳиятли кадрларни ишга қабул қилишга мойиллик даражаси б) ҳаминқадар кадрларни ишга қабул қилишдаги мойиллик даражаси в) мулкдор бўлиш ва тадбиркорлик қилиш ҳуқуқларини кафолатлаш ва ҳимоя қилиш даражаси	

Адолат тарозиси қиёсий кўрсаткичларда		
6.	Сизнингча бугунги кунда қайси соҳада адолат мезонларининг бузилишига, яъни адолатсизликка кўпроқ йўл қўйилмоқда. (Жавобингизни тегишли катакка “+” ишорасини қўйинг. Фикрингиз исботини сўровноманинг “қайдлар учун” деган қисмига ёзинг)	
	106) Таълим тизимида	
	107) Ички ишлар тизимида	
	108) Прокуратура тизимида	
	109) Суд-ҳуқуқ тизимида	
	110) Миллий хавфсизлик тизимида	
	111) Соғлиқни сақлаш тизимида	
	112) Матбуотда	
	113) Теле-радио тизимида	
	114) Экология тизимида	
	115) Саноатда	
	116) Қурилишда	
	117) Қишлоқ хўжалигида	
	118) Хизмат кўрсатиш соҳасида	
	119) Савдо тизимида	
	120) Транспортда	
	121) Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида	
	122) Газ таъминотида	
	123) Сув таъминотида	
	124) Электр таъминотида	
	125) Маданият соҳасида	
	126) Спортда	
	127) Туризмда	
	128) Солиқ тизимида	
	129) Тиббий суғуртада	
	130) Пенсия таъминотида	

Мамлакатимизда инсоннинг қайси бир хусусияти (фазилати) ёхуд ижтимоий ҳолати унинг мавқесини белгилайди ва қай даражада. (Жавобингизни “+” ишораси билан белгиланг, исботини эса сўров-номанинг “қайдлар учун” деган қисмига ёзинг)		
7.	131. Бой-бадавлатлилиги	
	132) Мартабаси, лавозими	
	133) Билимдонлиги	
	134) Ишбилармонлиги	
	135) Хулқ-атвори	
	136) Иймонлилиги	
	137) Хушомадгўйлиги	
	138) Лаганбардорлиги	
	139) Жиддийлиги	
	140) Қатъийлиги	
	141) Иродалилиги	
	142) Позитивлиги	
	143) Раҳбарлик маҳорати	
	144) Креатив фикрлилиги	
	145) Камтаринлиги	
	146) Бой тажрибага эгалиги	
	147) Эл ғами билан яшашлиги	
	148) Ўз касбининг фидойиси	
	149) Қатор олган медал, орден ва нишонлар эгаси	
Мамлакатимизда табақаланиш қай даражада		
8.	150) Шаҳарда	
	151) Қишлоқда	
Мамлакатимизда қашшоқлик қай даражада?		
9.	152) Шаҳарда	
	153) Қишлоқда	
Моддий таъминотчингиз		
10.	154) Шаҳарда	
	155) Қишлоқда	

Сизнингча жамиятдаги адолатсизликларга қарши курашда қуйидаги қайси жиҳатларга қай даражада эътибор бериш керак? (сизнинг таклифларингиз)		
11.	156) Одам савдосига	
	157) Ижтимоий тармоқлардаги чиқишларга	
	158) Қонун устуворлигига	
	159) Одил судлов тизимига	
	160) Мулкдорлар: а) хусусий б) шахсий тадбиркорлар ҳуқуқларининг кафолатланганлиги ва ҳимояланганлиги	
	161) Меҳнатга ҳақ тўлашдаги мутаносибликка	
	162) Барча даражалардаги даромадни тақсимотидаги номутаносибликка	
	163) Коррупцияга қарши жазони кучайтиришга	
	164) Монополияга қарши курашга	
	165) Эркин рақобат муҳитини яратишга	
	166) Кишиларнинг маънавий савиясини оширишга	
	167) Пулнинг қадрини оширишга	
	168) Аҳоли турмуш даражаси ва фаровонлигига	
	169) Яшаш минимумини аниқроқ ҳисоблашга	
	170) Истеъмол саватчасининг ҳаққоний реал қийматини ҳисоблашга	
	171) Табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга	

Ҳар бир савол бўйича белгиланган фоизларингиз мустақил маънога эга. Улар қўшилмайди.

12.	Сизнинг фикрингизча, қуйидаги хорижий давлатларнинг қайси бирида адолатли жамият даражаси қандай?		
	172) АҚШда		
	173) Бирлашган Араб Амирлигида		
	174) Германияда		
	175) Норвегияда		
	176) Францияда		
	177) Жанубий Кореяда		
	178) Японияда		
	179) Сингапурда		
	180) Малайзияда		
	181) Хитойда		
	182) Англияда		
	183) Эронда		
	184) Бразилияда		
	185) Россияда		
	186) Қозоғистонда		
	187) Қирғизистонда		
	188) Туркманистонда		
	189) Тожикистонда		
	190) Ўзбекистонда		
	191) Сизнинг фикрингизча: _____		

	Сизнингча қуйидаги қайд қилинган бошқарув органлари ва жамоаларининг қайси бири қай даражада иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришга қатнашяпти?		
13.	192) Вазирлар Маҳкамаси		
	193) Олий Мажлис ҚП		
	194) Сенат		
	195) Оммавий ахборот воситалари		
	196) Сиёсий партиялар		
	197) Нодавлат нотижорат ташкилотлари		
	198) Зиёлилар (фозил одамлар)		
	199) Ҳуқуқни ҳимоя қилувчилар:		
	а) Прокуратура		
	б) Суд тизими		
	в) Миллий хавфсизлик		
	г) Ички ишлар вазирлиги		
14.	200) Ҳокимиятлар:		
	а) Вилоят ҳокимияти		
	б) Туман ҳокимияти		
	в) Шаҳар ҳокимияти		
	г) Маҳалла фуқаролар йиғинлари		
	201) Тадбиркорлик уюшмалари		
	Моддий томондан таъминланганингизни қандай баҳолайсиз?		
	202) Бугунги кунда		
	203) Бир йилдан кейин		
	204) 2030 йилда		
	15.	Сизнинг фикрингизча мамлакатимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиёт даражаси қай аҳволда?	
		205) Бугунги кунда	
206) Бир йилдан кейин			
207) 2030 йилда			
16.	Ижтимоий адолат деганда барча фуқаролар етарли даражада даромадга эга дегани, деб таъкидлашади. Шу фикр қанчалик тўғри?		
	208) Тўлиқ маъқуллайман		
	209) Маъқулласа бўлади		
	210) Тўғри эмас		
	211) Мутлақо нотўғри		
	212) Жавоб беришга қийналаман		
	Ушбу саволларнинг жавоблари фақат биринчи (1 балл) устунига қўйилади. Бешта жавобан фақат ўзингиз танлаган биттасининг рўпарасига “+” ишорасини қўясиз. Кейинги саволларнинг жавобларини ҳам худди шу йўсинда бажарасиз.		

17.	Ижтимоий-иқтисодий адолат – фуқаролар даромади ўртасида сезиларли даражада фарқ бўлишини тақозо қилиши лозим. Акс ҳолда шахсий ўсиш учун умуман рағбат бўлмайди. Шундай фикрга қўшиласизми?	
	213) Тўлиқ қўшиламан	
	214) Қисман қўшиламан	
	215) Қўшилмайман	
	216) Мутлақо қўшилмайман	
	217) Жавоб беришга қийналаман	
18.	Ижтимоий адолат – барча фуқаролар таълим олишда тенг имкониятга эга деганидир. Шундай фикрга қўшиласизми?	
	218) Тўлиқ қўшиламан	
	219) Қисман қўшиламан	
	220) Қўшилмайман	
	221) Мутлақо қўшилмайман	
	222) Жавоб беришга қийналаман	
19.	Ижтимоий адолат дегани – бу барча фуқаролар етарли даражада тиббий хизмат билан таъминланган деганидир. Шундай фикрга қўшиласизми?	
	223) Тўлиқ қўшиламан	
	224) Қисман қўшиламан	
	225) Қўшилмайман	
	226) Мутлақо қўшилмайман	
	227) Жавоб беришга қийналаман	
20.	Бугунги кунда мамлакатимиздаги ижтимоий тафовут умуман олганда адолатли. Шундай фикрга қўшиласизми?	
	228) Тўлиқ қўшиламан	
	229) Қисман қўшиламан	
	230) Қўшилмайман	
	231) Мутлақо қўшилмайман	
	232) Жавоб беришга қийналаман	
21.	Интернет тармоғидин фойдаланасизми?	
	233) Ҳа, ҳар доим	
	234) Доимий эмас	
	235) Жуда кам	
	236) Йўқ	
22.	Шахсий компьютердан фойдаланасизми?	
	237) Ҳа, фақат иш жойида ва бўш вақтимда	
	238) Ҳа, фақат иш вақтида	
	239) Ҳа, фақат бўш вақтимда	
	240) Йўқ	

Ўртача ойлик даромадингиз (солиқ тўловларидан сўнг)		
23.	241) 5 млн сўмгача	
	5-6 млн сўм	
	7-8 млн сўм	
	9-10 млн сўм	
	11-12 млн сўм	
	13-17 млн сўм	
	15-16 млн сўм	
	17-18 млн сўм	
	19-20 млн сўм	
	21-22 млн сўм	
	23-24 млн сўм	
	25-26 млн сўм	
	27-28 млн сўм	
	29-30 млн. сўм	
	31 ва ундан юқори	
Давлат ҳокимияти таркибидаги қайси бири мамлакатнинг реал тараққиётини тўла таъминлаш салоҳиятига эга деб ўйлайсиз?		
24.	242) Ўзбекистон Президенти	
	243) Бош вазир	
	244) Ҳокимлар	
	245) Кучли ва обрўга эга бўлган сиёсий партия	
	246) Йирик тадбиркорлар	
	247) Ўрта ва кичик бизнес вакиллари	
	248) Кучли ривожланган бозор муносабатлари	
	249) Халқ	
Турли қарама-қаршиликларнинг мавжудлигига қарамай жамияти-мизда барқарорлик ҳукмрон. Сиз шу фикрга қўшиласизми?		
25.	250) Тўлиқ қўшиламан	
	251) Қисман қўшиламан	
	252) Қисман қўшилмайман	
	253) Умуман қўшилмайман	
	254) Жавоб беришга қийналаман	

IV БОБ. ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ АДОЛАТНИ АМАЛГА ОШИРИШ МЕХАНИЗМИ (ЙЎЛЛАРИ ВА УСУЛЛАРИ) ВА УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

4.1. Ижтимоий-иқтисодий адолатни амалга оширишнинг усуллари ва асосий йўналишлари.

Мустақиллик туфайли биз оламшумул имкониятларга эришдик. Аввало жамиятимиз ҳаётининг аста-секин демократлашиб бориши, бунда адолатли тартибот, барқарор ривожланиш имконияти туғилди. Бу жараён сиёсатдан тортиб маънавиятгача, иш ҳақидан тортиб, давлат бошқарувигача бўлган соҳаларнинг барчасида адолатни қарор топтириш масалаларини ўз ичига қамраб олади. Шу билан бирга ижтимоий-иқтисодий адолатни амалга ошириш глобаллашув ва трансформация, мураккаб ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жараёнлар шароитида, жамият ҳаётининг барча соҳаларида эркинлик, қонунчилик ва демократияни қарор топтириш шароитларида кечиши табиий.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли иқтисодий ислохотлар жараёнида адолат категорияси марказий ўрин тутаётгани кузатилмоқда. Мамлакат раҳбарияти томонидан қабул қилинган стратегик ҳужжатлар, жумладан, “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси – 2022-2026” ҳамда “Инсон қадрини улуғлаш ва фаол маҳалла йили” давлат дастурларида адолат тушунчаси давлат сиёсати ва ислохотлар марказига чиқарилди¹⁶⁶. Бундай ёндашув нафақат инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, балки иқтисодий ўсишни барқарор ва инклюзив қилиш учун зарурий шарт сифатида қаралмоқда.

Аввало, мамлакатдаги иқтисодий имкониятлар тенглигини таъминлашга қаратилган ислохотларга тўхталиб ўтиш лозим. Илгариги марказлашган ва бюрократик бошқарув услуги шароитида давлат ресурслари ва иқтисодий имкониятлар маълум бир доирадаги манфаатдор қатламлар томонидан назорат қилинган, яъни иқтисодий фаолиятга қўшилиш, кре-

¹⁶⁶ Ўзбекистон Республикаси Президенти. Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси – 2022–2026. – Тошкент: Адлия вазирлиги нашри, 2022. – 104 б.

дитлар олиш, давлат буюртмаларида иштирок этиш имкониятлари барча учун тенг бўлмаган. Шунинг учун ҳам сўнгги ислохотлар доирасида бозор механизмларини шаффофлаштириш, хусусий мулк ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақобат муҳитини ривожлантиришга катта эътибор қаратилмоқда¹⁶⁷.

Масалан, 2019 йилдан буён “Ҳақиқат ва тараққиёт” таъминли асосида ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий базада кичик бизнес субъектларини қўллаб-қувватлаш, тадбиркорликни лицензиялаш тартибини соддалаштириш, банк тизимида имкониятлар тенглигини таъминлаш чоралари кўрилмоқда. Бу иқтисодий жараёнларга кенг жамоат қатламларининг фаол қўшилишига йўл очмоқда.

Солиқ сиёсатининг адолатлилаштирилиши ҳам муҳим ислохот йўналишларидан бири ҳисобланади. 2019 йилдан бошлаб жорий этилган солиқ кодексига кўра, прогрессив солиқ ставкалари жорий этилиб, юридик ва жисмоний шахсларнинг даромадига қараб солиқ миқдори белгиланмоқда. Бу ҳолат даромад ва мулк тақсимоотидаги ўта кескин тафовутларни юмшатишга хизмат қилади¹⁶⁸.

Бундан ташқари, иқтисодий адолатни таъминлашда **ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш** масаласи алоҳида аҳамиятга эга. “Ижтимоий ҳимоя ягона реестри” (ЕИИР) платформасининг жорий этилиши, аҳоли эҳтиёжманд қатламини аниқ ва адолатли белгилаш имконини берди. Бу реестр орқали давлат томонидан бериладиган нафақалар, субсидиялар ва моддий ёрдамлар автоматлаштирилган, шаффоф асосда тақдим этилмоқда¹⁶⁹. Хусусан, пандемия даврида бундай тизим орқали миллионлаб аҳолига моддий ёрдам кўрсатилди.

Адолатни таъминлашда **меҳнат бозоридаги тенглик ва шаффофликни** таъминлаш ҳам муҳим. Ўзбекистонда меҳнат ресурсларининг фаоллиги, айниқса ёшлар ва аёллар ўртасида ишсизлик даражасини пасайтириш учун “Ёшлар дафтари”, “Аёллар дафтари” каби механизмлар жорий

¹⁶⁷ Адхамов А.А. Иқтисодий сиёсат ва бозор ислохотлари. // Илмий таҳлил журнали. – 2023. – №1. – Б. 28–34.

¹⁶⁸ Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси. – Тошкент: Адлия вазирлиги, 2021.

¹⁶⁹ UNICEF Uzbekistan. Social Protection and Child Benefits in Uzbekistan. – Tashkent: UNICEF, 2022. – 46 p.

этилди. Бунда давлат маблағлари ҳисобидан ўқитиш, микрокредит бериш, малака ошириш орқали аҳолининг заиф қатламларига иқтисодий фаолликда тенг иштирок этиш имконияти яратиб берилмоқда¹⁷⁰.

Шу билан бирга, **аҳоли ўртасида даромадлар нотенглиги масаласи** ҳали ҳам долзарблигича қолмоқда. Жаҳон банки маълумотларига кўра, Ўзбекистонда жами бойлиқнинг катта қисми аҳолининг юқори 20% қатламига тўғри келади¹⁷¹. Бу ҳолат, айниқса, қишлоқ жойларида ва камбағал оилаларда иқтисодий ресурслардан фойдаланиш имкониятларининг чекланганлигини кўрсатади. Бундай ҳолатларни юмшатиш учун давлат томонидан мулкни қайта тақсимлаш сиёсатини кучайтириш, ижтимоий инфратузилмаларни ривожлантириш зарур.

Коррупция ва монополия адолатга жиддий таҳдид солувчи омиллар сифатида намоён бўлмоқда. Иқтисодий ресурслар тақсимоотида шаффофлик ва жавобгарликнинг етишмаслиги аҳолининг давлатга бўлган ишончини сусайтиради. Бу йўналишда Коррупцияга қарши кураш агентлиги, Очиқ бюджет портали, Давлат харидлари ахборот тизими каби платформалар орқали назорат механизмлари кучайтирилмоқда. Бундан мақсад – давлат ресурсларидан адолатли ва самарали фойдаланишни таъминлашдир¹⁷².

Фуқаролик жамияти институтлари ва ОАВнинг иштироки адолатни таъминлашда муҳим роль ўйнайди. Ижтимоий тармоқлар, блогерлар ва нодавлат ташкилотлар орқали иқтисодий жараёнлар, давлат қарори ва тақсимоот масалалари юзасидан жамоатчилик назорати шаклланмоқда. Бу жараёнлар давлатни янада шаффоф, ҳисобдор ва адолатли бўлишга мажбур қилмоқда.

Иқтисодий жараёнларда адолатни таъминлашда **таълим ва инсон капиталига инвестиция** ҳам асосий шарт ҳисобланади. 2021–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбеки-

¹⁷⁰ World Bank. Uzbekistan Country Economic Update, Fall 2023. – Washington: World Bank Group, 2023. – 102 p.

¹⁷¹ Global Inequality Database. Uzbekistan Profile. [Электронный ресурс]. – Режим доступа: <https://wid.world/country/uzbekistan/>

¹⁷² Коррупцияга қарши кураш агентлиги. 2023 йил якуний ҳисоботи. – Тошкент: Агентлик нашри, 2024. – 66 б.

стон Республикаси таълим стратегияси доирасида барча болалар учун босқичма-босқич мактабгача таълим, умумий ўрта ва олий таълимга етиши таъминланмоқда. Бунда, айниқса, заиф қатламларга (каскад аҳоли гуруҳлари, ногиронлар, хотин-қизлар) устуворлик берилмоқда¹⁷³.

Шу нуқтаи назардан келиб чиқиб, Ўзбекистонда иқтисодий жараёнларда адолатни таъминлаш бўйича қатор ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда. Бироқ бу жараён тўлиқ яқунланмаган, чунки барча ислохотлар ижтимоий-иқтисодий тизимда чуқур илдиз отган муаммолар – коррупция, манфаатлар тўқнашуви, қонунийлик ва институционал етуклик билан тўқнаш келмоқда. Давлат сиёсатида адолатнинг устувор мақсад сифатида белгилаб олинishi, бу муаммоларни бар-тараф этишда муҳим дастак вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон шароитида иқтисодий жараёнларда адолатни таъминлаш – бу нафақат этик талаб, балки иқтисодий самарадорлик, барқарор ривожланиш ва жамиятдаги ишонч муҳитини яратишнинг асосий шarti ҳисобланади. Шунинг учун ҳам келгусида давлат ва жамиятнинг барча қатламлари иштирокида адолатли иқтисодий тизимни қуриш зарурати сақланиб қолмоқда.

Иқтисодий жараёнларда адолат принципларининг асосий йўналишлари бўлган – тенглик, бозорда имкониятлар баробарлиги, солиқ тизимида адолат, меҳнат муносабатларида тенг ҳуқуқлилик, ижтимоий таъминот ва инклюзив иқтисодиётни шакллантириш каби масалаларга алоҳида эътибор қаратиш лозим. Чунки бу принциплар орқали жамиятда ижтимоий мувозанат ва иқтисодий барқарорликка эришиш мумкин.

Ўзбекистон мисолида амалга оширилаётган иқтисодий ва институционал ислохотлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, адолатни таъминлашга қаратилган ҳаракатлар алоҳида аҳамият касб этмоқда. “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси”да инсон қадри, имкониятлар тенглиги, заиф қатламларни қўллаб-қувватлаш, бозор механизмларини адолатли ташкил қилиш каби устувор вазифалар белгиланган. Амалдаги ислохотлар, хусусан, солиқ кодексидаги ўзга-

¹⁷³ Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги. Таълим стратегияси – 2021–2025. – Тошкент, 2021. – 72 б.

ришлар, ижтимоий ҳимоя ягона реестри, меҳнат бозоридаги рағбатлар, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларидаги кенг кўламли лойиҳалар шуни кўрсатмоқдаки, давлат сиёсатининг марказида иқтисодий адолатни таъминлаш мақсади турибди.

Шу билан бирга, айрим тизимли муаммолар ҳам мавжуд: ресурслар тақсимотидаги шаффофлик етишмаслиги, коррупциянинг сақланиб қолиши, монополиялар таъсири, ҳуқуқий механизмларнинг заифлиги ва институционал масъулиятнинг камлиги. Буларнинг барчаси иқтисодий адолатни амалий татбиқ қилиш жараёнида тўсиқ сифатида хизмат қилмоқда. Демак, келгусида ушбу соҳаларда аниқ ҳуқуқий, институционал ва ижтимоий механизмларни шакллантириш, жамоатчилик назоратини кучайтириш, давлат ҳисобдорлигини таъминлаш зарур.

Умуман олганда, иқтисодий жараёнларда адолатни таъминлаш нафақат самарали иқтисодий сиёсат, балки инсон қадрини эъзозловчи жамият барпо этишнинг пойдевори ҳисобланади. Адолатсиз тараққиёт нафақат ижтимоий ишончни йўқотади, балки иқтисодий самарадорликни ҳам пасайтиради. Шу сабабли, ҳар қандай иқтисодий стратегиянинг марказида адолат концепцияси туриши, давлат ва жамиятнинг барча қатламлари учун баробар имкониятлар, керакли ресурсларга етишиш ва инсон салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришни таъминлаши лозим.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқариш замонавий усуллари жамиятдаги иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш, шунингдек, барча аъзолар учун тенг имкониятлар яратишга қаратилган. Бунинг учун эса турли ижтимоий ва иқтисодий усуллар, дастурлар ва сиёсатларни ишлаб чиқиш талаб этилади. Замонавий усуллар адолатни таъминлаш учун биргаликда иш олиб боришни, инновацион ёндашувларни ва глобал тажрибаларни қамраб олади.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг замонавий усулларида бири адолатли солиқ ва бюджет тизими ҳамда қайта тақсимлаш сиёсатини жорий этишдан иборатдир. Бунда прогрессив солиқ сиёсати юритилади ва даромадларнинг юқори бўлишига қараб, солиқ ставкаси ҳам ошиб боради. Бу усул жамиятдаги иқтисодий фарқларни ка-

майтиришга, камбағалликни қисқартиришга ёрдам беради. Қайта тақсимот сиёсатида ҳам давлат солиқлар ва ижтимоий таъминот тизими орқали бойликларни қайта тақсимлашни амалга оширади. Бу механизм ижтимоий хизматларни, масалан, таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий ҳимояни кучайтиришга ёрдам беради. Ижтимоий таъминот ва ижтимоий ҳимоя тизимлари камбағаллар, ногиронлар, ишсизлар ва ижтимоий хавфдагиларга ёрдам кўрсатиш учун ишлаб чиқилади.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг яна бир усули барқарор иш ўринлари ва ижтимоий соҳадаги ислохотлардир. Барқарор иш ўринларини яратиш, ишсизликни камайитириш ва ишга қабул қилиш тадбирлари замонавий адолатни таъминлаш йўлларида биридир. Жамиятда ёшлар ва камбағаллар учун иш билан таъминлаш ва иқтисодий мустақилликка эришишга имкониятлар яратиш ҳам долзарб вазифадир. Жамиятдаги ижтимоий муаммолар(масалан, уй-жой масалалари, миграция ва камбағаллик)га қарши комплекс ислохотларни амалга ошириш ҳам шу йўналишдаги вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу усулнинг яна бир муҳим элементи меҳнат адолати бўлиб, бу меҳнат муҳитидаги адолатни, иш ҳақи, иш шaroити, меҳнат муҳофазаси ва ишчиларнинг ҳуқуқларини таъминлашга асосланган. Меҳнат адолати, меҳнат шарoитларини яхшилаш, ишчи ва иш берувчи ўртасидаги муносабатларни барқарорлаштириш, иш ҳақини, иш ўрни ва иш вақтини адолатли тақсимлашни назарда тутди. Бу адолат тури ишчиларнинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, меҳнат шартномаларини ташкил этиш ва иш ўринларида тенг имкониятларни таъминлашга қаратилган. Бошқача айтганда, ҳалол меҳнат ҳақи ва минимал иш ҳақи талаб қилинади. Бу камбағалликни камайитиришга ёрдам беради ва жамиятда иқтисодий тенгликни оширади.

Соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш ва таълимга тенг кириш имкониятларини таъминлаш ҳам ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг муҳим элементларидан биридир. Замонавий усулларда соғлиқни сақлаш ва таълимга тенг кириш, таълимнинг юқори сифатини таъминлаш жамиятда ижтимоий мобилликни оширади ва

камбағалликка қарши курашишга ёрдам беради. Айниқса, таълимнинг арзон ва барқарор бўлиши, ҳар кимга эркин билим олиш имконини яратиш – ижтимоий адолатни таъминлашнинг асосий омилларидандир.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг яна бир усули барқарор ривожланиш ва ижтимоий тенглик сиёсати бўлиб, барқарор ривожланиш ва унинг ижтимоий компоненти жамиятнинг ижтимоий ва иқтисодий ривожланишини таъминлашга қаратилади. Бу нафақат экологик барқарорликни, балки ижтимоий барқарорликни ҳам назарда тутди. Ижтимоий тенглик сиёсати эса жамиятдаги ижтимоий фарқларни камайтиришга қаратилади ва қатор ижтимоий ва иқтисодий тартиблар орқали амалга оширилади.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг замонавий усулларида яна бири инновацион иқтисодий моделлар ва технологик ривожланишдир. Инновацион иқтисодий моделлар ва технологик ривожланиш ёрдамида ижтимоий-иқтисодий адолатга эришиш мумкин. Масалан, рақамли иқтисодиёт ва блокчейн технологиялари орқали, иқтисодий фаолиятларни адолатли ва шаффоф тарзда бошқариш мумкин. Технологик инновациялар ёрдамида эса янгича иш ўринлари яратиш, хизматлар ва товарлардан барча аъзоларнинг тенг фойдаланиш имкониятлари яратилади ва ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришга ёрдам беради.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг замонавий усулларида яна бири ижтимоий жавобгарлик ва корпоратив ижтимоий масъулиятни оширишдир. Корпоратив ижтимоий масъулият (CSR) бизнес субъектларининг жамиятдаги ҳиссаси ва уларнинг ижтимоий адолатни таъминлашдаги иштироки саналади. Компаниялар жамиятга фақат иқтисодий манфаатлар эмас, балки экологик ва ижтимоий ҳимояга ҳам эътибор қаратишлари талаб этилади. Ижтимоий жавобгарлик остида, компаниялар камбағалликни камайитириш, таълим ва соғлиқни сақлашни қўллаб-қувватлаш, жамиятда ижтимоий тенгликни таъминлашга катта ҳисса қўшишлари мумкин.

Шунингдек, қонунлар ва ҳуқуқий механизмлар ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлашда муҳим роль ўйнай-

ди. Давлатларнинг қонунчилик базасини мустаҳкамлаш, камбағаллик ва ижтимоий фарқларни камайтиришга қаратилган қонунларни ишлаб чиқиш ва ижро этиш ҳамда қонуний ҳимоя, яъни камбағалларга, ишсизларга, ногиронларга ва ижтимоий хавфдагиларга хизмат кўрсатиш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш механизмлари ишлаши керак.

Глобал ҳамкорлик ва халқаро ташкилотлар билан ишлаш ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг замонавий усулларида биридир. Бутун дунё бўйича ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлаш мақсадида халқаро ташкилотлар, шу жумладан, БМТ, Жаҳон банки, Халқаро валюта фонди (IMF) ва бошқалар билан ҳамкорлик қилиш муҳимдир. Бошқа давлатлардан тажриба олиш, инновацион сиёсатларни ўрганиш ва амалга ошириш жамиятдаги ижтимоий адолатни кўтаришга ёрдам беради.

Хулоса қилиб айтганда, ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг замонавий усуллари жамиятда барқарор ва тенг тараққиётга эришишга қаратилган бўлиб, бу усуллар кўп жиҳатдан прогрессив солиқ сиёсати, ижтимоий таъминот, таълим ва соғлиқни сақлашдаги ислохотлар, инновацион иқтисодий моделлар, корпоратив ижтимоий масъулият ва қонунларнинг кучайтирилишига боғлиқ. Замонавий усуллар орқали ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлаш жамиятда фарқларни камайтириш, барқарор ривожланиш ва камбағалликни бартараф этишга ёрдам беради.

Маълумки, бозор иқтисодиёти азалдан шаклланиб ва ривожланиб келган иқтисодий соҳадаги умуминсоний қадрият бўлиб, у ижтимоий адолатни инкор этмайди. Лекин бозор тизими ўз-ўзидан қатъий белгиланган адолатли ижтимоий ҳимоя тизимига ҳам эга эмас. Жаҳон тажрибаси бунга сабоқ. Бу тажриба шундан далолат берадики, бозор муносабатлари ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатлаш механизми билан тўлдирилиши мумкин ва зарурдир. Ижтимоий ҳимоялаш ва кафолатлаш механизми (tizimi) эса ҳар бир мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволига, даражасига ва узвий алоқадорликдаги бир қанча омилларга боғлиқдир. Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти

И.Каримов айтганларидек, “Ижтимоий йўналишдаги ўз бозор иқтисодиётимиз йўлини вужудга келтириш ижтимоий ҳимоялашнинг шунга мос келадиган яхлит тизимини барпо этишни талаб қилади. Бу тизим фуқароларнинг эркинликлари ва ҳуқуқларини таъминлашнинг иқтисодий ва ижтимоий кафолатларини ўз ичига олиши лозим. Бозор муносабатларига ўтишнинг бошқа принципларини амалга ошириш ҳам аҳолини ижтимоий жиҳатдан кучли ҳимоя қилиш дастурларини рўёбга чиқаришга батамом боғлиқдир. Самарали ижтимоий сиёсатни иқтисодиётни барқарорлаштириш, таркибий ўзгартиришлар, бозор муносабатларини босқичма босқич жорий этиш чора-тадбирлари билан уйғунлаштириб амалга ошириб борган тақдирдагина ижтимоий соҳага йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш мумкин. Пировард мақсад эса Ўзбекистонда истиқомат қилаётган миллионлаб оилаларнинг муносиб турмуш кечириши учун шароит вужудга келтиришдан иборатдир. Айни мана шу нарса оқибат натижада давлатнинг қудрати ва бойлигини, унинг сиёсий ва иқтисодий мустақиллигини таъминлайди”¹⁷⁴.

Жамият ва инсоннинг эҳтиёжлари, манфаатлари, мақсадлари хилма-хил ва кўп қирралилиги ижтимоий адолатни таъминлаш, рўёбга чиқариш усулларининг ҳам кўп қиррали ва мураккаблигини билдиради. Шунингдек, ижтимоий адолатнинг умумий ва хусусий мезонлари тизими мавжудлиги, уни рўёбга чиқаришнинг шу мезонларга мувофиқ усулларини тақозо этади.

Ижтимоий адолатнинг иқтисодий асоси хилма-хил эҳтиёж ва манфаатларда уйғунлашган эканлигини юқорида назарий жиҳатдан кўриб чиқдик. Манфаатлар ташқи шарт-шароит бўлиб, у ёки бу эҳтиёжларни қондириш уларга боғлиқдир. Асосланган ёки тан олинган эҳтиёжлар манфаатларда ифодаланади. Эҳтиёжлар инсон ва жамиятнинг ички зарурат(талаб)ларидир. А.Маслоу ўзининг “эҳтиёжлар устунлиги назарияси”га биноан индивидуумнинг мақсадларини турларга бўлиш ва муҳимлигига кўра ажратиб чиқишни таклиф этади. У эҳтиёжларни беш турга ажратади: 1) физиологик-ҳаётий эҳтиёжлар; 2) хавфсизликка эҳтиёж;

¹⁷⁴ И.А.Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент “Ўзбекистон” 1993 й. 69-бет.

3) бирон бир ижтимоий гуруҳда бўлиш эҳтиёжи; 4) ўзини ҳурмат қилишга бўлган эҳтиёж; ва 5) ўзлигини исботлаш / ўзини ҳар томонлама, тўла намоён қилишга бўлган эҳтиёж. Биринчи ўриндаги эҳтиёжлар – бу базис эҳтиёжлар, яъни, яшашни таъминлаш учун зарур бўлган эҳтиёжлар. Инсон, энг аввало, ана шу эҳтиёжларини қондириш учун ишлайди.

Базис эҳтиёжлар қондирилгач, бошқа даражадаги эҳтиёжлар ҳам аста-секин аҳамият касб этиб боради.

Масалан, хавфсизликка бўлган эҳтиёж, яъни базис эҳтиёжлар бундан кейин ҳам қондирилаверишига бўлган кафолатга эҳтиёж. Бирон ижтимоий гуруҳда бўлиш – бошқа кишилар билан бирлашиш эҳтиёжи мавжуд. Ўзини ҳурмат қилиш эҳтиёжи инсоннинг гурурини қондира олиши, ўз-лигини исботлаш (тўла намоён қилиш) эҳтиёжи эса барча мақсадларини амалга ошириш истакларини қондириши керак”¹⁷⁵.

Эҳтиёжларнинг бундай таркиби ва тартиби фанда “Эҳтиёжлар пирамидаси” номи билан баён этилади. Шунингдек, эҳтиёжлар уч гуруҳга: моддий (озик-овқат ва кийим-кечак, уй-жойга эҳтиёж), маънавий (билим олиш, маданиятдан баҳраманд бўлиш) ва социал (ижтимоий) эҳтиёжлар (меҳнатга, бошқарувда қатнашишга, яшаш муҳитига (экология) эҳтиёж) гуруҳига бўлинган турлари “Мақсадлар (эҳтиёжлар) дарахти” сифатида бизга маълум.

Моддий, маънавий, социал эҳтиёжларни оқилона қўшиб олиб бориш негизидагина уйғун тарзда ривож топиб борадиган инсоннинг турмуш тарзи вужудга келиши мумкин.

Ижтимоий муносабатлар соҳасида кишиларнинг эҳтиёжлари иқтисодий манфаатлар ва стимул(рағбатлантирувчи омил)лар тусига киради. Иқтисодий манфаатлар одамларнинг иқтисодий фаолиятининг илҳомбахш омиллари ва иқтисодий тараққиётнинг қудратли ҳаракатлантирувчи кучи бўлиб майдонга чиқади.

Демак, эҳтиёжлар ва уларнинг ташқи ифодаси бўлган манфаатлар тизимини аниқ белгилаб олиш ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришнинг дастлабки шартидир. Зеро, аҳолининг турли гуруҳлари ва қатламларининг туб ҳаётий

¹⁷⁵ Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: “Иқтисод-Молия”, 2014. 126-бет.

манфаатларини, асосий қизиқиш ва кайфиятларини, тарихий-миллий анъана, урф-одат ва қадриятларини, мамлакатнинг иқтисодий барқарорлик ва демократик ҳолатини, иқтисодиётнинг таркибий тузилишини ва ўсиш суръатларини, айти пайтда жамиятда қандай манфаатлар тизими устувор эканлигини эътиборга олган ҳолда ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш усулларини илмий асослаш бизнингча унинг ҳаётийлиги даражасини янада оширади.

Ижтимоий (жамият), жамоа (корпоратив) ва шахсий манфаатларнинг бир бутун ва айти пайтда ўзига хос фарқли, баъзи ҳолларда эса зиддиятли жиҳатлари ижтимоий адолатни рўёбга чиқаришнинг ҳам 3 та даражаси, миқёси ёки усулини тақозо этади.

Жамият томонидан ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш усуллари ижтимоий (умумий) манфаатлар нуқтаи назаридан амалга оширилади. Бу усуллар ўз-ўзидан жамоа (корпоратив) ва шахсий манфаатларни ҳам уйғунлаштиради.

Жамоа томонидан ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш усуллари асосан жамоа (корпоратив) ва шахсий манфаатларни назарда тутати.

Ҳар бир кишининг ўзи томонидан, якка тартибда адолатни рўёбга чиқаришга интилиш усуллари шахсий манфаатларнинг устуворлигини ифодалайди. Аммо унутмаслик керакки, “Фуқаролар ўз ҳуқуқ ва эркинликларини амалга оширишда бошқа шахсларнинг, давлат ва жамиятнинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликларига путур етказмасликлари шарт”¹⁷⁶.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг умумийлик, хусусийлик ва алоҳидалик қоидаларига хос усуллари, йўллари ва воситаларини чуқур таҳлил қилиш натижасида қуйидаги хулосаларга келинди.

Якка тартибда адолатни рўёбга чиқаришга интилишнинг моҳияти шундан иборатки, ҳар бир инсон ўзининг моддий, маънавий, ижтимоий-сиёсий ва бошқа манфаатларини устувор деб белгилайди ва ўзини ҳар томонлама тўла рўёбга чиқариш учун ҳаракат қилади. Бунда адолатни рўёбга чиқарувчи субъект ҳар бир киши(шахс, инсон)нинг ўзи бў-

¹⁷⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [Матн]: расмий нашр. – Тошкент: “О‘ЗБЕКISTON” нашриёти, 2023. 36-б.

либ, у ўз қобилиятлари, билим ва малака даражаси, ишбилармонлиги, меҳнат қизиқувчанлиги, ақлу-зийраклиги, манфаат ва эҳтиёжлари, моддий ва маънавий ҳолати доирасида ҳаракат қилади. Масалан, ижтимоий-сиёсий соҳада инсоннинг ўзини рўёбга чиқариш учун қилган ҳаракати жамият ва жамоа томонидан баҳоланади ҳамда ундаги шахсийлик билан ижтимоийликнинг муштараклик даражаси билан белгиланади. Демак, инсоннинг якка тартибда адолатни рўёбга чиқариш йўли ўзининг шахсий хусусиятлари ва эътиқодидан келиб чиқадиган хатти-ҳаракатларидан ташқари жамоа ва жамиятнинг ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш усуллари билан ҳам бевосита боғлиқдир. Жамоа ва жамият томонидан яратилган имкониятлар ҳар бир кишини ўзини рўёбга чиқариши, яъни шахсий адолатни ўрнатиши учун асосий ташқи омил ҳисобланади.

Жамоа миқёсида ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқариш йўллари ҳам шу жамоага қарашли кишиларнинг шахсий ва жамоанинг умумий манфаатлари устуворлигидан келиб чиқиб, айна пайтда жамият миқёсида ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқариш усулларига ҳам боғлиқ бўлади. Жамоа корпоратив даражада ижтимоий адолатни рўёбга чиқарувчи субъектлар: жамоа, фирма, унинг раҳбарлари, тадбиркорлар, иш берувчилар бўлиб, улар мулкчилик муносабатлари ва манфаатлар тизимининг хусусиятларидан келиб чиқиб, турли чора-тадбирлар асосидаги бошқарув йўли билан адолатни рўёбга чиқаришга ҳисса қўшишлари мумкин.

Жамият томонидан ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқариш усуллари жамоа ва шахсий тартибдаги усуллари умуллаштириб, ҳаммага тегишли булган қонуний тенг имкониятлар ва ҳуқуқларда ифодаланади. Шу жихатдан манфаатлар бирлигини ифодаловчи ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқариш усуллари барча даражадаги манфаатлар учун умумий усуллар ва хатти-ҳаракат бирлигидан иборатдир. Зеро, “манфаатлар бирлиги бўлмаган жойда ҳаракат бирлиги у ёқда турсин, мақсад бирлиги ҳам бўлиши мумкин эмас”.

Жамият томонидан ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш усуллари унинг умумий мезонларига мувофиқ ва шулар

асосида амалга оширилади. Юқорида санаб ўтилган умумий мезонларнинг амалдаги исботи ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг умумий усулларининг изчиллиги ва ҳаётийлигига боғлиқ. Шунингдек, жамият томонидан ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқариш усуллари асосан давлатнинг кенг қамровли ижтимоий-иқтисодий фаолиятида мужассамлашади. Бошқача айтганда, жамият миқёсида ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг асосий субъекти давлат бўлиб, у жамиятдаги манфаатлар тизими ва структурасини ҳар томонлама ҳисобга олган ҳолда мулкчилик муносабатларини ривожлантириш, самарали ва мукаммал ижтимоий ҳимоя тизimini яратиш, тақсимлаш ва қайта тақсимлашнинг оқилона механизмини яратиш, жамиятдаги молиявий муносабатларни яхшилаш, самарали бандликни таъминлаш, умуман халқ фаровонлигини оширишга қаратилган ҳамда ишсизлик, инфляция, нарх-навонинг кескин ошиб кетиши, аҳоли реал даромадларининг камайиши каби салбий ҳолатларига қарши чора-тадбирларини ишлаб чиқариш йўллари билан ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришни таъминлаши мумкин.

Ҳаёт фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг энг асосий усулларида бири қонунийликни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларини таъминлашдан иборатдир.

Ўтказилган социологик тадқиқотлар шуни кўрсатадики, республикамиз миқёсида ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг асосий йўналишлари аҳолининг бевосита манфаатлари, ҳуқуқлари ва эркинликлари билан тўғридан-тўғри боғлиқдир.

Бизнинг фикримизча, ҳар бир адолатли қарор ва қонунларнинг самарали амал қилиш механизмини таъминлаш учун жамоатчилик назорати тизimini янада такомиллаштириш лозимдир. “Ҳолатлар омма онгини эгаллагандагина моддий кучга айланади” - деган ажойиб гап бор.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг яна бир умумий усули иқтисодий ислохотлар шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мукаммал механизмини (tizimini) яратишдан иборатдир.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг кейинги умумий усули инсонга муносиб ҳаёт шароитини, унинг ўзини тўла намоён қила олиши учун тенг имкониятларни яратишдан иборатдир. “Инсонга муносиб ҳаёт шароити, унинг ўзини намоён қила олиши учун имкониятлар яратиш – иқтисодиётни ва бутун жамиятни ривожлантиришнинг олий мақсадидир”¹⁷⁷. “Барча ислохотлар – иқтисодий, демократик, сиёсий ислохотлардан кўзланган пировард мақсад инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятларини рўёбга чиқаришни таъминлайдиган муносиб турмуш шароитини яратишдан иборат”¹⁷⁸.

Инсоннинг меҳнат, ижодий ва маънавий имкониятлари моддий-маънавий ва ижтимоий соҳадаги шарт-шароитларнинг йиғиндиси билан бевосита боғлиқ.

Шу нуқтаи назардан, меҳнат қонунчилиги устуворлигига эришиш, ходимни эксплуатация қилишга йўл қўймаслик механизмларини ҳамда “Иш ҳақи минимуми”, “Яшаш минимуми” каби тушунчаларнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш керак, деб ҳисоблаймиз.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатлари кураши орқали амалга ошириладиган мураккаб ижтимоий жараёндир. Шунинг учун мана шу айрим манфаатлар орасидаги умумийликни аниқлаш ва уларни доимо ҳисобга олиб бориш зарур.

Адолатсизликни сезмаслик ёки уни билиб туриб яшириш ҳам адолатсизликдир.

Адолатсизликни ва уларнинг оқибатларини халққа билдириш – адолат сари қўйилган биринчи қадамдир.

Адолатсизликни йўқотиш йўлини кўрсатиб бериш – адолат сари қўйилган иккинчи қадамдир.

Адолатсизликка қарши курашиш ва унинг маълум турларини бартараф этиш эса адолат сари қўйилган энг олий ва қутлуғ қадамдир.

Тилида, дилида, ҳар қандай фаолияти даврида ҳам

¹⁷⁷ И.А.Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. Тошкент “Ўзбекистон” 1993 йил. 73-бет.

¹⁷⁸ Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил. 63-б.

ўзининг ва жамиятнинг (ўзгаларнинг) манфаатларини уйғунлаштирадиган (унутмайдиган, қўшиб олиб борадиган) киши адолатли кишидир.

Адолат тамойиллари ҳақида ҳамма билиши, тушуниши ва шу тамойилларга амал қилишга интилиши лозим.

Ижтимоий-иқтисодий адолат барқарор ҳаракат ва саъй-ҳаракатни талаб қиладиган узлуксиз жараёндир. Ижтимоий-иқтисодий адолатга эришиш ҳукумат, бизнес, фуқаролик жамияти ва шахслар ўртасидаги ҳамкорликни талаб қилади.

Шунингдек, Нобель мукофоти совриндорлари, “Мамлакатлар таназзули сабаблари: қудрат, фаровонлик ва камбағаллик манбалари” китобининг муаллифлари Дарон Ажемўгли ва Жеймс А. Робинсон таъкидлаганидек, барқарор иқтисодий ўсиш учун мулк дахлсизлигини муҳофаза қиладиган, рақобатда барча учун тенг шарт-шароитлар яратадиган, янгича технологиялар ва билимларга сармоя қилишни рағбатлантирадиган адолатли инклюзив институтлар бўлиши керак¹⁷⁹.

Адолатли жамиятда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилинган деб ҳисоблайди, бу эса жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди. Адолатли жамиятда ҳар бир шахс ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқара олади, бу эса ижтимоий ривожланишга ёрдам беради.

Адолатсиз жазо ва жарималарни қайта кўриб чиқиш лозим. Бунда, жарималар, биринчи навбатда, халқнинг реал даромадига мутаносиб бўлишини, шунингдек, жарималар ижтимоий хавфлилик даражасидан келиб чиқиб белгила-ниши, айрим жиноят турларига маънавий жазо чоралари қўллаш лозим, деб ҳисоблаймиз.

4.2. Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси).

Бугунги кунда ҳар бир инсон ва бутун инсоният учун ҳам асосий орзу-мақсад бўлган мустақил, тинч ва фаровон ҳаёт кечириш истаги фақат эркин ҳуқуқий-демократик давлат ва адолатли фуқаролик жамиятидагина рўёбга чиқиши билан

¹⁷⁹ Daron Ajemo‘g‘li, Jeyms A. Robinson. Mamlakatlar tanazzuli sabablari: qudrat, farovonlik va kambag‘allik manbalari. Toshkent: “Asaxiy books” MChJ, “Nihol” nashriyoti, 2023. 676 bet.

белгиланади. Шу боис, шундай давлат ва жамиятнинг энг мақбул, реал ишлайдиган модели ва механизмларини яратиш ҳамда замон талабларидан келиб чиқиб уларни такомиллаштириб бориш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Янги Ўзбекистонда Президент Ш.М.Мирзиёев томонидан таклиф этилган “Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” ҳамда Янги Ўзбекистонни қуриш ва Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этиш концепцияси адолатли жамият концепциясига асос бўлиши мумкин. Чунки, “Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг мақсади – аҳолининг барча қатламларига муносиб ҳаёт даражасини ва турмуш шароитларини яратиб бериш, ижтимоий ҳимоя ва бандликни таъминлаш, даромадлар барқарор ўсишига эришиш, жамиятнинг маданий даражаси, бағрикенглик ва меҳрибонлик фазилатларини янада мустаҳкамлашдан иборат” дир¹⁸⁰.

Шунингдек, мамлакатимизда 2023 йил 30 апрель куни бўлиб ўтган референдумда умумхалқ овоз бериш орқали қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг муқаддимасидан бошлаб эркинлик ва тенглик, ижтимоий адолат ва бирдамлик ғояларига садоқатимиз, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш борасида ҳозирги ва келажак авлодлар олдидаги юксак масъулиятимиз алоҳида қайд этилди.

Конституциямизнинг 14-моддасида: “Давлат ўз фаолиятини инсон фаровонлигини ва жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминлаш мақсадида қонунийлик, ижтимоий адолат ва бирдамлик принциплари асосида амалга оширади” деб белгилаб қўйилди¹⁸¹. Унга кўра, жамият аъзоларига ижтимоий адолатли бўлиш давлат сиёсатининг устувор вазифасидир. Ижтимоий давлат асосининг тизимли шаклланиши ижтимоий адолат талабларига жавоб бериши керак. Яъни, ижтимоий давлатнинг асл моҳияти – ижтимоий адолатдир. Адолат давлатчиликнинг мустаҳкам пойдеворидир.

Шунингдек, янгиланган Асосий қонунимизда Ўзбекистон иқтисодиёти аввалгидек фақатгина бозор муносабатларини

¹⁸⁰ Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. “O‘ZBEKISTON” Тошкент - 2023. 258-бет.

¹⁸¹ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O‘ZBEKISTON” Тошкент - 2023. 9-бет.

ривожлантиришга эмас, балки биринчи галда фуқаролар фаровонлигини оширишга қаратилиши белгилаб қўйилган. Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида иқтисодий ривожланишнинг янги барқарор йўналиши сифатида ижтимоий жамият қуриш зарурати муҳим аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда “Инсон қадри учун” деган тамойил устувор бўлган, ижтимоий-иқтисодий адолат таъминланган, эҳтиёжманд аҳоли самарали ҳимоя қилинган жамият барпо этилмоқда. Зеро, Ўзбекистонда “Олий қадрият бу – инсон. Унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир шахснинг қадр-қимматини эъзозлаш эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир”.

ЎзЛиДеП дастурида белгиланганидек, фуқаролик жамияти, конституциявий парламент демократияси, эркин иқтисодиёт ижтимоий-сиёсий тизим учун адолатли ва барқарор асосни ташкил этади¹⁸².

Адолатли жамият ва кучли ижтимоий сиёсат мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ асосий тамойил ва устувор йўналишлардан бири сифатида белгилаб олинганига қарамай, унинг яққол белгилари Янги Ўзбекистон даврида, яъни сўнгги 9 йилда намоён бўла бошлади. Чунки, бу белгилар **Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси)**да ўзининг тўлиқ ифодасини топади.

Бугунги кунда адолатли жамият моделининг асосий қисмларидан бири “ижтимоий давлат” категорияси ва концепцияси ҳисобланади. Шунинг учун ҳам, Конституциямизга киритилган ижтимоий давлат ғоясининг назарий ва амалий жиҳатларини, ижтимоий давлат принципини амалга ошириш механизмларини ҳамда илғор халқаро назария ва амалиётга таянган ҳолда ижтимоий давлатнинг энг мақбул хорижий ҳамда Ўзбекистон моделини ёритишга ҳаракат қиламиз.

Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси)ни тўлиқ ёритиш учун халқаро назария ва амалиётдаги ижтимоий давлат ва адолатли жамият тушунчалари ҳамда бугунги кундаги ижтимоий давлатларнинг моделлари ҳақидаги назарий ёндашувларни таҳлил этиш мақсадга мувофиқ.

¹⁸² <https://uzlidep.uz/menu/the-program-of-the-party>. ЎзЛиДеП дастури.

Дунё тажрибасидан келиб чиқадиган бўлсак, ижтимоий давлат бу жамиятнинг сиёсий ташкилоти, яъни том маънода давлатдир. Ижтимоий давлат ўз сиёсатида ижтимоий адолат тамойилларидан келиб чиқиб фаолият юритади. Асосий мақсад – жамиятда яратилаётган моддий ва маънавий бойликларни ижтимоий адолат тамойили асосида қайта тақсимлашдан иборатдир. Бунда ҳар бир фуқаронинг маиший турмуш тарзи ҳолатини сифат жиҳатдан юқори даражага олиб чиқиш, аҳолининг турмуш шароити ва сифати жиҳатдан табақаланишига, яъни улар ўртасидаги яшаш учун кетадиган сарф-харажатлар бўйича фарқларнинг катталашиб кетишига йўл қўймаслик ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига давлат томонидан кафолатлар тизими орқали ёрдам кўрсатилади. Бошқача айтадиган бўлсак, мақсад яратилган неъматлардан ижтимоий кафолатлар орқали ҳамма баҳраманд бўлишини таъминлашдан иборат.

Ижтимоий давлат – бу давлатнинг шундай моделики, унда ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ ҳар бир фуқаро учун муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, жамиятдаги ижтимоий тафовутларни юмшатиш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам бериш мақсадида моддий бойликларни адолатли қайта тақсимлашга қаратилган сиёсат юритилади.

Бошқа бир таърифда “Ижтимоий давлат – социал мамлакат дейилганда – ҳар бир инсон учун фаровон турмуш даражаси, хусусан сифатли таълим, кафолатли тиббий хизмат, муносиб меҳнат шароити ҳамда адолатли иш ҳақи, пенсия ва нафақалар, ижтимоий ёрдам, шунингдек, хизматлар тизими яратилган, уй-жойга эга бўлиш шароити мавжуд бўлган, ижтимоий тафовутлар юмшатишган, мувозанатлашган, ҳеч бир фуқаро ўз муаммолари билан ёлғиз қолмайдиган адолатли давлат тушунилади”¹⁸³.

Илмий тадқиқотларда ижтимоий давлат концепциясига турлича қарашлар мавжуд. “Ижтимоий давлат” тушунчаси биринчи марта 1850 йилда немис иқтисодчи олими ва

¹⁸³ Ижтимоий давлат принципларига содиқ қолмоқда. Дилмурод Артиков, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати. <https://telegra.ph/Izhtimoiy-davlat-principilariga-sodiq-qolmoqda-12-08>.

давлат арбоби Лоренц фон Штайн¹⁸⁴ томонидан қўллаган бўлиб, у турли синфлар вакилларининг ижтимоий тенглигини қамраб олувчи ҳуқуқий асослар билан фуқароларнинг иқтисодий ҳимояси ва ижтимоий фаровонлигини назарда тутувчи бошқарув шакли сифатида қараган ҳамда давлатнинг муҳим функциялари рўйхатига “турли хил даражадаги барча ижтимоий табақалар учун ўз ҳокимияти орқали шахсий ҳуқуқларда мутлақ тенгликни таъминлаш”ни ҳам киритади. Лоренс фон Штайннинг фикрича, давлат ўз фуқароларининг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига ҳисса қўшиши лозим. Зеро, пировард натижада улардан бири (инсон)нинг ривожланиши, иккинчиси(давлат)нинг ривожланиши учун зарурий шарт ҳисобланади.

У давлатнинг вазифаси ижтимоий тенглик ва шахсий эркинликни ўрнатиш, қуйи ва кам таъминланган ижтимоий қатламларни бой ва кучлилар даражасига кўтаришга ҳаракат қилишдан иборат, деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари, фанда немисча “ижтимоий давлат” (**sozialstaat**) атамаси билан бир қаторда унинг инглиз тилидаги варианты – “умумий фаровонлик давлати” (**welfare state**) категорияси ҳам ишлатилади.

Ҳар бир мамлакатда ижтимоий сиёсатни шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан мавжуд ижтимоий давлат турларининг хилма-хиллиги уларнинг ташкил этилиши ва фаолиятининг умумий тамойилларини ажратиб кўрсатиш заруриятини келтириб чиқарди. Ижтимоий давлатларни таснифлашнинг дастлабки ёндашувларидан бири Р.Титмусс¹⁸⁵ типологияси бўлиб, унинг асосий мезони давлатнинг ижтимоий харажатлар даражаси ҳисобланади. Ушбу мезондан фойдаланиш унга ижтимоий давлатнинг икки турини ажратишга имкон берди:

- Давлатнинг асосий молиявий харажатларидан ортиқча манбалар асосда (“қолдиқ принципи”) молиялаштирилаётган ва фуқароларга минимал ижтимоий кафолатлар бераётган ижтимоий давлат;

¹⁸⁴ Лоренц фон Штайн. Основы государственной экономики. <https://www.worldcat.org>

¹⁸⁵ Richard M. Titmuss – "The Social Division of Welfare: Some Reflections on the Search for National Equality" (1963). [worldcat.org](https://www.worldcat.org).

■ “Институционал” тамойил бўйича молиялаштирил-
диган ва фуқаролар етарли даражада ижтимоий қўллаб-
қувватлаш билан таъминланган ижтимоий давлат.

“Қолдиқ принципи” билан таъминланган ижтимоий дав-
лат ижтимоий харажатларнинг паст даражаси билан ажра-
либ турса, “институционал” тамойилга асосланган ижтимоий
таъминот давлатлари ўз фуқароларига ижтимоий ҳимоянинг
етарли даражасини таклиф қилади ва аҳолига кенг қўламли
ижтимоий таъминот хизматларини тақдим этади.

Фанда швед социологи Г.Эспинг-Андерсеннинг иккита
мезондан фойдаланадиган таснифи жуда машҳур: 1) миллий
мақсадлар орасида ижтимоий сиёсатнинг ролини баҳолаш;
2) манбаларни тақсимлаш жараёнларида давлат иштиро-
ки даражасини баҳолаш. Унинг таснифининг асосий хусу-
сияти декоммодификация индекси ёки товарларни бозор
тақсимооти тамойилини давлат ижтимоий таъминоти билан
алмаштириш кўрсаткичи ҳисобланади. Яъни, давлат томо-
нидан фуқароларни бозорга қарамликдан озод қилиш омил-
лари билан изоҳланади.

Фанлараро тадқиқотлар негизида шаклланган ижтимоий
давлат категорияси ва унинг белгилари қуйидагиларда на-
моён бўлади:

биринчидан, аҳолининг даромадларини йирик мулкдор-
ларга зарар етказмасдан қайта тақсимлаш имконини берув-
чи мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори даражаси
таъминланади;

иккинчидан, бундай давлатда ижтимоий йўналтирилган
бозор иқтисодиёти ҳамда фуқаролик жамияти қарор то-
пади ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ривож-
ланган тармоғи яратилади, давлат томонидан турли ижти-
моий дастурлар ишлаб чиқилиб, амалга оширилади, ҳар бир
фуқарога муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва
шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун бирламчи зару-
рий шароитлар кафолатланади, ижтимоий суғурта бадал-
ларининг ривожланган тизими жорий қилинади, бюджетни
шакллантирувчи солиқларнинг ва ижтимоий соҳага тўлов-
ларнинг муайян миқдори таъминланади;

учинчидан, ижтимоий давлатда аҳолининг барча
қатламлари учун ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг ривож-

ланган тизими йўлга қўйилади, ҳокимиятнинг бўлинишини ва давлат ҳокимиятининг ҳар бир тармоғи ўз функцияларини аниқ амалга оширишини таъминловчи ривожланган ҳуқуқ тизими яратилади.

Агарда юртимиз тарихига назар ташлайдиган бўлсак, адолатли жамият ва ижтимоий ҳимоя омилини таҳлил қилишда Шарқда, жумладан, Марказий Осиёда ўзига хос тарихий-фалсафий талқин вужудга келганига гувоҳ бўлиш мумкин. Бу жараён, бевосита ахлоқ, маданият ва маънавиятнинг ҳуқуқ билан уйғунлашган, феъл-атвор, хатти-ҳаракатлар билан боғлиқ ҳолатда тараққий этиб келди. Жумладан, энг қадимги маданий ёдгорлик – “Авесто”да кишиларнинг уюшиб яшаши, ўзаро муносабатлар ва алоқаларнинг ахлоқ ва меъёрларга таяниши каби ғоялар илгари сурилган. Бунда, ўз-ўзидан жамиятда қонун устуворлигига эришиш, давлатни ягона шахс томонидан эмас, қонун бошқариши лозимлиги, инсонлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва адолат тамойиллари юқори бўлиши каби замонавий жамиятининг илк белгилари намоён бўлган.

Қомусий аллома Абу Наср ал Фаробий ўзининг “Фозил одамлар шахри” асарида жамиятда адолат устуворлиги, фуқароларнинг ижтимоий муносабатларини шакллантиришнинг моҳияти чуқур таҳлил этилган. Фаробий, турли урушлар ва зўравонликлар ёрдамида инсонлар жамиятга бирлашадилар, деган фикрларга қарши чиқиб, жамият – бу энг аввало фуқароларнинг ижтимоий эҳтиёжларини қондириш мақсадида шаклланган ихтиёрий уюшма, деган ғояни илгари суради¹⁸⁶.

Кейинчалик Фаробий фикрларини янада ривожлантиришда Абу Али ибн Сино катта хизмат қилди. Ибн Синога кўра, жамиятда инсонларнинг яшаши учун энг долзарб омил бу – уларнинг ҳамкорлигидир, бунинг учун эса жамиятда ягона қонун ва қадриятлар бўлиши лозим¹⁸⁷. Қонунлар эса адолатли бўлиши ва адолатли тарзда амалда қўлланиши керак, деган хулосага келади.

Абу Райҳон Беруний, инсон ўзининг ҳимояланмаганлиги

¹⁸⁶ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шахри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й.

¹⁸⁷ Ибн Сина. Избранные философские произведения. – М., 1980. – С.140-148.

ва ночорлиги сабаб ҳар доим қўллаб-қувватлашга муҳтож бўлади, жамият эса мазкур ёрдам ва таянчни таъминлаб беради, деган фикрни илгари суради. Ўз манфаатларини ҳимоя қилиш ҳамда бошқа эҳтиёжларини қондириш учун инсонлар ҳар доим баҳамжиҳат яшаши даркор. “Эҳтиёжлар жуда кўп ва турли хил, фақатгина фуқаролар жамоасигина уни таъминлаши мумкин. Шунинг учун ҳам инсонлар шаҳарларга асос солишган”, дея таъкидлайди Беруний¹⁸⁸.

Жамиятнинг ижтимоий тараққиёти билан боғлиқ гоёлар Амир Темур давлат бошқаруви даврида айниқса гуллаб яшнади. Соҳибқирон марказлашган давлат қурар экан, энг аввало унинг асосларини – ижтимоий адолат, жамият бирлиги ҳамда қонун устуворлиги омилларига таяниб шакллантиради. Жумладан, “Темур тузуклари” асарида давлат бошқаруви билан бир қаторда, ижтимоий муносабатларни самарали йўлга қўйиш усул ва услублари бериб ўтилади. Асарда ўша даврдаги жамият 12 ижтимоий тоифадан иборат бўлганлиги қайд этилиб, уларни адолат тамойилидан келиб чиқиб бошқариш таъкидланади¹⁸⁹.

Замонавий шароитларда ижтимоий давлатнинг функциялари ҳам ўзига хос бўлиб, аҳолининг ижтимоий кўмакка муҳтож қатламларини қўллаб-қувватлаш, ишсизликка қарши курашиш, ёш тадбиркорларга ёрдам, аҳоли даромадларининг доимий ўсишини қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий ривожланишни таъминлаш, жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, ижтимоий суғурта тизимини кенг йўлга қўйиш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратиш ва ижтимоий хизматлар кўрсатиш шулар жумласидандир.

Бунда, биринчидан, жаҳон тажрибасида “ижтимоий давлат” мавқеига эга мамлакатлар иқтисодий жиҳатдан юқори даражада ривожланган, жамиятнинг иқтисодиёт тузилиши ижтимоий йўналтирилган, фуқаролик жамияти шаклланган, давлат томонидан турли ижтимоий дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш тизими мавжуд, ҳар бир киши-

¹⁸⁸ Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар. – Т.: Ўзбекистон, 2023. 136-бет.

¹⁸⁹ Амир Темур. “Темур тузуклари”. Тошкент. “Ўзбекистон”, 2011 йил. 51-55-бетлар.

га муносиб турмуш шароити таъминланади, ҳар бир шахс ўзини намоён қилиши учун тенг шароит яратилган, давлатнинг ўз фуқаролари олдидаги ижтимоий маъсулияти кучли ҳисобланади.

Иккинчидан, ижтимоий давлатнинг вазифалари бора-сида илғор мамлакатларда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан ҳимояланмаган қисми – ишсиз, пенсионер ёки имконияти чекланган шахсларни, оилани, оналик, оталик ва болаликни қўллаб-қуватлаш, соғлиқ ва меҳнатни ҳимоялаш, даромадни қайта тақсимлаш орқали жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни йўқотиш, маданият ва таълим лойиҳалари дастурларини молиявий рағбатлантириш ва ишсизликка қарши курашиш ижтимоий давлатнинг асосий вазифалари дея эътироф этилади.

Ижтимоий таъминот тизими ижтимоий суғурта шаклида вужудга келган. Бунда нафақа, ишсизлик бўйича нафақа, давлат бюджети ҳисобидан ва ҳомий жамғармалар томонидан ажратиладиган тўловлар тушунилади. Халқ фаровонлигининг асосий кўрсаткичи камбағаллик даражаси билан белгиланади. Ривожланган давлатларда бу кўрсаткич 10 фоиздан ошмайди. Масалан, Швецияда бу кўрсаткич 4 фоиз атрофида.

Учинчидан, ижтимоий давлат ҳар бир кишига муносиб ҳаётий шароитнинг кафолати сифатида энг кам истеъ-мол миқдори (“истеъмол саватчаси”)ни белгилайди. Ушбу вазифани давлат жамият аъзолари томонидан яратилган қийматни самарали қайта тақсимлаб, биринчи навбатда, кам таъминланган аҳоли қатламига йўналтиради. Одатда, истеъмол саватчаси ҳар бир инсон ҳаёти учун етарли, юзлаб номдаги истеъмол товарлари ва хизматлардан иборат бўлади. Ижтимоий мақомга эга давлат аҳолининг иш қобилиятини йўқотган, ногирон бўлиб қолган ва муҳтож қатламига нисба-тан маъсулиятни ўз зиммасига олади.

Тўртинчидан, ижтимоий тенгликни таъминлаш эски со-циалистик модел, яъни собиқ совет тизимидан кескин фарқ қилади. Ижтимоий тенглик тушунчаси ҳаммага бирдек тақсимлаш ёки ҳаммани бирдек таъминлашни эмас, балки ҳар бир киши учун тенг имконият, шарт-шароит мавжуд бў-лишини назарда тутди.

Демак, Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилаётган ва амалга оширилаётган ижтимоий давлат позицияси, аввало, инсоннинг қадриятини, манфаатини қўллаб-қувватлашга, уни жамиятнинг энг юқори олий неъматидан даражасига олиб чиқишга қаратилган. Ижтимоий сиёсатнинг устуворлиги, доимийлиги ва ҳаётийлиги кўп давлатларда конституция даражасида таъминланган ва энг юқори сиёсий-ҳуқуқий қадрият сифатида мустаҳкамланган.

Бунда инсон ва муайян фуқаронинг конституцион нормалар орқали кафолатланган ижтимоий-иқтисодий ҳуқуқи ва эркинлиги, ўз навбатида, мос равишда давлатнинг тегишли мажбурияти билан мустаҳкамланган. Жаҳоннинг кўплаб давлатлари шу йўлдан бормоқда, шунга ўхшаш тенденциялар ҳамма жойда яққол кўзга ташланмоқда. Фикримизча, бугунги кунда Ўзбекистонда ҳам ушбу қондани конституцион даражада мустаҳкамланганлиги муҳим сиёсий-ҳуқуқий, иқтисодий-ижтимоий феномен сифатида намоён бўлмоқда.

Халқаро сиёсий ва ҳуқуқий тизимларда ижтимоий давлат икки хил, яъни билвосита ва бевосита кўринишда ўз ифодасини топганини ҳам кўришимиз мумкин. Билвосита кўринишда “фаровонликни таъминловчи давлат” ёки “умумфаровонлик ва хуррамликни таъминловчи давлат” каби тушунчалар орқали ижтимоий давлат тамойили Буюк Британия Конституциявий актларида, Италия Конституциясида мустаҳкамлаб қўйилган. Бевосита кўринишда эса “ижтимоий давлат” тушунчаси 1949 йилги Германия Федератив Республикаси Конституциясининг 20-моддасида ўз ифодасини топган. Унга кўра, Германия “демократик ва ижтимоий федерал давлат” деб эълон қилинган. Шунингдек, Франциянинг 1958 йилги Конституциясида “бўлинмас, дунёвий, ижтимоий, демократик республика”, Испаниянинг 1978 йилги Конституциясида эса “ҳуқуқий, демократик, ижтимоий давлат” тамойили ўз ифодасини топган.

Асосий қонунларида “умумфаровонлик давлати”, “фаровонликни таъминловчи давлат”, “ижтимоий давлат” тушунчалари қўлланилган кўплаб мамлакатлардан фарқли ўлароқ, Россиянинг Конституциясида ушбу тамойилнинг мазмуни куйидагича ифодаланган: “Россия Федерацияси – сиёсатининг мақсади инсоннинг муносиб ҳаёти ва эркин ривожла-

нишини таъминлаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга қаратилган ижтимоий давлатдир”.

Жаҳондаги социал-демократик ҳаракатларнинг асосий мазмунини ҳам ижтимоий давлатнинг яратувчанлик ва унинг воситасида аҳолини ўзига жалб қилиш орқали давлатни бошқаришга ҳаракат ташкил этади. Ўз навбатида, бу усул кўпгина давлатнинг конституцияларида ҳамда бошқа қонунларида акс этган. Давлат томонидан ижтимоий кафолат иқтисодиёт (авваламбор, йирик бизнес) ва солиқ сиёсатини бошқариш орқали таъминланади.

Шунингдек, бу ғоялар ва сиёсат олдинги социалистик ғоялардан кескин ажралиб туради. Социалистик ғояларга асосланган собиқ иттифоқ тизимига аҳолини мулксиз қилиб қуйиш, фуқароларнинг ижтимоий кафолати фақат қоғозларда қолиб кетиши, ижтимоий масъулият, ижтимоий рақобатнинг йўқлиги хос эди. Натижада аҳолининг ижтимоий фаоллиги пасайиб кетган. Келажакни яратиш, янгиланишга, ўзгаришларга бўлган ҳаракат кўллаб-қувватланмаган, натижада ижтимоий мобиллик ва ижтимоий яратувчанлик йўқолиб кетган. Умуман, бу тажриба жамият учун тескари натижа беришини ҳаётнинг ўзи тасдиқлади. Лекин тарихнинг бошқа кесимида ижтимоий давлатчилик тажрибасини илгари сурган Ғарб давлатларида катта ижтимоий ўзгаришлар содир бўлди¹⁹⁰.

Бугунги кунда ижтимоий давлат модели АҚШ, Буюк Британия, Швеция, Германия, Франция, Италия, Бельгия, Дания, Финляндия, Норвегия, Португалия, Испания, Австрия, Греция, Япония, Нидерландия, Швейцария, каби давлатларда кенг қўлланилмоқда. Бошқача айтганда, ижтимоий давлат – умумий тамойиллари (аралаш иқтисодиёт, ижтимоий муаммоларни ҳал қилишда иштирок этиш ва бошқалар) дунёнинг иқтисодий ривожланган аксарият мамлакатларида амалга оширилган модел.

Ижтимоий давлатни таъминлашда жуда кўп моделлар мавжуд. Масалан, Дания, Швеция ва Норвегияда давлат ҳокимияти минимум аҳамият касб этади. Яъни, ижтимоий

¹⁹⁰ Исмоил Саифназаров: Прагматизм – Янги Ўзбекистон тараққиётининг фалсафаси сифатида. / Монография. – Тошкент, “ОЛТИН ҚАЛАМ НАШРИЁТИ” 2023. 103-бет.

давлатда жамиятга максимал эркинлик берилади. Бу давлатларда фақатгина жуда заиф аҳоли қатламига давлат чекланган ҳолда ёрдам беради. Англо-саксон давлатларида солиқларни минимум ушлаб туриш, давлатнинг бозор иқтисодиётига аралашмаслиги, имкон қадар бозор эркин бўлиши ва давлат аппаратининг кичкина бўлиши назарда тутилади. Скандинавия давлатларида ижтимоий ҳимоя жуда катта. Яъни, давлат ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламига бюджетдан катта миқдорда маблағ ажратади. Лекин бунинг ижросида нодавлат ташкилотлар кўпроқ роль ўйнайди.

Ижтимоий ҳимоя тизими бу – камбағаллик ва тенгсизликни камайтириш, аҳолининг ижтимоий заиф қатламлари фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар ва дастурлар мажмуасидан иборат давлат сиёсатидир.

Ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизими нафақат моддий ёрдам беришга, балки аҳолининг ёрдамга муҳтож қатламларини камбағалликдан чиқаришга йўналтирилган бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Ривожланган мамлакатларда 1990 йиллардан бошлаб нафақа кўринишидаги ижтимоий ёрдам олувчиларни расмий тадбиркорликка жалб қилиш учун мажбурий талаблар жорий қилинган. Бу амалиёт қўлланилган мамлакатларда (Корея, АҚШ, Янги Зеландия, Буюк Британия ва бошқалар) аҳоли бандлиги ошгани кузатилган.

Тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, камбағалликдаги инсон фаровонлигини фақатгина даромадларга асосланган баҳолаш ўрнига бошқа кўп меzonли тизимлари билан ўлчаш камбағалликка қарши курашишнинг самарасини янада оширади. Камбағаллик бу фақатгина даромадлар эмас, бу турли ўлчамли (тоза ичимлик суви, соғлиқни сақлаш, санитария ҳолати, бошқа зарур хизматлар) ҳаёт сифатиниифодаловчи кўрсаткичдир. Мақсадли ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимидаги бу ўзгаришлар қисман Австрия, Белгия, Австралия, Канада, Чехия, Дания ва бошқа мамлакатларда расмий камбағаллик даражасини камайтиришга омил бўлган.

Турли мамлакатлар камбағаллик даражасини камайтириш учун турли моделларни қўллашади. Мисол учун, швед модели икки мақсадни кўзда тутаяди: тўлиқ бандлик ва да-

ромадлар тенгсизлигини камайтиришни таъминлаш. Мазкур мамлакатда, ишсизларни ўқитиш ва қайта тайёрлаш, талаб юқори бўлган соҳаларда ишлаш қобилиятини тиклашни маъқул кўришади.

Хитойда қишлоқ хўжалигини, шу жумладан, қишлоқ ҳудудларини ривожлантириш ва ер ислохотларига қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилади.

Чехияда эса камбағал аҳолини моддий томондан қўллаб-қувватлаш учун асосий нафақадан ташқари маҳсулотлар ва пул кўринишидаги қўшимча кўмаклар берилади.

АҚШда камбағалларга кўрсатилаётган ёрдам аҳолининг 15 фоизидан 20 фоизигача қисмини қамраб олувчи махсус дастурлар орқали тарқатилади. Энг кўп тарқалган ёрдам турлари бу озиқ-овқат талонлари, арзон уй-жой олиш дастурлари, қариялар учун тиббий ва ижтимоий ёрдам турлари, бола парваришлаш бўйича нафақалар ва бошқа турдаги қўллаб-қувватлаш турларини ўз ичига олади.

Континентал Европада Германия ва Францияда ижтимоий ҳимоя жуда ҳам кучли. Давлат қўлидан келганича катта солиқ йиғади ва уни тақсимлашда давлатни ўзи иштирок этади. Яъни, бу давлатларда ижтимоий ҳимояни таъминлашда давлатни ўзи бевосита иштирок этади. Кўряпмизки, ижтимоий давлат концепцияси тарихий шаклланган аъёналарга қараб бир-биридан фарқ қилади. Ислом цивилизациясида ҳам ижтимоий ҳимоянинг ўзига хос тизими, жумладан, закот, одамларнинг бир-бирга ёрдам бериши, боқувчисини йўқотганларга ёрдам ва қўшничилик каби аъёналари мавжуд. Яъни, жамиятнинг ёрдамга муҳтож қатламини асосан жамиятнинг ўзи ҳимоя қилиши назарда тутилган. Шу билан бирга Абу Наср Фаробий фозил жамият таърифида “Давлатнинг вазифаси инсонларни бахт-саодатга олиб боришдир”¹⁹¹, деб ёзгани ҳам бежиз эмасдир. Ижтимоий ҳимоя ва ижтимоий ёрдам тушунчалари Ислом цивилизациясида муҳим ўринда туради. Жамиятдаги қашшоқлар ва камбағаллар синфининг камайитиришда исломнинг ўзига хос чоралари бор.

¹⁹¹ Абу Наср Фаробий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент: А.Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й.

Янги Ўзбекистон шароитида ҳам камбағалликни қисқартиришга комплекс ёндашув амалга оширилмоқда. Мазкур сиёсат меҳнатга лаёқатли аҳолини имкон қадар иш билан таъминлаш ва бир вақтнинг ўзида муҳтож одамларни камбағаллик чегарасидан чиқаришга қаратилган давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган.

Шу билан бирга, камбағалликни тез суръатлар билан бартараф этишнинг имкони бўлмаган шароитда кам таъминланганларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларнинг даромад олиши ва инсон капиталини ривожлантириши учун қўшимча имкониятлар яратиш назарда тутилмоқда. Чунки, “Ҳар қандай давлат, миллат кучли иқтисодиёт, кучли ижтимоий сиёсат орқалигина ўз мавжудлигини сақлаб қола олади. Айни пайтда, кучли давлат ўз фуқаролари қадри-қимматини эъозлай оладиган, мамлакатда инсон, жамият ва давлат манфаатлари уйғунлигини таъминлайдиган ҳолатдагина катта мусобақада дадил “от суриши” мумкин”¹⁹².

Бу жараёнда нафақат бюджет харажатларининг асосий қисмини ижтимоий соҳага йўналтириш, балки давлат, жамият ва бизнес ҳамкорлигини, давлат-хусусий шерикликни, ижтимоий тадбиркорликни, ижтимоий шерикликни янада ривожлантириш орқали ижтимоий ҳимоя тизимини ҳамда ижтимоий давлат асосларини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Шу маънода иқтисодчи олим Беҳзод Ҳошимовнинг “Камбағалликка қарши курашнинг яхши воситаларидан бири бу – адолатдир. Чунки, адолатли тузум, адолатли институтлар яратилса, улар жамиятдаги адолатни тўғри қўйиб бера олса, камбағаллик ўз-ўзидан камайиб борадиган нарса бўлади. Буни биз кўплаб жамиятлар мисолида кўрганмиз. Яъни адолат кўпайган сари иқтисодий ўсиш бўлади ва бунинг натижасида камбағаллик қисқариб боради. Бу эса мамлакатни фаровон ҳаётга бошлайди”¹⁹³, деган хулосалари ўринлидир.

Бугунги кунда Ўзбекистонда ҳақиқатан ҳам ижтимоий адолат тушунчасига мос келадиган давлат сиёсати модели танланганини кўриш мумкин. Бунинг гоёвий асоси шундаки,

¹⁹² А.Маврудов. Маънавият тарғиботи материаллари. Тошкент. 2025 йил...

¹⁹³ <https://www.gazeta.uz/uz/2023/08/22/poverty/>

минг йиллар давомида халқимиз яшаб турган заминимизда одамлар бир-бирига ёрдам бериши, огир ҳаётий вазиятларда қолган қашшоқ ва заиф аҳоли кўни-кўшни, маҳалла ва жамиятдан мадад олиши лозим, деган анъанавий дунёқараш шаклланган. Ўзбекистонда ижтимоий шартнома ижтимоий ахлоқнинг кўп асрлик тамойилларига асосланган. Ижтимоий давлатчилик бугунги кунда Янги Ўзбекистонда ҳам ўзига хос тарзда ривожланиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев 2021 йил 7 декабрда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 29 йиллигига бағишланган табригида “Ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва адолатли жамият қуриш сари дадил бормоқда. Шу сабабли “Янги Ўзбекистон – ижтимоий давлат”, деган тамойилни конституциявий қоида сифатида муҳрлашнинг вақти-соати етди” деб таъкидлаган эдилар. 2023 йил 20 июнь куни Конституциявий комиссия аъзолари билан бўлиб ўтган учрашувда ҳам долзарб ва аниқ таклифлар, амалий ташаббусларни илгари сурдилар. Айниқса, Конституциямизда “Ўзбекистон – ижтимоий давлат”, деган тамойилни мустаҳкамлаш таклиф этилдики, бу энг тўғри қарор бўлди.

Чунки, “Инсон қадри” тушунчаси “Ижтимоий давлат” тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ушбу ғоянинг туб негизиди, аввало, инсон қадрини улуғлаш, аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам. Ўзбекистонда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг “Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон” асарида таъкидланганидек, “Ижтимоий давлат – энг аввало, жамиятда ижтимоий адолат ва ҳамжиҳатлик тамойиллари ҳукм сурадиган, инсон капиталини ривожлантириш ва унинг имкониятларини юзага чиқариш учун зарур шароитлар яратилган, фуқаролар учун юқори ҳаёт ва турмуш даражаси таъминланадиган давлатдир”¹⁹⁴.

Ҳақиқатдан ҳам, мамлакатимизда кейинги йилларда аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, бандликни таъминлаш, ка-

¹⁹⁴ Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн] / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2024. 131-бет.

фолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар яратиш, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ислохотлар замирида ана шундай эзгу мақсад мужассамдир. “Жамиятда ижтимоий адолат устуворлигини таъминлаш, ижтимоий сиёсат юритиш, ижтимоий давлат қуриш каби мақсадлар доимо диққатимиз марказида бўлади”¹⁹⁵.

2023 йил 30 апрелда қабул қилинган янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 1-моддасидаёқ “Ўзбекистон – бошқарувнинг республика шаклига эга бўлган суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат” деган қоида муҳрланди ва Конституциянинг барча моддалари ушбу принципларни амалга оширишни кўзлаган ҳолда қабул қилинди¹⁹⁶.

Янгиланган Конституциямизда ижтимоий давлат принципини амалга оширишга қаратилган алоҳида қоидалар ҳам белгиланди. Жумладан:

- Ҳар ким муносиб меҳнат қилиш, касб ва фаолият турини эркин танлаш, хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берадиган қулай меҳнат шароитларида ишлаш, меҳнати учун ҳеч қандай камситишларсиз ҳамда меҳнатга ҳақ тўлашнинг белгиланган энг кам миқдоридан кам бўлмаган тарзда адолатли ҳақ олиш, шунингдек ишсизликдан қонунда белгиланган тартибда ҳимояланиш ҳуқуқига эга.

- Меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдори инсоннинг муносиб турмуш даражасини таъминлаш зарурати ҳисобга олинган ҳолда белгиланади.

- Солиқ ва йиғимлар адолатли бўлиши ҳамда фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига тўсқинлик қилмаслиги керак.

- Давлат фуқароларнинг бандлигини таъминлаш, уларни ишсизликдан ҳимоя қилиш, шунингдек камбағалликни қисқартириш чораларини кўради.

- Ҳар ким қариганда, меҳнат қобилиятини йўқотганда,

¹⁹⁵ Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн] / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2024. 58-бет.

¹⁹⁶ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O`ZBEKISTON”. Тошкент - 2023.

ишсизликда, шунингдек боқувчисини йўқотганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот ҳуқуқига эга.

- Қонунда белгиланган пенсиялар, нафақалар ва бошқа турдаги ижтимоий ёрдамнинг миқдорлари расман белгиланган энг кам истеъмол харажатларидан оз бўлиши мумкин эмас.

- Ҳар ким уй-жойли бўлиш ҳуқуқига эга.

- Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмини қонунда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан олишга ҳақли.

- Давлат бепул умумий ўрта таълим ва бошланғич профессионал таълим олишни кафолатлайди.

- Таълим ташкилотларида алоҳида таълим эҳтиёжларига эга бўлган болалар учун инклюзив таълим ва тарбия таъминланади.

- Меҳнатга лаёқатсиз ва ёлғиз кексалар, ногиронлиги бўлган шахслар ҳамда аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд бошқа тоифаларининг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир.

- Давлат аҳолининг ижтимоий жиҳатдан эҳтиёжманд тоифаларининг турмуш сифатини оширишга, жамият ва давлат ҳаётида тўлақонли иштирок этиши учун уларга шарт-шароитлар яратишга ҳамда уларнинг асосий ҳаётий эҳтиёжларини мустақил равишда таъминлаш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган чораларни кўради.

- Давлат ногиронлиги бўлган шахсларнинг ижтимоий, иқтисодий ва маданий соҳалар объектлари ва хизматларидан тўлақонли фойдаланиши учун шарт-шароитлар яратади, уларнинг ишга жойлашишига, таълим олишига кўмаклашади, уларга зарур бўлган ахборотни тўсқинликсиз олиш имкониятини таъминлайди.

- Давлат оиланинг тўлақонли ривожланиши учун ижтимоий, иқтисодий, ҳуқуқий ва бошқа шарт-шароитлар яратади¹⁹⁷.

Дарҳақиқат, ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур истеъмол товарларининг энг кам миқдори белги-

¹⁹⁷ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. “O‘ZBEKISTON”. Тошкент - 2023. 6-9-бетлар.

лаб қўйилишини назарда тутати. Фуқаролар муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи ажратиш, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни кўзда тутати. Сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Янги Ўзбекистонда ижтимоий давлат – ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришишини таъминлаш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ моддий бойликларни адолатли тақсимлашга қаратилган давлат моделидир.

Аҳамиятлиси, бу борада мамлакатимизда охириги 6-7 йилда ижтимоий давлатнинг асосий талаблари амалда қўлланилди.

Сўнгги йилларда жорий этилган “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”, “Маҳаллабай” ва “Хонадонбай” ишлаш усуллари фикримизга яққол далилдир. Бунда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш, уларнинг муносиб ҳаёт кечиришлари учун шароит яратиш, аҳолининг бандлигини таъминлаш ва унинг даромадларини ошириш, ишсизлик ва камбағалликни қисқартириш, аҳолининг турмуш шароити ва сифати жиҳатдан табақаланишига йўл қўймаслик ҳамда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмига давлат томонидан кафолатлар тизими орқали ёрдам кўрсатишга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим бериш, малакали тиббий ёрдам кўрсатиш, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2020 йилда Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги, 2023 йилдан бошлаб эса Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлиги ташкил этилди, “Мономарказ”лар фаолияти йўлга қўйилди. Ишлаётган пенсионерга юз фоиз пенсия тўлашга ўтилди. 2023 йил “Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили” дея номланиши ҳам бежиз эмас. Ҳар бир ҳудуд кесимида камбағалликни

қисқартириш, тадбиркорликни ривожлантириш, иш ўрни яратиш, аҳоли даромадини ошириш бўйича дастурлар қабул қилинмоқда. Энг муҳими, фуқароларимиз ва фарзандаримизга ғамхўрлик кўрсатиш бўйича янги тизим яратилган. Давлат бюджети харажатларининг 50 фоиздан кўпроқ қисми ижтимоий соҳага ажратилмоқда.

Адолатнинг амалда қарор топишини таъминлаш мақсадида, хусусан, фуқароларнинг ҳуқуқий манфаатларини таъминлаш ҳамда йиллар давомида аҳолини қийнаб келган муаммоларни ҳал этиш мақсадида мамлакатимиз раҳбарининг ташаббуси билан “Президентнинг Халқ ва Виртуал қабулхоналари” фаолияти йўлга қўйилди, аҳолининг мурожаатлари давлат органлари фаолиятининг диққат марказида бўлди. Бу каби ислохотлар ва халқчил чора-тадбирлар “Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилиши керак” деган чинакам халқпарварлик тамойили асосида амалга оширилмоқда.

“Шу билан бир қаторда, адолатли ижтимоий сиёсатни амалга ошириш борасида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратмоқдамиз:

- инсон капиталини янада ривожлантириш, жумладан, таълим ва тарбия, соғлиқни сақлаш, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш;
- янги уй-жойлар қуриш, аҳолини тоза ичимлик суви, энергия билан таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар ишини яхшилаш;
- аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатлами, ногиронлиги бўлган шахсларни “истеъмол саватчаси” таърифи асосида манзилли қўллаб-қувватлаш, шунингдек, иш ҳақи, пенсия, нафақа ва стипендиялар миқдорини мунтазам ошириб бориш ва ижтимоий хизматлар кўламини янада кенгайтиришга қаратилган ишларни сифат жиҳатидан янги босқичга олиб чиқиш”¹⁹⁸.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг энг муҳим жиҳати, унинг мамлакатимизда бозор муносабатларига асосланган ижтимоий адолатли жамият қуришга қаратилганлигидадир. Бош қомусимиз Ўзбекистонда

¹⁹⁸ Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн] / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2024. 60-бет.

хуқуқий-демократик жамият қуришнинг асосий гаровидир. Конституцияга киритилган “ижтимоий давлат қуриш” тамойили Ўзбекистонда ижтимоий соҳа ва фуқаролар эркинликларини таъминлаш йўлидаги тараққиётнинг бошланғич нуқтаси эмас, балки ўтган давр мобайнида амалга ошириб келинаётган ислохотларни янада кенгайтириш учун мустаҳкам бир заминдир.

Конституциямиздаги янгиликларнинг асосий ғояси мамлакатимизда инсоннинг қадр-қиммати, шаъни ва ғурури, манфаатлари улуғланадиган ижтимоий жамият барпо этишдан иборатдир. Конституциявий ислохотларимизнинг бош тамойили бўлган “Инсон – жамият – давлат” деган ёндашув бундан буён барча соҳаларда асосий тамойил бўлишига эришиш янги Ўзбекистоннинг бош мақсадидир. Зеро, ижтимоий давлат ҳар бир инсон учун ижтимоий тенглик ва адолат принциплари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиб беради. Ижтимоий давлат ижтимоий тафовутларни камайтириш, муҳтожларга ёрдам бериш бўйича самарали сиёсат олиб борадиган давлат моделидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев таъкидлаганидек, “Ижтимоий давлат муҳтожларга уй-жой, яшаш учун зарур бўлган истеъмол товарларининг энг кам миқдори белгилаб қўйилишини назарда тутди. У шахс ва унинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етадиган иш ҳақи, бандликни таъминлаш, хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, камбағалликни қисқартиришни талаб қилади.

Шу билан бирга, ишсизликдан ҳимояланиш, кафолатланган сифатли таълим, малакали тиббий ёрдам, барча учун тенг имкониятлар, оилалар, болалар, аёллар, қариялар, ногиронлиги бор шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳам ижтимоий давлатнинг асосий вазифасидир.

Шулар қаторида яшаш учун зарур ресурслар – ичимлик суви, табиий газ, электр энергияси, транспорт ва бошқа қулайликлар билан таъминланиш, мажбурий меҳнатга тақиб қўйиш ҳам ижтимоий давлатда муҳим аҳамият касб этади.

Бир сўз билан айтганда, ижтимоий давлатда ҳеч ким эътибордан четда қолмайди, ўз муаммолари билан ёлғиз ташлаб қўйилмайди”¹⁹⁹.

¹⁹⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг "...биз барча фуқаролар, жумладан, ногиронлиги бўлган шахслар учун бир хил имкониятлар амал қиладиган инклюзив жамиятни барпо этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширамыз"²⁰⁰", деб таъкидлаганлари босқичма-босқич тизимли амалга оширилмоқда.

Юқоридаги мисоллардан келиб чиқиб, ижтимоий давлатчилик Ўзбекистонда ҳам ўзига хос тарзда ривожланиб бораётганлигини яққол кўришимиз мумкин. Бу тамойилнинг Асосий қонунимизда акс этиши эса Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат сифатидаги мақомини нафақат ўзимизда, балки халқаро муносабатларда ҳам ҳуқуқий мустаҳкамламоқда.

"Биз юртимизда амалга оширилаётган "Кучли ижтимоий ҳимояни таъминлаш" концепциясини янги босқичга кўтариш орқали чинакам ижтимоий давлат қуришни режалаштирганмиз. Чунки аҳолининг муҳтож қатлами манфаатлари муносиб ҳимоя қилинган, барча соҳада адолат мустаҳкам қарор топтирилган ижтимоий давлат барпо этиш – барқарор ривожланишнинг энг муҳим шарти эканлиги жаҳон тажрибасидан ҳам яхши маълум"²⁰¹.

Президентимиз "Инсон қадри учун" ғоясини ҳамда ҳозирги ислохотларнинг бош тамойили бўлган "Инсон – жамият – давлат", деган ёндашувни Конституциямизнинг мазмун-моҳиятига чуқур сингдириб, амалий ҳаётимизда бош қадриятга айлантиришимиз зарур"²⁰², дея таъкидлаган эдилар. Бу орқали инсоннинг ҳаёти, қадр-қиммати, шаъни, ғурури устуворлиги ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамланади. Кўриниб турибдики, бу ғоянинг туб негизида инсон қадрини улғшлаш, унга муносиб яшаши учун шароитлар яратиш, хизмат кўрсатиш мақсадлари мужассам. Шу нуқтаи назардан

Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи. https://uza.uz/posts/konstituciaviy-islohotlarimizning-bosh-maqsadi-inson-qadri-xalq-manfaatini-amalda-taminlashdir_383081

²⁰⁰ <https://president.uz/uz/lists/view/5748>

²⁰¹ Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн] / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: "Ўзбекистон" нашриёти, 2024. 62-бет.

²⁰² Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи. https://uza.uz/posts/konstituciaviy-islohotlarimizning-bosh-maqsadi-inson-qadri-xalq-manfaatini-amalda-taminlashdir_383081.

Янги Ўзбекистонда инсон қадри, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланган. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, “инсон қадри – мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаётни, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлар, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминланишини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини англатади”²⁰³.

“Шубҳасиз, “ижтимоий давлат” ва “инсон қадри” тушунчалари бир-бири билан чамбарчас боғлиқдир. Ижтимоий давлат қуриш ғоясининг негизида, аввало, инсон қадрини улуғлаш ва аҳолига хизмат қилишдек олижаноб мақсад мужассам. Ушбу ғоя ҳар бир фуқаро учун ижтимоий тенглик ва адолат тамойиллари асосида муносиб яшаш шароитларини яратиш, муҳтожларга кўмак бериш ҳамда аҳоли қатламлари орасидаги тафовутларни камайтириш борасида самарали сиёсат юритадиган давлат моделини яратишни тақозо этади”²⁰⁴.

Хулоса сифатида, **Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси)**га қуйидагича таъриф бериш мумкин:

Ижтимоий давлат – бу ҳар бир фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришиш, ижтимоий тафовутларни юмшатиш ва муҳтожларга ёрдам бериш учун ижтимоий адолат тамойилларига мувофиқ моддий бойликларни қайта тақсимлашга қаратилган давлат моделидир. Ижтимоий давлат – бу давлатнинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми билан боғлиқ бўлган белги (тамойил) бўлиб, инсон ва фуқаронинг иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлари ва эркинликларининг конституциявий кафолатини ҳамда давлатнинг тегишли мажбуриятларини назарда тутди. Ижтимоий давлатда олиб борилаётган ҳар бир сиёсат фуқаронинг муносиб турмуш сифати ва даражасига эришишига қаратилиши, ижтимоий тафовутларни қисқартиришга йўналтирилиши ва ижтимоий

²⁰³ Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн] / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2024. 63-бет.

²⁰⁴ Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн] / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2024. 65-бет.

адолат тамойилларига мос бўлиши керак. Бундай мамлакатда яратилган моддий неъматлар, даромадлар ва бойликларни адолатли қайта тақсимлайдиган институтлар ва механизмлар ишлаши талаб этилади.

Ижтимоий давлат функциялари – бу аҳолининг ижтимоий ҳимояланмаган ёки эҳтиёжманд қатламларини қўллаб-қувватлаш; муҳтож шахсларни ижтимоий ҳимоя қилиш; ишсизликка қарши курашиш; ёш тадбиркорларга ёрдам; аҳолининг бандлигини ва даромадларини доимий ўсишини таъминлаш; таълим, соғлиқни сақлаш ва маънавий-маданий ривожланишдан фойдаланиш имкониятини ва қулайлигини таъминлаш; ижтимоий хизматлар кўрсатиш; жамиятнинг барча аъзоларини ижтимоий суғурта билан таъминлаш; жамиятдаги ижтимоий тенгсизликни юмшатиш, ижтимоий тенгликни таъминлаш, имтиёзларни қайта тақсимлаш орқали муносиб турмуш шароитини яратиш; ижтимоий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, адолатли ва самарали солиқ ҳамда бюджет сиёсатини амалга ошириш ва бошқалар. Бунинг учун эса, мамлакатдаги солиқ ва бюджет тизими, солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, унинг ижроси ва назорат механизмлари “Ижтимоий давлат” тамойилларига мос бўлиши керак.

Ижтимоий давлатнинг намоён бўлиш белгилари – бу сифатли таълим, малакали ва мақбул тиббий хизмат; аҳолининг даромадларини йирик мулкдорларга зарар етказмасдан қайта тақсимлаш имконини берувчи мамлакат иқтисодий ривожланишининг юқори даражаси таъминланганлиги; ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти ва фуқаролик жамияти қарор топганлиги ҳамда фуқаролик жамияти институтларининг ривожланган тармоғи яратилганлиги; кўп тармоқли ва аралаш иқтисодиёт; давлат томонидан турли ижтимоий дастурларнинг ишлаб чиқилиши ва амалга оширилиши; ҳар бир фуқарога муносиб турмуш шароити, ижтимоий таъминот ва шахснинг жамиятда ўз ўрнини топиши учун бирламчи зарурий шароитлар кафолатланиши, фуқаролар олдидagi ижтимоий масъулият ва жавобгарлик; ижтимоий ҳаётни оптимал ривожланган тартибга солиш тизими; бюджетдан ижтимоий тўловларининг мавжудлиги; ижтимоий суғурта бадалларининг ривожланган тизими жорий қилиниши, ижти-

мой соҳага тўловларнинг юқори миқдори; ижтимоий ҳимоя, ижтимоий таъминот ва бандлик давлат тизимларининг мавжудлиги; жамиятнинг барча муҳтож аъзоларини истисносиз ижтимоий қўллаб-қувватлашнинг мавжудлиги; аҳолининг барча қатламлари учун ижтимоий хизматлар кўрсатишнинг ривожланган тизими йўлга қўйилганлиги, ижтимоий шериклик ва ижтимоий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимининг мавжудлиги; аҳолининг барча гуруҳлари учун хизмат кўрсатиш ва ижтимоий хизматлар тизимини ривожлантириш; ҳокимиятлар бўлиниши амалга оширилган, давлат ҳокимиятининг ҳар бир тармоғининг вазифалари аниқ амалга оширилган, ижтимоий ҳаётнинг ҳуқуқий-меъёрий тизими ишлаб чиқилган ривожланган ҳуқуқий тизим; фуқароларнинг фаровонлик даражаси учун жавобгарликни давлат ўз зиммасига олиши.

“Инсон қадри учун”, “Инсон қадри ва халқ манфаати ҳамма нарсадан устун”, “Инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни ва қадр-қиммати олий қадрият ҳисобланадиган инсонпарвар демократик давлатни, очиқ ва адолатли жамиятни барпо этиш”, “Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқароси эркин, адолатли, тинч ва фаровон яшашга ҳақлидир!” “Бизнинг қатъий позициямиз халқпарвар давлат барпо этиш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, қонун устуворлигига эриши ва эркин фуқаролик жамиятини янада ривожлантиришдан иборатдир”²⁰⁵ деган ғоялар Янги Ўзбекистоннинг адолатли жамият модели (концепцияси) негизида ётган асосий ғоялардир.

“Мамлакатимиз тараққиётининг ўзига хос қонуниятлари ҳамда дунёда бу борада тўпланган тажрибаларни назарда тутган ҳолда, айтиш мумкинки, биз барпо этаётган ижтимоий давлатда қуйидаги масалаларга устувор эътибор қаратилади:

- ҳар бир инсоннинг ўз салоҳиятини тўла-тўқис рўёбга чиқариши учун тенг имкониятлар яратиш, камбағалликни қисқартириш, мавжуд ижтимоий тафовутларни камайтириш;
- инклюзив ривожланиш ҳамда фуқароларнинг фундаментал ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, уларнинг дав-

²⁰⁵ Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. “O‘ZBEKISTON” Тошкент – 2023. 102-бет.

лат хизматларидан фойдаланиши учун шароит яратиш;

- малакали тиббий хизмат кўрсатиш, сифатли таълим, ижтимоий ҳимоя тизими, илм-фан, маданият ва санъат, спорт соҳаларини ривожлантириш, экологик муҳит мусавфолигини ишончли ҳимоя қилиш;

- ҳар бир фуқаронинг тинч ва хавфсиз, муносиб ҳаёт кечиришига эришиш, аҳоли учун янги уй-жойлар қуриш, уни тоза ичимлик суви, энергия билан ишончли таъминлаш, ижтимоий инфратузилмалар фаолиятини яхшилаш”²⁰⁶.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 1 июндаги “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги қарори ҳамда “Аҳолига сифатли ижтимоий хизмат ва ёрдам кўрсатиш ҳамда унинг самарали назорат тизимини йўлга қўйиш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони асосида юртимизда ижтимоий ҳимоя агентлиги ва “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилганлиги ҳам Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият моделининг алоҳида белгисидир. Шунингдек, бугунги кунда юртимизда соғлиқни сақлаш, таълим соҳаси, камбағалликни қисқартириш, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлашга қаратилган улкан ислохотлар амалга оширилаётганлиги, “Камбағалликдан фаровонлик сари” дастурининг қабул қилинганлиги ва унга кўра, 2025 йилда 1 миллион аҳолини камбағалликдан чиқариш ва камбағаллик даражасини 5 фоизга тушириш бўйича аниқ вазифалар белгилаб берилганлиги ҳам “Ўзбек модели”нинг ўзига хос кўринишлари ҳисобланади.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, давлатнинг ижтимоий адолатни амалга ошириши натижасида жамият тараққиётининг барқарорлиги ва фуқароларнинг ижтимоий фаоллиги ортади. Бу эса ижтимоий давлат қоидалари ва талабларига жавоб беради ҳамда юксак самарадорликка эришиш учун замин яратади. Ижтимоий адолат амалда бўлса, жамият фаровонлиги ошади, инсонлар ҳаёти энгиллашади ва иқтисодиёт ҳам самарали ривожланади. Янги Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар квинтэссенцияси иж-

²⁰⁶ Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн] / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон” нашриёти, 2024. 63-бет.

тимой давлат ва адолатли жамият моделининг яхлит ифодасидир.

Адолатли жамият модели – бу ҳар бир инсоннинг ҳуқуқлари ва эркинликлари ҳурмат қилинадиган, барчага тенг имкониятлар бериладиган ва ҳеч ким камситилмайдиган жамиятдир.

Адолатли жамият моделини яратиш учун бир қатор омиллар муҳим аҳамиятга эга:

1. Ҳуқуқий давлат: ҳуқуқий давлатда қонунлар барчага тенг татбиқ этилади, ҳеч ким қонундан юқори турмайди ва ҳар ким қонун олдида тенг ҳуқуқларга эга бўлади.

2. Ҳуқуқларни ҳимоя қилиш: ҳар бир инсоннинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун мустақил суд тизими, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи ташкилотлар ва фуқаролик жамияти институтлари зарур.

3. Тенг имкониятлар: барчага тенг имкониятлар берилиши, таълим, тиббиёт ва ишга жойлашиш каби соҳаларда камситиш ва дискриминацияга йўл қўйилмаслиги керак.

4. Шаффофлик ва ҳисобдорлик: Ҳукумат ва бошқа давлат органларининг фаолияти шаффоф бўлиши, ҳисобдорлик ва жавобгарлик принципларига амал қилиши керак.

5. Ижтимоий адолат: ижтимоий адолат камбағалликка қарши кураш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш орқали таъминланади.

6. Фуқаролик жамияти: Фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки, мустақил оммавий ахборот воситаларининг ривожини, фуқароларнинг сиёсий иштироки адолатли жамият моделини яратишда муҳим аҳамиятга эга.

Адолатли жамият моделини яратиш – бу узоқ ва мураккаб жараён бўлиб, бу жараёнда ҳукумат, фуқаролик жамияти ва ҳар бир инсоннинг ўз ҳиссасини қўшиши зарур.

Адолатли жамият модели

Жамият ва табиат уйғунлиги, мувозанати бузилмаган	Жамиятдаги мувозанат (уйғунлик) ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик таъминланган						Адолатли ҳамкорлик ва келишув (шартнома) тизими – тинч ва фаровон келяжак қафолати яратилган
Табиат мувозанати (мўътадиллик) ва экологик барқарорлик Табиатни асраш, ресурслардан оқилона фойдаланиш ва қайта тикланишини таъминлаш даражаси	Эҳтиёжлар, истеъмол ва нафиллик меъёрига риоя қилинади	Инсон кадри, аҳоли фаровонлиги ва инсон (капитали) салоҳиятини барқарор ошириш тизими яратилган. Ижтимоий шериклик ва жамоатчилик назорати (бошқаруви) устуворлиги тизими яратилган.				Ижтимоий меъёрлар ва қафолатлар. Қучли ижтимоий ҳимоя тизими яратилган	
	Экологик ҳафсизлик таъминланганлиги ва ҳеч қим экологик зарарлардан ноҳақ равишда жабр кўрмаслиги	Инсон ва сунъий интеллект, сунъийлик меъёрлари белгиланган	Коррупциясиз жамият ҳамда адолатсизликларнинг олдини олиш (профилактика) тизими яратилган. Рақамли жамият тизими яратилган.			Ҳуқук ва бурч, ваколат ва мажбурият муносиб-лиги	
			Яшил технологиялар қўлланиши даражаси устуворлиги белгиланган	Илоҳий (идеал) ва ҳаётий (real) адолат уйғунлиги	Ижтимоий адолат қондалари амал қилади	Қонун устуворлиги ва одил судлов таъминланганлиги	
				Экологик адолат қондалари амал қилади	АДОЛАТЛИ ЖАМИЯТ		
				Иқтисодий ва экологик маданият ривожланган	Иқтисодий адолат қондалари амал қилади	Ички (моҳия-тан) ва ташқи (шаклан) адо-лат уйғунли...	
	Фойда ва зарар меъёрлари белгиланган	Қулай бизнес муҳит яратилганлиги, бизнеснинг ижтимоий масъулияти ва ижтимоий тadbirkorlik барқарор ошиши				Адолатли тенглик – тенг имкониятлар яратилган	
	Адолатли жамғариш ва инвестиция қондалари белгиланган	Такрор ишлаб чиқариш жараёнидаги – макроиқтисодий мувозанат ва барқарорлик таъминланган				Адолатли тақсимот тизими яратилган	
Жорий (бугунги) ва келяжакдаги синергетик самара-натияждорлик ҳисобга олинган	Иқтисодиётдаги мувозанат (бозор мувозанати) ва иқтисодий барқарорлик таъминланган						Адолатли рақобат тизими – ўйин қондалари бирхиллиги яратилган

Юқоридаги чизма шаклида ифодаланган моделнинг ҳар бир банди алоҳида ўлчов ва қондаларига эга бўлиб, улар интеграциялашган ҳолда ягона умумий моделни ташкил этади. Масалан, адолатли жамиятнинг иқтисодий-математик модели қуйидаги чизма орқали ифодаланади



Бу ерда, ишлаб чиқаришдаги устуворлик (самарадорлик даражаси), нафлилик, меҳнатга бўлган муносабат, тақсимот ва айирбошлашдаги ривожланиш ва тараққиётни таъминловчи тенглик, эквивалентлилик, яъни ўсиб боровчи фаровонлиқнинг уйғунлиги адолат қонунининг талабидир.

Худди шундай, адолатли жамият моделидаги ҳар бир элементнинг ўз ўлчови, формуласи ва қоидалари асослаб берилган.

Адолатли жамиятда ҳар бир шахс ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилинган деб ҳисоблайди, бу эса жамиятнинг барқарорлигини таъминлайди. Адолатли жамиятда ҳар бир шахс ўз салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқара олади, бу эса ижтимоий ривожланишга ёрдам беради.

4.3. Глобал адолат кодекси ва рейтингини (индексини) жорий қилишнинг зарурлиги, моҳияти ва йўллари. Адолатли дунё модели.

Дунёни адолат ўзгартиради. Глобал адолат – барча муаммолар ечимидир.

Глобал адолат – бу нафақат ахлоқий, балки иқтисодий зарурат ҳамдир. Тенгсизликни қисқартириш, ресурслардан самарали ва адолатли фойдаланиш, ҳамда умумбашарий фаровонликка эришиш учун глобал иқтисодий тизимда туб ислохотлар зарур. Иқтисодиёт назарияси бу муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва ҳал этишда муҳим илмий асосларни тақдим этади.

“Тобора глобаллашиб бораётган бугунги дунёда адолат-га эришиш ғояси ва шарт-шароитлари инсоният жамиятини барқарор ривожлантириш асосларидан бирига айланиши керак. Ушбу ғоянинг аҳамияти шундаки, у келажакка умид бағишлайди ва ишончни мустаҳкамлайди. Адолат бўлмаган жойда ҳеч қандай барқарор тинчлик ва хавфсизлик, ҳеч қандай ижтимоий ривожланиш, ҳеч қандай шахс эркинлиги, инсон қадри ёки ҳамма инсонлар учун мақбул ҳаёт сифати мавжуд эмас ва бўлиши ҳам мумкин эмас”²⁰⁷.

“Бугун биз шунчаки ўзгаришлар даврида эмас, балки беқарорлик асрида яшамоқдамиз – геосиёсий, иқтисодий, технологик ва экологик ўзгаришлар глобал тартибни қайта шакллантирмоқда”²⁰⁸.

Бугунги таҳликали ва зиддиятли глобал дунёда барча мамлакатлар ва бутун инсоният тан оладиган ҳамда келажagini ўйлаб риоя қиладиган умумий тартибот ва қоидалар бўлиши керак. Глобал адолат кодекси ва қоидалари ушбу талабларга жавоб берадиган восита бўлади, деб ўйлаймиз. Глобал адолат кодекси глобал адолатнинг замонавий архитектура-сини такомиллаштириш талабларига жавоб бериши керак. Бунда биз янада барқарор ва адолатли келажакни яратиш учун зарур бўлган ўзгаришларни қабул қилишимиз керак. Бу ерда тенгсизлик, адолатсизлик ва зўравонлик-зулмни давом эттирувчи тизимларга қарши курашиш ва демонтаж қилиш ҳақида, янада кенгроқ қамраб олувчи (инклюзив), барқарор ва адолатли янги воқеликни яратиш ҳақида сўз боради. Чунки, дунё тарихидаги энг йирик қарама-қаршилиқлар, урушлар ва инқилоблар айнан адолатсизлик сабабли бошланган.

Глобал адолат кодекси – бу жаҳон миқёсидаги барча давлатлар, жамиятлар ва шахслар ўртасида адолатни таъминлашга йўналтирилган ҳуқуқий ва ахлоқий қоидалар тизимидир. Бу кодекснинг асосий мақсади жамиятлар ва давлатлар ўртасидаги тенглик, инсон ҳуқуқлари, иқтисодий ва ижтимоий тараққиёт ва хавфсизликни таъминлашдан иборатдир. Глобал адолат кодекси ҳамма учун тенг имкониятлар, манфаатлар ва ҳуқуқларни ҳимоя қилишга асосланган

²⁰⁷ <https://infourok.ru/problema-spravedlivosti-i-paradigmy-nacionalnoj-identichnosti-i-integrativnyh-tendencij-sovremennogo-mira-5760592.html>.

²⁰⁸ <https://lnkd.in/dph9mYDs>.

бўлиши керак. Яъни, глобал адолат кодексида қуйидаги талаблар эътиборга олинishi керак:

1) Ҳар бир инсоннинг ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилиш: Кодекс барча инсонларнинг фундаментал ҳуқуқларини, тенглик, эркинлик ва қадр-қимматини таъминлаши керак.

2) Жамиятнинг ижтимоий барқарорлиги: Кодекс ижтимоий барқарорлик, иқтисодий ривожланиш ва маданий уйғунлашувни рағбатлантирадиган бўлиши керак.

3) Экологик барқарорлик: Глобал адолат кодекси экологик захираларни барқарор ишлатиш ва келажақ авлодлар учун табиий ресурсларни сақлашга йўналтирилган бўлиши керак.

4) Қонунга асосланган ҳокимият: Давлатлар ва шахслар қонунга асосланган бўлиб, барча қарорлар инсон ҳуқуқларига ҳурмат билан қабул қилиниши керак.

Шунингдек, глобал адолат ғояси маданий хилма-хилликни жаҳон ҳамжамиятининг барча субъектлари тенг ривожланиши талаби сифатида тан олишни ҳам назарда тутди. Бу императив шахсларнинг ирқий, этник, гендер ва бошқа маданий тафовутларининг иқтисодий жиҳатини белгиловчи ижтимоий тенгсизликларни бартараф этиш талабидан ҳамда алоҳида ижтимоий-маданий жамоаларнинг ўзига хос адолат идеалларига эга эканлигини англашдан иборат. Шунинг учун глобаллашув инсоният мавжудлигининг турли маданий шакллари бирлаштириш жараёни сифатида ривожлана олмайди. Жаҳон цивилизациясининг келажақдаги ривожланишини биргаликдаги саъй-ҳаракатлар билан аниқлаш учун тарихий жараёнда барча субъектларнинг тенг ҳуқуқлилиги глобал адолатдир.

Глобал адолат кодексининг мақсади ва талабларидан келиб чиққан ҳолда унинг қуйидаги асосий тамойилларини ажратиш мумкин:

1. Инсон ҳуқуқлари ва тенглик тамойили. Кодекснинг асосий элементларидан бири инсонларнинг асосий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ҳисобланади, жумладан, эркинлик, гаплашиш, таълим олиш, ишлаш, соғлиқни сақлаш, ҳамда ижтимоий адолатни таъминлаш. Глобал адолат кодекси ҳар бир инсоннинг қонун олдида тенглигини таъминлашга йўналтирилган. Бу фуқароларнинг рангидан, миллатидан, иркидан, жин-

сидан ва бошқа ижтимоий фарқлардан қатъий назар тенг ҳуқуқларга эга бўлишини назарда тутати.

2. Иқтисодий адолат тамойили. Иқтисодий имкониятлар: Глобал адолат кодекси жаҳон бўйлаб ҳар бир инсон ва халқнинг адолатли иқтисодий имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқини тан олади. Бу иқтисодий фаолиятни ижтимоий манфаатларга йўналтириш, фарқларни камайтириш ва камбағалликни йўқ қилишга қаратилган. Ресурсларни адолатли тақсимлаш: Ҳар бир давлатнинг ресурслари ва бойликлари адолатли тарзда тақсимланиши керак. Бу эркин бозор иқтисодиётини ва давлат аралашувини ҳисобга олган ҳолда, глобал ривожланишни таъминлашни ўз ичига олади.

3. Жамият ва маданиятлар ўртасидаги мулоқот ва ҳамкорлик тамойили. Глобал адолат кодекси турли маданият ва эътиқодларни ҳурмат қилиш, ўзаро тушуниш ва мулоқотни рағбатлантириш тамойилига асосланиши керак. Маданий фарқлар инсонларнинг бир-бирига нисбатан ҳурмат ва сабрли бўлишини таъминлайди. Глобал адолат кодекси, маданий турличаликни, диний ва этник фарқларни ҳурмат қилган ҳолда, жамиятларда ижтимоий интеграцияни рағбатлантириши зарур.

4. Табиат ва экологик адолат тамойили. Глобал кодекс иқлим ўзгариши ва унинг тўғри бошқарилишига қаратилган ҳал этиш механизмларини белгилайди, шунингдек, барқарор ривожланишга йўналтирилган қадамларни белгилайди. Глобал адолат кодекси глобал экологик хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга ҳам ёрдам беради. Бу, жамиятнинг табиат ва ресурсларга бўлган масъулиятли муносабатини, табиий захира-ларнинг адолатли тақсимланишини, ва инсонларнинг экологик хавфсизлигини ҳимоя қилишни ўз ичига олади.

5. Маънавий ва ахлоқий адолат тамойили. Кодекс инсонларнинг ёшидан қатъий назар, таълим олиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлайди. Таълим барча фуқаролар учун тенг ва адолатли бўлиши керак. Глобал адолат кодекси жамиятда ахлоқий ва этик стандартларни яратиш ва уларни амалга оширишни рағбатлантиради. Бу ахлоқий қоидалар инсонларнинг қадр-қимматлари, адолатли муомала, бошқаларга ҳурмат қилиш, ҳамкорлик ва ҳамжиҳатлик тамойилига асосланади.

6. Қонун устуворлиги ва жавобгарлик тамойили. Глобал

адолат кодекси қонун устуворлигини таъминлашга, ҳар бир инсоннинг ҳуқуқ ва манфаатларини қонунлар асосида ҳимоя қилишга йўналтирилган бўлиши керак. Барча давлатлар ва шахслар қонунга итоат этиши ва адолатни таъминлаш учун масъул бўлиши керак. Давлатлар, ташкилотлар ва шахслар ўзларининг ҳар бир ҳаракати учун жавобгар бўлиб, ўзаро ҳамкорликда адолатли қарорлар қабул қилишлари керак.

7. Глобал хавфсизлик ва тинчлик тамойили. Глобал адолат кодекси тинчлик, хавфсизлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилган бўлиши керак. Бу давлатлар ўртасидаги ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни сақлашга йўналтирилган. Қонунда тинчликни таъминлаш: Глобал кодекс, яратилган муносабатлар ва келишувлар орқали тинчликни тарғиб қилади, ҳарбий аёллар ва болалар ҳуқуқларига дахл қилмайди.

8. Ижтимоий ва сифатли соғлиқни сақлаш тамойили. Глобал адолат кодекси инсонлар учун соғлиқни сақлаш хизматларини адолатли тақсимлаш ва барча учун сифатли тиббий хизматлардан фойдаланишни таъминлашни назарда тутди. Кодекс инсонларнинг соғлом турмуш тарзини сақлаш ва профилактикага аҳамият беришга чорлайди.

Маълумки, глобаллашув – бутунжаҳон иқтисодий, сиёсий ва маданий интеграция ва унификация жараёнидир. У халқаро меҳнат тақсимооти, миграция, инсоний ҳамда ишлаб чиқариш ресурслари, қонунчиликни мувофиқлаштириш орқали стандартлаштириш, ижтимоий ва технологик жараёнлар, жумладан, турли давлатларнинг маданияти аралашуви натижасида вужудга келади. Шу нуқтаи назардан ҳам Глобал адолат индексини жорий қилиш ва БМТ ёрдамида ушбу индексни аниқлаб бориш ҳамда мониторинг қилиб бориш зарур, деб ҳисоблаймиз. *(Глобал адолат индексини ҳам ўша интеграл адолатга ўхшаш формула орқали аниқлаш мумкин).*

Глобал адолат индекси (Global Justice Index) жаҳон миқёсидаги адолат, тенглик ва инсон ҳуқуқлари ҳолатини баҳолаш учун ишлатиладиган статистик ва индекс ёрдамида қиёслаш имконини берувчи кўрсаткичдир. Бу индекс турли соҳалардаги (иқтисодий, ижтимоий, ҳуқуқий, экологик ва маданий) адолатни ўлчашга йўналтирилган бўлиб,

мамлакатлар ўртасида адолатли тараққиётни таъминлашга қаратилган.

Глобал адолат индекси ҳар бир мамлакатнинг адолатли тараққиётини кузатиш ва уни таҳлил қилишга имкон беради. У инсонларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлашда давлатлар ўртасидаги самарали ҳамкорликни рағбатлантиришга ёрдам беради. Глобал адолат индексини яратиш экологик масалаларни ҳал қилишда ҳам муҳим, чунки бу ҳар бир мамлакатнинг экологик барқарорликка қандай таъсир кўрсатишини ва ресурсларни адолатли тақсимлашини аниқлайди. Индекс орқали глобал ривожланишнинг барқарорлигини таъминлаш ва ижтимоий ҳамкорликни яхшилаш мақсадида давлатлар ва халқаро ташкилотлар ўртасидаги ҳамкорликни кучайтириш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий адолат “ижтимоий бойликларни ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш билан боғлиқ муносабатларда ўзининг ўзига хос, амалий шакллариغا эга бўлади. Шу билан бирга, ижтимоий-иқтисодий адолат – ишлаб чиқариш амалиётининг хилма-хиллигини, турли хўжалик юритувчи субъектларнинг моддий ва иқтисодий манфаатларининг ўзаро хусусиятини ҳисобга оладиган байналминал иқтисодиёт тамойилларига ўтишнинг зарурлигини ифодаловчи императивдир. Умуман олганда, глобаллашув даврида ижтимоий адолат бозорнинг ўзаро боғлиқлигининг қиймат доирасини енгиб ўтишга қаратилган.

Глобаллашув жараёнлари ўз ифодасини глобаллашув ҳаракатларини ўзгартириш амалиётида топган адолат ғоясининг янги турдаги ижтимоий-амалий ифодаси пайдо бўлишига асос бўлди. Адолат ғоясининг янги ижтимоий-амалий маъноси ҳукмрон буржуа ҳокимият институтларига тарихий муқобил сифатида “сиёсий қарорлар қабул қилиш”да иштирок этишнинг ўзини ўзи ташкил этиш ва демократия тамойилларини тан олишдан келиб чиқади.

Бунда ижтимоий-иқтисодий адолат шунчаки назарий тушунча эмас, балки умуминсоний барқарорлик ва глобал фаровонлик асосидир. Зеро, тенг имкониятлар, ҳамжиҳатлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мезонлари давлатлар ва халқларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун жуда муҳим. Ушбу

йўналишдаги тадқиқотларимиздан кўзланган мақсади эса жаҳон ҳамжамияти эътиборини ижтимоий-иқтисодий адолатни ривожлантириш зарурлигига қаратишдир. Чунки, ижтимоий адолат амалда бўлса, жамият ҳаёти энгиллашади ва иқтисодиёт ҳам самарали ривожланади. Янада муҳими, қашшоқлик, тенгсизлик ва ижтимоий танглик камаяди. Шу муносабат билан БМТ Бош котиби Антониу Гутерриш 2023 йилдаги маърузасида бу борада инклюзив ва кўптомонлама ёндашувни кучайтириш, қайтадан глобал бирдамликка эришиш, мамлакатлар ҳукуматлари ва халқлари ўртасидаги ижтимоий шартномани, шунингдек, ҳар бир жамият шартномасини – инсон ҳуқуқларини таъминлашга қамровдор ёндашган ҳолда, тубдан янгилашга чақиргани бежиз эмас.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Ер хартиyasi, ХМТнинг Адолатли глобаллашув учун декларацияси ва бошқалар Глобал адолат кодексининг асосий қисмлари ҳисобланади.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини, Ер хартиyasини ва ... бошқа Халқаро конвенциялар, Низомлар, Қоидаларни Глобал адолат кодексига киритиш учун қайта кўриб чиқиш, ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш зарурияти мавжуд...

Декларатив қоидалардан амалий таъсирчан адолатли қоидаларга ўтиш, модернизация қилиниши керак. Декларация, резолюция, хартия ва чақириқлардан таъсирчан амалий механизмларга (усулларга, қоидаларга) ўтишни бугунги вазиятлар тақозо этмоқда, деб ўйлаймиз.

Таъсирчан амалий механизмлар қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

- 1) Уруш ва зўравонликлар, мамлакатлар ўртасидаги низоларга сабаб бўлаётганлар учун, қуролланишга сарфланаётган маблағлар учун, табиатни ифлослантираётганлар, монополист ва коррупционерлар, ҳар қандай адолатсизлик ҳолатлари (жумладан, икки хил (томонлама) стандартлар) учун профилактик иқтисодий санкциялар механизмини жорий қилиш (бунда Демократия ниқоби остидаги найранглар ва икки томонлама стандартларни аниқлаш (фош қилиш) формуласи қўлланилиши керак) ҳамда ушбу санкциялар

орқали йиғиладиган маблағлардан глобал адолат фондини шакллантириш керак;

2) БМТ тузилиши ва мақомига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш лозим. Жумладан, Халқаро жиноят судини Халқаро Адолат Кенгаши ёки комиссияси сифатида қайта ташкил этиш ва мунтазам ишлайдиган вакиллар билан кенгайтириш лозим;

3) Истиқболдаги (яқин келажакдаги) саноат революциялари (Бешинчи саноат революцияси) чақириқларига ориентир олишимиз ва тайёр бўлишимиз керак...

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи нафақат халқимизнинг, балки дунё жамоатчилигининг ҳам эътиборини тортди.

Давлатимиз раҳбари халқаро ҳамжамиятга юзланиб, “Мақсадимиз – ҳар бир инсоннинг асосий ҳуқуқ ва эркинликларини, саломатлиги ва фаровонлигини таъминлайдиган адолатли глобал тизимни биргаликда яратишдир”²⁰⁹ – дея мурожаат қилди.

Шунингдек, БРИКС ва “БРИКС плюс” йиғилишларида давлатимиз Раҳбари Ўзбекистон БМТнинг марказий ўрнини таъминлаган ҳолда адолатли дунё тартиботининг янги архитектураси шаклланиши тарафдори эканлигини айтиб ўтдилар. Унда асосий урғу конструктив мулоқот орқали, геосийёсий рақобат, миллий худбинлик ва ғоявий курашлардан ҳоли бўлган глобал оқилона мурасага келишишга қаратиш кераклигини таъкидладилар.

Бундан ташқари давлатимиз Раҳбари глобал тенгсизликни бартараф этиш ва инклюзив иқтисодий тикланиш масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар²¹⁰.

БМТ берган маълумотларга кўра, дунё аҳолисининг 1/5 қисми, бугун қашшоқ ҳолда (кунига 1,9 доллар эвазига) кун кечирмоқда, ачинарлиси уларнинг 50 фоизини 18 ёшга кирмаган болалар ташкил этади.

Тиббиёт соҳасида ҳам тенгсизликларни кузатишимиз

²⁰⁹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 75-сессиясидаги нутқи...

²¹⁰ Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БРИКС ва “БРИКС плюс” йиғилишларидаги маърузаси...

мумкин. Халқаро тадқиқот марказлари берган маълумотларга кўра, ривожланган давлатлар аҳолисининг 75 фоизидан кўпи турли хил касалликлардан эмланган бир пайтда, ривожланаётган давлатларда ушбу кўрсаткич 50 фоизга етмайди.

Шу сабабли давлатимиз раҳбари ривожланаётган давлатларнинг камбағалликни қисқартириш, иқтисодиётни модернизация қилиш, экологик муаммоларни ҳал этиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий-иқтисодий дастурларини қўллаб қувватлашни таклиф қилдилар.

Бугун дунёда кузатилаётган низо ва урушларнинг ошиб бораётганлиги, дунё иқтисодиётининг парчаланиши, санкциялар қўлланилишининг ортиши, технологик рақобатнинг кўчайиши кўп томонлама ҳамкорлик ўрнатишга ва ривожлантиришга тўсиқ бўлмоқда.

Қолаверса, ушбу ҳолат озиқ-овқат хавфсизлиги, инфляция, камбағалликнинг ошиши, транспорт, соғлиқни сақлаш, экология билан боғлиқ муаммоларни кучайтирмоқда.

Шу муносабат билан Президентимиз Ўзбекистон БМТнинг марказий ўрнини таъминлаган ҳолда адолатли дунё тартиботининг янги архитектураси шаклланиши тарафдори эканлигини айтиб ўтди. Унда асосий урғу конструктив мулоқот орқали, геосиёсий рақобат, миллий худбинлик ва ғоявий курашлардан ҳоли бўлган глобал оқилона муроасага келишишга қаратиш кераклигини таъкидладилар.

Бундан ташқари Президент инновация, рақамли иқтисодиёт, яшил энергетика соҳаларида халқаро амалий ҳамкорликни кенгайтириш мақсадида Ўзбекистоннинг БРИКСнинг сунъий интеллект бўйича Тадқиқот гуруҳининг қўшма лойиҳаларида иштирок этиш, ЮНИДО ҳузурида ташкил этилаётган Компетенциялар марказига, шунингдек, таклиф этилаётган Инвестиция платформасига қўшилишини таъкидладилар.

Бугунги кунда жаҳонда жиддий глобал ўзгаришлар юз бермоқда. Дунё ҳамжамияти янги-янги қийинчилик ва синовларга дуч келмоқда. Турли зиддият ва қарама-қаршиликлар тобора кучайиб бормоқда. Чиндан ҳам, бундай оғир ва мураккаб шароитда ўзаро ишонч ва ҳурматга асосланган яқин ҳамкорликнинг аҳамияти ҳар томонлама ортиб бормоқда.

Шу нуқтаи назардан, халқаро ҳамкорлик ва кўп томонлама интеграциясини чуқурлаштиришга асосланган адолатли тизим ўрнатиш кун тартибидаги энг долзарб масаладир.

Агар ҳозирги геоиқтисодий глобаллашувнинг характери-стикаси ва тенденцияларига диққат қилсак, шуни кўришимиз мумкинки, сайёранинг объектив тараққиётига боғлиқ бўлган бу жараён давлатлар ва халқлар орасидаги муайян омиллар, ягона иқтисодий, ахборот ва меҳнат стандартларининг яратилиши, трансмиллий инсон ва моддий заҳиралари, молия ва технология имконларининг тақсимланишига алоқадор ҳолда юзага чиқди²¹¹.

Ким ва қандай муносабатда бўлишидан қатъи назар, геоиқтисодий глобаллашув объектив ва муқаррар жараён бўлиб, у инсониятнинг ҳозирги тараққиёт тенденцияси натижасидир. Бугунги кунда ягона молия, хўжалик, нақлиёт, технология, инвестиция, ахборот маконлари ва уларнинг системаси пайдо бўлишига жаҳонда ҳеч ким тўғаноқ бўла олмайди.

Ёки бошқа бир фактни олиб кўрайлик. Бугун жаҳон хўжалик системасини либераллаштириш, инвестицияларни ҳамкорликда ҳимоя этиш, божхона ва солиқ системасини универсаллаштириш шу даражага етдики, миллий ва этник чегаралар соф рамзий характерга эга бўлиб қолди. Чунончи, жаҳонда мавжуд йирик халқаро корпорациялар хусусий сектор активларининг учдан бир қисмини ўз қўлларида жамлагандир. Ёки меҳнат ва заҳиралар тақсимооти шундай ҳолга келдики, бутун жаҳон қатор маълум мамлакатларнинг транспорт воситаларидан, бошқаларнинг ёқилғи заҳираларидан, учинчи мамлакатларнинг истеъмол молларидан фойдаланмоқда ва ҳ.к.

Бир сўз билан айтганда, яхшими ёки ёмонми, лекин глобаллашув индустрлаштириш, космосни забт қилиш, электрон технологияларни кашф этиш ва ҳоказолар билан бир қаторда жаҳоншумул ҳодиса сифатида инсонлар ҳаётига кириб бўлди.

Геоиқтисодиёт глобаллашувининг асосий хусусиятларидан бири инновация жараёнларининг байналмилаллашуви

²¹¹ Али Ҳасанов. ГЕОСИЁСАТ. Бобоҳон М.Шариф, тарж. Тошкент, "TAMADDUN" 2016. 406-бет

ва технологик рақобатнинг кескинлашуви билан боғлиқдир. Ҳозирги вақтда ахборотга эга бўлиш ва унинг таҳлили, бозор, ишлаб чиқариш жараёнларини чуқур ўрганиш, маҳсулот ташиш ва истеъмол қилиш, капитал ҳаракати, қўлланиши ва жойлаштирилишининг асосий йўналишларини тўғри белгилаш трансмиллий геоиқтисодий муносабатлар тизимида ҳар бир давлатнинг ўз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш ва таъминлашининг асосини ташкил этади.

Шундай қилиб, глобаллашув кенг қулоч ёйгани ва орқага қайтмайдиган жараёнга айлангани жаҳоннинг ҳозирги геоиқтисодий тизимини характерловчи асосий тенденциялардан бири бўлса, бошқаси мазкур жараённинг хавфсизлигини таъминлаш, глобаллаштиришга сарф этилган маблағлар ва ускуналарни ҳимоя қилиш, уларни қўлланишни янада осонлаштириш учун қулай халқаро шароит яратиш борасидаги курашнинг янада кескинлашувидан иборатдир.

Агар глобаллаштиришда иштирок этаётган трансмиллий корпорациялар, капиталлар ва технологияларнинг асосий эгалари йирик ва ривожланган давлатлар эканини ҳисобга олсак, бу жараёнларнинг бошида ким тургани ҳаммага аён бўлади.

Жаҳон тизими негизларига жиддий таъсир кўрсатаётган геоиқтисодий глобаллашув қуйидагиларни:

- янги геоиқтисодий муҳитни шакллантириш;
- янги геоиқтисодий моделларни яратиш;
- жаҳон иқтисодий ҳаётини бошқаришни такомиллаштиришни талаб қилади.

Бу уч талаб билан боғлиқ ҳолда тегишли халқаро тузилмалар ва геосиёсий акторлар учинчи мингйиллик бошидан ўзларининг бу йўналишда олиб бораётган фаолиятини анча фаоллаштирди.

Ҳозирги дунёда янги геоиқтисодий муҳитни шакллантириш давлатлар ва халқларнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ривожининг олдингидан мутлақо фарқ қиладиган моделларининг пайдо бўлиши билан бирга бормоқда. Иккинчи ва учинчи мингйилликлар туташган вақтда Фарбнинг денгиз цивилизацияси ўз ҳукмронлигини тўла таъминлагани муносабати билан у томонидан башариятга таклиф этилаётган “либерал иқтисодий модел”ни жаҳон ҳамжамиятининг кўпчилиги глобаллаштиришнинг ягона унификациялаштири-

лган модели сифатида қабул қилмоқда.

Глобаллаштиришнинг асосида айна либерал иқтисодий модел туришини ғарб олимлари айна шу система бутун XX аср мобайнида барча синовлардан муваффақиятли ўтгани ва арзимаган модификациялар назарга олинганда, барча муқобил моделлар устидан ғолиб чиққани билан изоҳлашади.

Ҳозирги вақтда либерал иқтисодиёт жаҳоннинг гео-сиёсий ёки иқтисодий нуқтаи назардан жиндай бўлса-да, аҳамиятга эга бўлган барча минтақаларида тўла қарор топди ёки қарор топмоқда. Бу система, айтиш мумкинки, давлатнинг иқтисодий соҳага аралашувини, иқтисодиётни бошқаришини тўла рад қилади ва ўзўзидан бошқариладиган ишлаб чиқариш ва бозор муносабатларини қарор топтиради.

Сиёсий адабиётларда “барқарор ривожланиш модели” деб ном олган халқаро концепция жаҳон иқтисодий ҳаётини глобаллаштириш ва янги геоиқтисодий сиёсатни амалга оширишга татбиқ этиладиган муҳим моделлардан биридир.

Мазкур модел табиий ва инсон захираларидан оқилона фойдаланишда, атроф-муҳит ва экология масалаларини ҳисобга олишда ягона стандартларни ёйишга хизмат қилади. Лекин “барқарор ривожланиш модели”, моҳиятан, жаҳон иқтисодиётини глобал бошқариш мақсадида денгиз цивилизацияси яратган ва фойдаланаётган жаҳон геоиқтисодиётининг навбатдаги бошқарув концепцияси ва дастуридир холос. Албатта, бу модел учинчи мамлакатлар учун ҳам муайян аҳамият касб этади. Хусусан, агар сайёрамизда 3 миллиард киши яшашнинг энг оддий шароитларидан ҳам маҳрум эканини, бу дастур бутун жаҳон аҳолисининг турмуши учун муҳим эҳтиёжларни таъминлашни кўзда тутишини ҳисобга оладиган бўлсак, дастурнинг аҳамияти янада тушунарлироқ бўлади. Дастур сайёрадаги инсонларнинг кўпчилигининг яхши ҳаётни таъминлаш учун интилишларига шароит яратиб беришни кўзда тутати.

Барқарор иқтисодий ривожланиш моделининг асосий тамойиллари инсониятнинг барқарорлиги ва ривожини таъминлаш, ҳозирги ва келажак авлодлар ўртасида табиат ва иқтисодий захиралардан фойдаланишда мувозанатни таъминлаш, биосфера ва табиий захираларни қўриқлаш,

барча кишиларнинг энг оддий эҳтиёжларини қондириш ва уларнинг янада яхшироқ турмушга интилишларини қўллаб-қувватлаш, Ер экосистемаси имкониятлари билан аҳоли ўсиш суръатларини мувофиқлаштириш ва шу кабилардан иборат.

Мазкур моделнинг асосий камчилиги шундан иборатки, глобал иқтисодийётга раҳбарлик қилаётган ва катта моддий ва молиявий имкониятларга эга бўлган трансмиллий корпорациялар ва халқаро молиявий марказлар ўз фаолиятини сайёранинг имкониятларига мувофиқлаштириш, тараққиётнинг глобал талаблари билан атроф муҳит ўртасида соғлом мувозанат ўрнатиш ўрнига табиатни ўзлаштиришдан келадиган даромадларни чўнтакка уряпти, юзага келадиган муаммоларга етарлича эътибор бермаяпти.

Ривожланган, муҳим молиявий ва технологик имкониятларга эга бўлган давлатлар ва уларга қарашли улкан трансмиллий компаниялар глобаллаштиришнинг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. Улар орасида АҚШ, Хитой, Германия, Япония, Буюк Британия, Франция, Жанубий Корея ва бошқа ривожланган давлатлар алоҳида ажралиб туради.

Жаҳон геоиқтисодий ҳаётининг глобаллашувидан ютганлар ҳам, ютқизганлар ҳам, кўнгли тўлганлар ҳам, норози-лар ҳам бор. Бир вақтлар саноат инқилоби даврида янги технологиялар асосида қурилган улкан завод ва фабрикалар ривожланган мамлакатларга капитал, янги иш ўринлари, аҳолига – фаровонлик ваъда қилган бўлса, кейинчалик маълум бўлдики, бу ўзига хос экологик, демографик, хомашё таъминоти ва бошқа муаммоларни келтириб чиқарди. Хусусан, Европада аҳоли табиий ўсишининг паст суръатлари оқибатида бу улкан корхоналарга учинчи мамлакатлардан кўчиб келган муҳожир шахслар ишга олина бошлади, бу эса мазкур давлатларда муайян ижтимоий, миллий ва маънавий муаммолар ярата бошлади.

Геоиқтисодий глобаллашув шароитида йирик трансмиллий корхоналар энди ривожланган давлатларда эмас, балки арзон ишчи кучи, хомашёга эга, ишлаб чиқариш харажатлари кам бўлган мамлакатларда қурила бошланди. Бундай мамлакатларда маҳаллий хомашё ва арзон ишчи кучи жойининг ўзида ишлаб чиқаришга жалб қилинади, зарарли эколо-

гик таъсир, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва ҳоказолар эса трансмиллий корпорацияларни унчалик ташвишлантирмайди. Агар мазкур корхоналар халқаро ҳуқуқ нормалари билан ҳимоя этилиши, уларнинг маҳсулотлари бутун жаҳонда сотилиши, фойда бўлса, корхона эгасининг чўнтагига тушиши ҳисобга олинадиган бўлса, бу жараёндан ҳаммага қараганда трансмиллий корхоналар наф кўриши аён бўлади.

Геоиқтисодий глобаллашув босқичи меҳнатни халқаро тақсимлашни ҳам умуман ўзгартириб юборади. Илгариги саноат марказлари интеллектуал технология марказларига, хомашё ва арзон ишчи кучига эга мамлакатлар бўлса, саноат марказларига айланади. Ривожланган давлатлар асосан дастурий, технологик, молиявий ва туристик марказ сифатида трансмиллий компаниялар томонидан чет элларда бунёд этилган корхоналарнинг бошқарувчиси ролини ўйнайди.

Геоиқтисодий глобаллашув транспорт-коммуникация воқиталарининг юк ўтказиш салоҳиятини ва оперативлигини оширишни, миллий давлатлардаги божхона, солиқ, виза, экологик ва бошқа чекловларни минимум даражага туширилишини талаб қилади. Шунинг учун ҳам давлатларнинг миллий манфаатлари, чегара-ўтказма ва бошқа чекловлари глобаллашув марказларининг қудратли кучи билан барата-раф этилади, байналмилал йўлақлар, товарлар ва хизматлар, тижоратнинг монесиз ҳаракати ташкил этилади.

Улкан корхоналар қурилаётган учинчи мамлакатларга келсак, улар бу жараёндан фойда олишлари билан бир қаторда зарар ҳам кўрадилар. Бу корхоналар туфайли улар ўзларида мавжуд ишсизлик муаммосини қисман ҳал этадилар, муайян солиқ тушумлари оладилар ва мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини яхшилайдилар. Айни чоғда бу мамлакат аҳолисининг анъанавий турмуш тарзи бузилади, у зарарли экологик, мафкуравий, ахборот ва бошқа таъсирларга гирифтор бўлади.

Шундай қилиб, трансмиллий корпорациялар (уларнинг эгаси бўлган ривожланган давлатлар) ва глобаллашувга тортилган учинчи мамлакатлар ўртасида фойда олиш ва ўз манфаатларини таъминлаш борасида олиб борилаётган очиқ ёки яширин кураш геоиқтисодий глобаллашув ҳозирги жаҳон системасига киритган характерли хусусиятлардан

биридир. Биринчи томон халқаро ҳуқуқнинг барча имкони-ятларидан фойдаланган ҳолда анча қулайроқ статусга эга бўлишга, иккинчи томон – ўз миллий манфаатларидан келиб чиқиб, анча фойдалироқ шартларга эришишга, ўз хомашёси, ери, ишчи кучи, экологик зарарни имкон борича қимматроқ баҳолашга, миллий-этник ва турмушнинг анъанавий шароитлари билан боғлиқ манфаатларини ҳимоя қилишга интилади.

Раҳнамо давлатларнинг глобаллашувни осойишта амалга ошириш учун минтақавий ва маҳаллий конфликтларнинг олдини олиш, транспортнинг жаҳон миқёсида эркин ҳаракатини ва транспорт йўлакларининг хавфсизлигини, энергия манбалари нархларининг барқарорлигини таъминлаш тўғрисида ғамхўрлик қилиши, халқаро терроризм, контрабанда, наркотикларнинг эркин муомаласига кўмаклашадиган салбий ҳодисаларга, камбағалликка қарши курашни ташкил этиши ва маблағ билан таъминлаши – геоиқтисодий глобаллашув тенденцияларидан биридир.

Бундан ташқари, геоиқтисодий глобаллашув доирасига тортилган минтақалар ва давлатларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш, зиддиятларни тинч йўл билан ҳал этишни таъминлаш, янги технологиялар, фан-техника тараққиётининг бугунги ютуқларини жорий этиш, тиббиёт, маданиятни тараққий эттиришга саъй-ҳаракат қилинмоқда.

Геоиқтисодий глобаллаштиришни амалга оширишни шарт қиладиган ижобий омиллардан бири шуки, илғор давлатлар глобал масалаларни ҳал этишга, фундаментал фанларни ривожлантиришга катта маблағлар сарфламоқда, олинган техник ва илмий янгиликларни жаҳонни ривожлантиришга йўналтирмоқда. Кейинги ўн йил ичида фан-техника тараққиёти натижасида эришилган ютуқлар жаҳон қиёфаси ва кишиларнинг ҳаётини тубдан ўзгартириб юборди.

Бундан ташқари, ахборот соҳасида эришилган технологик янгиликлар инсонлар орасидаги алоқаларни яхшилади ва интенсивлаштирди, ишлаб чиқариш ва меҳнатни, савдо, банк-молия ва инвестиция фаолиятини ташкил этишни енгиллаштирди. Шуни ҳисобга олиш керакки, бу ишларнинг барчасини маблағ билан таъминлаш ва ташкил этиш глобаллаштиришга раҳбарлик қиладиган ривожланган давлатлар,

халқаро марказлар зиммасига юклатилгандир.

Глобаллашув шароитида бутун жаҳонда арзон ишчи кучи, арзон хомашё, ишлаб чиқариш харажатларини камайтириш ва сотиш бозорларини эгаллаш учун кескин рақобат кураши бошланади. Одатда, арзон ишчи кучи ва хомашё мавжуд бўлган, солиқлар, ижтимоий ажратмалар, экологик ва ишлаб чиқариш харажатлари кам бўлган мамлакатларга маблағлар йўналтирилади ва тегишли равишда ишлаб чиқариш ташкил этилади. Бу маънода Осиё-Тинч океани ҳавзаси мамлакатлари ҳозирги вақтда глобаллашувнинг асосий марказларидан бирига айланди.

Бундан ташқари, жаҳонда миллий давлатларнинг ривожига ва улар аҳолисига яхши ҳаёт шароитларини таъминлашда ҳал қилувчи роль ўйнайдиган молиявий маблағлар, даромадлар ва моддий захиралар тақсимоотида йирик ва кичик давлатлар орасида жиддий тенгсизлик ҳукм сурмоқда.

Глобаллашув бир қанча асосий соҳада ўзининг ижобий ва салбий жиҳатларини яққол намоён этади. Иқтисодий соҳада глобаллашув ижтимоий ва сиёсий ҳаётни либераллаштириш, миллий-этник ўзига хосликни барҳам топтириш, мазкур корхонада ишлашга жалб этилган кишиларни космополит техник ходимларга айлантириш учун шароит яратади.

Ҳозирги вақтда инсоният ўз геоиқтисодий хараактеристикасига кўра, икки қисмга – бой Шимол ва камбағал Жанубга бўлинган. Шимол давлатлари кам харажат қилиб, катта даромад олаётган бир вақтда, Жануб катта чиқим қилиб, оз даромад олмоқда. Ҳозирги цивилизациянинг энг кўп харажат талаб қилувчи соҳалари – экология, ижтимоий соҳа, сиёсий ва маданий жараёнларга йўналтириладиган харажатлар, асосан, вилоятлар ҳисобига қопланмоқда.

Аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромад борасида ривожланган давлатлар ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасида катта тафовут мавжуд. Бу эса аҳолининг бой ва камбағал қатламлари ўртасидаги фарқни янада орттиради.

БМТнинг ҳисоб-китобларига қараганда, сўнгги 50 йилда бутун жаҳонда ишлаб чиқарилган 30 триллион долларлик умумий маҳсулот тақсимоотида жаҳон аҳолисининг тахминан 15 фоизи жон бошига 30 минг доллар, қолган 85 фоизи – 3 минг доллардан кам маблағ олган. Айни чоғда, жаҳонда 3

миллиард киши тўйиб овқат емаётган бир пайтда, Фарбда 1,2 миллиард киши кўп овқат ейишдан азият чекмоқда. АҚШда ҳар йили 100 миллиард доллар маблағ кўп овқат ейиш оқибатларига қарши курашга сарфланмоқда.

Учинчи мамлакатларнинг табиий захиралари ва ишчи кучини эксплуатация этаётган Фарб мамлакатлари мавжуд тенгсизликни бартараф этиш ўрнига камабағал мамлакатларга фақт муайян гуманитар ёрдам бериш билан чекланмоқда. Бу ёрдамларнинг умумий ҳажми ривожланган давлатлар ялпи ички маҳсулотининг бор-йўғи 0,22 фоизини ташкил этади холос. Ҳолбуки, БМТ бу мамлакатларга кўрсатиладиган гуманитар ёрдам ҳажмини ривожланган мамлакатлар ялпи ички маҳсулотининг 0,7 фоизи миқдорида белгилаган.

БМТ ва халқаро молия тузилмаларининг ривожланган давлатлар молиявий захираларини камбағал давлатларга йўллаш уринишлари ҳам жиддий натижа бермаётир. Ҳисоб-китобларга қараганда, ХХI асрнинг кейинги ўн йили ичида ривожланган давлатлар инвестицияларнинг 95 фоизини фақат 30 та мамлакатга йўллаган холос. Булар ҳам бўлса, асосан Фарбнинг манфаатлари доирасидаги ривожланаётган давлатлардир. Буларнинг ҳаммаси геоиқтисодий глобаллаштириш жаҳонда гегемон ролини ўйнашга ҳаракат қилаётган АҚШ ва унинг Фарбдаги иттифоқчилари томонидан “бутун дунёни ривожлантириш, универсаллаштириш, умумлаштириш ва тенглаштириш” мақсадида эмас, балки ўз геоиқтисодий манфаатларини ва гегемонлигини таъминлаш мақсадида фойдаланилаётганини кўрсатади.

Ўтиш даврини бошдан кечираётган, арзон ишчи кучи ва хомашёга эга бўлган, ички ишлаб чиқариши ва бозори заиф ҳимоя этилган мамлакатларга глобаллашув энг кўп зарар етказмоқда. Одатда, бундай мамлакатларнинг ички ишлаб чиқариши рақобатга бардош бера олмайди ва ҳалокатга учрайди. Бу эса мазкур мамлакатларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволигагина эмас, миллий маънавий қадриятлари, миллий ўзига хослиги ва турмуш тарзига ҳам салбий таъсир кўрсатади, аҳолининг кайфиятини ўзгартиради.

Шундай қилиб, ҳозирги жаҳон иқтисодий ҳаётини глобаллаштириш шароитидаги геоиқтисодий муносабатларнинг

қисқача таҳлили шундан далолат берадики, иқтисодий глобаллашув инсоният жамияти, табиат ва жаҳонда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида ва фаолиятида бошқариш мушкул бўлган бесамара элементларни йўқотишга йўналтирилган ва пухта ўйланган сиёсатнинг натижасидир. Бу режанинг асосий мақсади жаҳонда юз берадиган барча иқтисодий жараёнларни назорат этиш, уни Ғарбнинг истагига мувофиқ йўналтириш, ривожлантириш ва бошқаришдан иборатдир.

Моҳият эътибори билан, мазкур системанинг мафкурачилари глобаллашаётган дунёда миллий давлатларнинг ролини янада заифлаштириш, бу жараёнларни трансмиллий корпорациялар назорати остига ўтказиш мақсадини кўзлайдилар. Агар трансмиллий корпорациялар молиявий ва иқтисодий жиҳатдан кучли давлатлар вакили эканини ҳисобга оладиган бўлсак, бу жараённинг сушт ривожланган давлатларга салбий таъсир ўтказишини бевосита кўришимиз мумкин.

Глобал дунёнинг асосий омилларидан бири сифатида чиқаётган трансмиллий корпорациялар миллий иқтисодиётларни парчалаш йўли билан жаҳон ҳўжалик системасини, ишлаб чиқариш ва сотиш бозорларини, хомашё ва меҳнат кучини, технологик ва молиявий захираларни ўз қўлида жамлайди.

Ҳозирги вақтда трансмиллий корпорациялар Африка, Осиё, Лотин Америкаси, Ғарбий, Шарқий ва Марказий Европа асосий ишлаб чиқариш, сотиш ва хомашё, технологик ва молиявий захираларининг ярмидан кўпроғини назорат қилиб турибди.

Трансмиллий молиявий тузилмалар – Жаҳон Банки, Халқаро Валюта Жамғармаси, Европа Таъмирлаш ва Ривожлантириш Банки ва бошқа молия институтлари ишида ҳам ана шундай аҳволни кўриш мумкин. Бу банклар фақат молиявий ва инвестиция сиёсати юргизиш билан чекланиб қолмай, жаҳон мамлакатлари миллий иқтисодиётини ўз истагича йўналтиради, энергия манбаларининг нархларини белгилайди, солиқ, ижтимоий тўловлар, ойлик маош ва ҳоказоларни тартибга солади.

Гарчи глобаллаштириш табиий ва объектив жараён бўлса-да, шунга қарамай, глобаллашувга жалб этилган давлатларнинг миллий манфаатлари ва геосиёсий хавфсизлиги

доирасида уни бошқариш мумкин. Ўз коди, миллий хавфсизлигининг доираси ва вазифаларини яққол англаган давлатларга глобаллаштириш фақат тараққиёт ва фаровонлик келтиради. Глобаллаштиришдан фақат ўзининг кундалик масалаларини ҳал этиш мақсадида фойдаланадиган ва вақтинчалик самарага эришишни кўзлайдиган давлатлар бўлса, тегишли равишда, унинг қурбонига айланади. Бунда тегишли мамлакатнинг миллий иқтисодиёти, табиий захиралари, иқтисодий қудрати трансмиллий корпорациялар қўлига ўтибгина қолмайди, балки давлат ва миллатни характерлайдиган миллий инстинктлар, миллий ирода, миллий ўзига хослик, этник борлиқ, маданият, барча миллий қадриятлар ҳам аста-секин йўқолади, аҳоли эса космополит элементга, осон бошқариладиган оломонга ва арзон ишчи кучига айланади.

Ҳар бир давлат моддий, маънавий ва инсон захираларини ривожлантириши, бевосита унинг миллий борлиғи боғлиқ бўлган мудофаа, озиқ-овқат, энергетик, экологик, ахборот, ижтимоий ва хавфсизлик соҳаларини ҳимоя этиши ва бошқариши ҳамда мамлакат ҳудудига келган ҳар бир трансмиллий субъектдан бу қадриятларга ҳурмат билан қарашни талаб қилиши лозим. Бунинг учун давлат миллий иродага ва унга суянадиган ўз сиёсатига эга бўлиши даркор.

Ҳар бир трансмиллий компаниянинг (ёки бу ролни ўйнаётган давлатларнинг) бошқа мамлакатлардаги асосий мақсади фойда олишдан иборат. Шунинг учун трансмиллий компаниялар, одатда, иложи борица кам маблағ сарфлаган ҳолда кўпроқ ва тезроқ фойда олиш мумкин бўлган соҳани танлайди ва шу соҳага капиталини сарфлайди. Миллий давлатнинг вазифаси бўлса, глобаллаштириш неъматларидан энг кўп даражада фойдаланишдан, ўз мамлакатини иқтисодий, сиёсий, ижтимоий ва маънавий ривожлантиришга эришишдан, чет эл капитални ва технологияси асосида ўзининг мушкул иқтисодий ва ижтимоий муаммоларини ҳал этишдан иборат. Миллий давлатлар ўз миллий манфаатлари, иқтисодий, сиёсий, ҳарбий ва экологик хавфсизлигини камситишга йўл қўймаслиги, ўзига хос миллий қадриятларини ёт таъсирлардан ҳимоя этиш тўғрисида ғамхўрлик қилиши лозим. Фақат шундагина глобаллаштириш ҳар икки томонга наф келтира-

ди ва ўзаро фойдали натижаларга эришилади.

Глобаллаштиришдан миллий маданият ва бошқа миллий қадриятлар энг кўп зиён кўради. Бу шу билан боғлиқки, мазкур жараён ягона жаҳон ҳўжалиги ва иқтисодий системасини яратишидан ташқари, маънавий, маданий, сиёсий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларини қамраб олади. Фарбнинг трансмиллий корпорациялари таъсир кўрсатишнинг янада кучлироқ механизмларини, оммавий ахборотнинг электрон ва бошқа воситалари имкониятларини ишга солиб, сўзнинг том маъносида “ёт” (миллий) маданий-тарихий мерос ва қадриятларга қарши салб уруши очдилар. Улар Фарбнинг космополит ва универсал “қадриятлар”ини жаҳоннинг энг мукамал ва тараққийпарвар қадриятлари сифатида етарлича ёрқин ва жозибадор шаклда тарғиб ва ташвиқ этмоқда. Миллий маданият, тил, дин, урф-одат ва анъаналарни сиқиб чиқариш, миллий онгни космополитлаштириш пировард натижада миллий давлатчилик институтларининг байналмилаллашига олиб боради. Бу эса давлатлар ва халқларнинг ўз-ўзини сақлаш инстинктлари заифлашишига кўмаклашади.

Глобаллашувнинг салбий томонларидан яна бири шундаки, жараёнга раҳбарлик қилаётган етакчи давлатлар ўз манфаатларидан келиб чиқиб, мазкур жараёнга очикдан-очик икки ёқлама субъектив ёндашув кўринишларини намоён этмоқдалар. Эркин ҳаракатланиш, меҳнат, моддий ва инсон захираларидан фойдаланиш ва шаффоф бошқарув учун улар глобаллаштиришнинг асосий шarti сифатида барча мамлакатларнинг чегара-ўтказиш, солиқ, виза ва бошқа қонунчилигини стандартлаштирмоқда ва либераллаштирмоқда. Бироқ бу стандартлар ана шу йирик давлатларнинг ўзлари томонидан бузилмоқда, уларнинг фирмалари ва фуқароларига бутун жаҳонда яратилган шароит, тан олинган эркин ҳаракат ҳуқуқи кичик давлатларнинг фуқаролари ва фирмаларига татбиқ этилмайди. Буларнинг ҳаммаси тегишли равишда эркин рақобат, меҳнат ва инсон захираларининг эркин ҳаракатини бузади.

Корхоналар томонидан тўланаётган солиқлар, экологик ва ижтимоий ажратмалар, маошлар, маҳаллий дастурларда иштирок этиш учун ажратилаётган молиявий маблағлар

ҳажмида ҳам глобаллаштиришга субъектив ёндашув кўзга ташланмоқда. Масалан, Франция ёки АҚШ ҳудудида ишлаётган хорижий муассасанинг маҳаллий бюджетга тўлайдиган тўловлари, экология, ижтимоий, маданий ва бошқа мақсадларга ажратган маблағлари, маҳаллий ишчиларга тўлайдиган маошлари Озарбайжонда ишлаётган хорижий ширкатларнинг ана шундай мақсадлар учун сарф этаётган маблағлардан бир неча баробар кўпдир. Мана шундай типдаги корхоналарда ажнабий ва маҳаллий ишчиларга яратилган шароит ва тўланадиган маош ҳажми ҳам жиддий тарзда фарқланади²¹².

Россия президенти Владимир Путин 2024 йил Сочида бўлиб ўтган молиявий хавфсизлик бўйича халқаро олимпиада иштирокчилари билан учрашувда “Барча учун тенг имкониятлар яратувчи, адолатли ва кўп қиррали дунё яратиш муқаррар ва тарихий заруратдир. Аммо бундай дунё тартиби учун мустақкам иқтисодий асослар керак бўлади.

Молия соҳасидаги илғор ечимлар, илғор технологиялар жадал ривожланмоқда. Булар рақамли валюта, рақамли молиявий активлар, янги тўлов хизматлари ва молиявий ҳисобкитоб моделлари. Шу жумладан, блокчейн технологиялари ҳам. Бу соҳада, айниқса, халқаро иқтисодий ҳамкорлик ҳақида гап кетганда, ўзаро ишонч ҳамда шериклар ва бир-бирининг манфаатларини ҳурмат қилиш жуда муҳим”²¹³, деб таъкидлади ҳамда дунё халқаро молиявий хавфсизлик масалаларида консенсусга келишига ишонч билдирди.

Қолаверса, БМТнинг “Бахт ва фаровонлик” номли конференциясида дипломатлар ва олимлар, диний етакчилар ва иқтисодчилар, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари тўпланиб, ушбу мақсадга эришиш йўллари муҳокама қилганида “бугунги кунда моддий фаровонлик, иқтисодий тараққиёт фаровонликнинг ягона ўлчови бўлаолмаслиги” таъкидланиб, ялпи ички бахт концепцияси илгари сурилган эди. Унга кўра миллий бахтга эришиш асосий устувор вазифа бўлиб, ялпи ички маҳсулот кўрсаткичини ялпи ички бахт индекси билан алмаштириш мақсадга

²¹² Али Ҳасанов. ГЕОСИЁСАТ. Бобоҳон М.Шариф, тарж. Тошкент, “ТАМАДДУН” 2016. 418-бет

²¹³ Владимир Путиннинг 2024 йил Сочидаги нутқидан...

мувофиқлиги айтилган. Ҳақиқатдан ҳам, ялпи ички бахт, яъни бахт индекси – бу янги иқтисодий парадигмадир. “Ялпи ички маҳсулот узоқ вақтдан бери иқтисодий ривожланиш ва сиёсатчилар фаолиятининг асосий кўрсаткичи бўлиб келган, аммо у тараққиётнинг ижтимоий ва экологик харажатларини (талабларини) ҳисобга олмайди. Дунё барқарор ривожланишнинг учта устунининг ўзаро боғлиқлигини акс эттирувчи янги иқтисодий парадигмага муҳтож. Ижтимоий, иқтисодий ва экологик фаровонлик ажралмасдир. Улар биргаликда “ялпи глобал бахт”ни ташкил қилади”²¹⁴. Шунинг учун ҳам, бугунги кунда иқтисодиётни ўзгартириш, ижтимоий адолатга эришиш, ресурсларимиз ва экотизимларимизни ҳимоя қилиш йўллари топиш глобал устувор вазифа ҳисобланади.

Ҳозирги глобаллашув шароитида Ўзбекистоннинг иқтисодий ва товар айирбошлаш алоқалари нафақат Хитой, балки Европа Иттифоқи, Россия каби мамлакатлар билан ҳам тезлик билан ривожланиб бормоқда. Хитой ва Ўзбекистон ўртасида ўзаро товар айирбошлаш ва иқтисодий алоқаларларни тезлик билан ўсиб бориши – бу глобаллашган жаҳон бозори қонуниятлари асосида кечмоқда.

Вашингтон шаҳрида бўлиб ўтган С5+1 форматидаги учрашув – АҚШ ва Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги инклюзив ҳамкорлик саммити – минтақа давлатлари учун янги сиёсий, иқтисодий ва гуманитар имкониятларни очиб бермоқда. Бунда “инклюзив ҳамкорлик” тушунчаси шунчаки дипломатик ибора эмас, балки барча иштирокчи давлатлар манфаатларини инобатга олган, тенг ҳуқуқли мулоқот орқали умумий тараққиётга интилишни назарда тутган янгича сиёсий маданият сифатида намоён бўлмоқда.²¹⁵ Қолаверса, инклюзив ҳамкорликнинг муҳим йўналиши – иқтисодий ривожланишдир.

Юқоридаги фикр ва мулоҳазаларимиз қуйидагича хулосага келишга, шунингдек, таклиф ва тавсияларни шакллантиришга асос бўлди.

1. Глобал адолат – бу нафақат ахлоқий, балки иқтисодий зарурат ҳамдир. Тенгсизликни қисқартириш, ресурслардан

²¹⁴ <https://news.un.org/ru/story/2012/04/1199561>

²¹⁵ <https://uza.uz/posts/779652>

самарали ва адолатли фойдаланиш, ҳамда умумбашарий фаровонликка эришиш учун глобал иқтисодий тизимда туб ислохотлар зарур. Иқтисодиёт назарияси бу муаммоларни чуқур таҳлил қилиш ва ҳал этишда муҳим илмий асосларни тақдим этади.

2. Глобал адолат кодекси – бу инсон ҳуқуқлари, экологик адолат, иқтисодий тенглик ва ижтимоий фаровонликни таъминлашга йўналтирилган умумжаҳон принципи (қоидаси) бўлиб, у орқали жаҳон миқёсида барқарорлик, хавфсизлик, ҳурмат ва бирдамликни таъминлаш мумкин. Глобал адолат кодекси, шунингдек, барча давлатлар ва одамлар учун тенг имкониятларни, ҳимоя ва адолатли тақсимотни таъминлайди.

3. Глобал адолат индексини аниқлаш мамлакатлар орасида адолатни, тенгликни, инсон ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни ҳамда экологик хавфсизликни баҳолашда муҳим восита ҳисобланади. У жаҳон бўйлаб адолатни рағбатлантириш ва барқарор ривожланишга йўналтирилган глобал чораларни қабул қилиш учун муҳим маълумот манбаи бўлиб хизмат қилади.

4. Бугун дунё шиддат билан ривожланаётганлигини, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳам тезлашиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда келажакни режалаштириш барқарор ривожланишнинг асосини ташкил этади. Ҳозирги глобаллашув даврида дунё, минтақа, давлат ёки иқтисодиёт соҳалари миқёсидаги йирик муаммолар (экологик, ижтимоий-иқтисодий, технологик, сиёсий ва б.) ечимига оид стратегик режалар, йўл хариталари ва концепциялар ишлаб чиқишда Форсайт методларидан фойдаланиш энг самарали ва мақбул вариант ҳисобланади.

Форсайт – келажакни фаол башоратлаш, кўра билиш орқали иқтисодиёт, фан, бизнес ва бошқа соҳаларнинг истиқболли ривожланиш стратегиясини асосли яратиш демакдир. Форсайт асосида ривожланишнинг узоқ муддатли (5 йилдан 30 йилгача) ривожланиш дастури ёки концепцияси қисқа муддатли аниқ далилларга асосланган маълумотлар асосида яратилади, яъни келажак стратегияси аниқ, юқори даражадаги далиллар асосида режалаштирилади.

5. Уруш ва зўравонликлар, мамлакатлар ўртасидаги ни-

золарга сабаб бўлаётганлар учун, қуролланишга сарфланаётган маблағлар учун, табиатни ифлослантираётганлар, монополист ва коррупционерлар, ҳар қандай адолатсизлик ҳолатлари (жумладан, икки хил (томонлама) стандартлар) учун профилактик иқтисодий санкциялар механизмини жорий қилиш (бунда Демократия ниқоби остидаги найранглар ва икки томонлама стандартларни аниқлаш (фош қилиш) формуласи қўлланилиши керак) ҳамда ушбу санкциялар орқали йиғиладиган маблағлардан глобал адолат фондини шакллантириш керак. БМТ ҳузуридаги Глобал адолат фонди маблағлари ҳисобидан энг ночор ва муҳтож аҳоли қатламларини ҳамда адолатсизлик қурбони бўлаётган қолақ мамлакатларни қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилиши лозим.

4.4. Сунъий интеллект ва ижтимоий-иқтисодий адолат меъёрлари.

XXI аср иқтисодиётида сунъий интеллект (СИ) технологиялари жаҳон ижтимоий ва иқтисодий тизимларининг ажралмас қисмига айланиб бормоқда. Президентимиз таъкидлаганидек “Бугун инсоният янги цивилизация босқичига – сунъий интеллект даврига дадил қадам қўймоқда. Бундай технологиялар иқтисодиётдан тортиб, таълим, тиббиёт, қишлоқ хўжалиги ва бошқарув тизимигача чуқур кириб бормоқда.”²¹⁶

Бугунги кунда СИ технологиялари иқтисодиётнинг деярли барча соҳаларига чуқур кириб борди. Шу билан бирга, унинг жорий этилиши меҳнат бозори, ресурслар тақсими, маълумотлар хавфсизлиги ва фуқаролар имкониятларининг тенглигига бевосита таъсир кўрсатмоқда. Демак, СИдан фойдаланиш масаласини фақат технология ёки инновация нуқтаи назаридан эмас, балки ижтимоий-иқтисодий адолат парадигмаси доирасида баҳолаш долзарб аҳамият эгадир. СИдан фойдаланиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий адолат тамойилларини сақлаш нафақат ахлоқий, балки институционал заруратга айланди.

СИ орқали қабул қилинадиган қарорлар инсон ҳаётига таъсир қилгани сабабли, “адолатли алгоритмлар” ғояси

²¹⁶ https://uza.uz/uz/posts/insoniyat-yangi-civilizaciya-bosqichiga-suniy-intellekt-davriga-dadil-qadam-qoymoqda_773763

жаҳон илмий доираларида янги норматив йўналиш сифатида шаклланимоқда.

Сунъий интеллект инсон фаолиятини кенг қамровда автоматлаштириш орқали янги ишлаб чиқариш муносабатларини вужудга келтирмоқда. Бу жараёнда иқтисодий самарадорлик ўсиши билан бирга меҳнат бозоридаги кескин ўзгаришлар – айрим касбларнинг йўқолиши, янги рақамли касблар пайдо бўлиши, юқори малакали ва паст малакали ишчилар ўртасидаги даромад тафовутини кенгайтириши кузатилаётган. Шу сабабли иқтисодий сиёсатнинг янги вазифаси – инновацияларни рағбатлантириш билан бир қаторда, уларнинг ижтимоий оқибатларини адолатли бошқаришдан иборат бўлмоқда.

Жон Роулзнинг “адолат назарияси”да баён этилган “тенг имкониятлар” ва “ижтимоий фарқларни минималлаштириш” тамойиллари²¹⁷ сунъий интеллект соҳасида ҳам муҳим қўлланма вазифасини бажаради. Яъни СИ тизимлари фойдаланиш натижасида жамият аъзолари ўртасида янги рақамли тенгсизлик ёки маълум гуруҳларга нисбатан дискриминация юзага келмаслиги лозим. Айниқса, маълумотлар базаси ва алгоритмлар асосида қарор қабул қилувчи тизимларда “адолатли алгоритмлар” тамойилини жорий этиш – сунъий интеллект этикаси ва иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналиши ҳисобланади.

Сунъий интеллектдан фойдаланишда ижтимоий-иқтисодий адолат меъёрлари қуйидаги асосий йўналишларда намоён бўлиши керак:

1) Тенг имкониятлар тамойили – СИ яратган иқтисодий ютуқлардан барча фуқаролар тенг фойдаланиши, яъни СИ технологиялари барча фуқаролар учун иш, таълим, соғлиқни сақлаш ва хизматлардан фойдаланишда тенг имконият яратиши керак.

2) Алгоритмик шаффофлик ва ҳисобдорлик – СИ қарорларининг мантиғи инсон учун тушунарли ва баҳоланадиган бўлиши, яъни СИ қарорларини қабул қилиш жараёни очиқ бўлиши, инсон назоратида туриши ва қайта баҳоланиши лозим.

3) Дискриминациядан холилик – маълумотлар таҳлил жа-

²¹⁷ Роулз Ж. Теория справедливости. – М.: Издательство ЛКИ, 2007.

раёнларида ирқ, жинс, ёш ёки ижтимоий мансублик бўйича адолатсизликка йўл қўймаслик, яъни маълумотлар базасида мавжуд ижтимоий ёки гендер, миллат, ёш бўйича тақсимотлар адолатли тарзда нейтраллаштирилиши керак.

4) Иқтисодий инклюзивлик – СИ орқали яратилган қиймат кенг ижтимоий қатламлар манфаатига хизмат қилиши, СИ иқтисодий ютуқларни фақат айрим гуруҳларга эмас, балки кенг ижтимоий қатламларга етказишни таъминлаши зарур.

5) Инсон қадр-қимматини ҳимоя қилиш – автоматлаштириш инсон меҳнати ва ижодкорлигини камситмаслиги, балки қўллаб-қувватлаши, яъни СИ фойдаланиш натижасида инсон меҳнати қадри пасаймаслиги, балки унинг ижодий ва интеллектуал имкониятлари ривожланишига хизмат қилиши лозим.

Сининг иқтисодий соҳаларга жорий этилиши самарадорликни оширади, лекин шу билан бирга меҳнатнинг автоматлашуви орқали ишсизлик ва даромад тенгсизлиги хавфини ҳам оширади. Шунинг учун ҳам иқтисодий сиёсатда “адолатли рақамли трансформация” тамойилини амалга ошириш зарур бўлади. “Адолатли рақамли трансформация” тамойили деганда қайта тайёрлаш ва рақамли кўникмаларни ошириш дастурларини жорий қилиш, СИ орқали келиб чиқадиган даромадларни қайта тақсимлаш (масалан, “робот солиғи” ёки инклюзив инновация фондлари орқали) ҳамда давлат, хусусий сектор ва фуқаролик жамияти иштирокида “адолатли рақамли сиёсат”ни шакллантириш кабилар назарда тутилади.

Жаҳон амалиётида СИ соҳасида адолат тамойилларини ҳуқуқий жиҳатдан мустаҳкамлаш бўйича муҳим қадамлар қўйилмоқда, яъни жаҳон миқёсида ушбу масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинган. Масалан, Европа Иттифоқининг “AI Ethics Guidelines” ҳужжатида “human-centric AI” концепцияси – инсон манфаатларига хизмат қилувчи, тенг имкониятлар ва шаффофликни кафолатловчи тизим сифатида белгилаб қўйилган, “Trustworthy AI” концепциясида инсон марказидаги, шаффоф ва ҳисобдор алгоритмлар яратиш тамойиллари белгиланган.²¹⁸ ЮНЕСКОнинг “Recommendation

²¹⁸ European Commission (2019). Ethics Guidelines for Trustworthy AI. Brussels.

on the Ethics of Artificial Intelligence” ҳужжатида эса адолат, эркинлик ва инсон қадрини ҳимоя қилиш СИ ривожланишининг асосий шартлари сифатида белгиланган.²¹⁹ Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти(OECD)нинг “AI Principles” ҳужжатларида ва тавсияларида эса “inclusive growth” – яъни СИ орқали яратилган иқтисодий қийматнинг кенг ижтимоий қатламлар манфаатига хизмат қилиши лозимлиги таъкидланади.²²⁰

Миллий нуқтаи назардан қаралганда, Ўзбекистон ҳам рақамли иқтисодиётга ўтиш жараёнида СИ технологияларини жорий этиш билан бирга, унинг ижтимоий оқибатларини адолатли бошқаришга эътибор қаратиши зарур. Бу, аввало, рақамли кўникмаларни ривожлантириш, маълумотлардан фойдаланиш маданиятини шакллантириш ва рақамли иқтисодда фуқароларнинг тенг иштироки учун шароит яратишни талаб этади. Шунингдек, сунъий интеллектдан фойдаланиш натижасида келиб чиқадиган иқтисодий самара ва даромадлар тақсимотида “адолатли рақамли трансформация” тамойилини амалда таъминлаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев БМТ Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқида рақамли тенгсизлик ва сунъий интеллектдан фойдаланишда мамлакатлар ўртасида адолатли имкониятларни таъминлаш масаласига тўхталиб “Мамлакатлар ўртасида рақамли ривожланиш ва сунъий интеллектдан фойдаланишда тенгсизликнинг олдини олиш жуда муҳим аҳамиятга эга. Соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида сунъий интеллектнинг амалий ечимлари ва моделларини беғараз алмашишга қаратилган Халқаро ҳамкорлик механизми яратишни таклиф этамиз”²²¹ деб, таклиф қилдилар.

Илмий-амалий хулоса. Сунъий интеллект технологиялари замонавий иқтисодиётнинг драйвери бўлиши билан бирга, ижтимоий-иқтисодий адолатнинг янги чегараларини белгиламоқда. Бошқача айтганда, Сунъий интеллект технологиялари ижтимоий-иқтисодий жараёнларни тезлашти-

²¹⁹ UNESCO (2021). Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence. Paris.

²²⁰ OECD (2020). Principles on Artificial Intelligence. Paris.

²²¹ https://uza.uz/uz/posts/ozbekiston-respublikasi-prezidenti-shavkat-mirziyoevning-birlashgan-millatlar-tashkiloti-bosh-assambleyasining-80-sessiyasidagi-nutqi_763617

риш билан бирга, янги адолат категориясини – “алгоритмик адолат”ни талаб этмоқда. Алгоритмик қарорлар эса инсон ҳаёти ва иқтисодий тақсимотга таъсир қилар экан, уларда адолат, шаффофлик ва инклюзивлик меъёрларини таъминлаш долзарб вазифага айланади. Шу боис, рақамли иқтисодиёт сиёсатини ишлаб чиқишда “инсон марказидаги ривожланиш модели”ни устувор йўналиш сифатида белгилаш, СИ орқали юзага келаётган рақамли тенгсизликни камайтириш ва иқтисодий фойдани кенг жамият қатламларига етказиш – ижтимоий-иқтисодий адолатни амалга оширишнинг асосий шарти ҳисобланади.

Адолатли рақамли иқтисодиётга ўтишда СИни фақат инновация воситаси сифатида эмас, балки инсон марказидаги ривожланиш моделининг асосий элементи сифатида кўриш зарур.

Давлат сиёсатида “адолатли рақамли инклюзия”ни таъминлаш – рақамли тенгсизликни камайтириш, маълумотлардан фойдаланишда очиқлик ва масъулиятни таъминлаш муҳим.

Илмий нуқтаи назардан СИ ва ижтимоий-иқтисодий адолат муаммоси келгуси йилларда “рақамли этика”, “алгоритмик иқтисодиёт” ва “инсон–машина муносабатлари” каби янги тадқиқот йўналишларини шакллантиради.

Чунки СИнинг қарор қабул қилиш жараёнларига кириб келиши ресурслар тақсимои, меҳнат бозори, ижтимоий ҳимоя, солиқ-бюджет сиёсати, кредитлаш ва таълим тизимларида инсон ҳаётига бевосита таъсир қилувчи янги механизмларни шакллантирмоқда. Шу боис, СИни бошқариш ва ундан фойдаланишда ахлоқий меъёрларни ишлаб чиқиш “рақамли давр адолати”ни таъминлаш учун стратегик аҳамият касб этади.

Сунъий интеллект этикаси — рақамли технологияларни яратиш, жорий этиш ва фойдаланиш жараёнларида инсон қадри-қиммати, тенглик, адолат, шаффофлик ва хавфсизликни кафолатловчи меъёрлар мажмуасидир. Унинг назарий асослари кашшоф фалсафий ғоялар, инсон ҳуқуқлари концепцияси ҳамда замонавий рақамли регуляция моделларига таянади. Хусусан, Жон Роулзнинг “адолат назарияси”даги тенг имконият ва “фарқ принципи” СИ этикасида алгорит-

мик тенгликни таъминлаш учун муҳим ғоялар сифатида қабул қилинган.

Халқаро миқёсида ЮНЕСКО, Жаҳон банки, Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD), Европа Иттифоқи (AI Act, 2024) каби ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган меъёрлар СИ этикасининг универсал стандартлари сифатида кенг эътироф этилган.²²² Уларда СИ вазиятларда бетарафлик, шаффофлик, тушунарлилик, шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш, хавфсизлик, жавобгарлик ва инсон марказийлиги каби тамойиллар белгиланган.

Сунъий интеллект ва ижтимоий-иқтисодий адолат ўртасидаги ўзаро боғлиқликнинг яна бир кўриниши алгоритмик тарафкашлик ва ижтимоий тенгсизлик хавфининг мавжудлигидир. СИ тизимларининг энг катта муаммоларидан бири – алгоритмик тарафкашлик ҳисобланади. Бу ҳолат одатда тўпланган маълумотларда мавжуд тарихий тенгсизликлар СИ моделларига кўчишидан келиб чиқади. Масалан, кредит рейтинглари, ишга қабул қилиш, тиббий диагностика, таълимга қабул қилиш, солиқ аудити каби соҳаларда СИ нотўғри маълумотлар ёки бир тарафлама датасетлар асосида қарор қабул қилса, ижтимоий адолат жиддий равишда бузилиши мумкин.

Тадқиқотлар шундан далолат берадики, СИнинг нотўғри конфигурацияси кўп ҳолларда кам таъминланган аҳоли қатламларига салбий таъсир кўрсатган. Шу боис, алгоритмлар адолат аудити (fairness audit), маълумотларни диверсификация қилиш, кескин ғаразларни (bias) камайтириш технологиялари СИ адолатининг асосий шарти ҳисобланади.

Бугунги кунда, кўплаб мамлакатларда СИ асосида камбағаллик даражасини баҳолаш, ижтимоий нафақаларни тақсимлаш ва эҳтиёжманд оилаларни аниқлаш амалиёти кенгаймоқда. Бироқ автоматлашган тизимларнинг хатолиги ижтимоий адолат билан боғлиқ янги можароларни келтириб чиқаради. Масалан, нотўғри қарорлар натижасида ҳақли фуқаролар нафақадан маҳрум бўлиши, маълумотларнинг нотўғри тўпланиши, жараёнларнинг шаффоф эмаслиги, ин-

²²² Жаҳон банки. Сунъий интеллект ва ривожланиш: Рақамли даврда инклюзивлик ва тенгликни таъминлаш. — Вашингтон: Жаҳон банки, 2022. — 140 бет.

сон мезонининг йўқолиши бунга сабаб бўлиши мумкин. Айнан шу сабабли СИ асосидаги ижтимоий ҳимоя тизимлари учун ЮНЕСКО ва Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилоти (OECD) “human-in-the-loop” – яъни инсон назоратини сақлашни мажбурий талаб сифатида белгилаган.²²³

СИ ва автоматлаштириш меҳнат бозорида янги чалленжларни келтириб чиқармоқда. ОЕСД ҳисоботлари автоматлаштиришнинг юқори даражадаги тарқалиши кўплаб паст малакавий касбларни қисқартиришини, бу эса ижтимоий тенгсизликнинг кучайишига олиб келиши мумкинлигини таъкидлайди. Шу боис СИ сиёсатида “адолатли ўтиш” (just transition) концепцияси муҳим бўлиб, у меҳнат бозорида зарар кўрувчи гуруҳларни қайта тайёрлаш, янги рақамли кўникмаларни ривожлантириш ва ижтимоий ҳимоя механизмларини кучайтиришни назарда тутати.

Рақамли этика, рақамли тенглик ва рақамли инклюзивлик ҳам ушбу йўналишда ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлашда муҳим ўрин тутати. Чунки, рақамли технологияларга тенг имкониятнинг йўқлиги инсонлар ўртасидаги мавжуд иқтисодий-ижтимоий тафовутларни кучайтириши мумкин. Инфратузилма, интернетдан фойдаланиш имконияти, рақамий саводхонлик даражаси паст бўлган жойларда СИ орқали адолатли қарор қабул қилишнинг ўзи қийин.

ЮНЕСКОнинг “Digital Inclusion Framework”и рақамли тенгликни СИ адолатига эришишнинг бош шarti сифатида белгилайди.²²⁴

Шунингдек, СИ тизимлари катта маълумотлар билан ишлаши туфайли фуқароларнинг шахсий ҳаёт дахлсизлиги, маълумотлар хавфсизлиги ва улардан фойдаланиш шартлари алоҳида этик муаммоларни келтириб чиқаради. GDPR (Европа), CCPA (Калифорния) каби қонунлар СИни қўллашда шахсий маълумотларни ҳимоялашнинг қатъий талабларини белгилайди. Мамлакатлар миқёсида бундай нормалар инсон ҳуқуқлари ва рақамли адолатни таъминлашнинг ажралмас қисми ҳисобланади.

²²³ OECD. OECD Principles on Artificial Intelligence. — Paris: OECD Publishing, 2019. — 20 p.

²²⁴ UNESCO. Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence. — Paris: UNESCO, 2021. — 44 p.

Сунъий интеллект этикаси бўйича халқаро меъёрлар ва уларнинг аҳамияти ЮНЕСКОнинг “Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence” ҳужжатида ёритилган.²²⁵ Ушбу ҳужжат СИни инсон ҳуқуқлари ва ижтимоий фаровонликни таъминлайдиган йўналишда ривожлантириш учун глобал стандарт сифатида қабул қилинган. Ундаги асосий тамойиллар:

- Адолат ва тенглик;
- Инклюзивлик;
- Инсон қадри-қиммати;
- Маълумотлар ҳимояси;
- Экологик барқарорлик;
- Жавобгарлик ҳисобланади.

ОЕСД эса СИни иқтисодий самара ва ижтимоий адолатни уйғунлаштирган ҳолда қўллаш зарурлигини таъкидлайди. Унинг асосий тамойиллари инсон марказийлиги, тушунарлик, жавобгарлик ва хавфсизлик ҳисобланади.²²⁶

EU AI Act Дунёдаги биринчи комплекс СИ қонуни ҳисобланиб, у СИни хавф даражасига кўра тартибга солишни назарда тутди. “Юқори хавфли” СИ тизимлари (credit scoring, social scoring, биометрик идентификация, тиббий диагностика) учун адолат ва хавфсизликнинг қатъий талаблари жорий этилган.²²⁷

IEEE Ethically Aligned Design – инженерлар, ишлаб чикувчилар ва СИ дизайнерлари учун этик меъёрлар мажмуаси ҳисобланади. Унда инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш ва ижтимоий фаровонликни устувор қоидалар сифатида белгилайди.²²⁸

СИ адолатини таъминлашда миллий даражада ҳам куйидаги вазифалар долзарб аҳамият касб этади:

1. Алгоритмларнинг шаффофлиги ва аудитини таъминлаш, яъни давлат қарорларида қўлланиладиган СИ тизимлари учун мажбурий адолат аудити жорий этилиши зарур.

²²⁵ UNESCO. Recommendation on the Ethics of Artificial Intelligence. — Paris: UNESCO, 2021. — 44 p.

²²⁶ OECD. OECD Principles on Artificial Intelligence. — Paris: OECD Publishing, 2019. — 20 p.

²²⁷ European Union. EU Artificial Intelligence Act. — Brussels: EU Council, 2024. — 112 p.

²²⁸ IEEE. Ethically Aligned Design. — IEEE SA, 2019. — 266 p.

2. Инсон назоратини сақлаш (human oversight), яъни ижтимоий ҳимоя, солиқ, медицина, суд ишлари каби соҳаларда СИ мустақил қарор қабул қилмаслиги керак.

3. Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш қонунчилигини кучайтириш.

4. Меҳнат бозорида рақамли трансформациянинг адолатли сценарийларини ишлаб чиқиш.

5. Этика кенгашлари ва СИ бошқарув институтларини шакллантириш.

6. Рақамли саводхонлик ва рақамли этика маданиятини ошириш.

Хулоса. Сунъий интеллект ва рақамли технологияларнинг жамият ҳаётига жадал кириб келиши ижтимоий-иқтисодий адолат муаммоларини янги босқичга кўтармоқда. СИНинг имкониятлари кенг бўлишига қарамай, нотўғри конфигурация ва назоратсизлик шароитида у мавжуд тенгсизликларни кучайтириши, ресурслар тақсимотида адолатсиз қарорлар қабул қилинишига сабаб бўлиши мумкин. Шу боис СИ этикаси бўйича халқаро стандартлар, миллий сиёсат ва илмий ёндашувлар СИ технологияларини ижтимоий адолатни таъминловчи куч сифатида шакллантиришда ҳал қилувчи ўрин тутди. Ушбу йўналишда адолат, бетарафлик, хавфсизлик, инсон марказийлиги, шахсий маълумотлар ҳимояси ва жавобгарлик тамойилларига асосланган тизимли ёндашув СИНинг барқарор ва инсоний ривожланишини таъминлашнинг ягона самарали йўли ҳисобланади.

ХУЛОСА ВА ТАКЛИФЛАР

Биз олиб борган изланишлар ва ҳар томонлама ўрганилган иқтисодий таҳлиллар натижасида қуйидаги хулосаларга келдик:

1. Ижтимоий-иқтисодий адолат мураккаб ижтимоий-иқтисодий категория бўлиб, у жамиятнинг барча аъзоларига ўзини тўла намоён қила олиши ва энг юқори самарага эришиши учун тенг имкониятлар ва шарт-шароитларнинг яратилганлиги ҳамда кафолатланганлиги даражасини билдиради. Шунингдек, ижтимоий-иқтисодий адолат иқтисодий категория сифатида – ижтимоий тақрор ишлаб чиқариш

жараёнининг барча соҳалари ва босқичларидаги ўзаро мувофиқликни, бозор иқтисодиёти шароитидаги талаб ва таклиф, қиймат қонуни каби объектив иқтисодий қонунлар ҳамда ниҳоятда нафлилик назарияси қоидаларининг кесишув нуқтасини, ишлаб чиқариш муносабатларининг ишлаб чиқарувчи кучлар ҳолатига мувофиқлиги даражасини билдирувчи нисбий тушунча бўлиб, у иқтисодий жиҳатдан жамиятдаги ишлаб чиқариш даражаси билан белгиланади. Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг иқтисодий асослари манфаатлар тизими ва мулкчилик муносабатлари билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, жамиятнинг адолатлилиқ даражаси аҳолининг турмуш даражаси, турмуш ва меҳнат шароитлари кўрсаткичларида ифодаланади.

Қолаверса, ижтимоий-иқтисодий адолат – шунчаки ахлоқий талаб эмас, балки миллий барқарорлик ва глобал фаровонлик асосидир. Зеро, тенг имкониятлар, ҳамжиҳатлик ва инсон ҳуқуқларини ҳурмат қилиш мезонлари давлатлар ва халқларнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш учун жуда муҳим. Ривожланган жамиятда адолат кишиларнинг демократик қонунлар асосида иш юриртишини тақозо этади, унда ҳар бир одам ўз меҳнати, тадбиркорлиги, ақл-заковати туфайли топган мол-мулки ҳисобига яшайди. Давлат ўз фаолиятида фуқаролар томонидан адолат қоидалари ва қонунларга амал қилинишини назорат этади, жамият аъзоларининг мол-мулки дахлсизлиги ва қонун олдида тенглигини таъминлайди.

Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг объектив ва субъектив мезонлари мавжуд бўлиб, уларни умумий ва такрор ишлаб чиқариш жараёнининг ҳар бир соҳасига хос бўлган хусусий (махсус) мезонларга ажратиш мумкин. Масалан, манфаатларнинг уйғунлаштирилганлик ёки аҳолининг турмуш даражаси, ҳуқуқ устуворлиги ва қонунийликни таъминлаш даражаси, аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизими ва даражаси, турмуш ва меҳнат шароитлари каби кўрсаткичларни умумий мезонларга киритадиган бўлсак, жамиятдаги тақсимот тизими, яъни шакллари ва усуллари ҳамда уларнинг даражаси ва нисбати; иш билан таъминланганлик ва ишсизлик даражаси; баҳолар (нарх-наво) ва иш ҳаки, энг кам даромад, реал даромадлар, “истеъмол савати”нинг энг кам миқдори

ва қиймати, ишсизлик нафақаси, ижтимоий меҳнат унумдорлиги каби кўрсаткичларни индекслаштирилганлик даражаси ва улар ўртасидаги нисбат; меҳнат тақсимооти ва ихтисослашув даражаси; меҳнат шароитларини шакллантирувчи омиллар(кўрсаткичлари)нинг меъёрий ва ҳақиқий даражаси ўртасидаги фарқ, меҳнатнинг ташкил этилганлиги ва ходимларнинг меҳнатдан қониқиши даражаси кабиларни эса хусусий мезонлар сифатида кўрсатиш мумкин. Ҳар бир иқтисодий ҳодиса ва жараёни, иқтисодий-ижтимоий муносабатларни адолат нуқтаи назаридан таҳлил қилиш учун ижтимоий-иқтисодий адолатнинг объектив ва субъектив, умумий ва хусусий (махсус) мезонларини билиш ва уларни эътиборга олиш зарур.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – ижтимоий-иқтисодий барқарорлик асосидир.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – бу дунёнинг ва инсон ҳаётининг ҳисоб-китобидир.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – рақамларда ифодаланган ҳақиқатдир.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – ҳаракатдаги аниқликдир.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – нафлилик чегараси ва манфаатлар мувозанатидир.

Ижтимоий-иқтисодий адолат таққослама-нисбий ва динамик ўзгариб, ўсиб, кенгайиб, ойдинлашиб (аниқлашиб) борадиган кўпқиррали умуминсоний тушунча(категория)дир.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – инсонларга хос бўлган хатти-ҳаракатлар, ҳолатлар ва муносабатларнинг балларда (рақамларда) ифодаланган баҳосидир. Бу баҳо ўндан бир, юздан бир ва мингдан бир аниқликкача бўлган нисбатда ифодаланиши мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – ижтимоий ҳаёт ҳодисаларининг қадр-қимматини ифодаловчи тушунча бўлиб, у иқтисодиёт, ҳуқуқ, сиёсат ва ахлоқнинг ўзаро таъсири натижаларини англатади.

Ижтимоий-иқтисодий адолат – барқарор ва инклюзив келажакнинг пойдеворидир.

Иқтисодий адолат – умумий статистик индекс бўлиб, у

нафлилик, самарадорлик, тараққиёт ва фаровонликнинг умумий индексларини ўз ичига олади.

Адолат кўрсаткичи – назариядаги, ўй-фикрдаги, сўздаги ҳолат билан амалдаги хатти-ҳаракат ва ҳолатнинг нисбатидан иборатдир (Авестонинг бош ғояси: “Эзгу ўй, эзгу сўз, эзгу амал” бирлиги). Адолат – бутун оламдаги нарса ва ҳодисалар ўртасидаги нисбатнинг меъёрий кўрсаткичидир.

Адолат даражаси – инсоннинг ҳолатини, хатти-ҳаракатини, нарсани, ҳодисани, воқеани, фаолиятни, жараёни (макон ва замонда) баҳолаш ва ҳулоса қилишдаги аниқлик даражасидир.

Ишлаб чиқаришдаги устуворлик (самарадорлик даражаси), нафлилик, меҳнатга бўлган муносабат, тақсимот ва айирбошлашдаги ривожланиш ва тараққиётни таъминловчи тенглик, эквивалентлилик, яъни ўсиб боровчи фаровонликнинг уйғунлиги адолат қонунининг талабидир.

2. Жаҳондаги юксак цивилизация йўлини тутган ҳар бир мамлакатнинг асосий мақсади ва вазифаси иқтисодий самарадорлик (шунинг асосида иқтисодий ўсиш)ни ижтимоий адолат билан уйғунлаштиришга эришишдир. Бунинг учун, бизнингча, энг аввало, иқтисодий ва ижтимоий самарадорликнинг уйғунлиги таъминланиши лозим. Иқтисодий самарадорликни аниқ кўрсаткичлар (меҳнат унумдорлиги, фонд сифими, фонд қайтими ва ҳ.к.) орқали аниқлаш мумкин. Ижтимоий самарадорликни эса бундай аниқ кўрсаткичларда ифодалаш қийинроқдир. Бизнингча, аҳолининг турмуш шароити, меҳнат шароитлари ва турмуш даражаси кўрсаткичларини ижтимоий самарадорлик кўрсаткичлари сифатида қабул қилиб, уларни иқтисодий самарадорлик кўрсаткичлари билан қўшиш ва умумий-интеграл кўрсаткичларни жорий қилиш мақсадга мувофиқдир.

Давлат иқтисодий натижа ва ютуқларини адолатли тақсимлаш орқали юқори самарадорликка ва барқарор тараққиётга эришиши мумкин.

Бозор иқтисодиёти муносабатлари шароитида шахсга қўйиладиган талаб ортиб борганлиги сабабли, кишилар илм ўрганадилар, касб эгаллайдилар, замонавий техника, технологияни ўзлаштирадилар, компьютер ёки тилни ўрганиш чораларини кўрадилар. Шу талабларга жавоб бера оладиган

инсонлар ҳаётда ўз ўринларини топиб оладилар.

3. Ижтимоий-иқтисодий адолат тушунчаси жуда серқирра ва мураккаб бўлганлиги туфайли уни рўёбга чиқариш йўллари ва усуллари ҳам серқирра, хилма-хил ва зиддиятлидир. Ижтимоий-иқтисодий адолатни қарор топтириш ва мустаҳкамлаш турли ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатлари кураши орқали амалга ошириладиган мураккаб ижтимоий жараёндир. Шунинг учун мана шу айрим манфаатлар орасидан умумийликни аниқлаш ва уларни доимо ҳисобга олиб бориш зарур.

Манфаатлар кураши нуқтаи назаридан ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг учта усулини ажратиш мумкин: биринчиси умумий усул, яъни жамият манфаатлари нуқтаи назаридан жамият миқёсида ва давлат томонидан ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш йўллари; иккинчиси хусусий усул, яъни жамоа(корпоратив) манфаатлари нуқтаи назаридан жамоа томонидан ижтимоий адолатни рўёбга чиқариш йўллари; учинчиси алоҳида(якка, хусусий) тартибда шахсий манфаатлар нуқтаи назаридан адолатни рўёбга чиқариш усули бўлиб, бунда ҳар бир киши ўзи учун, ўзининг моҳиятига мувофиқ бўлиш учун ҳаракат қилади.

Ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, жумладан, иқтисодий соҳада ҳам ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг энг асосий усулларида бири қонунийликни, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларининг кафолатларини таъминлашдан иборатдир.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг яна бир умумий усули иқтисодий ислохотлар шароитида аҳолини ижтимоий ҳимоялашнинг мукаммал механизмини (тизимини) яратишдан иборатдир. Ушбу масала бўйича бир қатор таклифлар ишнинг учинчи ва тўртинчи бобларида батафсил баён этилган.

Лекин Ўзбекистонда ижтимоий ўзини-ўзи ҳимоялаш тизими батамом йўлга тушиб кетган эмас. Боқимандалик кайфиятидан ижтимоий ҳимоя истеъмоличлари ҳам қутулишлари лозим. Фуқаролар эндиликда ўзларини-ўзи таъминлаш усулига ўтишлари керак. Ўзбекистонда хусусий мулкчиликнинг қарор топиши бу соҳада қатъий ўзгаришлар бўлишига олиб келиши зарур. Шуниси ҳам муҳимки, ижтимоий ҳимояни

доимий жараён сифатида тушунмаслик лозим. Акс ҳолда боқимандалик кайфияти баттар кучайиши мумкин. Ижтимоий ҳимоя айрим фуқаролар учун имконият, холос. Ҳар қандай шароитда ижтимоий ёрдам жамият аъзолари учун имтиёзга айланмаслиги лозим. Бу ўринда жамиятнинг ўзини-ўзи ижтимоий ҳимоялаш тизимига ўта боришини таъминлаш учун ушбу тадбирларни амалга ошириш лозим:

- фуқаролик жамияти институтлари, яъни нодавлат, ноҳукумат ташкилотлар, жамғармалар, уюшмалар ва турли шаклдаги мулк эгаси бўлган ташкилотларнинг моддий аҳволини яхшилашни қўллаб-қувватлаш;

- барча турдаги корхоналар, муассасалар ва уюшмаларни замон талабига жавоб берадиган кадрлар ва айниқса иқтисодчи, ҳуқуқшунос, психолог ва социолог мутахассислар билан таъминлашга алоҳида эътибор бериш лозим;

- ижтимоий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш орқали ижтимоий ҳимоя тизимида иқтисодий муҳофазаланишни аста-секин ижтимоий фондлар ва тадбиркорлик субъектлари зиммасига ўтказиб бориш керак. Бундай ҳолатда одамларни ижтимоий муҳофазалашнинг таъсирчан воситаси юзага келади;

- ижтимоий муҳофазалашда боқимандалик, масъулиятсизлик, бефарқлик сингари иллатларга барҳам берувчи таъсирчан восита ва усулларни топиш ва ҳаётга жорий эта бориш талаб этилади.

Тарихий тараққиётнинг ушбу босқичида шаклланган жамият “истеъмолчи жамияти” деб ҳам аталади, аммо бу чексиз истеъмол модели доирасида ҳақиқий тараққиётга эришиш мумкин эмас. Ва инсоният танлов қилиши керак: маълум бир ўртача истеъмол даражасида узоқ муддатли мувозанат мавжудлиги ёки баъзилар учун мувозанатсиз, аммо бой дунё, бошқалари учун эса жуда қаттиқ чекловларни танлаши зарур. Уларнинг манфаатлари ва мақсадлари ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмайди – ҳатто ижтимоий аҳамиятга эга мақсадларни белгилашда ҳам. Ижтимоий-иқтисодий адолатни излаш аслида манфаатлар қарама-қарши бўлган жамиятда келишув ва консенсус излашдир. Шу билан бирга, ушбу консенсусга эришиш учун ҳокимият фойдаланиши мумкин бўлган мажбурлаш усулларининг роли инкор этил-

майди. Зеро, давлат ва жамият, жамият ва шахс, турли ижтимоий қатламлар, синфлар, гуруҳлар вакиллари ўртасида ижтимоий-иқтисодий адолат нима эканлиги тўғрисида ўзаро тушунишга эришилган тақдирдагина жамиятда умумий барқарорликка эришиш мумкин.

Ижтимоий-иқтисодий адолатни рўёбга чиқаришнинг яна бир усули сифатида жамиятдаги очиқлик ва ошкоралик, аҳолини ахборот (информация) билан таъминлашни яхшилаш, ҳар қандай ижобий, адолатли ғоя ва ҳаракат дастурларининг мазмунини халққа кенгроқ ёритиб бериш, уларнинг билим даражасини, айниқса иқтисодий билим ва маданият даражасини оширишни таъминлашни кўрсатиш мумкин. Ҳар ким ўзи томонидан адолатни рўёбга чиқаришнинг ҳам асосий йўли чуқур билим ва маълумотга эга бўлиш ва шулар асосида самарали фаолият кўрсатишдир.

“Олий қадрият бу — инсон. Унинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳар бир шахснинг кадр-қимматини эъзозлаш эркин ва адолатли жамиятнинг ажралмас хусусиятидир”.

Юқорида келтирилган илмий-назарий хулосалар қуйидаги амалий таклиф ва тавсияларни илгари суриш имконини беради:

1) Иқтисодиёт ва бутун жамиятнинг барқарор ривожланишида мулккий муносабатлардаги адолатлилик асосий ўрин тутди. Бозор иқтисодиёти шароитида мулккий адолат муаммоси мулк ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ресурсларни қайта тақсимлаш ва ижтимоий кафолатларни таъминлашни ўзида мужассам этган комплекс ёндашувни тақозо этади.

2) Тадбиркорлар ва фуқароларнинг мулк ҳуқуқини кафолатлаш мақсадида “Мулк ҳуқуқи презумпцияси”ни жорий қилиш, мулк эгаси унинг мулкдор эмаслиги исботланмагунча ушбу мулкнинг мулкдори ҳисобланиши ва мулкка эгаллик қилувчи давлат органининг ҳужжатига ишониб ҳаракат қилган инсофли эгалловчидан мулкни қайтариб олиш таъқиқланиши қонунчиликда белгиланиши керак;

3) Меҳнат қонунчилиги устуворлигига эришиш, ходимни эксплуатация қилишга йўл қўймаслик механизмларини ҳамда “Иш ҳақи минимуми”, “Яшаш минимуми” каби тушунчаларнинг қонуний асосларини янада такомиллаштириш керак...

4) Жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари “Тўртинчи саноат инқилоби” оstonасида турган бир пайтда мамлакат рақобатбардошлигини таъминлаш, сервис ва инновацион иқтисодиётга ўтишга кўмаклашиш, бу борада давлат-хусусий шерикчилигини такомиллаштириш, кичик инновацион компанияларни қўллаб-қувватлаш, молиявий ва бошқа ресурсларни инновацион лойиҳаларга сарфловчи хусусий инвесторлар фаолияти ва “стартап”лар учун қулай шарт-шароитни яратишга кўмаклашиш мақсадида “венчур корхоналар ва жамғармалар”, “бизнес фаришталар” тўғрисидаги қонунчилиқни такомиллаштириш в.б.

5) “Рақамли ва ахборот жамияти” шаклланиши шароитида жамият ва давлат бошқаруви барқарорлигини таъминлаш, давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолиятининг очиқлиги ва шаффофлиги, миллий ахборот саноатини ва инфратузилмасини, ахборот ресурслари ва технологияларини янада ривожлантириш, ушбу соҳада давлат-хусусий шерикликни амалга ошириш учун қулай шарт-шароитларни яратиш бўйича дастурларни қабул қилиш в.б. Ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлашга хизмат қилувчи воситалардан бири бўлган ижтимоий хизматларни рақамлаштириш орқали шаффофликни ошириш, ушбу жараёнда ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда ижтимоий хизматларни онлайн тақдим этиш кутилган натижани берувчи механизм ҳисобланади.

6) Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўзига хос миллий моделини амалга оширишда адолат тамойилларини қарор топтиришнинг махсус дастурларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш зарур.

7) Жамиятда ижтимоий-иқтисодий адолатнинг даражасини аниқловчи индикаторларни ишлаб чиқиш, бунда статистик маълумотлар, социологик сўровномалар, тегишли органларнинг ҳисоботларидан максимал даражада фойдаланиш мавжуд муаммоларни тезкор аниқлаш, давлатнинг ижтимоий-иқтисодий сиёсати самарадорлигини баҳолаш имконини беради.

8) Жамият ҳаётининг барча соҳаларида ижтимоий-иқтисодий адолатни руёбга чиқариш ва барқарор ривожланишни таъминлаш мақсадида “Ижтимоий-иқтисодий адолат

ва барқарор ривожланиш илмий тадқиқот маркази”ни ташкил қилиш ва унинг фаолиятини ушбу соҳадаги “Ақл маркази” сифатида йўлга қўйиш.

9) “Адолатли ривожланиш масалалари” мавзусида доимий илмий-амалий семинар фаолиятини йўлга қўйиш ва уни тизимли ташкил қилиш.

10) Диссертациядаги фикр, хулоса ва тавсиялар асосида “Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси)” мавзуси бўйича маърузалар ва машғулотлар дастурини ишлаб чиқиш ва бу борада турли учрашувлар, давра суҳбатларини мунтазам ташкил қилиш.

11) “Адолат назарияси (адолатли жамият қоидалари) ва адолатлилик маданияти” номли ўқув курсини мактаб, лицей ва коллежларни битирувчилар учун жорий қилиш мақсадга мувофиқ бўлади, деб ўйлаймиз.

12) “Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси)” номли китобальбомни тайёрлаш ва уни кенг тарқалишини таъминлаш.

13) 2030 йилгача бўлган даврда БМТ Глобал кун тартибининг Барқарор ривожланиш мақсадлари, хусусан, 2030 йилгача бўлган даврда барқарор ривожланиш соҳасидаги Миллий мақсад ва вазифалар ижросини таъминлашнинг ҳуқуқий асосларини ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш вазифалари.

14) Глобал адолат кодексини жорий қилиш. Ушбу кодекс инсон ҳуқуқлари, экологик адолат, иқтисодий тенглик ва ижтимоий фаровонликни таъминлашга йўналтирилган умумжаҳон принципи (қоидаси) бўлиб, у орқали жаҳон миқёсида барқарорлик, хавфсизлик, ҳурмат ва бирдамликни таъминлаш мумкин. Глобал адолат кодекси, шунингдек, барча давлатлар ва одамлар учун тенг имкониятларни, ҳимоя ва адолатли тақсимотни таъминлайди.

15) Глобал адолат индексини аниқлаш мамлакатлар орасида адолатни, тенгликни, инсон ҳуқуқларини, иқтисодий ва ижтимоий тараққиётни ҳамда экологик хавфсизликни баҳолашда муҳим восита ҳисобланади. У жаҳон бўйлаб адолатни рағбатлантириш ва барқарор ривожланишга йўналтирилган глобал чораларни қабул қилиш учун муҳим маълумот

манбаи бўлиб хизмат қилади. Глобал миқёсда барча учун хавфсиз, фойдаланиш мумкин бўлган рақамли технологиялар билан таъминлаш механизмини жорий қилиш ҳамда жаҳон хўжалигида ривожланаётган давлатлар имкониятларини кенгайтириш мақсадида халқаро молия тизимини ислоҳ қилиш.

16) Бугун дунё шиддат билан ривожланаётганлигини, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ҳам тезлашиб бораётганлигини ҳисобга олган ҳолда келажакни режалаштириш барқарор ривожланишнинг асосини ташкил этади. Ҳозирги глобаллашув даврида дунё, минтақа, давлат ёки иқтисодиёт соҳалари миқёсидаги йирик муаммолар (экологик, ижтимоий-иқтисодий, технологик, сиёсий ва б.) ечимига оид стратегик режалар, йўл хариталари ва концепциялар ишлаб чиқишда Форсайт методларидан фойдаланиш энг самарали ва мақбул вариант ҳисобланади.

Форсайт – келажакни фаол башоратлаш, кўра билиш орқали иқтисодиёт, фан, бизнес ва бошқа соҳаларнинг истиқболли ривожланиш стратегиясини асосли яратиш демакдир. Форсайт асосида ривожланишнинг узоқ муддатли (5 йилдан 30 йилгача) ривожланиш дастури ёки концепцияси қисқа муддатли аниқ далилларга асосланган маълумотлар асосида яратилади, яъни келажак стратегияси аниқ, юқори даражадаги далиллар асосида режалаштирилади.

17) Уруш ва зўравонликлар, мамлакатлар ўртасидаги низоларга сабаб бўлаётганлар учун, қуролланишга сарфланаётган маблағлар учун, табиатни ифлослантираётганлар, монополист ва коррупционерлар, ҳар қандай адолатсизлик ҳолатлари (жумладан, икки хил (томонлама) стандартлар) учун ... профилактик иқтисодий санкциялар механизмини жорий қилиш (бунда Демократия ниқоби остидаги найранглар ва икки томонлама стандартларни аниқлаш (фош қилиш) формуласи қўлланилиши керак) ҳамда ушбу санкциялар орқали йиғиладиган маблағлардан глобал адолат фондини шакллантириш керак. БМТ ҳузуридаги Глобал адолат фонди маблағлари ҳисобидан энг ночор ва муҳтож аҳоли қатламларини ҳамда адолатсизлик қурбони бўлаётган қолоқ мамлакатларни қўллаб-қувватлаш тизими жорий этилиши лозим.

Бугунги кунда кўпчилик олимлар томонидан таклиф этилаётган ғоялар давлат бошқарувида ахлоқий мезонларни мустаҳкамлаш ва ижтимоий муносабатларни тартибга солишда муҳим методологик манба вазифасини бажаради. Шу билан бирга, бу назариялар жамиятда адолатни қарор топтиришнинг фақат ахлоқий тарбия ва маънавий юксакликка эришишга асосланиши етарли эмаслигини ҳам кўрсатади. Ҳақиқатда, адолатли жамият қуриш учун нафақат ахлоқий мезонлар, балки тизимли институционал чора-тадбирлар ҳам зарурдир.

Мазкур таклиф ва тавсиялар давлатнинг ижтимоий-иқтисодий адолатни таъминлаш йўналишидаги механизмларини такомиллаштириш, унинг институционал асосларни яратиш, қарорлар қабул қилиш жараёнида ижтимоий-иқтисодий таъсирни ҳисобга олиш ва жамиятнинг барча қатламлари иштирокини таъминлашда муайян манба бўлиб хизмат қилади.

Умуман олганда, диссертацияда таклиф этилган чора-тадбирларни амалга ошириш, изчил ва жадал ривожланиб борадиган, келажаги порлоқ демократик давлатни, кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришга ҳамда аҳоли фаровонлиги, жамият ва давлатнинг барқарор ривожланишини таъминлашга хизмат қилади, деб ўйлаймиз.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР ВА МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017, 2018, 2019. – 488 б.

2. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2-нашри, 2018, 2020. – 508 б.

4. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Нияти улуг халқнинг иши ҳам улуг, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев, Шавкат Миромонович. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. – Тошкент: “Ўзбекистон” НМИУ, 2020. – 456 б.

6. Мирзиёев Ш.М. Янгиланган Ўзбекистон – тараққиёт ва ислохотлар йўли. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2021. – 352 б.

7. Шавкат Мирзиёев. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегияси. Тўлдирилган иккинчи наشري. – Тошкент: “O’ZBEKISTON” наشريёти, 2023. – 440 б.

8. Ҳозирги замон ва Янги Ўзбекистон [Матн] / Ш.М.Мирзиёев. – Тошкент: “Ўзбекистон” наشريёти, 2024. – 555 б.

9. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Конституциявий комиссия аъзолари билан учрашувдаги нутқи. https://uza.uz/posts/konstituciya-viy-islohotlarimizning-bosh-maq-sadi-inson-qadri-xalq-manfaatini-amalda-taminlashdir_383081.

10. Шавкат Мирзиёев. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 8 февралда ижтимоий масалларга бағишланган селектор йиғилишидаги нутқи. <https://president.uz/uz/lists/view/7008>

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон Фармони. <https://lex.uz/docs/5841063>

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ-158-сонли “Ўзбекистон – 2030” стратегияси тўғрисида”ги Фармони // - www.lex.uz.

13. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. [Матн]: расмий нашр. – Тошкент: “O’ZBEKISTON” нашриёти, 2023. – 128 б.

14. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура: Нутқлар, мақолалар, суҳбатлар. – Т.: “Ўзбекистон”, 1993. – 261 б.

15. И.А.Каримов. Ўзбекистон – бозор муносабатларига ўтишнинг ўзига хос йўли. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 1993. 51-бет

16. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 1994. 299 б.

17. Каримов И.А. Адолат, Ватан ва халқ манфаати ҳар нарсадан улуғ. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил.

18. Каримов И.А. Адолатли жамият сари. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 1998 йил. – 160 б.

19. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг (Билим саодати) /Абдулхамид Пардаев табдили. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2019. 635 б.

20. Темур тузуклари / Таҳрир ҳайъати: Б.Абдуҳалимов ва бошқ., Форсча матндан А.Соғуний ва Ҳ.Кароматов тарж. – Тошкент. “Ўзбекистон” нашриёти, 2011 йил. – 184 б.

21. Amir Temur o‘g‘itlari: [to‘plam] Tuzuvchilar: B. Axmedov, A. Aminov. – T.: Navro‘z, 1992. – 236 bet.

22. Абдулазиз Мансур. Қуръони карим маъноларининг таржимаси. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2009.

23. Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик / Асқар Маҳкам таржимаси. – Тошкент: “Шарқ”, 2001. 338 б.

24. Абдулҳай Абдурахмонов. Саодатга элтувчи билим. Тошкент. “Мовароуннаҳр” нашриёти. 2001 й.

25. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий.

Ҳадис (ал-жомий ас-саҳиҳ). Қомуслар бош таҳририяти. Тошкент, 1997 й.

26. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Тошкент. Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993 й.; Фозил одамлар шаҳри. Абу Наср Форобий: 2-нашр. –Т.: "Ўзбекистон миллий энциклопедияси" Давлат илмий нашриёти, 2012.

27. Беруний Абу Райҳон. Қадимги халқлардан қолган ёд-горликлар. – Т.: "Ўзбекистон", 2023.

28. Ватан туйғуси /А.Иброҳимов, Х.Султонов, Н.Жўраев. – Т.: "Ўзбекистон", 1996. – 396 б.

29. Навоий, Алишер. "Садди Искандарий": /Насрий баёни билан/. /Таҳрир ҳайъати А.Қаюмов ва бошқ.: Масъул муҳаррир К.Тоҳиров. – Т.: Фафур Фулом номидаги нашриёт-матбаа бирл., 1991. - 83- б.

30. Навоий, Алишер. Мукаммал асарлар тўплами: 20 томлик./[Таҳрир ҳайъати: К.Яшин ва бошқ; П. Шамсиев илмий-танқидий тексти асосида дostonни изоҳлар билан нашрга тайёрловчилар: А. Ҳайитметов. И. Ҳаққулов; Масъул муҳаррир: Ё. Исҳоқов]. Т. 7, Хамса: Хайратул-аброр. – Т.: "Фан", 1991. 392 б.

31. Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Ҳозирги ўзбек тилига табдил қилганлар: Ваҳоб Раҳмонов, Каромат Муллаҳўжаева. – Тошкент: "O'ZBEKISTON" НМИУ, 2019. – 440 б.

32. Низомулмулк. Сиёсатнома (Сияр ул-мулк). Иккинчи тўлдирилган, қайта ишланган наشري. – Т.: "Янги аср авлоди", 2010. – 239 б.

33. Ўлмасов А., Ваҳобов А. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: "Иқтисод-Молия", 2014.

O'Imasov A., Vaxobov A.V., Iqtisodiyot nazariyasi. Darslik – Т.: Iqtisod-moliya, 2014.

34. Ш.Шодмонов, М.Рахматов. Иқтисодиёт назарияси: Дарслик. – Т.: "Замин нашр", 2021. – 856 б.

35. Bekmurodov A.Sh., G'afurov U.V. O'zbekiston iqtisodiyotini modernizatsiyalash – Т.: Iqtisodiyot, 2008.

36. Nazarova G.G'., Salixova N.M. Jahon iqtisodiyotining globalashuvi. TDIU, 2011.

37. Абулқосимов Ҳ.П., Абулқосимов М.Ҳ. Иқтисодий хавфсизлик: назария ва амалиёт. Ўқув қўлланма.-Т.: “Ноширлик ёғдуси”, 2019. – 485 бет.

38. Қ.Абдурахмонов. Меҳнат иқтисодиёти ва социологияси. Дарслик. – Т.: “Фан ва технология”, 2012 йил, 388 бет.

39. Абдуллаев Р.В., Дусанов С.М. Ислом иқтисодиётида молиявий муносабатлар. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2007. – 95 б.

40. Ҳусайн Воиз Кошифий. Ахлоқи Муҳсиний. – Тошкент: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2010 йил.

41. Назаров Қиём. Жаҳон фалсафаси қомуси. 1 ва 2 жилдлар –Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, “Маънавият” нашриёти, 2019.

42. Жалолиддин Румий, “Ичингдаги ичингдадир”. - Т.: “Ўзбекистон” нашриёти, 2. 2014 – йил. 38- бет.

43. Азаматов М., Рахмонов В. Ҳикматлар гулдастаси. - Тошкент. Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1982 йил.

44. Воронцов В. Тафаккур гулшани. Ш.Абдураззоқова таржимаси. – Тошкент. “Адабиёт ва санъат” нашриёти, 1989 йил.

45. “Мухтасар” (шариат қонунларига қисқача шарҳ) Тошкент. “Чўлпон” нашриёти, 1994 й.

46. Конфуций. Философия жизни. “Просвещение”. М., 2016, - 304 с.

47. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент. Дарслик. Тошкент “Ўқитувчи” 2001 й.

48. 14. Мавжуда Ражабова. Ҳуқуқ ва адолат: ўтмиш, бугун, истиқбол. – Тошкент: “YURIST – MEDIA MARKAZI” нашриёти, 2009. – 416 б.

49. Тўраев Б.О. ва бошқ. Синергетика-3: маънавий мерос. – Тошкент: “FAN ZIYOSI” нашриёти, 2024 й. – 473 б.

50. Daron Ajemo‘g‘li, Jeyms A. Robinson. Mamlakatlar tanazzuli sabablari: qudrat, farovonlik va kambag‘allik manbalari. Toshkent: “Asaxiy books” MChJ, “Nihol” nashriyoti, 2023. 676 bet.

51. Афлотун. Давлат: насрий дoston / Таржимон Урфон Отажон. Масъул муҳаррир Шомуҳиддин Мансуров. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2024. – 505 бет.

52. Афлотун. “Қонунлар”. “Янги аср авлоди”, 2008. – 450 бет.

53. Арасту. Ахлоқи кабир. Таржимонлар Зоҳир Аълам ва Урфон Отажон. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2024 йил. 155-бет.

54. Цицерон. Нотиқлик санъати / Таржимон Урфон Отажон. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, 2024 йил. – 528 б.

55. Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Муқаддима (иккинчи жуз) [Матн] тарихий Абдуррахмон ибн Муҳаммад ибн Халдун. Тошкент, “TRUST AND SUPPORT” нашриёти, 2025. – 440 б.

56. Сулаймонова Ф. Зардуштийлик дини ва юнон фалсафаси. Авесто ва унинг инсоният тараққиётидаги ўрни. Т. “Фан”, 2001.

57. Исмоил Саифназаров: Прагматизм – Янги Ўзбекистон тараққиётининг фалсафаси сифатида. / Монография. – Тошкент, “ОЛТИН ҚАЛАМ НАШРИЁТИ” 2023. – 167 б.

58. А.Ж.Холбеков, Т.Б.Матибоев. Ижтимоий адолат ва демократия: барқарор тараққиёт йўлида. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2004. – 186 б.

59. Саидов А. Жаҳон конституциялари ва ШХТга аъзо давлатларнинг конституциялари. – Т.: 2022 йил...

60. Сафоев С.С. Марказий Осиёдаги геосиёсат. Тошкент. 2005 йил. – 160 бет.

61. Пардаев М. Иқтисодиётга доир атамаларнинг таърифлари. Т. “Фан ва технологиялар” нашриёти”, 2022.

62. Юсупов Р.А., Топилдиев С.Р., Ганиев Б.З. Глобал иқтисодий ривожланиш. Ўқув қўлланма. – Тошкент. Иқтисод, 2019. – 170 б.

63. Иқтисодий трансформация назариялари. (Муаллифлар: Д.Қ.Ахмедов, Г.Э.Захидов, Б.Д.Хаджиев, Қ.Қ.Мамбетжанов). Т.: LESSON PRESS 2019 йил. – 294 бет.

64. Жалолдинова М.А. Янги Ўзбекистон: Ижтимоий ҳимоя ривож, ислом ҳуқуқи жиҳатидан талқини. – Тошкент: Фан, 2021.

65. Ибн Сина. Избранные философские произведения. – М., 1980. – 456 с.
66. Ролз Дж. Теория справедливости. – М.: Новое издательство, 2020. – 536 с.
67. Сен А. Развитие как свобода. – М.: Логос, 2017. – 416 с.
68. Маркс К. Капитал. – М.: Политиздат, 1983.
69. Гегель Г. Наука логики. – Москва. “Мысль”, 1961.
70. Гэлбрейт Д. Экономические теории и цели общества. – Москва. Прогресс, 1976.
71. Давидович В.Е. Социальная справедливость: идеал и принцип деятельности. – Москва: Политиздат, 1989. – 255 с.
72. Заславская Т.И. Социальные ориентиры обновления: общество и человек. – М.: Политиздат, 1990. – 448 с.
73. Дж.М.Кейнс. Общая теория занятости, процента и денег. Москва, Издательство “Прогресс”, 1978.
74. Ламперт Х. Социальная рыночная экономика. Германский путь. – Москва: Дело, 1993. – 224 с.;
75. Всемирная история экономической мысли. /в 6-томах/ Том 1. – Москва “Мысль”, 1987.
76. Всемирная история экономической мысли. /в 6-томах/ том 2. – Москва. “Мысль”, 1988.
77. Кэмпбелл Р. Макконнелл, Стэнли Л. Брю. Экономикс. Принципы, проблемы и политика. /в двух томах/. Москва, Издательство «Республика» 1992.
78. Али Ҳасанов. ГЕОСИЁСАТ. Бобоҳон М.Шариф, тарж. Тошкент, “TAMADDUN” 2016. – 496 б.
79. К.Маркс. Заработная плата, цена и прибыль. Наемный труд и капитал. – Москва, Политиздат. 1990.
80. К.Маркс, Ф.Энгельс, В.И.Ленин о социальной справедливости. – М.: Политиздат, 1987.
81. Пигу А. Экономическая теория благосостояния. В

двух томах. Москва, “Экономика”, 1984/85.

82. П.Самуэльсон. Экономика. /в двух томах/. Том 1, 2. Москва МГП “Алгон” ВНИИСИ 1992.

83. Смит А. Исследование о природе и причинах богатства народов. – М.: Эксмо, 2007. – 960 с.

84. Социальная справедливость: пути реализации. Ташкент, “Фан”, 1990. /под редак. Х.А.Шайхова/.

85. Ульмасов А.У. и др. Экономические условия преодоления существенных различий между городом и деревней. – Ташкент. Издательство “Фан”. 1991.

86. Эклунд К. Эффективная экономика. Шведская модель: – М.: Экономика, 1991. – 349 с.;

87. Энгельс Ф. Справедливая заработная плата за справедливый рабочий день. – Маркс К., Энгельс Ф. Соч., Т.19, 255-258 стр.;

88. Фишер С., Дорнбуш Р., Шмалензи Р. Экономика: Пер. с англ. со 2-го изд. – М: Дело, 1997. – 864 с.

89. Энтони Гидденс. Социология. – Тошкент. “Шарқ”, 2002 йил.

90. Фуломов С.С. Менежмент (Бошқарув санъати, назарияси ва амалиёти). Тошкент 2002 й.

91. Инсон ҳуқуқлари тўғрисида халқаро билль. Инсон ҳуқуқлари: Тошкент. “Адолат” нашриёти, 1992 й.

92. Красиков В.И. Глобальная справедливость: основные концептуализации. Век глобализации 1/2023 3–16.

93. Справедливая глобализация: создание возможностей для всех. Всемирная комиссия по социальным аспектам глобализации. ISBN 92-2-415426-3. Первое издание, 2004 год.

94. Джон Перкинс. Исповедь экономического убийцы. “Претекст”. 2004.

95. Глобализация и справедливость: Сб. Статей / Под ред. Н.С.Кирабаева, В.И.Юртаева. – М.:РУДН, 2007. 484 с.

96. Экономическая теория: Учебник для студентов высших учебных заведений // Колл. авт.: К.Абдурахманов и др./ – Т.: “Шарқ”, 1999. – 640 с.

97. Доклад о мировом развитии 2006 года. Справедливость и развитие. Пер. С англ. – М.: Издательство “Весь Мир”, 2006. – 312 с.

98. Фридман М. Капитализм и свобода. – М.: Новое время, 2020. – 256 с.

99. Маркс К., Энгельс Ф. Избранные произведения. Т.1. – М.: Политиздат, 1986. – 541 с.

100. Сиддики М.Н. Этика и экономика в исламе. – Ташкент: ИСМИ, 2015. – 224 б.

101. Марк Блауг. Экономическая мысль в ретроспективе. Пер. С англ., 4-е изд. – М.: “Дело Лтд”, 1994. – 720 с.

102. Сен А. Идея справедливости / пер. с англ. – М.: Новое издательство, 2010. – 504 с.

103. Глобализация мирового хозяйства: Учеб. Пособие / Под ред. д-ра экон. наук, проф. М.Н.Осьмовой, канд. экон. наук, доц. А.В.Бойченко. – М.: ИНФРА-М, 2010. – 376 с.

104. Канарш Г.Ю. Социальная справедливость: философские концепции и российская ситуация: монография / Г.Ю.Канарш. М.: Изд-во Моск. Гуманит. ун-та, 2011. – 236 с.

Internet ахборот манбалари

www.lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

www.gov.uz – Ўзбекистон Республикаси ҳукумат портали.

www.stat.uz – Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитаси расмий сайти.

www.mf.uz – Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги расмий сайти.

www.cbu.uz – Ўзбекистон Республикаси Марказий банки расмий сайти.

<https://uza.uz/uz> – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги расмий сайти.

<https://www.un.org/> – БМТнинг расмий сайти.

<http://www.worldbank.org/> – Жаҳон банкининг расмий сайти.

<https://www.ilo.org/> – Халқаро меҳнат ташкилотининг расмий сайти.

UN Sustainable Development Goals: <https://sdgs.un.org/>.

UN Economic and Social Council (ECOSOC): <https://www.un.org/en/ecosoc/>.

UN Digital Library: <https://digitallibrary.un.org/>.

UN Data: <https://data.un.org/>.

<https://openknowledge.worldbank.org/handle/10986/21938>

- Доклад о мировом развитии (WDR).

<https://hdr.undp.org/> – Доклад о человеческом развитии (HDR).

<https://unstats.un.org/sdgs/report/2023/> – Доклад о прогрессе в области Целей устойчивого развития.

www.isbuk.ru <http://en.wikipedia.org>

ГАЗЕТА ВА ЖУРНАЛЛАРДАГИ МАҚОЛАЛАР

1. Фарҳод Толипов. Марказий Осиё минтақавий интеграция концепцияси, модели ва динамикаси. “Ватан” ижтимоий-сиёсий, илмий-маърифий журнали. 2024 йил. 1-сон. 39-бет.

2. Исмоил Саифназаров, & Сирожбек Ҳабибуллаевич Султанов (2022). ИЖТИМОИЙ АДОЛАТНИ МУСТАҲКАМЛАШДА ИЖТИМОИЙ ТАДБИРКОРЛИКНИ УСТУВОР ЖИҲАТЛАРИ. Academic research in educational sciences, 3 (TSTU Conference 1), 71-76.

3. Тешабоев, М. (2023). IJTIMOIIY ADOLATNI TA'MINLASHNING PRINSIPIAL MASALALARI. Ижтимоий-гуманитар фанларнинг долзарб муаммолари/Актуальные проблемы социально-гуманитарных наук/Actual Problems of Humanities and Social Sciences., 3(8).

4. Пулатов Д. Узбекистан на пути к устойчивому развитию и зелёной экономике //Справочник финансового работника, 2021. – №07 (115). – С.71- 76.

5. Абдуллаев Н.М. Иқтисодий ислохотлар ва бозор иқтисодиётида давлатнинг ролини қайта кўриб чиқиш // Иқтисод ва молия. – 2020. – №6. – Б. 15–21.

6. Хасанова З.Р. Иқтисодий ислохотлар ва адолат масалалари. // Иқтисод ва молия. – 2019. – №5. – Б. 13–18.

7. Шарипов Н. Ижтимоий ҳимоя ва адолат масалалари. // Тараққиёт иқтисодиёти. – 2021. – №4. – Б. 22–28.

8. Деҳқонов Ф.Т. Қайта тақсимлаш механизмларида адолат принциплари. // Молия ва иқтисод. – 2022. – №2. – Б. 10–17.

9. Мансуров А.А. Адолат ва иқтисод: назарий асослар ва амалиёт. // Иқтисодий таҳлил журнали. – 2022. – №2. – Б. 44–50.



МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб. Ижтимоий-иқтисодий адолатнинг илмий-назарий асослари	14
1.1. Ижтимоий-иқтисодий адолат ғояларининг пайдо бўлиши ва ривожланиши босқичлари: ретроспектив ва қиёсий таҳлил	14
1.2. Адолат классификатори ва таснифлагичи.....	45
1.3. Ижтимоий-иқтисодий адолат концепциялари ва қоидаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни ўрганиш методологияси	61
1.4. Адолат тарозисининг миқдорий мезонларини ўлчаш усуллари	74
II боб. Бозор иқтисодиёти шароитида адолат тамоийилларининг намоён бўлиш хусусиятлари	90
2.1. Мулкчилик муносабатлари тизимида ижтимоий- иқтисодий адолат қоидалари ва мезонлари	90
2.2. Тақсимот ва айирбошлаш жараёнида адолат қоидалари ва мезонлари. Аҳоли даромади бўйича табақаланиш (бойлик, камбағаллик...) ва адолат	111
2.3. Истеъмол ва жамғариш, инвестициялар соҳасидаги адолат қоидалари ва уларни таъминлаш (амалга ошириш) механизмлари	134
III боб. Иқтисодий трансформация шароитида адолатлиликни таъминлаш масалалари	144
3.1. Иқтисодий трансформация шароитида адолат тамоийиллари ва уларнинг амал қилиш хусусиятлари	144
3.2. Ишлаб чиқариш – меҳнат муносабатлари тизими- да ижтимоий-иқтисодий адолат қоидалари ва технология инқилоблари шароитида уларни амалга ошириш механизмлари (йўллари).....	158

3.3. Иқтисодий трансформация шароитида ижтимоий-иқтисодий адолат тамойилларининг амал қилиши ва аҳоли томонидан қабул қилиниши	185
--	-----

IV боб. Ижтимоий-иқтисодий адолатни амалга ошириш механизми (йўллари ва усуллари) ва устувор йўналишлари	208
---	------------

4.1. Ижтимоий-иқтисодий адолатни амалга оширишнинг усуллари ва асосий йўналишлари.....	208
--	-----

4.2. Янги Ўзбекистоннинг ижтимоий давлат ва адолатли жамият модели (концепцияси).....	222
---	-----

4.3. Глобал адолат кодекси ва рейтингини (индексини) жорий қилишнинг зарурлиги, моҳияти ва йўллари. Адолатли дунё модели.....	249
---	-----

4.4. Сунъий интеллект ва ижтимоий-иқтисодий адолат меъёрлари	272
--	-----

Хулоса ва таклифлар	280
---------------------------	-----

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати рўйхати....	291
--	-----

Иловалар	300
----------------	-----

АЛИМОВ НАСИМЖОН ҲОШИМОВИЧ

**АДОЛАТЛИ
ЖАМИЯТ ҚУРИШ
НАЗАРИЯСИ ВА
АМАЛИЁТИ**

Муҳаррир: Норқобил ЖАЛИЛОВ
Мусахҳиҳ: Ориф Тинибеков
Техник муҳаррир: Маъруф Раҳмонов

Босишга рухсат этилди: 2026 йил 15 январь
Бичими: 60×84 1/16. Офсет босма.
Босма табағи: 19,5. Адади: 300 нусха. Буюртма: 43
Баҳоси келишилган нархда.

Нашриёт манзили:
«XXI ASR MEDIYA -
NASHRIYOT MATBAA UYI» МЧЖ,
Тошкент шаҳри, Мунис кўчаси, 50-А уй.